



Михаил Шолохов

---

ИНСОН ТАҚДИРИ



ЎНКОБТАР

ТОШКЕНТ

Рафур Бунёдкорнинг «Адабиёт ва санъат» нашрияти  
1988

**«Жаҳон адабиёти дурдоналари»  
сериясининг таҳрир хайъати**

---

**Комил Яшин**

**Зулфия**

**Эркин Воҳидов**

**Одил Ёқубов**

**Қодир Мирмуҳамедов**

**Асқад Мухтор'**

**Ғайбулла Саломов**

**Рубен Сафаров**

**Озод Шарафиддинов**

**Бобоҳон Шарипов**

**Матёқуб Қўшжонов**

4702010200 — 75

Ш ————— 95—88

M352(04) — 88

ISBN 5—635—00073—8.



Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР Давлат мукофотининг лауреати, адабий ижодий фаолияти учун халқаро Нобель мукофотини олишга сазовор бўлган Михаил Александрович Шолохов социалистик реализм адабиётининг энг йирик намояндаларидан биридир. У бутун ижодий фаолияти давомида ҳамиша ўз санъати билан совет халқига, Коммунистик партияга, социалистик тузумга хизмат қилди. Унинг «Тинч Дон» эпопеяси ватанимизда гражданлар уруши манзараларини ёрқин бадиий лавҳаларда акс эттирган асар бўлди. Икки томли «Очилган кўрик» романи ҳам ватанимиз тарихининг энг муҳим даврига — коллективлаштириш процессига бағишланган ажойиб бадиий полотнодир. «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи, «Нафрат мактаби», «Инсон тақдири» ҳикоялари эса Улуғ Ватан уруши давридаги ҳаётни ифодалайди. Бу асарларнинг ҳаммасида ҳам Шолохов революция туфайли туғилган янги совет кишисининг характерини бадиий тадқиқ қилади, унинг олижаноб фазилатларини улуғлайди. Шолохов қайси темада ёзмасин, қандай воқеаларни тасвирламасин, ҳамиша ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолади. Бу ҳақиқат аччиқ, шафқатсиз, оғир бўлса ҳамки, ёзувчи уни четлаб ўтмайди, хаспўшламайди, бўямайди. Чуқур ҳаққонийлик, юксақ инсонпарварлик, мукамал бадиийлик Шолохов асарларини миллионлаб ўқувчилар оммасининг сеvimли асарларига айлантирди. Чет элларда ҳам унинг романлари ва ҳикоялари ўнлаб тилларда эълон қилинган ва чинакам санъатнинг юксақ намуналари сифатида тан олинган.

Михаил Шолохов 1905 йил 24 майда Донда, Вешенск станицасига қарашли Кружилин хуторида туғилган. Унинг болалиги Россияда революцион кураш қизиган даврга тўғри келди: У бир неча гимназияларда ўқиди, аммо биронтасини ҳам тугата олмади. Чунки мамлакатда бошланган гражданлар уруши ҳар бир виждонли одамдан қўлда қурол билан революция ғалабасини ҳимоя қилишни талаб қиларди. Шолохов ўқишни ташлаб, Донга қайтади. Бу йилларда кекса Дон соҳилларида ўлиб бораётган эзувчи синф вакиллари билан навқирон революцион кучлар ўртасида кескин ҳаёт-мамот жанги бормоқда эди. Ёш Михаил ҳеч иккиланмай қўлига қурол олиб, революция ҳимоячилари сафига туради. Худди шу йиллардаги жанговар ҳаёт, жанг майдонларида олинган сабоқлар, турмуш университети Шолохов характерини тоблаяди, дунёқарашини шакллантиради, унинг қалбида янги тузумга, янги одамларга нисбатан ҳеч сўнмайдиган



мухаббат бақинини ўт олдиради. Бу тўғрида машхур совет ёзувчиси **Александр Серафимович** яхши ёзган эди: «Ёш Шолохов меҳнатқаш оиладан чиққан эди. Унинг қалбида хўрланганлар, эзилганларнинг бахти учун кураш иштиёқи ўт олди. Шунинг учун ҳам ёшгина комсомол йигит озик-овкат отрядларида кулоқларга қарши курашди. Шунинг учун ҳам у бандитларга қарши курашда актив иштирок этди. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида революцион камбағаллар томонида турди. Партия ва комсомол унинг фикрларига революцион йўналиш берди, унинг қалбида эзилувчиларнинг ёвузларга қарши улғу урушида иштирок этиш иштиёкидай революцион орзу ҳосил қилди. Ва у бу курашда аввал қўлида милтиқ билан, кейин қалам билан иштирок этди». Донда оқ бандалар тугатилиб, Совет ҳокимияти узил-кесил ғалаба қозонгач, Шолохов Москвага келади. Бу ерда у зўр бериб ўз устида ишлайди, билимини кенгайтиради, ҳар хил ишларда ишлайди. Шу ерда, шу йилларда унда адабий ишга қизиқиш пайдо бўлади. 1923 йилдан у секин-аста фельетонлар, очерклар, хикоялар ёза бошлайди. Аввал бу хикоялар ёшларнинг газеталарида босилади, кейинчалик «Дон хикоялари» номи билан алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқади. У Донга қайтади ва бир умрга Вешенск станицасига жойлашиб қолади.

Шолоховнинг ёзувчи сифатида шаклланишида Серафимовичнинг роли катта бўлган. Серафимович биринчи бўлиб, унинг дастлабки хикояларидаги ўзига хосликни, бақувват талантни кўрган, биринчи бўлиб, ёш Михаилга илиқ сўз ва қимматли маслаҳатлар билан мадад берган, биринчи бўлиб унинг асарларини эълон қилишга ёрдамлашган. Кейинчалик, Шолохов Серафимовичга чуқур миннатдорлик ҳислари билан тўла қуйидаги сатрларни ёзди: «Шаҳсан мен Серафимовичдан чексиз миннатдорман. Чунки ёзувчилик фаолиятим энди бошланган вақтларда у биринчи бўлиб менга кўмаклашди, менга биринчи илиқ сўзини айтди. Мен ҳеч қачон 1925 йилни унутмайман. Ушанда Серафимович менинг биринчи хикоялар тўпламим билан танишиб чиқиб, унга илиқ сўз боши ёздигина эмас, мен билан учрашди ҳам. Биз биринчи марта I Советлар уйида учрашдик. Серафимович мени ёзишни давом эттиришим, ўқишим лозимлигига ишонтирди, ҳар бир асар устида жиддий ишлашни, шошмасликни маслаҳат берди. Шундан бери мен ҳамиша унинг маслаҳатига амал қилишга интиламан».

Шолоховнинг 1926 йилда «Янги Москва» нашриётида «Дон хикоялари» номи билан чиққан биринчи тўпламиёқ жамоатчилиқнинг эътиборини жалб қилди. Бу хикояларда янги материал, янгича темагина эмас, янги талант, янгича қалб, дунёга янгича қараш ҳам мавжуд эди. Автор ёшлигига қарамай, ҳаётни жонли ва аниқ тасвирлаш, характерларни унутилмайдиган, ёрқин чизиш қобилиятига эга эди.

А. Серафимович тўпламга ёзган сўз бошисида ёш ёзувчининг бадиий маҳоратига жуда юксак баҳо беради: «Шолоховнинг хикоялари жонли гулға ўхшайди, унинг бўёқлари — тирик, содда ва ёрқин. Хикоя қилаётган нарсаларини ҳис этасан — улар кўз ўнгингда, «маңаман» деб гавдаланиб туради. Тили образли, казакларга ҳос бўлган жонли, рангдор тил. Ихчам. Бу ихчамликда ҳаёт, кескинлик ва ҳақиқат мужассам.

Кескин воқеалар, меъёрда тасвирланган, шунинг учун юрак-юрагингга таъсир қилади. Ҳикоя қилаётган нарсасини жуда чуқур билади...» Ҳикояларда ёш қаъбга ҳос жўшқинлик билан революцион идеялар тасдиқланган. Ҳикояларнинг ҳаммаси ҳам Дондаги граждандар урушига бағишланган. Масалан, «Хол» ҳикоясида революция туфайли казаклар ўртасида юз берган синфий табақаланиш кизилгвардиячи ўғлини ўз кўли билан ўлдирган оқ атаман отанинг фожиаси орқали очилади. «Шебалко уруғи» ҳикоясида эса бош қахрамон — кизил аскар. У севган кизини ўлдирди, чунки киз халққа хиёнат қилади. Шолохов кўпгина ҳикояларида революция туфайли одамлар характерида туғилаётган янги сифатларни, онгдаги ўзгаришларни тасвирлайди. Масалан, «Чўпон» ҳикоясида революционер оталарининг изидан дадил кадам ташлаётган Григорий ва Дуняшка каби ёшлар қахрамон қилиб олинган. Шолоховнинг дастлабки ҳикоялари ёзувчининг революцион дунёқарашининг аниқлиги билан ҳам, халқ ҳаётининг чуқур тасвири билан ҳам, тилнинг ширадорлиги, рангларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Адабий фаолиятга астойдил киришган Шолохов дастлабки муваффақиятдан эсанқирамайди, балки жиддий талабчанлик билан янги асарлар ўстида ишлаш бошлайди.

Ёзувчининг ёшлигига қарамай, ҳаётда кўрган-кечирганлари, ҳаёт ҳақида уйлаганлари шу қадар кўп. Дон казакларининг революция йилларидаги ҳаётини бутун мураккаблиги билан бадий тасвирлаш иштиёқи шу қадар зўр эдики, бунинг учун ҳикоя кичиклик қилиб қолади. Йигирма яшар Шолохов дадиллик билан роман ёзишга киришади. У романи 5-6 йил ичида ёзиб тугатмоқчи бўлади. Аммо у уйлаганича бўлмайди. 1925 йилда бошланган иш 1940 йилда тугалланади. Ун беш йиллик меҳнатининг самараси сифатида «Тинч Дон» романи майдонга келади ва жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан мустаҳкам ўрин олади.

Романининг ижодий тарихи гоят қизик ва ибратли. Бу эпопея ёзувчи меҳнатининг нақадар мураккаб ва оғирлигини кўрсатувчи, чинакам ижодий ғалабанинг энг муҳим шarti ижодда шафқатсиз талабчанлик эканидан далолат берувчи мангу ақидадир. «Тинч Дон»нинг ижодий тарихи ёзувчи маҳоратининг тинмай ўсиш тарихидир. Шолохов дастлаб казакларнинг Корнилов кўшини сафларида Петроградга юришини тасвирлашдан бошлайди. Асарни анча жойга олиб бориб ҳам қўяди. Аммо ёзганидан ўзи коникмайди, ўқувчи бу казакларнинг ўзи ким, улар қаёқдан келиб қолган, нимага революция йилларида шундай мураккаб вазиятга тушиб қолган, деб савол беравериб, ёзувчини тинч қўймайдигандай кўринади. Шолохов ёзганидан кечиб, романи қайта бошлайди. Бу эса роман хажмининг ҳам, масштабларининг ҳам кенгайишига, сюжет линияларининг бениҳоя мураккаблашишига олиб келади. Шолоховнинг ўзи бу тўғрида шундай ёзади: «Мен Корнилов исёнини тасвирлашдан, яъни «Тинч Дон»нинг ҳозирги иккинчи тоmidан бошлаган эдим. Анча нарса ёзиб ҳам қўйгандим. Кейин, қарасам, бундан бошламаслик керак экан. Кўлёмзани йиғиштириб қўйдим. Янгидан ёзишга киришдим ва казакларнинг аввалги уруш арафаларидаги ҳаётини тасвирлашдан бошладим. Булар биринчи томи тугалди. Биринчи

том битиб, Петроград, Корнилов исёнини тасвирлаш зарур бўлганида, менаввалги қўлёзмага қайтдим ва ундан иккинчи томни ёзишда фойдаландим». Шолохов ўз меҳнатига ҳаддан ташқари талабчанлик билан ёндашди, устози Серафимовичнинг маслаҳатига амал қилиб, қўлёзма устида сира шошмасдан, қайта-қайта қўчириб, ўнлаб саҳифаларни йиртиб ташлаб, қанча-қанча қораламалар қилиб ишлайди. Унинг меҳнатини заргарниқига ўхшатса бўлади. У асарга шунчалик сайқал берганки, ҳар бир жумла ўзининг жилосига эга, сўзлар, олмосдек ярқирайди, ҳар бир образ худди жонлидай, сиз унинг ҳамма томонини кўриб тургандай бўласиз, ҳар бир эпизод ёрқин, ҳаётий, худди қоғозга кирган циркулдай хотирамизга кириб қолади. Асарни диққат билан ўқиб кўринг, ундаги манзараларга, қаҳрамонларнинг нутқига, воқеаларнинг шиддатига эътибор беришг, ҳар бир саҳифада Дон чўллариинг ҳавоси уфуриб тургандай, казакларнинг ўзига хос ҳаёти ярқираб кўриниб тургандай бўлади. Бундай санъатга фақат улкан талант ва улкан меҳнат билангина эришиш мумкин. Мана шундай юксак санъат билан ёзилган романининг тақдири ҳам гоёят қизиқ бўлган. Ёзувчи романининг биринчи қисмини 1927 йилда тугатиб, «Октябрь» журналинга юборди. Аммо журнал редакциясидаги ўртоқлар асарга, ёзувчининг максалларига тушунмай, уни анча қисқартиришни талаб қилишади. Фақат Серафимович аралашганидан кейингина, роман 1928 йилда журналда тўла босилиб чиқади. Романининг биринчи қисми жамоатчилик ўртасида катта таъсир кўрсатади. Совет маданиятининг пирик арбобларидан Луначарский 1929 йилда «Адабий йил» деган мақола эълон қилиб, унда «Тинч Дон»га жуда юксак баҳо беради. «Шолоховнинг ҳали тугалланмаган «Тинч Дон» романи,— деб ёзади Луначарский,— манзараларнинг кенглиги, ҳаёт ва одамларни билиши, воқеаларидаги алам-дарди жиҳатидан бениҳоя қучли асардир. Бу асар ҳамма даврдаги рус адабиётининг энг яхши ҳодисаларини эслатади». Бундай юксак ижобий баҳоларга қарамай, айрим эпчил танқидчилар романга салбий муносабатда бўлишади, ҳатто, Шолоховни контрреволюцияга хайрихоҳликда айблайди. Роман қаҳрамони — Григорий Мелеховнинг иккиланишлари, тақдирининг мураккаблиги уларнинг қазабини келтиради. Бирок Шолохов бундай танқидчиларнинг сўзига кириб, ҳаёт ҳақиқатидан чекинмади. Асарнинг иккинчи қисмида ҳам ҳақиқий қаҳрамон шафқатсиз, аччиқ ҳаёт ҳақиқати бўлди. Иккинчи қисм чикқандан кейин айрим танқидчилар Шолоховга ҳужумни янада қучайтиришди. Улар энди ёзувчини плагиаторликда айблашди, унга бўлар-бўлмас тухматлар ёғдиришди. Мана шундай қийинчиликларга қарамай, Шолохов ижод қилишда давом этди. У 30-йилларнинг бошида романининг учинчи қисмини, 1940 йилда эса охириги, тўртинчи қисмини ёзиб тугатди.

«Тинч Дон» социалистик реализм адабиётининг классик асари бўлиб қолди. Чунки бу эпопеяда Шолохов бениҳоя бой ва ранг-баранг ҳаётий материалга таяниб, Дон казакларининг тақдири орқали уруш ва революция натижасида ҳаётда, турмушда одамлар психологиясида вужудга келган улкан тарихий ўзгаришларни акс эттирди, халқнинг революцияга қелиш йўлини, унинг социализмга қелиш қонуниятларини бадиий очиб берди. Романда уруш арафасидаги казаклар ҳаёти, биринчи

жаҳон уруши, 1917 йил Февраль революцияси, Улуғ Октябрь революциясининг ғалабаси, гражданлар уруши давридаги халқ ҳаёти ифодаланган. Романнинг марказий конфликтлари турли ижтимоий кучлар ўртасидаги шифақатсиз синфий кураш, эски ҳаётнинг емирилиб, янги тузумнинг туғилиши асосига қурилган. Ёзувчи деярли ҳамма ижтимоий табақаларнинг вакилларини ёрқин ва унутилмас қиёфада тасвирлайди, тиккат марказида эса ҳаммиша ижобий кучларни саклайди. Романда халқ оmmasининг онгини уйғотишда катта роль ўйнаган Штокман, Бунчук, Гаранжа, Подетков, Криволиков каби большевиклар алоҳида самимият ва муҳаббат билан тасвирланади. Шолохов рус аёлларининг ҳам поэтикалаштирилган ажойиб образларини чизади. Бу жиҳатдан, айниқса Аксинья, Наталья, Ильинична, Дуньяша образлари характерли.

Романда ажойиб пейзажлар, халқ турмушининг ёрқин картиналари кўп, меҳнат ва жанг эпизодлари жуда чуқур тасвирланган, унинг тили ҳам рус тилининг қудрати ва гўзаллигини тўла акс эттиради. Конфликтларининг кескинлигига, драматизмнинг чуқурлигига, фожиаларининг ўткирлигига қарамай, «Тинч Дон» эпопеяси ҳаётбахш оптимизм руҳи билан, кучли гуманистик пафос билан сугорилган. Шунинг учун ҳам бу роман совет адабиётининг олтин фондидан мустахкам ўрин олди. Роман 1941 йилда СССР Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди.

Гарчи Шолохов шошмасдан ишлайдиган, қўлжазма устида эринмай, йиллаб меҳнат қиладиган ёзувчи бўлса ҳам, у ҳеч қачон замон талабларига бепарво қарамайди, ҳаётдан орқада қолмайди. Шунинг учун ҳам у 1929 йилда Коммунистик партия қирқташ кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини амалга оширган вақтда бу муҳим процессдан четда тура олмади. Шолохов адабиёт коммунизм қурилишига ёрдам бериши керак, бунинг учун эса ҳаёт ҳодисаларини чуқур ва тез ёритиб туриши лозим деб ҳисоблайди. У ёзади: «Ҳаётимизни бадий акс эттиришга қодир ёзувчининг китоби коммунизм қуришга ёрдам бериши керак. Айниқса, ҳозиргидай даврда партиянинг кишлоқдаги ишини бутун мамлакат билиши керак».

Шолоховнинг эстетик программасида ана шундай фикрларнинг қарор топишига 30- йилдаги баъзи бир муҳим ҳодисалар ҳам сабаб бўлган. 30- йилларга келиб, Шолоховнинг адабий довуғи анча кенг ёйилган эди. Бу даврда қасаллиги туфайли Италияда яшаётган Максим Горький «Тинч Дон» автори билан шахсан танишишни истади ва Шолоховни Соррентога таклиф қилади. Шолохов бу таклифни мамнуният билан қабул қилади ва Москвага келади. Москвада чет элга жўнаш олдидан уни Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари қабул қилиб, у билан суҳбатлашади. Бу суҳбат Шолоховга чуқур таъсир қилади. Шу суҳбат таъсирида у Коммунистлар партияси сафига кириди ва ўша йилларда мамлакат ҳаётида содир бўлаётган йирик ижтимоий ҳодисалар тўғрисида — кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш процесси ҳақида бадий асар ёзишга жазм қилади. Шу мақсадда у 30- йилларнинг бошида социалистик кишлоқ ҳаётини тасвирловчи янги роман устида иш бошлади. Орадан кўп ўтмай, 1932 йилда «Новый мир» журналида «Очилган кўрик» романининг биринчи қисми босилиб чиқади. Ёзувчи романнинг иккинчи китоби устида иш бошлади, уни 1934 йилда тугатишни ўйлайди. «Иккинчи

қисм ҳам биринчиси каби.— деган эди ёзувчи.— қолхоз кишлоғининг шаклланишини кўрсатади. Бу қисмда ҳам тахминан ўша даврлар ҳаёти (1930—1931) ақс этган, фақат бир оз кейинги босқичи олинган. Биринчи қисмдаги персонажларнинг асосийлари иккинчига ҳам ўтган. Бироқ ўқувчи улардан ташқари янги қаҳрамонлар билан ҳам учрашади. Булар асосан, райондаги партия ходимларидир». Аммо ёзувчи романни мўлжаллаган вақтида ёзиб тугата олмади, унинг анча қисминигина битиришга муваффақ бўлди. Афсуски, уруш йилларида ёзувчининг архиви ва кутубхонаси билан бирга, «Очилган кўрик»нинг иккинчи қисми ҳам ёнғинда куйиб, йўқ бўлди. Ёзувчи урушдан кейин уни тамомила қайтадан ёзиб чиқди. 1960 йилда роман «Октябрь» журналида босилди. Орадан кўп ўтмай «Очилган кўрик» Ленин мукофотиغا сазовор бўлди.

«Очилган кўрик» ҳам совет адабиётининг дурдона асарларидан бўлиб қолди. Бу рамонда ҳам ёзувчининг таланти, халқ ҳаётини чуқур билиши, воқеаларини ёрқин ва кескин тасвирлаш қобилияти ярқираб кўриниб туради.

«Очилган кўрик» романининг бош қаҳрамони — халқ. Шолохов қолхозлаштириш давридаги кескин синфий курашни, халқнинг партия раҳбарлигида қомил ишонч билан социализмга боришини, бу йўлдаги қийинчиликларни атрофлича тасвирлаган.

Романининг фазидалари ҳақида, ёзувчининг маҳорати тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Чунки «Очилган кўрик» ҳаётнинг ўзидай кўп қиррали, ранг-баранг мазмунга бой асар. Афсуски, унинг ҳамма хусусиятлари ҳақида батафсил сўзлаш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун сўзни мухтасар қилиб, унинг халқ ишига, социализм ишига буюк ишонч билан сўғорилган мардона асар эканини айтиш билан, аллақачонлар совет ўқувчисининг энг яқин маслаҳатгўй дўстига айланиб қолганини таъкидлаш билан чекланамиз.

Улуғ Ватан уруши бошланиши биланок Шолохов ҳарбий хизматга қақирилади ва урушнинг охиригача армия сафида бўлиб, Германия тупроғигача боради. Уруш бошланган кунининг эртасига у Москвага телеграмма юбориб, «Тинч Дон» учун берилган Давлат мукофотини СССР Мудофаа фондига топширади. Уруш йилларида Совинформбюрода ишлайди. «Правда», «Красная звезда» газеталарининг ҳарбий муҳбири сифатида Смоленск яқинидаги жангларда, Ростов остоналарида, Сталинград жангларида иштирок қилади. Уруш йилларида унинг ўнлаб публицистик мақолалари босилдики, улардаги оташин рух, нафрат ва ғазабнинг кучи, Ватанга муҳаббат ёлкини минглаб жангчиларнинг кучига куч, ишончига ишонч қўшган. Шолохов бу даврда ажойиб хикоялар ҳам яратган. Унинг «Нафрат мактаби» деган хикояси, айниқса, машҳур бўлган эди. Бу хикояда ёзувчи уруш туфайли тинч меҳнатидан ажралган, жанг қилишга мажбур бўлган рус кишининг ажойиб характерини яратган. Лейтенант Герасимовнинг характерида намоён бўладиган ғалабага ишонч, темир ирода, юксак жанговарлик руҳи барча совет кишиларининг типик белгилари сифатида очилган. Хикояда совет халқининг қудрати, энгилмаслиги ҳақидаги идея чуқур ҳаяжон билан очилган.

1943 йилнинг май ойларидан бошлаб, «Правда» газетасида Шоло-

ховнинг «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романидан парчалар босила бошлади. Бу романининг кўпгина қисми урушдан кейин эълон қилинди. Роман тугалланмаган бўлса-да, унинг эълон қилинган қисмлари бўйича айтиш мумкинки, бу асарда уруш даврининг мураккаб ва шафқатсиз ҳақиқати ёрқин очилган. Романда ёзувчи урушнинг иккинчи йилидаги кескин жанглари, қисмларимизнинг чекиниш даврини тасвирлайди. Роман қахрамонлари колхозчи Иван Звягинцев, агроном Николай Стрельцов, шахтёр Петр Лопухинлар чинакам совет кишиларидир. Қонли жангларда удар улғайиб, ҳарбий санъатни эгаллайдилар. «Улар Ватан учун жанг қилдилар» романи ҳам адабиётимизда катта воқеа бўлди, чунки ёзувчи бу асарда ўз олдига жуда катта ижодий вазифалар қўйган. «Оддий одамларнинг ўтган урушдаги тақдирини мени кизиқтиради, — деб ёзади Шолохов. — Бизнинг солдатимиз Ватан уруши қунларида ўзининг қахрамон эканини кўрсатди. Рус солдати, унинг шавкати шонини, унинг суворовчи сифатларини бутун дунё билди. Аммо бу уруш бизнинг солдاتни батамом бошқача тусда ҳам кўрсатди. Мен бу урушда совет солдاتини шунчалар юксакка кўтарган янги сифатларни очмоқчиман».

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Шолохов жуда кенг миқёсда жамоатчилик ишлари билан шуғулланди. У тинчлик учун курашнинг олдинги сафларида борди. Ватанимиз бўйлаб қилган кўпгина саёхатларда ҳаётни ўрганди, публицистик мақолалар, очерклар ёзди, ўнлаб чет мамлакатларда бўлиб, совет адабиётининг ютуқларини пропаганда қилди. Кўпгина мақолалари, нутқларида совет адабиётининг принципиал масалаларини кўтариб чиқди. Бу жиҳатдан унинг совет ёзувчиларининг II съездида, партиямизнинг XX ва XXII съездида сўзлаган нутқлари диққатга сазовор. Шу нутқлардан бирида чет элларда совет адабиётига тинмай бўхтон ёғдирувчи ифвогарларга жавобан, адабиётимизнинг партиявийлик принципини ҳимоя қилиб, ҳозир афоризмга айланиб кетган машҳур гапини айтди. «Биз — совет ёзувчилари ҳақида чет эллардаги қутурган душманларимиз айтадики, гўё биз партиянинг буйруғи билан ёзар эмишимиз. Ахвол бир оз бошқачарок: бизнинг ҳар биримиз ўз қалбининг амри билан ёзади, қалбларимиз эса бутунча партияга ва жонажон халқимизга мансубдир, биз санъатимиз билан уларга хизмат қиламиз».

Шолоховнинг бу давр ижоди ҳақида гапирганда, унинг «Инсон тақдирини» ҳикоясини алоҳида тилга олиш керак. Бу ҳикоя 1956 йилда «Правда» газетасида босилди ва ҳаққонийлиги билан, гуманизми билан, совет кишисининг қудратига, маънавий кучига ишончи билан миллионлаб ўқувчиларнинг муҳаббатини қозонди. Ҳикоя ўнлаб тилларга таржима қилинди ва кўпгина ёзувчиларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Ўзбек ўқувчиларининг асарга муносабати, ундан олган завқи Абдулла Қаххорнинг куйидаги сўзларида яхши ифодаланган.

«Инсон тақдирини» ҳикоясида совет кишисига бўлган чексиз меҳру муҳаббат, унинг уруш йилларида чеккан азоб-уқубатлари учун қуйиш, ирода ва бардоши, олижаноб қалби учун фахр туйғулари Шолоховнинг кўкрагидан кўшиқдай отилиб чиқади».

Ҳикоя қахрамони — бизнинг замондошимиз Андрей Соколов уруш туфайли катта фожиаларни бошидан кечиради — уй-жойидан, бола-чака-сидан ажралади, ақл бовар қилмайдиган азоб-укубатларни кўради, аммо ҳеч қаерда ўзининг инсонлик қадрини пастга урмайди, ҳеч қаерда иродаси буқилмайди, ҳаётга муҳаббати бир лаҳзага бўлса-да, сўнмайди. Ҳикоя, ҳақиқатан ҳам инсон қудратини мадҳ этадиган мардонавор кўшикка ўхшайди. «Инсон тақдири» ҳикояси реализмнинг чуқурлиги, ҳаёт ҳақиқатини бутун мураккаблиги билан тасвирлаши орқали кўп миллатли совет адабиётида янги тенденцияларни бошлаб берди. Шолоховнинг бу асари ҳам С. Бондарчук томонидан экранлаштирилди ва бутун дунё экранларида муваффақият билан кўрсатилди. «Инсон тақдири» ҳикоясининг халқаро қимматини уни сенегал тилига таржима қилган Ҳейлонлик ёзувчи Д. Ч. Ли-янага яхши таърифлаган эди: «Бу — ҳақиқий совет солдатининг қахрамонлиги ва ватанпарварлигини ақс эттирувчи ҳикоядир. Ватан учун, ҳаёт учун бу солдат азоб-укубатларни бошидан кечиради. Бу менинг юрагимни ларзага келтирди. У ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтади ва гўдакни тарбиялаб; ўзига ўхшаган совет граждани қилиб етиштиришга интилади. Бу эса унинг ҳаётга ва келажакка бўлган мустаҳкам ишончидан далолат беради».

Михаил Шолохов давримизнинг энг етук, энг йирик ёзувчиси эди. Унинг асарлари юксак бадиий формада коммунизм ғояларини тараннум қилади. Унинг китоблари миллионлаб одамларни яшашга ўргатади. Унинг асарларидаги жозоба фақат ёзувчи талафтининг маҳсулигина эмас, балки биринчи навбатда, ҳаёт ҳақиқатидан чўчимасликнинг, у ҳар қанча мураккаб, шифқатсиз, аччиқ бўлмасин, уни бўямай, дадил, ёрқин образларда мужассамлаштиришнинг оқибатидир.

Шолохов санъат билан халққа хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган ёзувчи. Партиямизнинг XX съезди минбаридан у қаламқаш дўстларига шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «Халқ ҳаёти билан яшамок керак, одамларнинг изтиробини бирга чекиш лозим, уларнинг шодлигига шерик бўлиш, уларнинг ташвишлари ва эҳтиёжларини тўла ҳис қилмоқ шарт — ана шундагина ёзувчи ўқувчилар қалбини ҳаяжонга соладиган чинакам асар ярата олади».

Шолоховнинг ўзи ана шундай халқ дарди билан яшаган, унинг шодликларидан қувониб, ғам-ташвишларига шерик бўлган ёзувчидир, шунинг учун ҳам унинг асарлари миллион-миллион ўқувчиларнинг қалбидан мустаҳкам ўрин олган.

«Тинч Дон» романи жуда катта халқаро аҳамиятга эга асардир. Буни италян коммунистларининг атоқли раҳбари Пальмиро Тольятти яхши таърифлаган эди: «Бу роман италян халқини революция ва ижтимоий ўзгаришларнинг буюк эпопеяси билан бениҳоя мукамал ва ҳаққоний тарзда таништирди. Шунинг учун ҳам биз уни ҳамма даврлар адабиётининг ажиб дурдоналаридан бири сифатида севамиз ва қадрлаймиз».

*Озод Шарафиддинов*



## ХОЛ

### I

Стол устида порох ҳиди келиб турган гильзалар, тозаланган устихон, ҳарбий карта, сводка, тер иси уриб қолган бежама юган, бир бўлак нон сочилиб ётибди, эскадрон командири Николка Кошевой бўлса дераза тоқчасига орқасини тираб олиб, девор захи уриб, моғорлаб кетган тахта эшакчада ўтирибди. Совқотган бармоқлари қалам ушлаганича қотиб қолган. Стол устига ёйиб ташланган эски плакатлар ёнида — чала тўлғазилган анкета кўринади. Ғижимланган варақага қисқача маълумот ёзилган: *Кошевой Николай. Эскадрон командири. Деҳқон. РКСМ аъзоси.*

«Ёши» деган савол рўпарасига қалам билан шошилмай, «18»да деб ёзиб қўяди.

Чорпахилдан келган йигит, Николка, анча ёшга борганга ўхшайди. Бели букчайган, кўз атрофини тарам-тарам ажин босган, шулар уни кексароқ қилиб кўрсатади.

— Бўз бола, ғирт ғўр ҳали,— деб ҳазиллашарди эскадрондагилар,— лекин мунақаси асло топилмайди: икки тўда бандитни талафот қўрмай тор-мор қилди, унинг олдида баъзи тажрибали командирлар ҳам ип эшолмайди, олти ойдан бери жанг-қирғинларда эскадронга бош, аммо бирон марта нўноқлик қилган эмас.

Ёши ўн саккиздалиги Николкага алам қилди. Ҳар доим «ёши нечада» деган дардисар саволга келганда, қалам тўхталиб қолади-ю, Николканинг ёноқлари ловиллаб қизара бошлайди. Николка казак ўғли — казак эди. Ёши эндигина бешгами-олтигами кирганда отаси жангари отига миндириб ўйнатганларини Николка ҳозир эс-эс биледи.

— Ёлидан маҳкам ушла, болам!— деб кичқирирди ота, лекин онаси бўлса қути учиб ошхона эшигидан Николкага кулиб боқар, отнинг белига чирмашган оёқчаларига ҳамда тизгинни тортиб турган дадасига кўзларини аланг-жалаң қилиб тикиларди.

Бунга анча вақт бўлди. Николканинг дадаси герман урушидан қайтиб келмади. Ундан ҳеч қандай дом-дарак бўлмади. Онаси ўлди. Отга ишқибозлик, довюрак Николкага



ота касб, бундан ташқари, худди дадасиникига ўхшаш чап оёғида, тўпигининг устигинасида каптар тухумидай келадиган холи ҳам бор. Ўн беш ёшгача бёши хизматкорликдан чиқмади, ниҳоят бўйидан узун бир шинель тилаб олиб, станицадан ўтаётган қизил аскарлар полкига кўшилиб, Врангель билан урушгани кетди. Шу йил ёзда Николка ҳарбий комиссар билан Донда чўмилди. Комиссар зарб еган бошини қийшайтириб олиб, Николканинг офтобда қорайган букри елкасига қоқиб, тутила-тутила:

— Сен ҳа... ҳашиги... Сен бахт... бахтиёр экансан! Ҳа, рост, бахтиёрсан! Ҳоли бор одам — бахтли бўлармиш, — деди.

Николка дурдона тишларини иржайтириб, бир шўнриди-да, сувдан бошини чиқариб пуркана-пуркана:

— Бекор айтибсан! — деб бақирди. — Муштдайлигимдан етим қолиб, умрим хизматкорликда ўтган, сен бўлсанг — бахт дейсан-а!.

Николка шундай деди-ю, Донга тутаянган сарғиш «бурун» томонга сузиб кетди.

## II

Николка тушган уй Дон ёқасидаги жар тепасида. Деразасидан кўкаламзор Дон атрофи, қорамтир бўлиб товланган симобдай сув кўринади. Кечаси бўрон турган маҳалда жарда сув гувиллайди, дераза қопқоклари тарақлаб очилиб ёпилади, ана шундай пайтларда Николканинг назарида, пол ёриқларидан сув сизиб чиқаётганга, борган сари кўпайиб, уйни лопиллатаётганга ўхшайди.

Николка бошқа уйга кўчиб ўтмоқчи бўлди-ю, бироқ яна шу жойда кузгача қолиб кетди. Эрталабки аёзда наҳал пошналар этигини дўқиллатиб, осойишталикни бузиб зина-пояга чиқди. Ундан тушиб тўғри олчазорга кирди-да, оппоқ қиров босган кўкатга чўзилди. Оғилхона ёқдан уй бекасининг: «Ҳов жонивор, так жонивор» деб сигирини аврагани, бузоғининг бетоқат маърагани, ҳар соққанда сут отилиб чиқиб, челақ четига пов-пов теккани эшитилади.

Кўча эшик, ғийқ этиб очилди, ит вовуллади. Взвод командирининг:

— Командир уйдами? — деган овози эшитилди.

Николка тирсагини ерга тираб, қаддини кўтарди.

— Мана мен! Хўш, тагин нима гап?

— Станицадан чопар келди. Сальск округидан бан-

дитлар ўтибди, Грушинский совхозини босибди денди.  
— Чақир уни.

Чопар кўпириб кетган отини бостирма томон етаклади. Бироқ от жонивор ҳовлининг ўртасида чўккалаб муккасида йиқилди, сўнгра ёнига ағдарилиб тушди, хириллаб бир-икки нафас оиди-да, ўлди; кўзлари занжирда зўр бериб ақиллаётган итга тикилганича қотиб қолди. Отининг ўлишига сабаб: чопар келтирган пакет устида учта крест аломати бор бўлиб, қирқ чақиримлик йўлни дам олмай шитоб билан босиб келган эди.

Николка хатни ўқиди: раис эскадрон билан ёрдамга етиб келишини сўраган эди; меҳмонхонага кириб қиличини тақаркан: «Бирон жойга ўқишга борсаммикин деб турган пайтда яна бандитлар!.. Хомуш бўлиб хаёлидан шуларни ўтказди Николка. — Ҳарбий комиссар битта сўзни тўғри ёзолмайди, тагин эскадрон командиримиш, деб изза қилгани қилган... Лоақал қишлоқ мактабиниям битирмаганман, мендами айб? Ғалати одам экан.. Бандитлар ҳам дардисар бўлди... Яна қон тўкилади энди, бунақанги турмушдан роса бездим... Безор бўлдим...»

Николка йўл-йўлакай карабинини ўқлаб, зинапояга чиқди, бироқ хаёл уни чуқур от сингари олиб қочар: «Қани шаҳарга жўнасам... Ўқишга кирсам...» деган фикр миясидан кетмасди.

Отхона томон юрди, ўлган от ёнидан ўта туриб, унинг чанга беланган тумшугидан оққан қон-қора қонга кўзн тушди-да, юзини тескари ўгириб олди.

### III

Ёзда тушган ўнқир-чўнқир йўлни, шамол ялаган арава изларини ҳозир кулранг ажриқ қоплаб олган, какраю шўра босиб, чакалак ажриқзор бўлиб кетган. Бир вақтлар бу йўлдан, даштда қахрабо қатралари сингари сарғайиб турган ғарамларга пичан ташиларди, катта йўл эса, тепаликдан — телеграф ёғочларининг ёнидан ўтади. Симёғочлар бўз даштлардан, жару қирлардан ошиб, кузги чанг-тўзон ичида кўринмай кетади. Ҳозир мана шу симёғочлар ўтган тақир катта йўлдан атаман элликтача бандитни — Совет ҳукуматидан норози бўлган донлик ва кубанлик қазақларни бошлаб бормоқда. Уч кундан бери булар, кўтонда қўйларни кийратган бўридай, гоҳ йўлдан, гоҳ йўлсиз даштма-дашт қочиб юришар, чунки Николка Кошевойнинг отряди уларни қорама-қора қувиб келар эди.

Ғарчи бандитларнинг ҳаммаси урушда чиниққан, пихи қайрилган туллардан эканига атаманнинг кўнгли тўк бўлса ҳам, қаттиқ ўйланиб қолди: у дам-бадам узангида тик туриб теварак-атрофига кўз югуртирар, Доннинг нариги ёғида, олисдан кўринган дарахтзоргача неча чақирим қолганлигини чамалаб кўрарди.

Шу аҳволда улар бўридек қочиб юрарди. Никола-ка Кошевойнинг эскадрони эса изма-из қувлаб келарди.

Ҳаво очик, ёз кунлари, осмон кўм-кўк, беғубор. Дон атрофидаги даштлар кумуш бошоқларнинг шитир-шитирига тўлган. Ўроқ маҳали яқин: дони тўлган жавдар бошоқларининг қилтаноғи ўн етти яшар йигитнинг мўйлови-га ўхшайди, лекин шу ҳолида ҳам бўйнини чўзиб, одамни кўмиб кетмоқчи бўлади.

Станицалик серсоқол чоллар соғ тупроқ жойлар-га, қумлоқ дўнларга, чорбоғ ёнларига жавдар экишмоқда. Лекин яхши ҳосил олиб бўлмайди, бир ботмон ернинг ҳосили ўттиз чоракдан сира ошган эмас, шундай бўлса ҳам барибир, экишаверади, чунки бу экиндан самогон қилишади, самогони ҳам қиз боланинг кўз ёшидай тиниқ чиқади; қадимдан одат шу, боболари, бобокалонлари ҳам шуни ичиб катта бўлишган, шунинг учун ҳаттоки, Дон лаш-карлари Музофотининг гербига ҳам вино бочкасига миниб олган яланғоч маст казакнинг сурати солинганлиги бе-жиз эмас. Куз маҳалида қишлоқ ва станицаларни ачиган, бижиган сассиқ ҳид босиб кетади, қора толдан тўқилган четан деворлар атрофида гандираклаб юрган маст-аласт казакларнинг қизил авралик папахлари дам ўтмай кўзга ташланади.

Шу сабабдан атаман бирор кун ичмай, хушёр юра олмайди, тачанкадаги маст-аласт кучеру пулемётчиларнинг ўтиришлари бежоллигига ҳам сабаб шу.

Етти йилдан бери атаман ўз юртини кўрмади. Олдин немисларга асир тушди, сўнгра Врангелга қўшилди, қуёш нурига ғарқ бўлган Истамбулда, тиканли сим билан ўралган лагерда бўлди, туркларнинг смола суртилган, парраги шўр босган кемасида, Кубань ва султонга қарашли қамишзор-ларда адашиб-улоқиб юрди, ниҳоят бандитларга қўшилиб кетди.

Ҳаёт йўлига бундоқ назар ташласа — умри шу зайлда ўтибди. Атаманинг юраги тошга айланиб кетган, кўнгли ҳамиша хижил, қўл-оёғи карахт эди, у ланжлигига ва бош оғриғига ҳеч қандай самогон даво бўлолмастлигини сезарди. Лекин барибир ичар, бирор кун хушёр юрмасди, чунки серкуёш Дон даштларида, қора тупроқ ширасини сўриб гул-

лаган экиннинг хиди саз, таъмли бўлади, станица ва қишлоқдаги эри йўқ қизилмағиз жувонлар пиширган самогон эса булоқ сувидан ҳам тиниқлик қилади.

#### IV

Тонготарда кўкқисдан совуқ тушиб қолди. Нилуфарларнинг сербар япроқларини кумушдай қиров босди; эрталаб Лукич, тегирмон паррагини ранг-баранг, ишишага ўхшаш юпка муз қоплаганини кўрди.

Лукичнинг эрталабданоқ тоби қочган эди: белига санчик келган, оёқлари зирқираб, зилдай бўлиб, кимирлашга мажоли қолмаган эди. Тегирмон ичида судралиб, аранг кимирлар, аъзойи бадани шало-шало бўлиб кетган эди. Сўкжувоз тагидан сичқон боласи лип этиб чиқди; шиллик кўзларини йилтиратиб, баландга қаради: шип тагидаги тўсиндаги кабутар ҳадеб ғувилларди. Чол, лойхуштакка ўхшаш бурнини жийириб, бадбўй пўпа исини, ун ҳидини искаб кўрди, тўғонни ялаб-емириб шалоплаётган сувнинг ваҳимасига қулоқ солиб турди-да, хомуш бўлиб пахмоқ соқолини силаб қўйди.

Лукич асалари яшиклари қўйилган жойга бориб чўзилди-да, пўстинини қия ёпиниб, оғзи очилганча ухлаб қолди, шунда лабларининг икки четидан шиллик ва илик сўлаги соқолига оқиб туша бошлади. Бобонинг кулбаси узра оқшом чодирини тикди, тегирмонни сутдек оппоқ туман қоплади...

Лукич уйғонган вақтда ўрмон ичидан иккита отлик чиқиб келди. Биттаси яшиқлар ёнидан кетаётган бобони чақирди:

— Бобо, бери кел!

Лукич ҳадиксираб қаради-да, тўхтади. Шу нотинч йилларда чол бу хилда қуроолланган, сўрамай-нетмай дондунларини тортиб оладиган одамларни кўп кўрган, шунинг учун ҳаммасини баб-баравар ёмон кўрар эди.

— Тезроқ кимирла, мияси ачиган чол!

Лукич асалари яшиклари орасидан юриб келар, пўсти кўчган лабларини билинар-билинемас чалпиллатарди. У меҳмонлардан четроқда тўхтади-да, ер тагидан қараб тураверди.

— Бобо, биз қизилларданмиз... Бизлардан кўркма,— деди мулойимгина қилиб атаман.— Бандитларни қувиб юрибмиз, шерикларимизни йўқотиб, адашиб қолдик... Кеча шу ердан ўтган отрядни кўргандирсан?

— Утишувди.  
— Қайси томонга кетишди, буважон?  
— Ман қаттан биламан?!  
— Тегирмонингда битта-яримтаси қолмадими?  
— Йўқ, — деди Лукич қисқа қилиб ва кетига бурилди.  
— Тўхта, чол. — Атаман отдан ирғиб тушди, кайфи ошганлигидан қийшиқ оёқларида туролмай, гандираклаб кетди, оғзидан самогон қидини саситиб: — Биз-чи, бобо, коммунистларни қирамиз... — деди. — Ҳа, шундай!.. Лекин кимлигимиз билан ишинг бўлмасин, барибир бунга ақлинг етмайди! — Тизгини қўлидан чиқиб, қоқилиб кетди. — Сенинг вазифанг — етмиш отга ет тайёр қилиш, туя кўрдингми — йўқ... Дарров тайёр қил!.. Тушундингми? Донинг қаерда?

— Йўқ, — деди Лукич атрофига аланглаб.  
— Манави омборда нима бор?  
— Ҳар хил балойи бадтар... Дон-йўқ!  
— Қани, юр-чи!  
Чолни едқасидан чангаллаб ушлади-да, дўнг ола-ола, қийшайиб қолган пастак омбор ёнига олиб, бориб эшикни очиб юборди. Қандиклар бугдой билан қора арпага тўлган эди.

— Бу нима, дон эмасми, бадбахт?  
— Ҳа, дон, садағанг кетай... Сара дон-а... Бир йилдан бери битталаб йиққанман, шуни отга бериб, нест-нобуд қиласанми...

— Сенга қолса, бизнинг отларимиз очликдан қирилса ҳам майли экан-да? Сен ўзинг кимсан, қизиллар тарафдоримсан, ўлгинг келяптими?

— Раҳм қил, садағанг кетай! Мен нима гуноҳ қилдим? — Лукич шапкасини олиб, тиз чўкди-да, атамanning сержун қўлидан тутиб, ўпа бошлади...

— Хўш, айт-чи, қизилларни яхши кўрасанми?  
— Тавба қилдим, садағанг кетай!.. Бемаъни гапимни қайтиб олдим. Ўлдирма, кечир, — деб нола қиларди чол атамanning оёқларини кучоқлаб.

— Қани, қизиллар тарафдори бўлмасанг, қасам иччи... Чўқинишинг керакмас, тупроқ ейсан!..

Лукич кўз ёшларини тўкиб, ҳовучидаги кумни тишсиз оғзига солиб чайнади.

— Ана энди ишондим. Тур ўрнингдан!

Чолнинг оёқлари увишиб, туролмаётганини атаман томоша қилиб кулди. Етиб келган отликлар қандиклардан арпаю бугдойни олиб чиқиб, отларнинг олдига сочишди, ҳовлини бошдан-оёқ олтиндай сап-сарик дон босиб кетди.

Рутубатли қоронгини ёриб, тонг ота бошлади, ҳамма-ёқ туман.

Лукич посбонга чап бериб, тўғри кўчани қўйиб, ёлғиз ўзига маълум сўқмоқ йўлдан юриб, жарлардан ошиб, тик этса эшитиладиган субҳидам мудроғига чўмган ўрмондан ўтиб қишлоққа югурди.

Шамол тегирмонга етди, энди ғовдан ошиб, тор кўчага бурилмоқчи бўлганда, бирданига отлиқлар қорасига кўзи тушди.

— Ким у?— деган ваҳимали овоз жимликни бузди.

— Менман...— деди ямлашиб Лукич, аъзойи бадаи бўшашиб, уни қалтирақ босди.

— Кимсан ўзинг? Пропускани айт! Нима қилиб дайдиб юрибсан?

— Тегирмончиман... шу ердаги сув тегирмондан. Зарур иш билан қишлоққа кетяпман.

— Қанақа зарур иш экан? Қани, юр, командир олди-га! Олдимизга туш...— деб бақирди биттаси, устига от солиб.

Отнинг илиққина бутли нафаси бўйнига ургангани Лукич сезди-да, оксоқланиб, қишлоққа кетди.

Майдондаги черепица томли уй ёнида тўхтадилар. Ҳайдаб келган одам томоқ қириб отдан тушди, отини хомага боғлади-да, қиличини шалолатиб, зинапоёга чиқди.

— Кетимдан юр!..

Деразада чирок кўринди. Ичкари киришди.

Тамаки тутуни димоғига уриб, Лукич аксирди, шапкасини олиб, тўрдаги бурчакка қараб, наридан-бери чўқинди.

— Манави чол қўлга тушди. Қишлоққа кетаётган экан.

Николка момигу пар ёпишган пахмоқ сочли бошини столдан кўтарди-да, уйку аралаш, лекин сиёсат қилиб:

— Қаёққа бормоқчи эдинг?— деб сўради.

Лукич бир қадам олға босди-ю, суюнчидан довдираб қолди.

— Вой садағанг кетай, ўзимизнинг одамлар-ку, мен бўлсам тагин ўша золимларга йўлиқдим дебман... Капалагим учиб, сўраганиям кўрқдим... Тегирмончи бўламан. Митрохин ўрмонидан ўтаётганларингга ҳаммаларинг меникига кирувдиларинг-ку, ўшанда мен сени сутга тўйғизган эдим, болам... Ё эсингдан чиқдими?..

— Хўш, гапир, нима гап?

— Гап шуки, болам: кеча кечқурун меникига бир гала бандит келиб тушди, бор донимни отларига едирди!..

Узимни роса хўрлади... Каттаси: хозир қасам ичасан деб туриб олди, тупроқ егизди.

— Ҳозир улар қаерда?

— Уша ерда ётишибди. Ароқлари кўп экан, ҳаромилар уйимни эгаллаб олиб ичишяпти, мен югурганимча, сизга хабар бергани бу ёққа келавердим, иложи бўлса, бир адабини бериб қўйсангиз.

Никола бобога кулиб боқиб, ўрнидан турди.

— Чиқиб айт, отларни эгарлашсин!..— деди-да, бўшашиб шинелини олди.

## VI

Оппок тонг отди.

Ҳар кеча уйқудан қолавериб, ранг-руйи кўкариб кетган Николка, пулемёт ўрнатилган икки ғилдиракли арава ёнига от чоптириб келди.

— Биз хужумга ўтган заҳоти ўнг қанотни ўққа тутавер. Дастлаб қанотларини яксон қилишимиз керак!

Гапи тугар-тугамас, ёйилиб кетаётган эскадрон томон от чоптириб кетди.

Бир тўп нимжон эман дарахтлари орқасидаги йўлда тўрттадан саф бўлган отлиқлар кўринди, пулемёт тачанкалари ўртада эди.

— От қўй!— деб бақирди Николка ва орқасида дукур-дукур туёқ товуши борган сари зўраяётганини эшитиб аргумоғига қамчи босди.

Дарахтзорнинг четида пулемёт тариллади, йўлда кетаётган бандитлар, худди машқ вақтидагидай, дарҳол ёйилиб кетдилар.

\* \* \*

Бўронда қулаган дарахтлар орасидан жунига тиканак илашган бўри дўнг устига чопиб чиқди. Бўйинини чўзиб атрофга қулоқ солди. Яқин-орадан ўқ товушлари, олағовур, ҳайқириш садолари тўлқинланиб келарди.

«Пақ!» этган овоз ольхазордан чиқарди, дўнгнинг нарёқларида, шудгор томонда кетма-кет «пук!» деган акс садо эшитиларди.

Сўнгра яна: пақ, пақ, пақ!.. Дўнг орқасидан: пук, пук, пук!.. деган товуш қулоққа чалинарди.

Бўри бирпас турди, сўнгра шошмасдан жар тагига,

ўриксиз қолган сап-сарик кўғазорга лапанглаб тушиб кетди...

— Бўш келма!.. Тачанкаларни қолдирманглар!.. Ҳормончага бур!.. Ҳормончага деяпман, онаси байталлар!— деб бақирарди атаман узангида тик туриб олиб.

Бироқ кучерлар, пулемётчилар тачанкалар ёнида ивирсиб қолишди: постромкаларни кесишди, шунда пулемётларнинг бундай ёғдирган ўти остида душман сафи бузилиб, кочди.

Атаман отини бурди, қараса, устига от солиб, қилич яланғочлаб, биров келяпти. Унинг бўйнидаги дурбинидан, эғнидаги қавқазча чакмонидан атаман биладикки, бу келаётган оддий қизил аскар эмас: дарҳол жиловни тортди. Ҳали мўй чиқмаган, қазабга тўлган юзини, шамолдан сузилган кўзини атаман олисдан кўриб турди. Остидаги оти кетинги оёқларини букиб олдинги оёқларини баланд кўтариб ўйноқлай бошлади, лекин у белбоғига илиниб қолган маузерини суғураётди:

— Ҳой, эси йўқ гўдак!..— деб бақирди.— Ҳхтал-а, Ҳхтал! Ҳхталиш қанақалигини кўрсатиб кўярман!..

Атаман бостириб келаётган қора чакмонга ўк узди. От саккиз саржин жойгача учиб бориб кулади; Николка чакмонини ташлади-да, ўк отишни тўхтатмай, борган сари атаманга яқинлашаверди...

Ҳормончанинг нариёғидан увиллаган хунук бир овоз чиқди-ю, кейин ўчди. Куёш булутлар орасига беркинди, дала-дашт, йўлларда ва куз шамолида шипшийдам бўлиб қолган Ҳормонзор устида соя ўрмалади.

Атаман:

«Ҳирт хом, она сути оғзидан кетмабди, асов экан, қизикқонлиги бошига етади»,— деган хаёлларга бориб пайт пойларди. Рақибни обоймадаги ўқини отиб тугатган заҳоти атаман жиловни бўшатди-да, калхатдай ўлжасига отилди.

Эгар устидан энгашиб туриб, унга қилич солди ва ўша заҳотиёк, тақдирга тан бергандай бўшашиб, ерга оҳиста йиқилган гавдани кўрди. Атаман отдан ирғиб тушди-ю, ўликнинг бўйнидан дурбинни юлиб олди, сўнгра, қалтироқ босган оёқларига тикилди, атрофига аланглаб қараб, мурданинг оёғидан хром этикни ечмоқчи бўлиб ўтирди. Қисирлаган тиззасига оёғини тираб, бир этикни осонгина тортди. Иккинчи этиги — пайпоғи илашиб қолганиданми — ҳадеганда ечилавермади. Атаманнинг зардаси қайнаб, сўкиниб туриб, бир силтади-ю, пайпоқ-сайпоғи билан этикни суғуриб олди, бирданига, тўпигининг устроғида, каптар тухумидай келадиган холни кўриб қолди... Мурда гўё уй-



ғониб қоладигандай, авайлаб, унинг совинқираган бошидан ушлади-да, юзини осмонга қилиб ётқизди, оғзидан тирқираб келаётган қонга қўлларини булаб олди, юзларига узоқ тикилиб қолди, ана шундагина ўликнинг елкаларидан нўноқлик билан кучоқлаб, бўғилиб ёлвора кетди:

— Ўғлим!.. Николушка!.. Нуридидам!.. Болагинам...

Борган сари кўкариб, бақира бошлади:

— Лоақал бир оғиз гапирсанг-чи! Бу нима кўргилик-а?

Юмида бошлаган кўзларига, қонга беланган ковоқларига тикилар, ўзини мурда устига ташлар ва жонсиз, мадорсиз танани тебратиб кўрарди... Бироқ Николка, аллақандай улкан ва муҳим бир сирни сақлаётгандай, кўкарган тилининг учини маҳкам тишлаб олган эди.

Атаман ўглининг музлай бошлаган қўлларини кўксига босиб, устма-уст ўпди, сўнгра терлаган маузерининг пўлат қувурини маҳкам тишлаб туриб, тепкини босди...

\* \* \*

Кечқурун ўрмонча ортида отликлар қораси кўринди, атамanning хурпайган бошида ўтирган калхат, ғовур-ғувур овозлардан, отлар пишқириғи ва узангилар жангир-жунгуридан чўчиб, истар-истамас ҳавога кўтарилди. Тобора баландлаб, ниҳоят бўзарган кузги осмон қўйнида йўқ бўлиб кетди.

1924



## ПОДАЧИ

### I

Офтобда қовжираган бўз даштдан, тарс-тарс ёрилиб кетган оппоқ шўрхоқ ерлар, кунчиқар томондан ўн олти кундан бери гармсел эсарди.

Ер қақраб кетган, кўкатлар сарғайиб қовжираган, катта йўл бўйидаги қудуқларнинг суви қуриган, дон экинлари бўлса, бошоқ чиқармай сўлиб, чоллар сингари букчайиб, ерга салом қилиб қолган эди.

Қоқ туш пайти мудроқ босган қишлоқ устида мис кўнғироқ садоси янгради.

Кун қизиган. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат четан деворлар ёнида судралиб бораётган одамларнинг чангда шип-шип юргани-ю, чоллар ҳассасининг йўлни пайпаслаб дўкиллагани эшитилади.

Қишлоқда жом чалиб одамларни йиғинга чақиришади. Кўриладиган масала битта — подачи сайлаш.

Ижрокўм биноси ғовур-ғувурга, тамаки тутунига тўлган.

Раис чўлтоқ қалам билан столни тақиллатади.

— Гражданлар, эски подачимиз молларингни боқмайман, ҳақи оз, деярти. Биз, яъни ижрокўмдагилар, подачиликка Григорий Фроловни кўрсатамиз. Ўзи етимча, комсомол, шу ерда туғилган. Ўзларинга маълум, отаси этикдўз эди. Сингиси билан қолган, егани овқатлари йўқ. Шунинг учун, гражданлар, аҳволи егирлигини назарда тутиб, подачиликка шуни оласиз деб умид қиламан.

Чол Нестеров зардаси қайнаб, қийиклик қила бошлади:

— Бу боланг бизга тўғри келмайди... Подамиз катта, подачиям одам сиёғида бўлсин-да!.. Яқин орада ўт йўқ, яйловга обориб боқиш керак, бола энлайдиган ишмас бу. Кузга бориб, бузоқларимиздан ажраб қолмайлик тагин...

Тегирмончи чол, Игнат писмиқ, ичи қоралик қилиб, мингиллашга тушди:

— Подачи масаласига ижрокўм аралашмаса ҳам бўлади, бу иш ёлғиз ўзимизга тааллуқли, ўзимиз битирамиз...

Шундай одамни топиб қўйиш керакки, ўзи кексироқ бўлсин, молнинг тилини билсин...

— Тўғри айтасан, бува...

— Гражданлар, чолни подачи қилсангиз, бузоқ йўқолишини ўшанда кўрасиз... Замона нотинч, ўғри кўп... — Раис шундай кескин гапдан кейин одамларга разм солиб турди; пойга томондан маъқуллаган овозлар эшитилди:

— Чол эплотмайди... Ахир бу сигир эмас, ҳаммаси бир яшар бузоқлар, шуни назарда тутиш керак. Оёғи чакқон бўлмаса — қийин. Бузоқлар думини хода қилиб, бир қочгандан кейин қайтариб бўлсан, чолга ким қўйибди бунақа ишни, чопаман деб ичағи узилар...

Ҳамма қаҳ-қаҳлаб кулади; Игнат бобо ҳали ҳам орқадан мингиллаб, ўзиникини маъқуллайди. Ғаламис чол:

— Коммунистлар бу ишга аралашмаса ҳам бўлади... Мол боқишнинг ўзига яраша дуо-ю, такбирлари бор... — деб, тепакал бошини силаб қўйди.

Бироқ раиснинг зардаси қайнаб:

— Ҳой гражданин, илтимос, бемаза гапларни қўйинг... шунақа... бўлаверса... мажлисдан чиқариб юбораман... — деб жиддий огоҳлангирди.

Тонг чоғида, эндигина мўрилардан бурқсиб чиққан тутун майдон устига ер бағирлаб ёйила бошлаган маҳалда Григорий юз эллик бош бузоқни тўплади-да, файзи йўқ эски тепа томонга ҳайдаб кетди.

Даштни бошдан оёғигача суғур инлари босиб кетган; суғурлар ҳадиксирагандай, чўзиб-чўзиб чийиллашади, ўти ўсмай қолган жарлардан чурраклар учиб чиқади, кумушдай патлари ҳавода ялтирайди.

Моллар тинч. Ер қовжираб кетганидан, бузоқларнинг айри туёқлари остида худди ноғорадай тарақлайди.

Синглиси Дунятка ҳам Григорийнинг ёнида: акасига қарашиб, дастёрлик қилиб юрибди. Унинг сепкил тошган, офтобда қорайган юзлари, лабу кўзлари баравар кулади, нега кулади десангиз, шу — Қизил тепага келганда бор-йўғи ўн еттига қадам қўйди, ёши ўн еттида бўлгандан кейин ҳамма нарса қизиқ кўринаверади: акасининг қовоғи солиқлиги ҳам, бузоқларнинг шалпангқулоқлиги ҳам, юриб кетатуриб бурган қовшашлари ҳам, икки кундан бери нонсиз ўтиришлари ҳам қизиқ-да, ахир унга, шунга кулади.

Аммо Григорий кулмайди. Эскирган шапка тагидаги ажин оралаган дукки пешонаси билан ҳорғин кўзларини кўрган одам уни энди ўн тўққизга кирган деб ўйламайди.

Пода ёйилиб, йўл бўйидан бормоқда, ола-була бузоқлар тинчгина ўтламоқда.

Григорий хуштак чалиб, кейин қолган бузоқларни қайтарди-да, Дунияткага бурилиб қаради:

— Биласанми, Дунь, куз келса, пода ҳақиқа анча дон тушади, ана иннайкейин, шаҳарга жўнаймиз. Мен рабфакка кираман, сениям бирор ерга жойлаб қўяман... Балки сен ҳам ўқишга кирарсан... Шаҳарда-чи, Дуниятка, китоб кўп, нониям оппоқ, у ерда бундагига ўхшаб, исмадоқ кўшган нон ёпишмайди.

— Йўл кирага пулни қатдан оламиз?

— Вой эси паст-эй... Пода бокқанимизга йигирма пуд дон беришади, ана шу пуд-да... Пудини бир сўмдан сотамиз, иннайкейин, сўкни, таппиларни сотамиз.

Григорий йўлнинг ўртасида туриб олиб, таёғи билан ер чизиб, даромадни ҳисоблашга тушди.

— Грища, нима еймиз энди? Бир бурдаям нонимиз йўк...

— Менинг тўрвамда пича қотган кулча бор.

— Бугун уни ермиз, эртага нима қиламиз?

— Эртага қишлоқдан ун обкелишади... Раис ваъда қилувди...

Тушки офтоб роса куйдирди. Григорийнинг эғнидаги бўз қўйлак жикка ҳўл бўлиб, курақларига ёпишиб қолди.

Подага ҳам жин тегди: бузоқларни сўна-ю, чивин талаб, молларнинг бўкиргани, сўналарнинг ғўнғиллаган овози тандирдек қизиган ҳавога кўтарилди.

Кечқурун, кунботар маҳалида бузоқларни кўрага ҳайдаб келишди. Нарироқда ҳовуз, унинг ёнида похол ёпилган чайла бўлиб, походи ёмғирда моғорлаб кетган.

Григорий подадан ўзиб бориб, ҳаллослаганича кўра ёнига келди-да, четан дарвозани очиб юборди.

Дарвозанинг оғзида туриб, бузоқларни бирма-бир санокдан ўтказди.

## II

Ҳовузнинг нарёғида қўққайган дўнг устига янги чайла солишди. Деворларини гўнг билан сувашди, томини Григорий бурган билан ёпди.

Эртаси кунни отда раис келди. Ярим пуд маккажўхори уни билан бир халта сўк келтириб берди. Сўнгра сояга ўтириб, махорка ўраб чекди.

— Сен ўзинг яхши йигитсан, Григорий. Подадан қутулганингдан кейин, кузда иккимиз округга борамиз. Балки, бир амаллаб, ўшанақаси ўқишга жўнатармиз... Халқ маорифида бир танишим бор, ёрдам қилади...

Григорий суюнчидан гул-гул очилиб кетди; раис жўнаётганда, узангисини ушлаб турди, кўлини маҳкам сикди. Анчагача унинг кетидан тикилиб, от туёқлари остидан буралиб чиққан чанг булутини томоша қилди.

Қақраган дашт гарчи эрталаб офтобга ёлчимаса ҳам, қоқ тушга бориб, жазирама иссиқдан димиқиб кетарди. Григорий чалқанча ётиб, олисдан хаворанг бўлиб кўринган тепаликка боқар, назарида, дашт ҳам жонли нарсага ўхшаб, талпинаётгандай туюлар, қишлоқлар, сон-саоқсиз станица ва шаҳарларнинг оғирлиги босиб, қийналаётгандай бўларди. Назарида, тупроқ ҳам ўқтин-ўқтин нафас олиб қимирлаётганга ўхшар, гўё ернинг энг чуқур жойларида, қатлам-қатлам тупроқ тагида алақандай бошқача, номаълум бир ҳаёт қайнаётгандай бўлиб сезиларди.

Шунинг учун куппа-кундузи Григорийни ваҳима босарди.

Шунинг учун у, қатор кетган поёнсиз дўнглар орасидаги масофани чамалаб кўрмоқчи бўлар, гоҳ қимирлаётган саробга, гоҳ сарғайган ўтлар орасида ёйилиб юрган бузоқларга тикилар, элу юртдан ажраб, мусофирлардек яшаётганини ўйлар эди.

Шанба кун кечкурун Григорий подани кўрага қамади. Дунятка чайла ёнига ўт ёқди, исмалоқ солиб сўк бўтқа пиширмоқчи бўлди.

Григорий олов ёнига ўтирди-да, таёғи билан бурқсиган таппиларни титкилаб:

— Гришакнинг ғунажинига касал тегибди,— деди.— Эгасига хабар қилиш керак эди...

— Мен бора қолайми?..— деб сўради Дунятка, ташвишланганини яшириб.

— Керакмас, сен кетсанг бир ўзим подани эпложмайман...— Григорий кулди:— одамларни соғиндингми-а?

— Соғиндим, акажон... Келганимизга бир ой бўлди; битта одамни кўрдик, холос. Ёзи билан шу ерда турадиган бўлсак, гапниям унутиб қўярмиз дейман...

— Сабр қил, Дунь... Кузда шаҳарга жўнаймиз. Икковимиз ҳам ўқишга кирамиз, мактабни битиргандан кейин яна қайтиб келамиз. Китобга қараб, янгичасига деҳқончилик қила бошлаймиз, шундай қилмасак, бу ердагилар нодонликдан, гафлатдан қутулолмайди... Ҳаммаси саводсиз... бу ерда китоб деган нарса топилмайди...

— Сен билан мени мактабга олишармиди... Биз ҳам ғирт саводсизмиз-ку...

— Йўқ, олишади. Мен қишда станицага борганимда, ячейка секретаридан Лениннинг китобини олиб ўқиган-

ман: Ўша китобда — ҳукумат пролетарники дейилган, ўқиш масаласиям ёзилган: камбағаллар оиласидан чиққан ҳамма одам ўқиши лозим деб айтилган.

Гришка чўкка тушиб ўтирди, оловнинг олтин шуъласи бетларида ўйнай бошлади.

— Ўз республикамизни идора қила билиш учун бизга илм керак: Шаҳарларда ҳукумат тепасига ишчилар қўйилган, бизда-чи, станица раиси — кулок, ҳамма қишлоқларда бойлар раис бўлиб олишган...

— Ох, Гриша, мен пол тозалардим, кир ювардим, ишқилиб, пул топардим, сен бемалол ўқийверардинг...

Таппилар тутаб, пишиллаб, ўча бошлади. Мудроқ босган дашт жимиб қолди.

### III

Ячейка секретари Политов, округга кетаётган милиционерга: «Григорийга айт, станицага келсин», деб тайинлаб юборди.

Григорий тонг ёришмасдан йўлга чиқди; айни туш пайти дўннга етганда, олисдан черков мезанаси, тунука томли иморатлар, томига поҳол ёпилган уйлар кўринди.

Қаварган оёқларини судраб, майдонга аранг етди.

Полнинг уида ҳозир клуб жойлашган эди. Поҳол ҳиди уриб қолган янги поёндоз устидан юриб бориб, кенггина бир уйга кирди.

Дераза қопқоғи очилмагани учун уй ичи қоронғи. Дераза ёнида Политов тахта рандалаб ром қиляпти.

— Эшитдим, ука, эшитдим...— деб кулди терлаган кўлини узатиб.— Майли, ишлайвер, зарари йўқ! Округдан суриштириб кўрдим: ёғ заводига одам керак экан, бироқ керагидан ўн иккита киши ортиқ олиб қўйишибди, жой қолмабди... Ҳозирча подангни боқиб тур, кузда сени ўқишга юборамиз.

— Подачиликниям тортиб олишмаса деб хавотир-даман... Қишлоқдаги кулоқлар подачиликка ярамайди деб хўпам қийиқлик қилишди... Ўзи комсомол — худосиз, дуо-ю ибодатни билмайди, мол боқади эмиш,— деб Григорий мийиғида кулди.

Политов дераза тоқчасига сочилган қипиқни енги билан сидириб ўтирди-да, тер босган қошларини чимириб, ер тагидан Григорийга разм солди.

— Гриша, сен жудаям озиб кетибсан.. Овқат еяпсанми ўзинг?

— Куним ўтяпти.

Иккиси ҳам жим бўлиб қолди.

— Қани, юр бизникига, округдан газета ва китоблар олдик, янгиларидан сенгаям берай.

Этаги қабристонга туташган кўчага кирдилар. Қудда товуқлар ағнашар, аллақайси ёқдан қудуқ хавозасининг гичиллагани эшитилар, оғир сукунатдан кулоқ шингилларди.

— Сен бугун қол. Мажлис бўлади. Ҳамма ўртоқлар: «Гришка қаерда, нима қиляпти, нима бўлди?» деб сўрашгани сўрашган. Уларни кўрасан.. Мен бугун халқаро аҳвол тўғрисида доклад қиламан... Меникида ётиб, эртага кетарсан. Хўпми?

— Ётиб қололмайман... Дунятка ёлғиз, бир ўзи подани эплолмайди. Лекин мажлисда бўламан, мажлис тугагач, кечаси кетавераман.

Политовнинг даҳлизи салқин, ундан олмақоқининг хушбўй иси димоққа урар, деворларда осифлиқ хомуту абзаллардан от терининг ҳиди келади.

Бурчақда қвас солинган бочкача, унинг ёнида қийшайган каравот турибди.

— Мана, менинг қулбам, шу ерда тураман. Нариги уй жуда исиб кетган...

Политов энгашиб, шолча тагидан «Правда» газетасининг аллақачонги сонлари билан иккита китобча олди.

Шуларни Григорийнинг кўлига тутқизди-да, қирқ ямоқ қопни ёйди.

— Ушла буни...

Григорий қопнинг оғзини очиб тураркан, кўзини газета сатрларидан узолмасди.

Политов ҳовучлаб ун солди-да, қоп ярим бўлгач, силкитиб қоқди ва шошганича хужрага кириб кетди.

Икки бўлак чўчқа мой олиб чиқди, қарам баргига ўраб, униям қопга солди.

— Уйга қайтишда, мана шуни ола кетасан!— деди ғудраниб.

— Олмайман...— деди Григорий тутақиб.

— Нега олмайсан, хўш?

— Олмайман-да...

Политовнинг ранги оқариб, Гришага қаттиқ тикилди:

— Бу нима қилиқ, хумпар! Тагин ўртоқ-а! Очликдан ўлай деб қопсан-ку, индамайсан. Оласан, йўқса, оғайнигарчиликни йиғиштирганим бўлсин...

— Бисотингда борини менга бериб...

— Ўзимгаям қолди, хотиржам бўл...— деди Поли-

тов шаштидан тушиб, кейин Григорийнинг жаҳл билан қоп оғзини боғлашини томоша қилиб турди.

Мажлис тонг отарга яқин тамом бўлди.

Григорий дашт билан кетди. Қопи оғирлик қилиб, елкасини эзар, қавариб-қизиб кетган оёқлари ачишар, лекин у тонг ёришиб кетаётган томонга шахдам қадам ташлаб борар эди.

#### IV

Эрталаб Дунятка тезак териб келгани чайладан чиқди. Кўрадан чопиб келаётган Григорийга кўзи тушди-ю, бирон кор-қол бўлганини пайқади.

— Нима гап, тинчликми?

— Гришканинг бузоғи ҳаром ўлиб қопти... Яна учтаси касал.— Нафасини ростлаб олиб:— Дунь, кишлоққа бормасанг бўлмайди,— деди.— Гришка ва бошқаларга айт, бугундан қолмай келишсин... молларинг касал, дегин.

Дунятка наридан-бери кийиниб, йўлга тушди. Кўрғон орқасидан эндигина куёш кўринганда дўнган ошиб кетди.

Григорий синглисини кузатгач, секин-аста кўра томон юрди.

Пода жар ёқалаб кетганди, четан тагида уч бузоқ ётарди. Тушга яқин учаласи ҳам ўлди.

Бирпасда яна иккита бузоқ касал бўлиб, Григорий гоҳ кўрага, гоҳ пода ёнига югуриб қолди...

Биттаси ҳовуз ёнидаги балчиққа йиқилган, бошини Григорий томон буриб, маърарди; Гришканинг кўзларидан шўртанг ёш тирқираб, офтобда қорайган юзларига оқиб тушиб, ўзи зўрға турганда, бузоқнинг бақрайган шиша кўзларидаги ёшни кўриб, бадтар хуноб бўларди.

Кун ботар маҳалда Дунятка мол эгаларини бошлаб келди...

Артёмич бобо, ўлиб қолган бузоқни ҳассаси билан туртиб қўйди:

— Қорасон тегибди... шунақа касал бор... Энди ҳаммаси қирилади,— деди.

Ўлган бузоқларнинг терисини шилиб олдилар-да, этини ҳовузнинг нарёғига кўмиб устидан қуруқ, қора тупроқ тортиб ташладилар.

Эртаси куни Дунятка яна кишлоққа чопди. Бирданига етти бузоқ касал бўлиб қолди.

Офат устига офат келди, кундан-кунга молнинг баракаси учиб, сал орада кўра ҳувиллаб қолди. Гриша нима



қилишини билмай ўз ёнига ўзи қовурилар эди. Юз эллик бош бузоқдан атиги элликтаси соғ қолган эди. Эгалари аравада келиб, ўлган бузоқларнинг терисини шилиб олишар, қип-қизил қонга буланган этини бўлса, жарда саёзгина чуқур қазиб, шунга ташлашар ва устини наридан-бери кўмиб, жўнаб кетишарди. Бузоқлар кўрага киришдан безиллаб қолган эди: қон ҳиди келганини, кўрага ажал оралганини сезиб ёппасига маърашарди.

Сомондай сарғайиб кетган Гришка эрталаб кўра эшигини ғийчиллатиб очди дегунча, пода ўтлагани чиқар ва ҳар доим бузоқлар кўмилган жойга — дўппайган тепачалар томонга қараб юрарди.

Ирий бошлаган гўштларнинг сассиғи, бузоқларнинг шатақоқ отиб чангитгани, ҳуркиб кетиб бўкиргани, дашт осмонида имиллаган офтобнинг иссиғи кишини беҳузур қиларди.

Қишлоқдан овчилар келиб, кўра атрофидаги четан деворларни айланиб, ўқ отишар — молга келган балони даф қилмоқчи бўлишар, бироқ, бузоқлар қирилаверар, кундан-кунга камайиб борар эди.

Гришка бузоқ кўмилган чуқурларнинг баъзиси очилиб қолганини пайқади; у ер-бу ерда ғажилган суякларни кўрди. Бузоқлар кечалари безовталаниб, бадтар ҳуркович бўлиб қолди.

Жимжит кечаларда бирданига увиллаган хунук овоз кўтариларди-да, бузоқлар четан деворни синдириб, кўрада зир югуриб қолишарди.

Гоҳо четан деворни қулатиб, гала-гала бўлиб, чайла ёнига боришарди. Сўнгра, гулхан атрофида оғир-оғир нафас олиб, ковшаниб ётишарди. Гришка анчагача нега бундай бўлаётганига тушунмай юрди.

Бир куни кечаси итлар қаттиқ акиллаганидан Гришка уйғонди. Пўстинини йўл-йўлакай кийиб, югурганича чайладан чиқди. Шудрингда ивиган бузоқлар дарҳол унга суйканиб ўраб олишди.

Эшик олдида бирпас туриб, ҳуштак чалиб, итларни чақирган эди. Илон жар томонда бўриларнинг поймапой увиллаганини эшитди, тепани ўраб олган чангалзор ичидан ҳам биттасининг бўғиқ увиллагани эшитилди.

Григорий чайлага кириб, чирокни ёқди.

— Дуня, эшитдингми?

Тонгга бориб, юлдузлар билан баравар, увиллаган овозлар ҳам ўча бошлади.

Эрталаб тегирмончи Игнат билан Михай Нестеров келишди. Григорий чайлада чоригини ямаб ўтирган эди. Чоллар ичкари киришди, Игнат бобо шапкасини олди-да, кўлини кўтарди: чайла ичига тушган кийгоч куёш шувласидан кўзи қамашиб, бурчакда осиглик турган Ленин расмига қараб чуқиниб юборишига сал қолди. Пайкаб қолиб, кўлини орқасига олди-да, ғазабланиб ерга тупурди:

— Хўш, ҳм... Табаррук иконанг ҳам йўқ экан-да?..

— Йўқ...

— Муборак тўрда турган анави ким?

— Ленин.

— Ҳамма офат шундан-да... Худони унутгандан кейин бало-ю қазодан кутулиб бўпсан... Шуларнинг касрига бузоқларимиз кирилиб кетяпти... Ё поки парвардигор, ўзинг меҳрибонсан...

— Бобо, бузоқлар мол доктори чақирилмагани учун ўляпти.

— Қадимдан биз мол дохтирисиз яшаб келганмиз... Жудаям билимдон бўлиб кетибсан-а... Манави шўр манг-лайнгни тез-тез чуқинтириб турганинда-ку, дохтир ҳам керак бўлмасди.

Михай Нестеров кўзларини ола-кула қилиб бақирди.

— Бурчакдаги анави худосизни олиб ташла!.. Сен худодан қайтган, харомининг касофатига подамиз кирилиб битди.

Гришканинг ранги оқариб кетди.

— Хўжайинликни уйингизда қиласиз... Ҳадеб кекирдагингизни чўзаверманг... Бу одам пролетарларнинг дохийси бўлади...

Михай Нестеров жирттакилик қилиб, шолғомдай кизариб бақира бошлади:

— Бизнинг хизматимиздасан — бизнинг йўлимиздан чиқма, боболар расмини бузма... Биламиз сендақаларнинг кимлигингни... Кўзингни оч, бола, нақ худди терингга сомон тикамиз-а.

Чоллар шапкаларини кийиб, хайрлашмасдан чиқиб кетдилар.

Ваҳимада қолган Дунятка акасига жовдираб қарарди.

Орадан бир кун ўтгач, қишлоқ тақачиси Тихон бузоғидан хабар олгани келди.

Чайла олдига чўнкайиб ўтирди-да, махорка ўраб чекди, аламзадалик билан ғалати илжайиб, гап бошлади:

— Кўрган кунимиз итникидан бадтар... Эски раисни бўшатишди, энди Михай Нестеровнинг куёви амалга минди. Ўзига яқин одамларининг ёнини оляпти... Кеча ерларни тақсимлашди: бирор камбағалга тузукроқ ер тушиб қолса, дарров бошқатдан тақсимлашди... Бойлар яна елкамизга миняпти... Қаердаки яхши ер бўлса, ҳаммасини шулар эгаллаб олди. Биздақаларга-чи, Гришуха, тақирдан тегди... Шунақа гаплар...

Григорий ярим кечагача гулхан ёнида қадалиб ўтирди: кўмир билан чизиб, маккажўхорининг оч-сарик шапалок баргларини ажи-бужи хатга тўлғизди. Ер нотўғри бўлинганини, мол ўлатига қарши милтиқ отиб курашганларини, мол дохтир чақирилмаганини ёзди. Сўнгра ёзилган маккажўхори баргларини тўплаб, Тихон тақачига бераётди:

— Округга борганинга, «Красная правда» газетасини босадиган жой қаерда деб сўраб топасан-да, мановини топширасан... Мен очик-очик қилиб ёздим, эҳтиёт бўл, эзилса, четлари ўчиб кетади... — деб тайинлади.

Тақачи кўмиру оловда куйиб, қорайиб кетган қўллари билан шитирлаган баргларни авайлаб олди-да, кўйнига, юрагига яқин жойга яшириб қўйди. Хайрлашаётди яна боягидай илжайди:

— Округга пиёда бораман, юз эллик чақирим йўлни узоғи билан уч кунда босарман... лекин Совет ҳукуматига арз қилиб, ҳақиқатнинг тагига етмай қўймайман... Бир ҳафтада қайтаман, келган куним сенга хабар қиламан...

## VI

Кузги ёгингарчилик бошланди, осмон қорайиб, ҳаммаёқни рутубат босди.

Дунятка саҳар туриб овқат олиб келгани қишлоққа кетди.

Бузоқлар тепада ўтлар эди. Григорий чакмон ёпиниб, поданинг кетидан борар ва қовжираган қариқизнинг уруғини кафтида ишқалаб, хаёл сурарди. Кузги калта кун тугаб, қош қорайган маҳалда икки отлик дўнгдан ошиб тушди. Григорий иккисини ҳам таниди, бири — Михай Нестеровнинг куёви — янги раис, иккинчиси, Игнат тегирмончининг ўғли эди.

Отлари терлаб-кўпириб кетган.

— Салом, подачи!..

— Салом!..

— Биз сени йўқлаб келдик...

Эгарда ёни билан ўгирилиб олган раис анчагача ивирсиб, совқотган панжалари билан зўрга шинель тугмаларини ечди; қўйнидан сарғайган газета олди-да, уни шамолда очди.

— Манавини сен ёздингми?

У Григорийнинг кўз олдида газетани ўйнатиб ўдағайларди: ер тақсимлаш, мол ўлати тўғрисида маккажўхори баргларига ёзилган сўзлар унда босилган эди.

— Қани, юр биз билан!..

— Қаёққа?..

— Мана бу ёққа, жарга тушайлик... Сенда гапимиз бор.— Раиснинг кўкарган лаблари қалтирар, кўзлари аланг-жаланг бўлиб, хунук тикиларди.

Григорий жилмайиб:

— Шу ерда гапиравер,— деди.

Раис:

— Майли, шу ерда десанг, шу ерда...— деди-да, чўнтагидан тўппонча олди... ўйноқлаган отнинг жиловидан силтаб:

— Газетага ёзасанми тагин, аблаҳ?— деб вағиллади.

— Мен нима қиппан?..

— Қилган ишинг шуки, сенинг касрингга судга тушяпман! Чақимчилик қиласанми тагин?.. Гапир, коммунадан тарқаган махлуқ!..

Жавоб кутмасдан индамай турган Григорийнинг оғзидан отди.

Григорий вой деганича, ўйноқлаган от оёқлари тагига йиқилди-да, акашак бўлиб қолган бармоқлари билан сарғайган хўл кўкатдан бир тутамини юлиб олиб жим бўлди.

Игнат тегирмончининг ўғли отдан ирғиб тушди-да, бир сиқим қора тупроқ олиб, қон қусган Григорийнинг оғзига тикди...

\* \* \*

Дашт-бепоеън, уни ҳеч ким ўлчаб, тагига ета олган эмас. Унда сон-саноксиз йўллар ва сўқмоқлар бор. Куз тунлари жуда-жуда қоронғи, ҳар қандай от изини ёмғир бирпасда ювади-кетади...

Дашт йўли. Қош қорайган пайт. Майдалаб муздай ёмғир ёғмоқда.

Халтачангда бир бурда арпа нонинг, қўлда таёғинг бўлса, йўл юриш қийин эмас.

Дунятка йўл бўйидан бормоқда. Шамол унинг йиртиқ кўйлагини юлқилайди, қутуриб келиб, орқасидан итареди.

Теварак-атрофда хўмрайган хунук дашт ястаниб ётади. Қоронғи тушмоқда.

Йўлдан сал четроқда кўрғонча ва унинг ёнида томи тўзиб кетган чайла кўринди.

Дунятка маст одамдай гандираклаб, чўккан гўр тепасига борди-да, ерга бағрини бериб ётди.

Тун...

Мана энди Дунятка, темир йўл станциясига кесиб чиқадиган катта йўлдан бормоқда.

Йўл тўғри, юриш ҳам осон, чунки елкасидаги халтачада бир бурда арпа нони, ҳар бир варағидан дашт ҳиди, чанг иси келадиган, мажакланган китобчаси бор, акаси Григорийнинг бўз кўйлаги ҳам шу халтачада.

Ҳар гал дардини ичига сиғдиролмай, ўпкаси тўлиб, кўзлари ёшдан ачишганда, ҳеч ким кўрмайдиган бир четга чиқиб, акасининг ювилмаган бўз кўйлагини халтадан олади... Кўйлак устига ўзини ташлайди, уни юзига суртади, акажонининг тер ҳидини тўйиб-тўйиб искайди... Шу аҳволда кимир этмай анчагача ётади...

Анча-мунча йўллар босди. Даштдаги жарлардан очликдан нолиган бўриларнинг увиллаши эшитилади, Дунятка эса, йўл ёқасидан дадил қадам ташлаб шаҳарга боради, чунки у ерда Совет ҳукумати бор, у ерда пролетарлар илм олишмоқда, келажакда республикани ўзлари идора қилишни ўрганишмоқда.

Ленин ёзган китобчада шундай дейилган.

1925



## ОЗУҚА КОМИССАРИ

### I

Область буйича ғалла комиссари округга келган эди. У, устарада қирилавериб кўкариб кетган лабларини писмиқона қимтиб, шошиб-пишиб гапирарди.

— Статистика маълумотларига биноан сизга қарашли округдан юз эллик минг пуд ғалла олиниши лозим. Мен ўртоқ Бодягин, сергайрат ва ташаббускор хизматчи эканингизни назарда тутиб, сизни шу ерга ғалла комиссари қилиб тайинладим. Сизга инонаман. Бир ой мухлат... Эрта-индин трибунал келади. Ғалла армия учун, марказ учун зарур, мана шундай керак...— деб, жун босган қиррадор кекирдагига пичоқ солгандай қилиб кўли билан чизди-да, тишини тишига қаттиқ босди.— Қасддан ғалла яширганлар отилсин!..

Сочи олинган бошини қимирлатиб хайрлашди-ю, жүнаб кетди.

### II

Турнақатор бўлиб кетган симёғочлардан округнинг ҳаммаёғига телеграмма кетди: озиқ-овқат развёрсткаси.

Қишлоқ ва станицалардаги ғаллакор казаклар белларини маҳкам боғлаб, ёппасига:

— Текинга ғалла бор эканми?.. Бермаймиз!— деб қаттиқ туриб олишди.

Кечалари ҳар ким ўзига маъқул тушган жойни топиб, кўчадами, қўрадами ўра кавлар, ботмон-ботмонлаб, неча юз пудлаб сара бугдойни ерга кўмарди. Ким қаерга, қанча дон яширганини кўшниси биларди, албатта.

Туя кўрдингми — йўк...

Бодягин ғалла отряди билан бутун округни гир айланмоқда. Тачанка гилдираклари тагида қор гирчиллайди, қиров босган четан деворлар кўз ўнгидан липиллаб ўтади. Қош қорайган пайт. Станица кўринади, бошқа станицалар

қатори анчайин бир станица-ю, фақат Бодягин учун унинг аҳамияти катта... Орадан олти йил ўтса ҳам станица бояғидай эди.

Воқеа шундай: июнь ойи, кун қизиган, уватларда мойчечак гуллаган, ўроқ маҳали, Игнашка Бодягин — ўн тўрт ёшда. Чоракор билан буғдой ўраётган отаси: «Паншаха тишини синдирибсан» деб чоракорни уради. Игнат тишини тишига маҳкам босиб, отасига рўпара бўлади-да, данга-лига:

— Дада, сен аблаҳ экансан...— дейди.

— Мен-а?!

— Сен...

Ота бир уриб Игнатни кулатади, айил билан савай-вериб, қоп-қора қонга белади. Кечкурун даладан уйга қайтганларидан кейин ота боққа кириб, олча шохини кесиб чиқади-да, уни йўниб Игнатнинг кўлига тутқизади ва соқолини силаб:

— Қани, энди бор, болам, оламини айланиб кўр, ақлинг кирса қайтиб келарсан,— деб мийигида кулади.

Бу воқеага олти йил бўлди, ҳозир тачанка киров босган четан деворлар ёнидан гизиллаб ўтмоқда, похол билан ёпилган томлар, бўёғи хунук дераза қопқоқлари ортда қолмоқда. Бодягин отасининг уйи олдидаги сарв дарахтларига, томида қаққайиб турган ту누ка хўрозга қаради; томоғига бир нарса тиқилгандай бўлиб, нафаси бўғилганини сизди. Кечкурун тушган уйнинг эгасидан:

— Бодягин чол тирикми?— деб сўради.

От асбобини ямаётган уй эгаси сақичга беланган бармоқлари билан жуволдизга ип ўтказди-да, кўзини қисди:

— Йилдан-йилга давлати ошяпти... Бошқа хотин олволди, кампири бўлса, ўлиб кетди, ўғлидан дом-дарак йўқ, чол хумпар хотинбоз чикди: эри солдатга кетган жувонлар кетидан югургани югурган...

Сўнгра гапига жиддий тус бериб:

— Ишқилиб, ўзи ёмон эмас, бамаъни одам...— деб кўшиб қўйди.— Сизга танишми, дейман?

Эрталаб нонушта вақтида ревтрибунал сайёр ҳайъатининг раиси шундай деди:

— Кеча йиғинда икки қулоқ казакларни ғалла топширмасликка ундаб, ташвиқот юргизган...— деди.— Тинтув вақтида қаршилик кўрсатган, иккита қизил аскарни урган. Намунали суд қиламиз-да, отиб ташлаймиз...

Собиқ бочкасоз, ревтрибунал раиси — халқ уйининг пастак саҳнасидан туриб, гўё бочкага темир қоққандай, гапни лўнда қилди-қўйди:

— Отилсин!..

Икки кишини эшикка олиб чиқдилар... Орқада кетаётганини Бодягин таниди, у отаси эди. Малла соқолининг четларига эндигина оқ оралабди. Унинг ажин босган қопқора гарданига тикилиб турди-да, кетидан чиқди.

Зинапоя олдида қоровул бошлиғига:

— Анави чолни менга чақириб бер,— деди.

Чол бошини куйи солиб, букчайиб юрарди; ўғлини таниди, бирдан кўзларида ўт чақнаб кетди-ю, яна сўнди. Қовоғи осилиб кетди, хурпайган калин қошлари кўзларини босиб тушди.

— Қизиллардамисан, болам?

— Қизиллардаман, дада.

— Ҳа-а-ап...— чол кўзини опқочди.

Жим бўлиб қолишди.

— Қўришмаганимизга олти йил бўлди, дада, бирон-та гапинг йўқми?

Чол ғазаб билан қаншарини бужмайтирди:

— Йўқ ҳисоби... Ўз молим учун мени ўғри қилиб отиш керак бўпти, ўз омборхонамга бегонани киргизмайман десам, мен контр; бировларникини титиб юрганлар қонунга тўғри одамлар, шундайми? Талайверинг, зўравонлар, омадингиз кепти.

Галла комиссари Бодягиннинг салқиган бетлари бўзариб кетди.

— Биз, камбағалларни таламаймиз, аммо-лекин, бировнинг кучидан фойдаланиб давлат орттирганларни шилиб оламиз. Чоракор қонини сўриб бойиганларнинг биринчиси сен эмасмисан?!

— Мен кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилганман, сенга ўхшаб қайси гўрларда санғиб юрганим йўқ!

— Меҳнат қилган одам — ишчи ва деҳқонлар ҳукуматини бажонидил қабул қилади, сенга ўхшаб, сўйил кўтариб югурмайди... Четан деворнинг яқинига йўлатмабсан... Ана шунинг учун отиласан энди!..

Чолнинг хириллаб нафас олгани эшитиларди. То шу дамгача ота-болани бир-бирига боғлаб турган ип чирт этиб узилгандай бўлди:



— Сен менга ўғил эмас, мен сенга ота,— деди у шивирлаб.— Отанга шундай дейишга тилинг боргани учун минг лаънат сенга, оқ қилдим...— Чол «туф» деди-да, индамай кетаверди. Сўнгра, шартта бурилиб дағдаға қилди:

— Ҳали шошма, Игнашка!.. Сен занғар билан учрашиб ҳам қолармиз! Хопердан казаклар келяпти, ҳукуматдорларингни тилка-пора қилади. Агар кўрмай ўлиб кетсам, сенинг омадинг, аммо-лекин худо асраб тирик қолсам борми — ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман сени...

\* \* \*

Кечқурун станицанинг нарёғидаги шамол тегирмон ёнидан, ҳаром ўлган молларни элтиб ташланадиган ахлатхона томонга бир тўп одам бурилди. Комендант Тесленко трубкасини қокди-да, чўрт кесиб:

— Жарга яқинроқ туринглар...— деб буюрди.

Бодягин йўл ёқалаб, кўкиш қорни ёриб келаётган чанага қараб:

— Дада, хафа бўлма...— деди овозини аранг чиқариб ва бир нима дермикин деб жавоб кутиб турди.

Чол чурқ этмади.

— Бир... икки... уч!..

Шамол тегирмон орқасида ўқ товушидан хурккан отлар юлқиниб изига қайтди. Ўнқир-чўнқир йўлда чана лопиллар, чўкиб қолган кўкиш қор устига бўялган дуганинг сояси липиллаб тушиб турарди.

#### IV

Турнақатор бўлиб тизилган симёғочлардан округнинг ҳаммаёғига яна телеграмма кетди: Хоперда кўзғолон. Ижроқўм биноларига ўт қўйилди. Хизматчиларнинг бир қисми ўлдирилди, баъзиси қочиб қутулди.

Ғалла отряди округга жўнаб кетди. Бодягин билан трибунал коменданти Тесленко бир кунга станицада қолишди. Улар дон ортилган сўнги араваларни ғалла пунктига жўнатмоқчи бўлиб шошилишарди. Эрта тонгдан бўрон туриб, станицани оппоқ қорга кўмиб ташлади. Кечга яқин йигирматача отлиқ кириб келди. Қор босган станица устида жом садолари янгради. Ҳаммаёқни отларнинг кишнаши, итларнинг ақиллаши, дарэ кетган кўнғироқнинг бўғиқ даранг-дурунги босиб кетди.

Кўзғолон.

Тоғда икки отлиқ кўринди: иккиси қийнала-қийнала,

ётикроқ тепалик жойдан ошиб кетишди. Тоғ этагидаги кўприк устида отлар дупури эшитилди: Бир тўда отлик кўринди. Офицерча папах кийган олдинги одам — оёғи узун зотдор биясига қамчи босди.

— Кутулиб бўпти коммунистлар!..

Мўйлови шалпайган украин Тесленко дўнг ортида қирғиз отининг жиловини силтади.

— Етиб бўпти!

Тепама-тепа ошиб, ўтгиз чақирим йўл босиш кераклигини билишар, шунинг учун отларини аяб чоптиришарди.

Отлиқлар подадай тўзиб, қувиб келишарди. Оламнинг бир бурчи — ғарб томони қоронғилашди, букчайган тун сояси босиб келаверди. Станицадан уч чақиримча узоқлашганда, Бодягин дўппайган қор тагида ётган одамни кўриб қолди. Дарҳол унинг ёнига борди:

— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— деб бақирди бўғилиб.

Кўкариб кетган кичкинтой бир бола кимирлади. Бодягин қамчисини силкитган эди, оти типирчилаб, ўйноқлади-да, боланинг тепасига келди.

— Совкотиб ўлмоқчимисан, арвоҳ ургур? Бу ерга қандай кеп қолдинг?

Бодягин эгарда энгашиб туриб кулоқ солди, боланинг нимжон овозини эшитди:

— Мен, амакижон, музлаб қолдим... Мен етимчаман... тиланиб юрувдим...— Бола дағ-дағ титраб, аллақандай бир кофтанинг этагини бошига ёпинди-да, жимиб қолди.

Бодягин отдан ирғиб тушди, индамай пўстин тугмаларини ечиб, нимжон танани барига ўради-да, хуркиб ўйноқилаган отига аранг миниб олди.

Яна от чоптириб кетишди. Бола пўстин ичида баданига иссиқ югуриб ўзига келди. Камарни маҳкам ушлаб, миқ этмай ётаверди. Отлар тобора чопишини сусайтириб ҳарсиллар, қувиб келаётганларнинг тапир-тупури кучайган сари тез-тез кишнар эди. Тесленко Бодягин минган отнинг ёлига тармашиб изғиринда бақирарди:

— Болани ташла! Кўряпсанми, жин ургур? Ташла дейман, йўқса етиб олишади!..— У жон-жаҳди билан сўкинар, Бодягиннинг кўкарган қўлларига қамчи соларди.— Қўлга тушсак, қийма-қийма қилишади!.. Болангинам қўш-мозор бўл!..

Иккисининг отлари бараварлашди. Тесленко қамчи билан уриб, Бодягиннинг қўлини мўматалоқ қилди. Лекин Игнат тарашадай қотиб қолган бармоқлари билан

боланинг билқилдоқ баданидан ушлар, жиловни эгар қошига ўраб, наганга қўл узатарди.

— Болани ташламайман, совқотиб ўлади-ку!.. Қўйсанг-чи, мени ўз холимга, тўнғиз, худди отиб ўлдираман!

Мўйлови шалпайган хохол йиғлагудай бўлиб, отнинг жиловидан тортиб нола қилди:

— Энди кутулиб бўпмиз! Кунимиз битди!..

Бодягиннинг бармоқлари букилмасди, тишини ғижирлатиб болани эгарга ётқизиб, камар билан маҳкам танғидида, қандай боғланганини тортиб кўрди.

— Ёлидан ушла, жинқарча!— деб кулди.

Сўнгра қилич ғилофи билан терлаган от сағрисига урди. Тесленко бармоғини шалпайган мўйлаби остига тикиб, қароқччасига чийиллатиб хуштак чалди. Отлар кетидан иккиси узоқ тикилиб қолишди: юки енгиллашган отлар ўқдай учганча кетди. Кейин иккиси ёнма-ён ётиб олишди-да, дўнг ортидан лип этиб кўринган папахларни баравар ўққа тутишди...

\* \* \*

Иккисининг ўлиги уч кунгача қолиб кетди. Тесленко ёлғиз хом сурп кир иштонда, оғзидан кулоғигача қилич билан чопилган ҳолда ётар, лахта қон лабида музлаб қотиб қолган эди. Бодягиннинг яп-яланғоч кўкси атрофида дўппидор чўл қушлари бемалол сакраб юрар, ёриб ташланган қорнидан ва ўйиб олинган кўзининг косахонасидан қора арпа донларини чўқиб ерди.

1925.



## ШИБАЛОКНИНГ ФАРЗАНДИ

— Кўзойнак тақишинга қараганда ўқиган, ажабтовур хотин кўринасан-у, дардим нималигини тушунмайсан?.. Ахир, мен буни қаёққа обораман?..

Отрядимиз бу ердан қирқ чақирим нарида. Мен ахир шунча йўлдан манавини кўтариб пиёда келганман. Оёқларимнинг териси шилиниб тушди, кўряпсанми ўзинг? Болалар уйининг мудираси бўлганингдан кейин болани олгин-да! Жой йўқ дейсанми? Хўш, мен нима қилай бўлмасам? Буни деб озмунча азоб-уқубат чекдимми. Шунча қийналганларим ҳам етар... Очиғи бу, менинг ўғлим, ўз пушткамаримдан бўлган... Ёшидан сал ошди, онадан етим қолган. Онаси шўрликнинг воқеаси жудаям ғалати... Майли, гапирсам-гапириб берай. Ўтган йил мен фавкулудда топшириқ билан чиққан сотняда хизмат қилардим. Ўша кезлари биз юқори Дон станицаларида Игнатъев шайкасининг изига тушгандик. Пулемётчи мен эдим. Бир куни қишлоқдан чиқдик; ҳаммаёқ бийдак дашт, худди калнинг бошига ўхшайди, иссиққа чидаб бўлмайди. Қирни ошиб ўтдик, тепа ёқалаб, ўрмончага кириб боравердик, мен ҳаммадан олдинда эдим. Мундоғ қарасам, рўпарамдаги дўнг тагида бир хотин ётганга ўхшайди. Отларни буриб, яқинроқ бордим. Анчайин бир жувон, чалқанчасига тушиб ётибди, этаги бошига довур кўтарилиб қопти. Тачанкадан тушиб қарасам — нафас оляпти, тирик... Тишларини қилич билан йириб очдим-да, сувдонимдан сув томизувдим, ўзига келди. Шу орада сотнядаги казаклар ҳам етиб келишди ва:

— Сен ўзинг кимсан, қатта йўл бўйида шу аҳволда ётишга уялмадингми?— деб суриштиришди.

Азага борган хотиндан бадтар вой-войлаб кетди, денг,— нима деганига тушуниб бўлмайди. Ахири билсак: бандитлар уни Астрахань ёнидан аравага босиб обкелишган экан, шу ерда хўрлашибди, иннайкейин, йўлга ташлаб кетаверишибди... Мен шерикларимга ялиниб:

— Биродарлар, бу бечора бандитлар зулмидан шу аҳволга тушибди, агар майли десаларинг, тачанкага солиб ола кетай,— дедим.

Ҳаммаси барабар чуғурлашди:

— Майли, Шибалоқ, тачаққанга солиб ол! Хотин кишининг жони савил бўлади, ўлмади бу занғар, бир оз дармони кириб тузалсин — уёғи бир гап бўлар!— дейишди.

Уёғи нима бўлди денг? Мен ўзим аслида хотин зотини ёқтирмайдиган одам бўлсам ҳам, шунга қолганда раҳмим кеп-кетди-ю: бошимга бало қилиб олволдим. Секин-аста кўниқиб кетди — гоҳ казакларнинг пайтавасини ювиб қўяди, гоҳ чалварларини ямаб беради, хуллас, хотинлар қиладиган ишларни қилиб юрди. Аммо-лекин, сотняга хотин киши аралашса ғалати кўринаркан. Бир ёқдан юзбоши:

— Думини туг бу занғарни!— деб сўкинади денг.

Ичим ачишади, унга жуда-жуда раҳмим келади. Бир кун унга:

— Қани, жўна бу ердан, Дарья. Эсон-омон ўз оёғинг билан кет, йўқса, дайди ўқ ёмон бўлади, йиғлаб юрмагин тагин,— дедим...

У бўлса кўз ёши қилиб:

— Яхшиси мени шу жойда отиб ўлдилинг, айланай казаклар, сизлардан ажраб қайга бораман?— деб роса ёлворди.

Ўша кунларда менинг кучерим ўқ еб ўлганди, жувон ўлгур ялиниб турволди:

— Мени кучерликка ола қолмайсанми? Мен отнинг тилини биламан, ман-ман деган одамнингни йўлда қолдириб кетаман.

Тизгинни қўлига бердим.

— Мабодо,— жангда кўз очиб юмгунча тачанкани орқага буролмасанг — ўлдим деявур, барибир, калтаклаб соғ қўймайман!— дедим.

Унинг тачанка ҳайдаганини кўриб одам ҳайрон қоларди, ҳамманинг ҳаваси келарди. Айби хотинлиги холос, йўқса, от масаласида ҳар қандай казакни бир чўқишда қочирарди. Баъзан позицияда тачанкани шундай бурворардики, отлар оёғини осмонга кўтариб таққа тўхтарди. Уёғи ундан ҳам қизиқ... Иккимиз ошиқ-маъшуқ бўлволдик. Сал орада қорни ҳам дўппайиб қолди; ишқилиб, эркаклар хотин кишининг бошига битган бало. Шу аҳволда саккиз ой чамаси бандитларни қувиб юрдик.

Казаклар кулишади:

— Ҳой Шибалоқ, кучерингга текин овқат жуда ёқибди-да, уни қара, ўтирғичга сигмайди-я!

Бир куни мундоғ қарасак — аҳволимиз танг: патронларимиз тамом, ўқ-дори ташийдиган аравадан дарак йўқ.

Қишлоқнинг бир четида — бандитлар, бир четида — биз. Ўқимиз йўқлигини ҳеч кимга билдирмаймиз. Қандайдир бир хоин бу сирни айтиб қўйибди. Ярим кечаси — мен пистирмадайдим, гурс-гурс этган товуш эшитилади. Қишлоқ орқасидан балойи қазодай ёпирилишиб бандитлар келиш-япти, бизларни ўраб олмоқчи. Дангалига келишяпти, ўқ тегади деб қўрқишмайди ҳам, пинакларини бузмай, мас-хара қилиб:

— Таслим бўлинглар, ҳой патрони йўқ, қизил казаклар! Бўлмаса, сен нобакорларни ер билан яксон қиламиз!.. — деб бақиршади.

Қиргин бошланди... Роса додимизни беришди, кейин қолган номард деб, чунонам қочиб қолдикки, асти қўясан. Эрталаб қишлоқдан ўн беш чақирим наридаги ўрмон ичида тўпланишиб қарасак, одамларимизнинг ярмидан кўпи йўқ. Баъзиси қочиб қутулди, кўпчилиги қиличдан ўтди. Кўнглим ғаш, чироқ ёкса ёримади, ҳеч ерга сигмай қолдим; аксига шундай маҳалда Дарьяни дард тутиб қолди. Кечаси билан отда лўкиллайверганидан ранги-рўйи бир ҳолат бўлиб, қорайиб кетди. Бирпас орамизда юрди-да, қарасам — ўрмоннинг ичкарироқ, қалинроқ жойига жўнаб қолди. Нима гаплигини дарров тушундим-у, мен ҳам қорама-қора боравердим. Жарга тушди, қулаб ётган дарахтлар тагига борди, ниҳоят, бир чуқурчани топди-да, она бўри сингари уни хазон билан тўлғазиб муққасига тушиб ётди, бирпасдан кейин чалқанчасига ўгирилиб олди. Тўлғағи тутиб инқиллашга тушди, мен бўлсам бутазор ичига кирволиб, миқ этмай ўтиравердим, шохлар орасидан мўралаб, кўз узмай турдим... Бирпасдан кейин инқиллашдан войвойлашга ўтди, юзларидан дув-дув ёш оқиб, ранглари кўм-кўк кўкариб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, илондай тўлғаниб, чилвирдай буралиб қаттиқ-қаттиқ кучана бошлади. Қараб турсам — туғолмай ўладиганга ўхшайди. Эркак киши аралашадиган иш бўлмасаям, югуриб олдига бордим, дарров ёрдам қилиш зарурлигига ақлим етди. Энгашдим, энгларимни шимардим, аммо-лекин юрагим дов бермай, қора терга тушдим. Одам ўлдирганимда ҳам бунчалик қўрққан эмасдим, лекин буниси жудаям ваҳималик бўларкан! Ёнида парвона бўлиб турдим; дод-вой тўхтади, бирданига ғалати савол бериб қолди денг:

— Яша, бандитларга ўқимиз йўқлигини ким хабар берган, биласанми? — деди-да, менга қаттиқ тикилди.

— Ким?

— Мен.

— Сенга нима бўлди, эси паст, эшак мия едингми

ўзинг? Ҳозир унақа гапларнинг пайти эмас, жим ёт!— дедим.

У яна жавраб кетди:

— Ажалим етиб турибди, сенинг олдингда тавба қилмасам бўлмайди. Яша... шу чоққача қўйнингда илон асраб юрганингдан хабаринг ҳам йўқ...

— Қани тавбангни эшитай-чи, гапир!— дедим.

Ҳамма гапни очиб ташлади. Гапираётиб бошини ерга уради, холос.

— Мен,— дейди,— бандитларга ўз ихтиёрим билан қўшилганман, уларнинг бошлиғи Игнатъевнинг ўйнаши бўлганман... Ўтган йили мени айғоқчи қилиб, сизларнинг сотнянгизга юборишганди, мен кўзбўямачилик қилиб, жўрттага ўзимни ҳалигидақа тахлитга солиб ётган эдим... Ажалим етди, ўлмаганимда-ку, биттангизниям соғ қўймасдим...— дейди.

Ҳазабимдан юрагим орқага тортиб кетди, алаимга чидай олмай, оғзига қаратиб этик билан тепивордим — оғзи-бурни қоп-қора қон бўлди. Ана шундан кейин тўлғоғи яна бадтар зўрайди, қарасам — бола тушиб, оёқларининг орасида ётибди... Ҳаммаёғи ҳўл, тулкининг оғзига тушган куёндай чийиллайди денг... Дарья бўлса ҳам йиғлайди, ҳам кулади, оёғим тагида эмаклайди, тиззамни кучоқламоқчи бўлади... Мен шартта бурилдиму, сотня ёнига бордим; воқеа шундай деб казакларга гапириб бердим...

Ҳаммаси тутақиб кетди. Олдин мени ўлдирмоқчи бўлишди денг, бироқ кейин ўйлашиб:

— Хотинни сен топгансан, Шибалок, туғиб берган боласи билан қўшиб уни сен ўлдиришинг керак, йўқ десанг гўштингни бир бурдадан қиламиз...— дейишди.

Мен тиз чўкиб:

— Биродарлар! Мен уни ўлдиришга тайёрман, лекин сизлардан қўрққанлигим учун эмас, хоинлиги учун, бизга хоинлик қилиб, шунча ўртоқларимнинг қурбон бўлишига сабаб бўлгани учун, номус кучликка ўлдираман, аммо-лекин шу гўдакчага бағритошлик қилманглар. Яхшими, ёмонми — менинг пуштикамаримдан бўлган менинг фарзандим, шунинг жонини сизлардан тиладим. Ҳаммангни хотининг бор, бола-чақанг бор, менда-чи — дунёда шундан бошқа ҳеч кимим йўқ...— дедим.

Ялиниб сўрадим, ер ўпиб йиғладим. Ўшандагина кўнгиллари юмшаб:

— Ҳа, майли! Майли, Шибалок, фарзандинг қолсин, ўсиб-унсин, худди ўзингдай азамат пулемётчи бўлсин, лекин хотин тирик қолмасин!— дейишди.

Югуриб Дарьянинг олдига бордим. Ўзини ўнглаб, бемалол болани кўтариб ўтирибди.

— Болани эмизаман деб овора бўлма. Шу аччиқ кунларда туғилган бола она сути лаззатини билмасин. Лекин, сен, Дарья, Совет ҳукуматимизнинг душмани бўлганлигинг учун мен сени отиб ўлдиришим керак. Жарга яқин тур!..— деб бақирдим.

— Яша, бола нима бўлади? Ўз фарзандинг. Мени ўлдирсанг очликдан бу ҳам ўлади. Рухсат эт, боқиб бир оз катта қилай, иннайкейин отарсан, мен розиман...— дейди.

— Йўқ,— дедим унга,— сотнядан узил-кесил топшириқ шу. Мен сени тирик қолдиролмайман; бола тўғрисида ҳам емай кўя қол: бия сути билан боқаман, ўлдирмай катта қиламан.

Икки қадам орқага тисланиб, милтиқни қўлга олдим, бироқ у оёғимни кучоқлаб, этигимни ўпа бошлади...

Бир оздан сўнг изимга қайтдим, бурилиб карамадим ҳам; қўлларим қалтирар, оёқларим букилар, кип-яланғоч, бадани шиллиқ гўдакча қўлимда сирғалиб кетарди...

Орадан беш кун ўтгач, яна ўша йўл билан қайтдик. Ўша жардаги дарахтлар устида гала-гала бўлиб учиб юрган қузғунларга кўзим тушди... Шу болани деб мен адойи тамом бўлдим.

Баъзан казаклар:

— Оёғидан ушлаб гилдиракка бир ур, қутул-да!.. Қачонгача азобини тортасан, Шибалок?— дейишарди.

Аммо бу тирранчага жудаям ачинаман. Бунга ихлосим баланд: «Катта бўлаверсин-чи, мен ўлсам ўрнимга қолар — Совет ҳукуматини душмандан кўриқлар, ишқилиб, Яков Шибалокнинг номи ўчмас...»— деб ўйлайман. Хе, раҳмдил гражданка, гапимга инонсанг — умримда кўзимдан ёш келган эмасди, лекин шу бола мени йиғлатди. Хайриятки, сотняда бир бия қулунлаб қолди, қулунини отиб ташладиғу, бияга эмизавердик. Олдин эммади, йиглаб безор қилди, йўқ, кейин ўрганиб кетди, елинига тармашиб олиб чалпиллашиб эмганини кўрган одам — қулуннинг худди ўзи дейди.

Ўзимнинг ички кўйлагимни бузиб, унга кўйлакча тикиб бердим. Ҳозир кўйлакчаси пича торлик қияпти, ҳа, тарари йўқ, бўлаверади.

Мана энди дардим нималигини тушунгандирсан: хўш, мен буни нима қилай? Жудаям кичкина, дейсанми? Ўзи кичкина бўлсаям, эси балодай, чайнаб берсанг, еяверади... Ол шуни, увол бўлмасин! Оласанми? Раҳмат, гражданка!..



Фомин шайкасини тугатдик дегунча, дарров боладан хабар оламан.

Хайр, ўғлим! Шибалокнинг фарзанди!.. Тезроқ катта бўлгин... Вой, итвачча! Дада деганниям соқолидан тортадимми? Мен сенга нима қилдим? Ёки сенга яхши қарамадимми? Ёки эркалаб ўйнатмадимми? Келиб-келиб даданг билан уришмоқчимисан? Қани, кетар жафосига пешонангдан бир ўпайин-чи...

Хавотир бўлманг, раҳмдил гражданка, сиз буни ҳали чинқириб йиғлар, деб ўйлаётгандирсиз? Йў-ў-ўқ!.. Томирида большевик қони бор, тишлашга тишлайди-ю, аммо-лекин, кўзидан бир қатра ҳам ёш оқизмайди!..

1925



## АЛЁШКАНИНГ ҚАЛБИ

Икки йил устма-уст қурғоқчилик бўлиб, даладаги экинларни қийратиб кетди. Икки йил ёзи билан дашти қипчоқдан гармсел туриб, сарғайган донли экинларни хароб қилди, қовжираган даштга алам билан тикилган мужиклар кўзидаги аччиқ ёшларни ялаб қуритиб кетди. Кетмакет очарчилик келди. Алёша очарчиликни баҳайбат кўр одам деб тушунганди: унинг тикка бостириб келишини, узун-узун қўлларини чўзиб қишлоқларни, хутору станицаларни пайпаслашини, одамларни бўғиб ўлдиришини ўзича тасаввур этарди, назарида, ҳадемай унинг қалбини ҳам қоқшол панжалари билан суғуриб оладигандай туюларди.

Алёшканинг қорни катта, осилиб тушган, оёқлари шишиб кетган... Кўқарган болдирига бармоғини босса, ўрни оппоқ чуқурча бўлиб қолади, кейин секин-аста шишиб кўтарилади-да, терисини майда-майда пўрсилдоқ босиб кетади, анчадан кейин ўша жойга аранг қон югуради.

Алёшка юзларининг қовжираб кетган олча дарахти пўстлоғи сингари териси буруну кулоқларини, иягу ёнокларини сириб, суягига ёпиштириб қўйган. Кўзлари шунчалик ич-ичига чўкиб кетганки, худди ўпирилган ўрага ўхшайди. Алёшка ўн тўрт ёшда. У беш ойдан бери нон кўргани йўқ. Алёшка очликдан шишмоқда.

Чамандай гуллаб ётган чангал тикан хушбўй ҳид таратган тонг маҳалида, асаларилар маст бўлиб, гул баргларида чайқалиб ўтирган пайтда, ҳаммаёқ шабнамга чўмилган, тик этса эшитиладиган эрталабки сукунатда Алёшка шамолдан гандирақлаб арикқача борди-да, инқиллай-инқиллай, бир амаллаб ундан ўтди ва шудринг тушган четан девор ёнига ўтирди. Севинч аралаш ширин хаёллардан унинг боши айланар, юраги ҳовлиқарди. Бунга сабаб: Алёшканинг кўкариб кетган жонсиз оёқлари ёнида ҳали совимаган, ўлик тушган қулунча ётар эди.

Кўшнининг бияси қулунлай деб турган эди. Эгаси беҳабар қолиб, подахонада қишлоқ буқаси, ўткир шох билан биянинг қорнига қаттиқ сузган-у, бия бола

ташлаган. Ҳозир ана шу чала тушган қулунчанинг илиқ-қина жасади четан девор тагида ётибди; Алёшка сербўғин кафтини ерга тираб олиб, унинг олдида ўтирибди, кулади, холос...

Алёшка қулунни олиб кетмокчи бўлди-ю, бироқ кучи етмади. Уйига қайтиб келиб, пичоқ олди. У четан девор ёнига етиб келгунча, қулунни итлар ўраб олиб, талашиб оч-қизил гўштни тупроққа судраб тортиша бошлади. Алёшка оғзини қийшайтириб: «А-а-а...» деб бақирди. Пичоқ ўқталиб, қоқила-суқула итларга югурди. Сўнгра ичак-чавоқларигача қолдирмай ҳамма этни бир жойга тўплади-да, оз-оздан уйига ташиб олди.

Алёшканинг қора кўз сингиси шилимшиқ гўшдан кўп еб қўйиб, кечга яқин бўкиб ўлди.

Онаси юзини қоқ ерга қилиб анчагача ётди, сўнгра ўрнидан турди-да, Алёшкага бурилиб, гезариб кетган лабларини қимирлатиб деди:

— Оёғидан кўтар...

Алёшка оёғидан, онаси жингалак сочли бошидан ушлаб, боғнинг этагидаги чуқурга элтиб ташлашди ва устига икки энлик тупроқ тортишди.

Эртаси кун қўшнингнинг ўғли, тор кўчадан имиллаб кетаётган Алёшкага дуч келиб қолди. У бурнини кавлаб, кўзини аланг-жалаңг қилиб:

— Лёшка, биямиз бола ташлаб қўйди, қулунини итлар паққос туширди!— деди.

Алёшка чурк этмай дарвозага суяниб тураверди.

— Нюркангни ҳам итлар чуқурдан топволиб, ичак-чавоқларини еб кетишибди...

Алёшка индамай бурилди-да, орқасига қарамасдан кетаверди.

Бола бир оёғида ҳақкалаб, унинг кетидан бақириб қолди.

— Кимда-ким попси, жанозасиз қабристондан бўлак жойга кўмилса, дўзахда шайтон уни қанарага осармиш!.. Ойим айтди, эшитдингми, Лёшка?

\* \* \*

Орадан бир ҳафта ўтди. Алёшканинг милклари ирий бошлади. Ҳар кун эрталаб очликдан қўнгли озиб, оч-наҳорга қайрагоч пўстлогини кемирарди, ўшанда тишлари лиқиллаб, томоғига ғарғара келарди.

Уч кундан бери қимирламай ётиб қолган онаси Алёшкага энтикиб шивирлади:

— Леня, боққа кириб... исмалоқ... териб чиқсанг-чи...  
Алёшка чўпдай бўлиб қолган оёқларига тишонмагандай бир қараб кўйди-да, чалқанчасига ётиб олди, сўнгра лаблари ачишиб огриганидан ҳар бир сўзни чўзиб-чўзиб:  
— Ойижон, боролмайман, шамолда йиқилиб қоламан...— деди.

Худди ўша кунни Алёшканинг опаси Полька, Макарчиха лақабли бадавлат кўшни хотиннинг уйдан чиқишини, сойнинг нариги бетигаги полизига чопикка кетишини пойлаб турди-да, Макарчиханинг бошидаги сарик рўмоли дарахтлар орасидан липиллаб ўтиб, қораси ўчгандан кейин, унинг деразасидан ошиб уйига кирди. Оёғи тагига курси кўйиб печкага чикди-да, бошини тикиб декчадаги гўштсиз карам шўрвани ичди, картошкаларни кўли билан олиб еди. Овқат лоҳас қилиб, бўшашиб, ўша турган ҳолича,— боши печда, оёғи курсида,— ухлаб қолди. Макарчиха шаддод ва золим хотин эди; тушки овқат маҳали уйига қайтди. Полькани кўрди-ю, чинқириб юборди, бир кўли билан унинг пахмоқ сочларига чанг солди, иккинчи кўли билан чўян дазмолни маҳкам ушлаб олди-да, бошига, юзига қоқсуяк кўкрагига гурсиллатиб ураверди.

Алёшка ўз ҳовлисидан туриб, Макарчиханинг аланлаганини, Полькани оёғидан судраб, зинадан тортиб туширганини кўрди. Польканинг юбка этаклари бошига қайтарилиб қолган, сочлари ҳовли чангини супуриб, йўлда эгрибугри кон изи қолдириб борар эди.

Алёшка четан деворнинг катаклари орасидан Макарчиханинг, Полькани ўпирилган эски қудуққа ташлаб наридан-бери устидан тупроқ ташлаганини ҳам кўрди.

\* \* \*

Кечаси боғ ичини қичитки ўт гулларининг иси, мияни гангитувчи ёввойи наша ва ердан кўтарилган зах ҳидлар босиб кетарди. Титилиб кетган четан девор тагида қатор тизилиб ўсган отқулоқлар йўл пойлаган қароқчига ўхшайди. Кечаси Алёшка боққа кирди, Макарчиханинг ҳовлисига, олмосдай товланган деразаларига, ой нурига чўмилган дарахт баргларига анчагача қараб турди-да, секин-секин унинг дарвозаси томон юрди. Омборхона ёқдан ит занжирини шилдиради вовиллай бошлади.

Алёшка:

— Ёт!.. Серко... Серко...— деб лабларини чўтчайтириб хуштак чалиб эркалатгач, ит жим бўлди.

Алешка эшикдан кирмасдан, четан девордан ошиб тушди-да, пайпаслана-пайпаслана, усти бурган ва хашак билан ёпилган ертўлага ётиб олди. У ёқ-бу ёққа кулоқ солиб туриб, занжирини қимирлатиб кўйди: ертўла кулфланмабди. Қопқогини кўтариб очди-да, жунжикиб, зинасидан пастга тушди.

Алешка Макарчиханинг ошхонадан югуриб чиққанини кўрмади ҳам. Макарчиха енгларини шимариб, икки хатлаб ҳовлини ўртасига етди-да, араванинг киндик ёғочини суғуриб олиб, чопқиллаганича ертўлага борди. Сочлари хурпайган Макарчиха бошини энгаштириб ертўлага қаради, Алешка бўлса, тинган кўзларини чирт юмиб олиб, юрагини дукиллашига кулоқ солиб, кўзачадаги сутни нафас олмай симираверди.

— Ҳаҳ, сут ичмай заққумни ичгур, шўртумшук! Нима қиялпсан ўзинг, итвачча?

Бирданига кўза оғирлик қилгандай, Алешканинг совқотган қўлларидан тушиб кетди-да, зинанинг четига тегиб чил-чил бўлди.

Макарчиха ертўлага калхатдай учиб тушди...

\* \* \*

Кушдай енгил Алешкани елкасига олди-да, лабларини маҳкам қимтиб, тор кўчага чиқди, ўшанақаси четан девор ёни билан дарёга етди ва сув бўйидаги балчиққа нимжон танани ташлаб кетаверди.

Эртага Троица байрами. Макарчиха уйининг полларига исиригу ялпиз сочиб ташлаганди. Барвақт туриб сигирини соғди, подага ҳайдади, сўнгра сандикдан ранго-ранг товланган, парча-парча гуллик яп-янги шол рўмолини олиб ўради-да, Алешканинг онаси олдига борди. Даҳлиз эшиги очик, супурилмаган уйдан сасиган гўшт ҳиди келади. Макарчиха ичкари кирди. Алешканинг онаси оёқларини букиб қўли билан кўзларини ёруғдан тўсиб каравотда ётибди. Макарчиха ис босган иконага қараб астойдил чўқинди.

— Яхшимисан, Анисимовна?

Жимжит. Анисимовнанинг оғзи қийшайиб қолган, икки бетида пашшалар ўрмалашиб, ғўнғиллаб оғзига кириб чиқмоқда. Макарчиха каравотга яқинроқ борди.

— Шу вақтгача ётаверасанми, оймитилла... Ростини айтсам, мен бир иш билан келувдим: уйингни сотмайсанми, шуни билмоқчи эдим. Ўзингга маълум, қизимнинг бўйи:

етиб қолди, ичкуёв қилсам девдим... Ухляяпсанми, нима бало?

Макарчиха унинг музлаб қолган танасини ушлаб кўрди-ю, қўли куйгандай шартта: тортиб олди. Воҳ деганича ўлик ёнидан қочди. Лекин эшик олдида Алёшкага дуч келиб қолди. Унинг ранги докадай оқариб кетган, ҳаммаёғи қонга, балчиққа буланган, кесакига суянганича қотиб қолган эди.

— Мен тирикман, холажон... мени ўлдирманг... тавба қилдим... энди қилмайман!

\* \* \*

Кечга яқин Алёшка чанг булутига кўмилган кўчалардан, майдондан, қулаган черков деворлари ёнидан қўланкадек ўтиб кетди. Мактаб олдида шохлари эгилган акаслар тагида попни учратди. Поп бир қоп сомсаю тузланган этларни кўтариб, букчайиб олиб черковдан келарди. Алёшка лабларини қалтиратиб, хирилдоқ овоз билан тиланди:

— Исо йўлига... Хайр қил...

— Худо берсин!..— деб кетаверди поп, ридосининг этакларига ўралашиб.

Дарё бўйидаги гиштин бостирма ва омборхоналар кўринадиди — ичи тўла дон. Ҳовлисида тунука томлик уй ҳам бор. Бу жой Донпродкомнинг 32-сонли ғалла қабул қиладиган контораси. Бостирма тагида дала кўхняси, ўқ-дори ташиладиган иккита кўш гилдиракли арава турибди, омборхона ёнида занглаган найза учлари кўринадиди, оёқ товушлари эшитилади: соқчи бор.

Алёшка пайт пойлаб турди-да, қоровул орқасига бурилгани ҳамона динг этиб омбор тагига кириб кетди (боя эрталаб девор қавагидан бугдой сизиб чиққан жойни кўриб қўйган эди). У бир ҳовуч бугдой олиб, қаттиқлигига қарамай чайнайверди.

Бирданига орқасидан:

— Бу ким? — деган овоз келиб, Алёшканинг капалаги учиб кетди.

— Мен...

— Кимсан ўзинг?

— Алёшкаман...

— Чик бу ёққа!..

Алёшка ўрнидан турди, кўзларини юмиб қафти билан юзини тўсиб, бошига мушт тушишини кутиб бўйинини қисиб олди. Шу аҳволда анчагача туриб қолди... Ниҳоят, ҳалиги овоз мулойимлашиб:

— Меникига юр, Алёшка! Димлаб пиширган бугдойим бор,— деди.

Алёшка унинг кўзидаги кўзойнагини, очик юз билан илжайганини кўриб қолди. Кўзойнакли одам ёғоч оёқ билан юргандай, катта-катта қадам ташлар, Алёшка бўлса, унга аранг етиб юрар, дам-бадам қоқилиб тушарди. Коридорнинг ўнг томонидаги иккинчи эшикка хат ёпиштирилган:

«Сиёсий комиссар Сеницин турадиган уй!»

Шу уйга кирдилар. Кўзойнакли одам қорачирикни ёқди, оёқларини кериб табуреткага ўтирди, бир кўза димлаб пиширилган бугдойни, ярим шиша кунгабоқар мойини секингина Алёшканинг олдига суриб қўйди. Шунда у Алёшканинг жағлари қимирлаб, лунжлари шишиб, пасайганини кўрди. Ниҳоят Алёшка ўрнидан туриб кўзани олди. Сўгал тошган бармоқлари билан кўзанинг четидан чангаллаб ушлаб олди-да, бош чайқатиб йиғламсираб бакирди:

— Мендан аядингми, қизғанчик!

— Аяётганим йўқ, эсипаст, очкўзлик қилиб кўп еб қўйсанг, бўкиб ўласан!

\* \* \*

Эртаси куни тонг қоронғисида Алёшка яна контора ҳовлисига келди. Кун чиққунча синиқ зинапоёда тишини тақиллатиб ўтирди, «Сиёсий комиссар Сеницин турадиган уй!»нинг эшиги қачон ғийчиллаб очилади-ю, қачон кўзойнакли одам чиқади деб кутди.

Кўзойнакли одам уйғонганда қуёш ғиштин иморатдан ошган эди. У зинапоёга чиқди-да, бурнини чимириб исканиб кўриб:

— Бу сассиқ ҳид сендан келяптими, Алёшка?

— Қорним очиб кетди,— деб пўнғиллади Алёшка унинг кўзойнагига пастдан кўз ташлаб.

— Ҳозир бўтқа пиширамиз, лекин, Алёша Попович... барибир, ўзинг сасиб кетибсан.

Алёшка лўнда қилиб айтди-қўйди:

— Мени Макарчиха ўласи қилиб урувди, ҳозир кун исиганидан бошим қуртлаб кетди...

Кўзойнаклининг бирдан ранги ўчиб кетди:

— Куртлаб кетдим дедингми? — деб сўради у ишонгиси келмай.

— Ҳа, бошим қуртлаган!.. Бирам талайдики...

Алёшка, қону йирингдан бижиб кетган увада канопни бошидан олиб ташлади, кўзойнакли одам унинг бошидаги йиринглаган чуқур думалок ярага қаради. Мадда ичидан оппоқ қуртлар ингичка бошини чиқариб гивирлашганини кўрди-да, панжарага суяниб, инграб юборди.

Алёшка энди дадил бўлволиб:

— Бир иш кўрсатасин энди, — деди. — Қуртларни чўп билан ковлаб олиб ташлайсан-да, кавагига керосин қуясан... Қуртлар керосиндан қирилса керак, шундайми?

Кўзойнакли одам ўткир чўп билан шилимшиқ қуртларни битталаб олиб ташлар, Алёшка бўлса, гоҳ у оёғида, гоҳ бу оёғида ўйноқлаб ғингшир эди. Ана шундан бери иккиси дўстлашиб қолди. Ҳар куни Алёшка конторага судралиб келар, косага талқон солиб еб, устидан мой хўпларди; у ҳамиша ютоқиб энтикиб, кўп-кўп овқат ер, тепасида доим аллакимнинг меҳрибонлик билан синчиклаб тикилиб турганини сезиб ўнғайсизланарди.

\* \* \*

Подахонанинг олдида, шамолда шитирлашган кўм-кўк ва қалин жўхориюпояларнинг нари ёғидаги донли экинлар гулдан тушди. Бошоқлари тўлишиб, донлари сутга кирди. Ҳар куни Алёшка контора отларини шу экинзор ёнидан даштга ҳайдаб ўтарди. У отларни тушовламасдан ёнбағирдаги шувоқзорга, кумушдай товланган пичанзорга қўйиб юбориб, ўзи буғдой орасига кирарди. Ўсиқ буғдой поялари шитирлаб йўл очиб Алёшкага жой бўшатарди; Алёшка ҳам экинни пайҳон қилмаслик учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан аста ёнбошларди. Сўнгра чалқанчасига ётиб олиб, бошоқни кафтида увалаб, ҳали сути қотмаган хушбўй ва юмшоқкина донларини то кўнгли айнагунча еяверарди.

Бир куни Алёшка отларни даштга ҳайдаб кетди. Алёшка энг асов ва тепонгич биянинг ёлига ёпишган тиканларни, терисида қотиб қолган шалтоғини тозаломоқчи бўлиб, уни тута олмай, атрофида кўп айланди, у ёқ-бу ёғидан ўтиб ҳам кўрди. Бироқ бия тишларини иржайтириб тишламоқчи, бурилиб тепмоқчи бўлиб яқинига йўлатмади. Алёша чап бериб туриб, бир ирғиди-ю, шартта думидан тутиб олди, айни шу маҳалда орқадан биров чақириб қолди:

— Ҳой, Алёшка!.. Бекорга лақиллаб юргунча меникига бориб ишласанг бўлмайдими?! Овқатингни бераман, устбошинг ҳам менинг устимга.

Алёшка биянинг думини қўйвориб, бурилиб қаради.



Қишлоқнинг энг қатта бойи Иван Алексеев Алёшкага тикилиб, қулиб турарди.

— Хизматқорликка ҳушинг қалай, борасанми-йўқми, гапир? Бизда унақа-бунақа овқат бўлмайди, эту мой чайнайсан... Сут сероб, нима десанг топилади...

Алёшка ўйламай-нетмай, ишига қизиқиб, овқатига суюниб, дарров кўна қолди:

— Бораман, Иван Алексеев.

Иван Алексеев:

— Ундай бўлса, кийим-кечагингни олиб кечқурун бор! — дедию кетаверди, унинг ранги айниб кетган кўйлаги макка-жўхори поялари орасида анчагача липиллаб кўриниб турди.

Етимчада кийим-кечак қайда, — ҳаш-паш дегунча Алёшка тайёр бўлди. Унинг на эл-юрти бор, на қариндоши. Қоққани қозиги, осгани хурмачаси йўқ. Уй билан ҳовлини онаси тириклигидаёқ кўшниларига сотган: уйни — тўққиз ҳовуч унга, кўрани — сўкка алишган, чорбоғни Макарчиха бир кўза сутга алишиб олган. Алёшканинг бор бисоти — дадасидан қолган чакмону, онасининг эски пиймаси, холос. Йилқилар даштдан қайтгач, Алёшка Иван Алексеевникига чопди. Ошхонанинг олдига бойнинг хотини шолча солибди, оила жам бўлиб, овқатланишяпти. Пишган қўй гўштининг ҳиди Алёшканинг димоғига уриб, иштаҳасини кўзғади. Сўлагини ютиб, қулоқчинини мижиғлаб, дастурхон тепасига яқинроқ борди: «Қани, ўтира қол деб. Чақирармикан» деган хаёлда овқатдан умидвор бўлиб тураверди. Чақириниш қайда!.. Қайтага хотини энсаси қотиб, қозонни тарақлатиб, шангилай бошлади:

— Яна битта текинхўрни опкебсан! Ишдан кўра ошга зўр берар... Кўзимдан йўқот буни, Алексеевич, худо хайр берсин! Кошки қадимги замон бўлса, ҳозир сира кераги йўқ!

— Овозингни ўчир, хотин! Менинг ишимга сен аралашма, буни икки қулоғинг билан эшитиб ол,— деб Иван Алексеев хотинини жерқиб ташлади-да, енги билан соқолини артди.

Шу билан гап тамом бўлди.

Алёшка ишни энди кўраётгани йўқ. У отасига тортган — иш деса, жонини аямасди, етти ёшидан қўш етаклаган.

Алёшка уч куннинг ичидаёқ бу ернинг паст-баландини билиб олди, хўжайиннинг келини билан тегирмонга бориб келди, далада ўрилган пичанларни тўплади. Бостирма тагига ётадиган жой қилиб олди. Биринчи тундаёқ хўжайин бостирмага кириб, ҳар кекирганида оғзидан сассиқ пиёз ҳидини анқитиб, қаттиқ тайинлади:

— Хой, итдан тарқаган, мабодо бу ерда тамаки чекканингни кўрсам, ўз қўлим билан бўғиб ўлдираман. Шунни яхши билиб қўй!

— Умримда чекканмасман, амаки.

— Огоҳ бўл!..

Хўжайин кетди, бироқ Алёшканинг кўзига уйку келмади. Иккинчи куни кечаси яна шу аҳвол. Дала ишларидан оёқ-қўллари сирқираб оғрийди, белига санчиқ келиб азоб беради, қани ухлай олса энди. Учинчи куни эрта туриб олиб, югурганича конторага борди. Кўзойнакли одам зинапояда йўталиб-пишқириб ювинаётган эди.

— Қаёқда қолиб кетдинг, Алексей?

— Хизматкорликка кирдим.

— Кимга?

— Иван Алексеевга, энг четдаги уйда туради.

— Кечкурун келгин, шу хусусда гаплашамиз, ука. Кечкурун Алёшка молларни суғориб бўлиб, конторага келди. Кўзойнакли одамнинг олдида бир тўп китоб турарди.

— Саводинг борми, Алексей?

— Қишлоқ мактабида ўқиганман. Отимни ёза оламан.

— Қани, бу ёққа юр-чи.

Коридорга чиқишди. Энг четки эшикка бўр билан ёзилган хатни Алёшка ўқиб кўрди: «РКСМ клуби». Ғалати сўз, тушуниш қийин. Кўзойнакли ичкарига кирди, Алёшка ҳам кўрқа-писа унинг кетидан юрди. Кичкина уйда суратлар, ранги ўнган қизил байроқ ва анчагина одам кўринди, баъзилари Алёшкага таниш. Биттаси баланд овоз билан китоб ўқимокда, бошқалари тинглаб ўтиришибди; эшик ғийч этиб очилганда хўмайиб бир қарашди-да, яна столга энгашиб олиб, китобга кулоқ солаверишди. Алёшка ҳам кулоқ солди. Хизматкор ишлатмоқчи бўлган хўжайинларнинг олдига қўйиладиган шартлар тўғрисида ўқилди, бундан ташқари яна кўп гаплар ўқиб берилди. Алёшка ярим кечаси клубдан қайтди. Увада шолча устида у ёнбошдан-бу ёнбошга ағдарилавериб, сира ухлолмади. Оппоқ тонг отгунча қийшайган ой сурбетларча унинг кўзига тикилиб чиқди.

\* \* \*

Кўпинча Иван Алексеев Алёшкага шундай дерди:

— Ишга лочиндай чанг солгин! Бўш келсанг бўйнингга миниб олади. Шунни билиб қўй, итвачча!.. Агар лақиллаб юрганингни кўрсам ўша заҳоти думингни тугаман!.. Ўлигинг кўчаларда қолиб кетади!..

Алёша ҳам ўроқ ўради, ҳам янчади, молларнинг тагини ҳам ўзи тозалайди, хўжайин Иван Алексеев бўлса, қўлини қат-қат белбоғига тиқиб, ишшайиб ҳовлида айланиб юришни билади, холос.

Бир куни байрамда кўшниси уни чақириб келди:

— Саломатмисан, Иван Алексеев?

— Худога шукур.

— Сенда инсоф деган нарса борми?

— Нима демокчисан?

— Жудаям ноинсоф бўлма, демокчман... Лёшка ахир от эмас-ку!.. Бу ишлатишингда болани майиб қиласан. Худодан кўрқиш ҳам керак-да!..

— Ўзингни бил, ўзгани қўй, деган гап бор, бировнинг кўрасига кўп мўралайверма, қани, туёгингни шиқиллат-чи, онаси байтал!..— деди-да, шартта кетига бурилиб, оғир-оғир қадам ташлаб, лапанглаб кетаверди, бостирма орқасига етганда, сап-сарик бақувват тишлари билан соколини чайнаб, болохонадор қилиб сўқинди, кўшнисига бўлган аламини,— ҳап саними қилиб,— кўнглига тугиб қўйди.

Ўшандан бери камбағал, уловсиз кўшнисини тинч қўймасди: экинимга тушди деб, сигирини тутиб олар, икки кунгача овқат солмай, қантариб қўяр, Алёшкани бўлса-ку, биратўла ишдан бошини чиқармай, арзимаган нарсага тутволиб урарди.

Олдин Алёшка кўзойнаклига арз қилмоқчи ҳам бўлди, бироқ Иван Алексеевнинг ҳайдаб юборишидан кўрқиб ўйланиб қолди. Дами ичида. Димиққан калта тунларни тонг оттириб, аччиқ кўз ёшларини ёстиққа тўкиб бостирма тагида йиғлаб чиқарди; кеч бўлди дегунча молларни суғориб, кўрага киргизарди-да, ғарам томонидан биқиниб ўтиб, четан деворлар тагидан чопкиллаганича клубга борарди. Ҳар кун кўзойнакли билан учрашарди. У, кўзойнак тагидан Алёшкага кулиб боқар, кифтига қоқарди. Якшанба куни эрталаб Алёшка клубга келди. Уй тўла одам, ҳаммасининг қўлида милтиқ, кўзойнақнинг белида ўрама тасмали тўппонча, шишага ўхшаш яна бир ялтироқ нарса.

Алёшкани кўрди-ю, кулиб ёнига келди:

— Бандитлар бизнинг округга ўтишибди, Алексей, улар станицани эгаллаган заҳоти ғизиллаб етиб кел, клубни мудофаа қиламиз!

Алёшка нима гаплигини билмоқчи эди, бироқ одам кўплигидан хижолат тортиб индамай қўя қолди. Эртаси куни эрталаб Алёшка ўроқ машинани мойлаётиб, ошхона томонга бурилиб қаради. Эшикдан чиқиб келаётган хўжайинни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди: унинг қовоғи-

дан қор ёғиб, нуқул соқолини юлар эди. Алёшка биронта чала қолган иш йўқлигини билиб турса ҳам хўжайиннинг авзойини кўриб қўрқиб кетди, чунки у ниҳоятда золим одам. Хўжайин ўроқмашина ёнига келди.

— Кечаси қайси гўрдайдинг, ҳароми?

Алёшка чурқ этмайди. Кўлидаги мой солган идиш қалт-қалт қилади.

— Қайси гўрдайдинг деяпман сенга?

— Клубда...

— Ҳо-о-о... клубда? Манави эсингдан чиқдимми, онаси байтал?

Хўжайиннинг мушти зилдай, сап-сарик жун босиб кетган. Бир мушт урган эди Алёшка оёғи қайилиб, ўроқ машинанинг қаноти устига кўкси билан йиқилди. Алёшканинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.

— Кечаси дайдишни йиғиштирарсан энди!.. Йиғиштирмайдиган бўлсанг ҳозир қорангни ўчир, кўрамда сендақа итнинг бўлганидан бўлмагани яхши!

Хўжайин ўроқ машинага от кўшаётиб шанғиллади:

— Мен бунга, савоб бўлар, деб, ошу нон бериб юрсам, бу падар лаънат анави итваччалар билан топишиб олибди! Ҳадемай бошқа ҳукумат бўлса сен ҳаромининг дастидан сўроқ ҳам берарман!.. Қани, яна ўшокқа борганингни кўрай, терингга сомон тикаман!..

Алёшканинг тишлари сийрак, катта-катта, Алёшка очик кўнгил, соддадил бола, умрида бировдан хафа бўлган ёки аразлаган эмас.

Баъзан онаси унга шундай дерди:

— Эҳ, Лёнька мен ўлиб кетсам, аҳволинг нима бўларкин? Ким кўрингандан туртки еб юрмасанг гўргайди! Кимга тортганингни ҳеч тушунолмадим! Даданг чаққон, удабурро одам эди, шахтанинг биронта иши усиз битмасди. Шундай одамнинг бошига етишди... Ҳозирдан сени болалар дўппослайди, бориб-бориб калтақдан бошинг чиқмай қолади...

Алёшка — кўнгида кири йўк бола, хўжайин уни ошу нон бериб боққандан кейин, тагин ундан хафа бўлсинми? Алёшка турди, нафасини ростлаб олгунича ҳам қўймай, хўжайин яна енг шимариб қолди,— ҳали машина устига йиқилганда кўлидаги мой тўкилиб кетганди,— шунга урмоқчи. Алёшка бир амаллаб кунни кеч қилди-да, увадани устига ташлаб, бошини ёстиққа буркаб ётди...

Тонг отмай уйғонди. Тор кўча томондан от туёқларининг дупури эшитилиб, дарвоза олдида жимиб қолди. Кўча эшикнинг ҳалқаси жаранглади. Биров тап-туп юриб, бориб, деразани тақиллатди.

— Хўжайин!..— деб секингина чақирган бўғиқ овоз келди.

Алёшка кулоғини диккайтириб тинглаб турди: эшик очилиб, Иван Алексеев зинапоёга чиқди. Ўзаро анчагача шивирлашдилар.

— Отларни бир оз хашаклатиб олсак бўларди...— дегани Алёшканинг кулоғига чалинди.

Алёшка бошини кўтариб, шинель кийган икки киши эгарлоглик отларини ҳовлига етаклаб кириб, зина панжарасига боғлаганларини кўрди. Хўжайин биттаси билан ғарам томон кетди. Бостирма ёнидан ўтаётиб бола ётган жойга кўз ташлади:

— Ухлаяпсанми, Алёшка?— деб сўради.

Алёшка ўзини ухлаганга солиб, аста-аста хуррак отган бўлди, лекин кулоғини диккайтириб сал-пал бошини чиқариб ётаверди.

— Меникида юрган бир бола... Ишонгим йўқ...

Беш минутча вақт ўтгач, ғарам ёкдаги дарча ғижирлаб, хўжайин бир кучоқ пичан олиб келди; кетма-кет қиличини шалдиратиб шинель этагига ўралашиб бегона киши ҳам қайтди, Алёшканинг кулоғига хириллаган бўғиқ овоз келди:

— Пулемётлари бормикин?

— Бе, пулемёт нима қилади!.. Контора ҳовлисида икки взвод қизил аскар бор... Бўлган-тургани шу... Айтгандай, сиёсий комиссар, торозибонлар ҳам бор...

— Эртага ярим тунда меҳмон келди қиламиз... Ҳамма одамимиз давлатга қарашли ўрмонда... Қўққисига бостириб келсак, доводираб қолишади, ана шунда ҳаммасини қиличдан ўтказамиз...

Зинапоё олдида от кишнади, иккинчи шинелли киши ғазабланиб:

— Так, эй, ҳаром ўлгур!..— деб сўкинди.

Отларни шат-шут савалаган қамчиларнинг, ўйноқилаган отларнинг тапир-тупур қилган туёқ товушлари эшитилди.

Тонг отардан олдинроқ, осмон энди ёриша бошлаган маҳалда Иван Алексеевнинг ҳовлисида икки одам чиқди-да, отларини тез елдириб, давлатга қарашли ўрмонга борадиган йўлда гойиб бўлди.

\* \* \*

Эрталаб нонушта вақтида Алёшка ҳеч нарса емай, ерга қараб ўтираверди. Хўжайин гумонсираб хўмрайди.

— Емайсанми, нега тумтаясан?

— Бошим оғрияпти...

Ноушта тугагунча Алёшканинг юраги тарс ёрилаёзди. Биқиниб-писиб гарам ёнига чиқди-да, четан девордан ошиб, физиллаганича конторага борди. Сиёсий комиссар Синицин турган уйга ўқдай учиб кирди, эшикни қарс эткизиб ёпди-ю, дукиллаган юрагини кўли билан босиб, бўсағада туриб қолди.

— Осмондан тушдингми, Алёшка?

Алёшка тутила-тутила, кечаси келган меҳмонларни, чала-чулпа эшитган гапларини сўзлаб берди. Кўзойнакли одам ҳар бир сўзнинг маъзини чақиб охиригача чурқ этмай кулоқ солди, сўнгра ўрнидан туриб Алёшкага мулойимгина:

— Шу ерда ўтира тур,— деди-ю эшикка чиқди.

Алёшка ярим соат чамаси кутиб ўтирди. Бир ари хуноб бўлиб деразада гўнғиллар, офтобнинг тарам-тарам шуъласи полда жимирларди. Ҳовли ёқдан келган говур-ғувур овозларни эшитиб, Алёшка деразадан қаради. Зинапоя олдида кўзойнакли билан иккита қизил аскарни, ўртада Иван Алексеевни кўрди. Хўжайиннинг соқоли селкиллар, лаблари пир-пир учарди:

— Алам қилганидан сизга ёлғон-яшиқни гапирган-да...

— Ҳозир кўрамиз!..

То шу чоққача Алёшка кўзойнаклининг бу қадар дарғазаб бўлганини кўрган эмасди: қошлари чимирилиб, бири-бирига қўшилиб кетган, икки кўзи ойнаклари остида ўтдай чақнаб ялт-юлт қилар эди. У гиштин иморатнинг эшигини очиб, йўл бериб четроқ турди-да, Иван Алексеевга қатъий суратда:

— Кир!..— деб буюрди.

Алёшканинг хўжайини букчайиб ичкари кирди, эшик шартта ёпилди.

\* \* \*

— Қараб тур: мана бундай қилинса, гильзани чиқариб ташлайди. Бу ерга обойма жойланилади.

Кўзойнаклининг кўлида милтик затвори шарақ-шуруқ қилади, у дам-бадам кўзойнак устидан Алёшкага кулиб боқади.

Кечкурун станицани зим-зиё қоронғилик қоплади. Майдондаги черков деворининг олдида қизил аскарлар қатор бўлиб ётиб олишди. Алёшка кўзойнакли дўстидан бир қадам ажрамади. Кўлидаги милтиқнинг қайишидан хушбўй хид келади, кечки шабнамдан қўндоғи хўл...

Ярим кечада станицанинг энг четида, қабристон томонда ит вовиллади, сўнгра унга иккинчиси қўшилди, бирданига

туёқлар дупури кулоқларга урилди. Кўзойнакли якка тиз-залаб олиб, кўчанинг этагига тўппончасини ўқталиб:

— Ро-о-та... Ўт оч! — деб команда берди.

Па-па-пак! Пак! Пак! Пак!..

Черков орқасидан ўқларнинг акс садоси пақиллаб жавоб қилди: а-аҳ! аҳ-аҳ!..

Алёшка затворни суриб отилган гильзани чиқариб ташлаган заҳоти яна: «Рота, ўт оч!» — деган командани эшитди.

Катта кўчанинг охирида кий-чув: ўқ товушлари, отлар кишнаши, сўкинган овозлар эшитилди. Алёшка кулоғини диккайтирди, қоқ тепасидан хунук бир товуш вийт-вийтлаб ўтиб кетди...

Орадан бир минут ўтмай иккинчи бир ўқ Алёшкадан бир газ баландроққа — деворга чалп этиб тегди-да, фишларнинг титиғи чиқиб унинг устига ёғилди. Кўчанинг охирида онда-сонда отилган ўқлар ялт-юлт қилар, тартибсиз ҳолда узоқ-лашаётган отларнинг тапир-тупури эшитиларди. Кўзойнакли сапчиб ўрнидан турди-да:

— Олға! — деб ҳайқирди.

Ҳамма ўрнидан туриб олдинга отилди. Алёшканинг оғзи тахирлашиб, танглайи қақраб, юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Кўчанинг охирига етишганда кўзойнакли одам ўлган отга қоқилиб, йиқилиб тушди. У билан ёнма-ён кетаётган Алёшка икки кишининг четан девордан ошиб, ҳовлига қочиб кирганини кўриб қолди. Эшик тарақ этиб ёпилди, лўки-дони шиқирлагани эшитилди.

— Ана улар! Иккитаси уйга қочиб кирди! — деб бақирди Алёшка.

Кўзойнакли лат еган оёғида оқсоқланиб, Алёшкага етиб олди. Ҳовлини қуршадилар. Қабристон деворининг орқасида, боғдаги қорақат буталарининг тагида, ариқ бўйларида қизил аскарлар зич бўлиб ётиб олишди. Уйга қамалганлар ёстиқ тўсилган деразалардан ўқ уза бошладилар; ора-сира ўқ тўхтаганда хириллаб сўкишганлари ва антикиб бақиршишганлари эшитилиб турди, кейин бирданига жимиб қолишди.

Кўзойнакли билан Алёшка ёнма-ён ётишган эди. Тонг отардан сал бурун, қорайган туман буралиб-буралиб боғ устида ўрмалашган маҳалда кўзойнакли бошини кўтармасдан уйдагиларга бақирди:

— Ҳой, обрўйинг борида таслим бўлавер! Йўқса, граната улоқтирамиз!

Уйдан усма-уст икки ўқ чикди. Кўзойнакли қўл силтаб:

— Деразага ўт оч! — деб буюрди.

Баравар отилган ўқ қарсиллаб кетди. Устма-уст яна ўт очилди. Лойсувоқ қалин деворлар ортига бекинган бан-

дитлар деразама-дераза биқинишиб ҳар замонда бир ўқ узишарди.

— Алёшка, сенинг бўйинг паст, ариқ ичи билан эмак-лаб бостирма ёнига боргин-да, манави гранатани эшикка отгин... Йўқса, ҳали-бери буларни тутолмаймиз... Манави ҳалқадан тортиб туриб улоқтирасан, кўлингда узоқ ушлаб турма, тез улоқтир, хаялласанг, ўласан!..

Кўзойнакли одам шишага ўхшаш бир нарсани белидан ечиб олиб, Алёшкага берди. Алёшка ҳўл ерга бағрини бериб, буралиб-буралиб эмаклаганича кетди; ариқнинг қоқ тепасида ўқлар визиллаб бурганларни қулатар, Алёшканинг устига муздай шабнам сувини ёғдирарди. Бостирма ёнига етиб, граната ҳалқасини тортиб, эшикни мўлжалга олганда бирдан эшик ғийч этиб очилди... Икки киши остона ҳатлаб чиқди; олдингиси тўрт яшар келадиган бир қизчани кўтариб олган эди, эрталабки ғира-шира қоронғида боланинг оппоқ бўз кўйлаги аниқ кўринар, иккинчисининг дабдала бўлган чалваридан қон оқарди; у кесакига суяниб, бошини қийшайтириб:

— Таслим бўлдик. Отманглар! Болани ўлдирасиз,— деди турган жойидан.

Алёшка хўжайиннинг хотини уйдан остонага отилиб чиққанини, фарёд солиб қизчани тўсиб олганини кўрди; кетига бурилиб қараб ранги докадай оқариб, чўккалаб турган кўзойнаклини кўрди; Алёшка атрофга аланглаб қаради.

Қаради-ю, нима қилиш кераклигини тушунди.

Алёшканинг тишлари катта-катта, сийрак, тиши сийрак одам раҳмдил бўлади. Бир вақтлар онаси шундай деган эди. Шишага ўхшаган, пўлатдай ялтираган граната устига мукка тушиб ётиб олди-да, юзини икки кафти билан тўсди...

Лекин кўзойнакли одам ўқдай учиб Алёшканинг тепасига етиб келди-да, бир тепиб уни учириб юборди, дарҳол гранатани олиб, бир четга улоқтирди. Секунд ўтмай боғдан терак баравар ўт ёлқини кўтарилди, Алёшка гумбурлаган товуш аралаш кўзойнаклининг чинқирган овозини эшитди, олтингугурт ҳидига ўхшаш сассиқ бир нарса кўксини ўртаб юборди, кўзлари қоронғилашди...

\* \* \*

Алёшка кўзини очганда, тепасида турган кўзойнакли дўстини кўрди; кечалари ухламай чиққанлигидан унинг юзлари кўкариб кетганди.



Алёшка бошини кўтармоқчи бўлиб, қимирлаб кўрди, бироқ кўкраги ачишиб, оғриқдан инграб юборди.

— Тирикман-ку... Ўлмаган эканман-да,— деб кулди Алёшка.

— Ўлмайсан, Лёня!. Энди ўлишинг мумкин эмас. Мана буни қара!..

Кўзойнакли одам кўлидаги номерли билетни Алёшканинг кўзига яқинроқ обориб, ўқиди.

— РКСМ аъзоси, Попов Алексей... Тушундингми, Алёшка?.. Граната парчаси юрагингдан икки энлик пастроққа тегибди... Сени даволадик, мана энди тузалдинг, қалбинг соғ, ука, ишчи-деҳқонлар ҳукуматига ҳали кўп хизмат қилади.

У Алёшканинг кўлини сиқди, ўшанда Алёшка умрида кўрмаган ажойиб ҳолатни: тер босган хира кўзойнак тагида йилтираган икки томчи дурдона ёшни ҳамда ўпкаси тўлиб, лаблари қалтираб кулиб турган чехрани кўрди.



## ПОЛИЗ ҚОРОВУЛИ

### I

Отаси станица атамани олдидан хушчақчақ, нимадан дандир хурсанд бўлиб қайтди. Чиройи очик, кулгисини зўрга тўхтатиб турганлигидан лаби буришарди: Митька отасини бу ҳолатда кўрмаганига кўп бўлган эди. Фронддан қайтиб келганидан бери ҳамма вақт қовоғи солиқ, баджаҳл юрар, ўн тўрт яшар Митькани дўппослагани дўппослаган, ўйчанлик билан қизғиш соқолини юлқилагани юлқилаган эди. Бугун эса, булут ортидан мўралаган куёшдек ёришиб кетди, ҳатто рўпарасидан чиқиб қолган Митькани ҳазиллашиб пиллапоядан турткилаб туширди-да, кулиб юборди:

— Қани, тирранча!.. Полизга югур, тукқанингни айтиб кел, овқатланайлик!

Бутун оила бир ўтириб тушлик қилишди: отаси икона тагида, онаси сўрининг бир чеккасида, печкага яқин жойда, Митька бўлса акаси Федор ёнида ўтирди. Суюқ, гўштсиз карам шўрвани ичиб бўлишгач, отаси соқолини икки ёққа айириб таради, кўкиш лабларини буриштириб яна илжайди:

— Оиламизни қувончли воқеа билан табриклайман: бугун мени станицамиз ҳарбий дала судининг комендант қилиб тайинлашди...—У бир оз жим бўлиб қолди-да, кўшиб кўйди:— Герман урушида ҳарбий унвон олганим бекор кетмади, офицерлигим ва жасорат кўрсатганимни бошлиқлар унутишмади.

У шолғомдай қизариб кетди ва Федорга ўқрайиб дағдага қилди:

— Ҳа, аблах, нега ерга қарайсан? Отангнинг қувончи сени севинтирмайдими? А? Кўзинга қараб юр, Федька, ҳа!.. Мужиклар билан оғиз-бурун ўпишганингни отам кўрмаяпти деб ўйлайсан шекилли? Сен лаънатини деб атаман кўз очирмаяпти. «Сиз, Анисим Петрович, ўзингиз казаклик урфи-одатини ўрнига қўяяпсиз-у, лекигин ўғлингиз Федор большевиклар билан топишиб кетган, эндигина йигирмага чиққан йигит, бекор хазон бўлиб кетмасайди деб ачинаман...» дейди. Гапир, итвачча, мужиклар ёнига бориб турасанми?

— Бориб тураман.

Отам ҳозир Федорни тушириб қолади деб ўйлаб Митьканинг юраги орқасига тортиб кетди, лекин отаси стол тепасида энгашиб муштини дўлайтирди ва ўшқирди:

— Ҳой, қизил аскарвачча, эртагача ҳамма дўстларингни камоққа тикишимизни биласанми ўзинг? Егорка чевар билан темирчи Громовни эртагаёқ отиб ташлашларидан хабаринг борми?

Митька ранги бўздек оқариб кетган акасининг яна қатъий жавобини эшитди:

— Йўқ, хабарим йўқ, энди биламан.

Онаси Федорнинг олдини тўсишга, Митька чинқириб юборишга улгурмай, отаси оғир мис кружкани отди. Узилиб тушган банднинг ўтқир қирраси Федорнинг кўзи тепасига қадалди. Қон тизиллаб отилиб чиқди. Федор индамай, қон тўлган кўзини қўли билан беркитди. Онаси фарёд чекканича ўғлининг бошини кучоқлади, отаси бўлса скамейкани гурсиллатиб ағдариб, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Онаси кечгача тинмади. Сандикдан бир шода қотган балиқ олди, сумкага қаттиқ нон солди, кейин дераза тагига ўтириб Федорнинг кийимини ямай бошлади. Ёнидан ўтиб кетаётиб Митя онасининг бир кучоқ кийим-кечакка бошини тикиб қимир этмай ўтирганини кўрди, фақат йиртиқ чит кофта тагидаги елкасигина силкиниб-силкиниб кўярди.

Қоронғи тушганда отаси станица правлениесидан қайтиб келди, кечки овқатини емасдан, ечинмасдан каравотига ётиб олди. Федор полни ғирчиллатмасликка ҳаракат қилиб, оёқ учида юриб омборга кирди, эгар-жабдуқни олиб ҳовлига чиқди.

— Митя, буёққа кел!

Бузоқларни молхонага ҳайдаётган Митька хипчинни ташлаб, акаси ёнига югуриб борди. У Федорнинг Дон ортига — большевиклар ёнига, ҳар куни эрталаб тўп товушлари станицага гулдураб эшитиладиган томонга кетмоқчилигини ҳис этарди. Федор кўзини бир чеккага тикиб:

— Митя, отхона кулфми ё очикми?— деб сўради.

— Кулф... Нима эди?

— Керак эди.— Федор оҳиста хуштак чалди, сўнг кутилмаганда шивирлай кетди:— Отхонанинг калити дадамнинг ёстиғи тагида... бош томонда... Ўғирлаб чиқ... кетмоқчиман...

— Қаёққа?

— Қизил гвардияда хизмат қилишга... Ҳали ёшсан, ҳақиқат ким томондалигини кейин тушунасан... Шунақа гап, еримиз учун, бечора халқимиз учун, бойлар ҳам, камба-

галлар ҳам бўлмаслиги — барча баравар бўлиши учун курашгани бораман.

Федор Митьканинг бошини қўйиб юборди-да:

— Калитни олиб чиқасанми?— деб қатъий сўради.

Митька иккиланмай:

— Олиб чиқаман,— деб жавоб берди. Кейин Федорга орқасини ўгирди, қайрилиб ҳам қарамай уйга кириб кетди.

Хона нимқоронғи эди, шип тагида пашшалар гингилларди. Митька эшик тагида ғирчилламасин деб бошмоғини ечди, эшикни бандидан кўтариб туриб очди-да, яланг оёқлигича қаравот томон шип-шип юриб борди.

Отаси бошини дераза томонга қўйиб, юзтубан тушиб ётар, бир қўли чўнтагида, биттаси қаравотдан осилиб, тамаки тутунидан сарғайиб кетган бош бармоғи ерга тегиб турарди. Митька нафасини ичига ютиб қаравот ёнига борди, отасининг булқиллаётган хуррагига кулоқ солиб тўхтаб қолди. Атроф сув куйгандек жимжит... Отасининг кизгиш соқолида нон ушоқлар, тухум пўчоқ ёпишиб ётибди. Очилиб ётган оғзидан спирт ҳиди буруксар, томоғининг аллақайси бурчиди ташқарига чиқишга уринаётган йўтал хиркирарди.

Митька қўлини ёстиқ-томон чўзди, юраги эса бетўхтов дукилларди...

Миясига қон қуйилиб, қулоғи жарангларди. Митя кирлигидан ёғи чиқиб кетган ёстиқ остига аввал бир бармоғини, кейин бошқасини тикди. Силлиқ камар билан бир шода калитни пайпаслаб топди-да, оҳиста торта бошлади. Шу маҳал отаси бирдан Митьканинг ёқасидан бўғиб олди-ку:

— Ҳали ўғирлик қиладиган бўлдингми, бадбахт? Бир уриб абжақ қилиб ташлайман!

— Дада! Дадажоним! Отхонанинг калитини олгани кирувдим. Уйғотмай қўя қолай дедим...

Отаси шешинқираган ва сарғайган кўзини Митькага тикди.

— Калитни нима қиласан?

— Отлар негадир типирчилашяпти.

— Шунақа демайсанми...— Отаси бир шода калитни ерга улоқтирди, юзини девор томонга қилиб, хўрсиниб қўйди-да, дам ўтмай яна хуррак ота бошлади.

Митька уйдан ҳовлига, омбор тагида пусиб ўтирган Федор ёнига отилиб чиқди.

— Қайси отни оласан?

— Айғирни.

Митька хўрсиниб қўйди, Федор кетидан қадам ташлар экан, паст овозда:

— Федя, дадам абжағимни чиқарар-а?— деди.

Федор индамади, айғирни отхонадан сўзсизгина олиб чиқди, эгарлади, анчагача узангини оёғи билан ахтарди, сўнг дарвозадан чиқаётгандагина эгардан энгашиб туриб шивирлади:

— Чидайсан энди, Митя! Ўла-ўлгунча азоб-укубатда ўтмаймиз, отамиз, Анисим Петровичга менинг сўзларимни айтиб кўй, сенга ё оймга қўл текизадиган бўлса, жазосини бераман...

Шундай қилиб, Федя дарвозадан чиқди, айғирни узок йўлга бошлади, Митька бўлса четан девор орқасида чўккалади, Федор ортидан қарамоқчи эди, кўзига гилт-гилт ёш келди, алланима томоғига тикилди.

## II

Отаси уйни бошига кўтариб хуррак отиб ётибди. Митька эрта саҳарлаб туриб, Тўриқни юганлади. Заҳматкаш отни суғориш ва чўмилтириш учун Донга жўнади. Тўриқнинг туёғи остида бўр сачраб читирлайди, Митька жарликка, сув бўйига тушиб боради, отнинг сўлиғини чиқаради, тонгги совукда жунжикиб кийимини ечади, шу пайт дарё тепасида, узок-узокларда гулдураган товуш эшитилади-да, Дон бўйлаб таралиб кетади. Тонгги совук сувга шўнғиркан, Митька жилмаяди ва «Федор большевиклар ёнига етиб олгандир... Қизил гвардияда хизмат қилаётгандир...» деб ўйлайди.

Фикри-хаёли уйга, отасига кўчади, кувончи шамолда ўчган учкундек сўнади. Уйига букчайиб қайтаётганда Митьканинг кўзлари нурсизланади.

— «Ўша ёққа... большевиклар ёнига куён бўлиб қолсаммикан... ҳақиқат ўшалар томонда дер эди Федор... Федорга эргашиб кетаверсам бўларкан. Бугун дадам теримни шилади... бурнимдан қора қонимни оқизади...» деб ўйларди у, уйга ақинлашаркан.

Пиллапояга етгач юганни олди-да, оҳиста уйга кирди. Отаси хонадан туриб бўғиқ товушда ўшқирди.

— Нега айғирни чўмилтирмадинг?

Митька печка ёнида қотиб қолган онасига кўз югуртирди-ю, юраги орқасига тортиб кетганини ҳис этди.

— Отхонада айғир йўқ экан!..

— Қаёққа кетибди?

— Билмадим.

— Федор қани?

— Кўрганим йўқ.

Отаси хонада апил-тапил этигини кийди. Ухлайвериб шишган кўзларини чакнатиб ошхона орқали қазнокка кирди.

— Эгар қани?..— деб гўлдиради дахлиздан туриб.

Митька онаси пинжига тиқилди ва бир вақтлар, болалик пайтидаги каби онасининг қўлига ёпишиб олди. Отаси ошхонага қўлидаги чарм қайишни ўйнаб кирди.

— Калитни кимга бердинг?

Онаси Митькани пана қилди.

— Бунга тегма, Анисим Петрович. Исо ҳақи, урма!.. Ўғлинг-ку, раҳминг келмайдими?

— Йўқол, аблаҳ!.. Сенга гапиряпман!..— У онани бир чеккага итарди, Митькани ерга ағанатди-да, анчагача, вой-войлашига ҳам қулоқ солмай жим бўлиб қолгунча тепкилади.

### III

Тўплар гулдуриси борган сайин аниқроқ эшитила бошлади. Эрталаб йилқиларни ўтлатгани олиб кетаётганда Митька эски шамол тегирмони тагидан ўтадиган панада йўлида узоқ ўтириб қоларди. Шамол тегирмони томида шамол тунукани жангиллатар, тегирмон қанотлари чўзгин ва ёқимсиз ғижирлар, тепаликнинг нариги томонидан, аллақердан эшитилаётган гумбураш ҳамма товушларни босиб кетарди!..

Бу гулдураш станица ортидаги тонги кўкишга мойил рангга бурканган жарликларда оҳиста эриб йўқоларди. Эрталабдан станица орқали Донга қараб снаряд, патрон, тиканли сим ортган аравалар чўзилиб ўтарди.

Бу аравалар битлаб кетган ярадор казаклар билан тўлиб қайтар, уларни станица идораси олдидаги майдонга туширишарди. Синчков товуқлар папирос қолдиқларини, қонга беланган бинтларни, лахта-лахта қон қотиб қолган пахталарни титкилашар, ярадорларнинг оҳ-войларига, бўғиқ сўкинишларига жим туриб қулоқ солишарди.

Митька отасининг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиларди.

Эрталаб нонушта қилгач, қармоқларини кўтариб, Донга қараб жўнарди; у кўприкдан ўтаётган отлиқларни, тачанкаларнинг қалдирашини, пиёдаларнинг чанг кўтаришини кузатиб қирғоқда ўтирарди. Митька уйга қоронғида қайтарди. Кечқурун станицага бир тўда асир қизилгвардиячиларни ҳайдаб келишди. Яланг оёқ, шинеллари йиртиқ қизилгвардиячилар бир-бирларига қисилишиб, тўдалашиб боришарди.

Казак хотинлари кўчага югуриб чиқишар, уларнинг чанг босиб, кулранг тусга кирган юзларига тупуришар, казакларни ва конвойларни қаҳ-қаҳ кулдириб болохонадор қилиб сўкишарди. Митька асирлар оёғи тагидан кўтарилган чангни ютиб, улар билан изма-из борарди; юраги худди мушт орасига олиб қисилгандек зиркирарди... У атрофи қорамтир кўкиш тусга кирган ҳар бир кўзга тикилиб қарар, соқолсиз чехраларнинг гоҳ бирига, гоҳ иккинчисига боқар, ана шу кулранг шинеллиларнинг бири акам Федор бўлиб чиқмасмикан деб ўйларди.

Илғари станица бугдойи тўкиладиган жамоа саройи ёнидаги майдонда асирларни тўхтатдилар. Митька правление пиллапоясига отаси чиққанини, чап қўли билан қиличининг бандини ўйнаб:

— Шапкангни ечларинг!— деб ўшқирганини кўрди.

Қизилгвардиячилар пахмоқ бошларини ерга эгиб, ахён-ахёнда шивирлашиб бирин-сирин шапкаларини ечдилар. Яна таниш, амирона овоз янгради:

— Саф торт!.. Қимирла, қизил аблаҳлар!

Яланг оёқлар шов-шуви эшитилади. Жабрдийдалар сафи правление пиллапоясигача бориб такалади.

— Тартиб билан сана!..

Қизилгвардиячилар одатларига кўра бошларини қийшайтириб бўғиқ овозда санайдилар. Митьканинг томоғига алланарса тикилади, бегонадек бўлган шу одамларга юрак-юракдан ачинади, отасига, унинг мағрурона табассуми ва тиканакдек қизғиш соқолига нисбатан умрида илк бор нафрат уйғонади.

— Саройга қараб — шагом арш!..

Қоп-қорайиб оғзини очиб турган эшикка битта-биттадан бўлиб киришди. Энг кейинги, зўрға қадам ташлаётган пакана асирнинг қонли латта боғланган бошига Митьканинг отаси қиличининг қини билан бир туширди; асир беш кадамча ерга қоқила-суқила югуриб борди-да, депсалиб заранг ерга юзтубан йиқилди. Майдонда қаҳқаҳа, ғала-ғовур кўтарилди, кулгидан қисилган кўзлар, сўлакайи оқиб кулган хотин-халажларнинг оғзи кўринди, Митька бўлса юраги узилгандек оқ тортиб юборди, муздек кафти билан юзини беркитиб, одамларга туртила-суртила кўча бўйлаб югура кетди.

#### IV

Онаси печка ёнида куймаланади, овқат пишириш билан овора. Митька онасининг пинжига тикилади, бир чеккага қараб туриб:

— Ойижон... кулча ёпиб беринг.. анави, саройда ўтирганлар... асирларга бериб келаман,— дейди.

Онасининг кўзи нам.

— Олиб бора қол, ўғлим, ким билади дейсан — бизнинг Федор ҳам қаердадир азоб чекиб ётгандир... Бу асирларниям онаси бор, ўша бечораларниям ёстиғи эрталабгача хўл бўлиб чиқар.

— Дадам билиб қолса-я?

— Худо кўрсатмасин! Митенька, қоронғи тушганда элтиб бер... Пойлаётган казакларга бергин-да, асирларга беринглар дегин...

Офтоб Митьканинг сабрсизланишига парво қилмай гўё атайлаб қилаётгандай станица тепасида оҳиста ўрмалайди.

Ниҳоят қоронғи тушиши билан Митька майдонни кесиб чикди, тиканак сим орасидан калтакесакдек ўрмалаб ўтиб, қўйнидаги озик-овқатни маҳкам бағрига босганича эшик ёнига борди.

— Ким у? Тўхта! Отаман!..

— Мен... асирларга овқат олиб келдим.

— Қимсан ўзинг? Йўқол, қўндок егинг келиб қолдими? Қоронғида нима бор сенга? Овқат олиб келишга кундуз етмайдими?

— Шошма, Прохорич, камендантнинг ўғлига ўхшайдими?

— Анисим Петровичнинг ўғлимисан?

— Ха...

— Овқатни ким бериб юборди? Дадангми?

— Йў-ў-ўқ... Ўзим...

Икки казак Митьканинг ёнига келди. Каттаси, соқолдори Митьканинг қулоғидан ушлаб олди.

— Асирларга овқат ташишни сенга ким ўргатди, тирмизак? Буларнинг ҳаммаси ашаддий душманларимизлигини наҳотки тушунмасанг? Шу ишингни отанга айтиб берсам нима қиласан? Бу ишинг учун отанг соғ қўймаса керак сени?

— Қўй, Прохорич! Бировнинг нонини қизганиб нима қиласан? Сенга барибир эмасми, овқатни олиб қолавер, бериб қўямиз!

— Анисим Петрович билиб қолса нима бўлади? Сен гапиравурасан-да, сўққабошсан, мен бўлсам жўжабирдек жонман. Бунақа ишлар учун фронтга жўнатадилар, бунинг устига-устак роса дўппослайдиларам...

— Вой-бўй, мунча жонинг чиқмаса!.. Ҳой, йигитча, қаёққа қочяпсан? Опке, овқатингни бериб қўямиз.

Митька ёш казакка қўлидаги тугунчани берди; у бўлса энгашиб туриб шивирлади:

— Чоршанба ва жума кунлари мен навбатчиман... Олиб келавур.



Ҳар чоршанба ва жума кунлари қоронғи тушиши билан Митька майдонга келадиган бўлди; у тиканли симга илиниб қолмасликка уриниб, тўсиқдан ўтар, соқчига тугунни бериб, четан деворлар ёнидан энгашиб ўтиб, аланглаб қарай-қарай уйига қайтарди.

Ҳар куни, тун станица тепасидан заррин палосини йиғиштириб олар пайтда, саройдан бир тўп қизилгвардиячиларни олиб чиқишар ва конвой остида қирга — оқиш туманга бурканган жарлик томонга ҳайдашарди. Шамол қарс-курс этган ўқ товушларини, милтиқ овозларини станицага олиб келарди. Ҳайдаб кетилаётган асирлар сони йигирмадан ошганда, пулемёт тачанкаси гилдирагини гижирлатиб улар билан изма-из йўлга тушарди. Пулемётчилар кенг ўриндикда мудрашар, кучер бўлса цигаркасини йилтилла-тиб, эринчоқлик билан тизгинни тортар, отлар истар-истамас одимлар, ёпинчиги олинган яланғоч пулемёт оғзини очиб уйқу аралаш эснаётгандек кўринарди. Ярим соатдан сўнг жарликда пулемётнинг қуруқ, узуқ-узуқ та-талагани эшитилди, кучер терга пишган, пишқирган отларни қамчилди, пулемётчилар ўриндиқларда силкиниб кетди, уч отли арава учта ёруғ деразаси билан жимжит кўчага қараб турган комендант идораси олдида таққа тўхтади.

Чоршанба куни кечқурун отаси Митькага:

— Ҳалиям такасалтанглик қилиб юрибсанми? Бугун кечқурун Тўриқни обориб ўтлатиб кел, кўзингга қара, буғдойзорга кириб кетмасин! Битта-яримтанинг буғдойини босиб-янчиб қўйсанг ўласи қилиб дўппослайман!.. — деди. Митька Тўриқни юганлади-да, онасига шивирлади:

— Ойижон, овқатни ўзингиз элтиб бериңг... Соқчига берсайиз бўлди.

Митька станицалик болалар билан атаман ерига от ўтлатгани кетди. Эртасига эрталаб қуёш чиқмасдан етиб келди. Дарвозани очди, Тўриқнинг юганини олди, ўт еб, шишган корнига шапатилади-да, уйга кирди. Ошхонага кириб қараса — ер ҳам, деворлар ҳам қон. Печканинг қирраси қон аралаш оқ нарса билан булганган. Ичкари хонадан хириллаган бўғиқ товуш эшитилади... Митька остона ҳатлаб ичкари кирди, афти-башараси кўм-кўк мўматалоқ бўлиб шишган, қон илашиб қотиб қолган сочлари кўзларини тўсган онаси ерда қонга беланиб ётарди. Онаси Митькани кўриши билан хириллади, талвасага тушди, лекин бир оғиз ҳам сўз айтолмади. Шишган оғзида кўм-кўк тили қалдирар,

кўзлари ёввойиларча ва бемаъни кулар, қийшайган оғзидан пуфаксимон пушти сўлакай оқарди...

— Ми... ми... тя... тя... тя... тя...

Бўғиқ фарёд сингари кулги эшитилди. Митька тиз чўкди, онасининг қўлларини, қора қон тўлган кўзларини ўпа бошлади. Онасининг бошини кучоқлаган эди, бармоқларига қон ва оқиш шилимшиқ нарса ёпишди... Отасининг банди қонга беланган нагани ерда, онасининг ёнида ётарди...

Митька хонадан қандай отилиб чиққанини ўзи ҳам билмади. Четан ёнига келиб йиқилиб тушди, шу пайт кўшни хотин ҳовлисида туриб кичқирди:

— Вой, болажонгина-ей, бошинг оққан томонга қоча қол дарров! Отанг ойингнинг асирларга овқат олиб борганини билиб қолиб ўласи қилиб дўппослади, сениям терингга сомон тикмоқчи!

## VI

Митьканинг полизга қоровул бўлиб ёлланганига бир ой бўлди. У тепаликдаги чайлада турарди. Унинг чайласидан сутдек оқ лентага ўхшаган Дон, тоғ ёнбағрига бориб туташган станица ва мозорлар, кўнғир доғ бўлиб кўзга ташланадиган қабристон кўринади. Ишга ёлланаётганида казаклар:

— Бу Анисимнинг ўғли! Бизга бунақалар керак эмас! Акаси қизил гвардияда, манжалақи онаси бўлса асирларга овқат ташиган. Буни полизга қоровул қилиш эмас, тоғтеракка осиш керак!— деб шовқин солишди.

— Ҳой, жаноби кексалар, бу бола ҳақ сўрамаяпти. Исо ҳақи-чун полизингизни кўриқлайман, деяпти. Агар раҳм қилсангиз, бир бурда нонни аямассизлар, бўлмаса, ит қавмида кетаверади...

— Бермаймиз, тарракдек қотсин!..

Лекин барибир атаманинг айтганини қилдилар. Ёллаб олдилар. Шунақа бир батрак келади-ю, ёллашмайдиямми: ҳеч қанақа ҳақ сўрамаса, станица полизини ёзи билан худо йўлига кўриқлаб берса. Турган-битгани фойда-ку...

Куёш нурида сариқ қовунлар, олачипор тарвузлар ўсиб етилди, шарбатга тўлиб пиша бошлади. Митька қовоғини уйиб полизни айланар, ҳай-ҳайлаб ё шақилдоғини чалиб кузғунларни ҳайдарди. Эрта саҳарлаб чайласидан чиқиб, девор тагига, чириган бурган устига ётар, Дон ортида тўпларнинг гулдурашига қулоқ солар, кўзи ачишгунча нариги томонга тикиларди.

Тоғ томонга тик жарлар ёни билан полиз ёнидан бориладиган, ёзда юриладиган иланг-биланг йўл бор эди. Ёзда станица казаклари шу йўл билан пичан ташишади, шу йўл билан асир қизилгвардиячиларни жарликка отишга олиб боришади. Кечалари Митька кўпинча пастда, дарё лабидаги бутазорлар, қуюқ толзорлар ортидан эшитилган бўғиқ қичқириқлар ва ўқ товушларидан уйғониб кетарди. Ўқ товушларидан кейин итлар увлар, ёзлик йўлда оёқ товушлари эшитилар, баъзан тачанканинг қалдираб ўтгани билинар, папирос оловлари йилтилар, гўнғир-гўнғир сўзлашган овозлар келарди. Бир куни Митька чигал тушган ипга ўхшаган иланг-биланг йўл билан ўша ёқққа борди, қияликда қотиб ётган қонни, пастда, юза қазилган, сув ювиб кетган мозорда аллакимнинг оёғи туртиб чиқиб турганини кўрди; оёқда буришган, қуришган тагчарм бор эди, жарликда изгиган қир шамоли мурдалар сассигини таратарди. Митька ўшандан буёқ ўша томонга боргани йўқ...

Ўша куни станицадан тўдалашиб ёзлик йўлга ҳар вақтдагидан эрта чиқишди: икки томонда конвой командасининг казаклари, ўртада улар — елкаларига шинель ташлаган қизилгвардиячилар. Қуёш куппа-кундузи нималар қилинаётганини кўриб олмоқчидек кумушдек товланаётган Донга аста-секин шўнғиб олди. Бутазорларда толларнинг тепасини кузғунлар қора булутдек қоплаб олди. Сукунат полизни ўргамчи уясидек чулғади. Митька чайладан туриб ёзлик йўл билан борувчиларни муюлишгача кўзи билан кузатиб қолди, тўсатдан ҳайқириқлар, милтиқ овозлари эшитилди, яна ва яна...

Митька чайласидан отилиб тепаликка чиққан эди, ёзлик йўл бўйлаб жарга қараб қочаётган қизилгвардиячиларни, казаклар тиз чўкиб, шоша-пиша милтиқ отаётганларини, иккитаси қиличинини силкиб қувиб кетаётганини кўрди.

Ўқ товушлари сокинликни бузарди.

Пақ-пуқ, пақ-пуқ... Та-та-тарс!

Ана, биттаси қоқилди, муккалаб кетиб қўлига тиралиб қолди, ирғиб турди-да, яна қоча бошлади... Казак ҳамон яқинлашгандан яқинлашади...

Ана, ана... Қилич ярим доира ясайди, қаллага келиб тушади... йиқилиб ётганни чопади...

Митьканинг кўз олди қоронғилашади, оғзи қақрайди.

Ярим кечада чайлага уч отлик келди.

— Хой, қоровул! Буёққа чиқ!

Митька чиқади.

— Солдат шинели кийган уч одамнинг қаёққа қочганини кечкурун кўрганинг йўқми?

— Кўрмадим.

— Ёлгон гапирма. Таъзирингни еб қоласан!

— Кўрганим йўқ... билмайман...

— Бу ерда бўлмайди. Жарлик билан Филинов ўрмонига бориш керак. Ўрмонни қуршаб оламиз-у, у газандаларни қўлга туширамыз...

— Кетдик, Богачев...

Митька тонг отгунча мижжа қоқмади. Шарқ томонда момақалдироқ қалдиради, осмонни қоп-қора булут қоплади, кўзни қамаштириб чакмоқ чакди. Ёмғир ёғиб кетди.

Тонгга яқин Митька, чайласи ёнида шитирлаган товуш ва инграган овоз эшитди.

Қимирламасликка ҳаракат қилиб кулоқ солди. Дахшатдан аъзойи бадани тарашадек қотди. Яна шитир-шитир ва оғир инграш эшитилди.

— Ким у?

— Хой, яхши одам, худо ҳаққи, буёққа чиқ!..

Митька қалтираётган оёқларини зўрға босиб ташқари чиқди ва чайланинг орқа девори тагида юзтубан тушиб ётган одамни кўрди.

— Нима гап?

— Мени тутиб берма... хазон бўлиб кетмай... кеча отгани олиб кетишаётганда қочдим... казаклар кидириб юришибди... оёғим... оёғимдан яраланганман...

Митька гапирмоқчи бўлди, лекин томоғига алланима тикилди, тиз чўкиб эмаклаб ярадор олдига борди-да, солдат обмоткаси ўралган оёқни кучоқлади.

— Федя... Акажоним! Кадрдоним!..

Митька қуриган кунгабоқар поялардан кесиб бир кучоқ қилиб чайласига олиб келди, Федорни бурчакка ётқизди-да, устига бурган ва кунгабоқар поялардан ташлаб, ўзи полиз айлангани чиқиб кетди.

У пешингача кўм-кўк полизда очкўз қузгунларни қувди, аслида эса чайлага югуриб боргиси, жонажон акасининг меҳрибон кўзларига боққиси, бошдан кечирган азоб-укубатлар ва қувончли дақиқалар ҳақидаги ҳикоясини яна ва яна тинглагиси келарди. Ака-ука иккови қоронғи тушиши биланоқ Федорнинг ярадор оёғини яхшилаб боғ-

лаб, ўрмон орасидаги таниш сўқмоқлар билан айланиб Дон бўйига тушишга, нариги қирғоққа, ҳақиқат учун, ер ва бечора халқ учун казаклар билан курашаётганлар олдига сузиб ўтишга аҳд қилган эдилар. Эрталабдан пешингача ёзлик йўл билан станицадан казаклар от чоптириб ўтиб туришди, икки марта Митьканинг чайласига сув ичгани келишди. Кечга бориб, Митька оппоқ чўққиси ялтираб турган қумлик тепадан чарчаган, қоқинаётган отларини қадамлатиб саккиз отлик тушиб келаётганини кўрди. Митька чайла ёнига ўтирди, отликларнинг букчайган қоматларини кузатар экан, бошини орқага ўгирмасдан Федорга оҳистагина гапирди:

— Қимирламай ёт, Федор! Бир отлик полиз билан тўғри чайлага қараб келяпти.

Бурган уюми орасидан Федорнинг бўғиқ овози эшитилди:

— Қолганлари пойлаб туришибдими ё станицага қараб кетишдими?

— Улари отларини йўртдириб тоғ тагида ғойиб бўлишяпти!.. Жим, қимирламай ёт.

Казак узангида ярим туриб, хипчин силкитиб келяпти, оти терлаб сув бўлиб кетган.

Митька ранги қув ўчиб:

— Федя... дадам экан!— деб шивирлади. Отасининг қизғиш соқоли терлаб ҳўл бўлиб кетган, қуёшда пишган юзи қоп-қорайган. Отаси чайланинг нақ ёнгинасига келиб отини тўхтатди, отдан тушиб Митька ёнига қадалиб келди.

— Гапир: Федор қани?

Отаси қон тўлган кўзларини Митьканинг оппоқ оқариб кетган юзига тикди. Кўк рангдаги казак мундиридан тер ва нафталин ҳиди анқийди.

— Кечаси келибмиди олдинга?

— Йўқ.

— Чайла тагидаги бу қанақа қон?

Отаси ерга энгашди, қизғиш бўйни ёқа тагидан қават-қават бўлиб осилиб чиқди.

— Қани, бошла чайлангга!

Отаси олдин, қоп-қорайган Митька орқада чайлага киришди.

— Шуни билиб қўй, маккор... Агар Федькани яшираётган бўлсанг уния, сениям жувормак қиламан.

— Келгани йўқ... кўрмадим...

— Бурчакдаги қанақа бурган?

— Ётадиган жойим.

— Кўрамиз.— Отаси бурчакка қараб юрди, тизза-

лади, қуриган бурган ва кунгабоқар пояларини шитирлатиб титкилади.

Митька орқада турибди. Орқа томонига сириб тортилган кўк мундир кўз олдида доира-доира бўлиб жимирлайди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас отасининг хириллаган овози эшитилади.

— Ха-а-а-а... Бу нима?

Жигарранг поялар орасидан Федорнинг яланг оёғи чиқиб турарди. Отаси ўнг қўли билан ёнидаги наган кинига ёпишади. Митька гандираклаганича бир иргийди, девор тагида турган болтани олади, тўсатдан нафаси бўғилиб антикади-да, болтани кўтариб кучининг борича отасининг миясига туширади...

\* \* \*

Улар совиган танани бурган билан ёпдилар-да, йўлга тушдилар. Ака-ука жарликлар, шамолда қулаган дарахтлар, қуюқ тиканакзорлар билан эмаклар, судралиб йўл юрдилар. Станицадан саккиз чақиримча нарида, Дон тикка қайрилиб қорли тоққа қадалиб келадиган жойда сув бўйига тушдилар. Дарёнинг қумлоқ, саёз жойи билан сузиб кетдилар; кечаси билан совиб кетган сув уларни тез оқизиб борарди. Федор инграб Митьканинг елкасига ёпишарди.

Сузиб чарчадилар. Нам қумга чиқиб олиб узок чўзилиб ётдилар.

— Бўлди, турайлик, Федя! Дарёнинг бу ярми унча кенг эмас.

Яна сувга тушдилар. Дон яна юзларини, бўйинларини ялайди, дам олган қўллари сувда ишончлироқ сузади.

Мана, оёқлари остида ер пайдо бўлди. Қоронғида қуюқ ўрмон қорайиб кўринди. Ака-ука тез юриб кетдилар...

Тонг ёриша бошлади, аллақерда, ёнгиналарига тўп гумбурлади. Тонг шарқ томонга ўзининг қизғиш ҳошиясини ёйди.



## ЗУМРАША

Мишка туш кўрса, тушида бобоси боқчадан олча дарахтининг каттагина бир новдасини кесиб олганмиш-да, уни силкитиб-силкитиб, Мишканинг ёнига келганмиш ва дўқ қилган эмиш.

— Қани, бери кел-чи, Михайло Фомич, бир адабингни бериб қўяй!..

— Нима учун, бобожон?— деб сўраганмиш Мишка.

— Шунинг учунки, сен товукхонага кириб, дўппидор товукнинг уясидаги тухумларни ўғирлаб, сотиб, отўйинга тушибсан!..

— Бобожон, мен бу йил ҳечам отўйинга тушганим йўқ!— деб қичқириб юборганмиш Мишка кўрққанидан.

Бироқ бобоси сиполик билан соқолини сийпаганмиш-да, депсиниб:

— Ёт, тирранча, еч иштонингни!..— деб бақириб берганмиш. Мишка «дод» деб уйғониб кетди. Юраги ростдан ҳам калтак егандагидай дук-дук урарди. У чап кўзини сал очиб, уй ичи ёп-ёруғ эканлигини кўрди. Тонгги куёш илиқ нурларини сочиб турибди. Мишка бошини кўтариб, даҳлиздан келаётган вағир-вуғур товушларни эшитди: ойиси чувиллаб, кула-кула, нимадир гапиряпти, бобоси йўталади, яна бир бегона одамнинг «Бу-бу-бу» дегани эшитилади.

Мишка кўзларини ишқалаб, қараган эди, эшик ланг очилиб, даҳлиздан бобоси ҳовлиққанича сакраб-сакраб кириб келди, кўзойнаги бурнида силкинади. Мишка бошда, хонишчилар билан поп келган бўлса керак, деб ўйлади. (Чунки пасха байрамида поп келиб қолгудай бўлса, бобоси худди шунақа ҳовлиқади.) Аммо бобоси кетидан меҳмонхонага поп эмас, бошқа бир киши — қора шинель, лентали, соявонсиз шапка кийган барваста бир солдат кириб келди, онаси эса унинг бўйнига осилиб олиб, ўқсиб-ўқсиб йиғларди.

Уйнинг қоқ ўртасига келганда, бегона одам Мишканинг онасини бўйнидан олиб ташлади-да:

— Фарзандим қани?— деб бақирди.

Мишка кўрқиб, кўрпага бурканиб олди.

— Минюшка, ўғилчам, ухлаяпсанми? Даданг аскарликдан келдилар-ку!— деб шанғиллади аяси.

Мишка эс-хушини йиғиб олгунча ҳам бўлмай, солдат уни кучоқлаб олди-да, шипга ирғитди, кейин бағрига босиб, тикандек сариқ мўйловини ботириб лабларидан, кўзларидан чўлп-чўлп ўпа бошлади. Мишка унинг кўлидан чиқмоқчи бўлиб уриниб кўрди-ю, лекин уддасидан чиқолмади.

— Мана, менинг большевигим қандоқ катта бўлиб қопти!.. Яқинда дадасидан ҳам ўсиб кетади!.. Хо-хо-хо!..— деб дадаси Мишкани дам кафтига ўтқизиб, у ёқ-бу ёққа айлантиради, дам яна шипга ирғитиб эркалайди.

Мишка чидаб турди-турди-да, охири тоқати тоқ бўлиб, бобосига ўхшаб қошларини чимирди, жиддий тус олиб отасининг мўйловидан тортиб:

— Кўйвор, дада!— деди.

— Кўйвормасам-чи!

— Кўйвор дейман! Мен энди катта бўп қолганман, сен бўлсанг мени худди ёш боладек ўйнатяпсан-а!

Дадаси Мишкани кўйворди-да, тиззасига ўтқизиб, жилмайганича, суриштира бошлади.

— Нечага кирдинг, йигитча?

— Саккизга,— деб тўнғиллади Мишка хўмрайиб.

— Узоқ йил сенга кемалар ясаб берганим эсингдами, ўғлим? Ўшанда кемаларни ҳовузга қўйиб юборганимиз ҳам эсингда борми?

— Эсимда!..— деб қичқириб юборди Мишка ва ҳадиксираб отасининг бўйнидан кучоқлаб олди.

Ана шундан кейин вақтичоғлик бошланиб кетди: отаси Мишкани елкасига миндириб, оёқларидан ушлаб олди-да, меҳмонхонада гир айланиб чопқиллаб юрди, кейин отга ўхшаб депсинди, Мишка жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди. Аяси унинг енгидан тортиб:

— Бўлди энди! Бор, эшикка чиқиб ўйна!.. Жўна, деяпман сенга, зумраша!— Кейин эрига:— Азбаройи худо, кўйвор, Фома Акимич!— деб илтимос қилиб қолди.— Сени кўзим тўйгунча кўришга ҳам қўймайди бу! Кўришмаганимизга икки йил бўлди ахир, сен бўлсанг, ҳамон ўша билан оворасан!

Дадаси Мишкани ерга туширди-да:

— Бор, бўлмаса, ўртоқларинг билан ўйнаб кел, келганингда совғалар бераман,— деди.

Мишка эшикни ёпиб чиққач, даҳлизда туриб, дадаси билан аяси нима гапиришини эшитмоқчи бўлди-ю, аммо дадажони қайтиб келганини кўчадаги болалардан биттаси



хам билмаганини ўйлаб, кўрадан полизга ўтди-да, картошка чуқурчаларини босиб-янчиб, ҳовузга чопди.

Мишка туриб қолган ифлос сувда чўмилди, кумда ётиб маза қилди, охириги марта шўнғиди ва бир оёғи билан сакрай-сакрай, иккинчи оёғига иштонини кийиб олди. У энди уйга кетмоқчи бўлиб турганида ёнига попнинг ўғли Витька келиб қолди.

— Миша, тура тур,— деди у.— Қани, чўмилиб чиқайлик, кейин бизникига ўйнагани борамиз. Ойим, сени майли, кела қолсин, дедилар.

Мишка тушиб кетай деб турган иштонини чап қўли билан ушлаб, иштонига қадалган тасмани елкасидан ўтказиб тўғрилади-да, истар-истамас:

— Сен билан ўйнамайман, қулоғинг сассиқ,— деди.

Витька писмиқлик билан чап кўзини сузиб бир қаради-да, коксуяк елкасидан тўр кўйлагини ечиб:

— Қулоғим оғриганидан шунақа-да, сен бўлсанг мужиксан, онанг сени кўчада туққан!..— деди.

— Сен кўрганмисан?

— Эшитганман, биздаги ошпаз хотин аямга айтган.

Мишка кумни оёғи билан уйиб қўйди-да, юқоридан туриб Витькага тикилди.

— Аянг бекор айтибди. Менинг дадам урушда қатнашган, сенинг даданг бўлса, қонхўр, бировларнинг нонини туя қилади.— Попнинг ўғли лабларини буриштириб:

— Зумраша!..— деб бақирди.

Мишка сувда силлиқ бўлиб кетган ясси тошни қўлига олди, бироқ, попнинг ўғли кўз ёшларини тийиб, мулоийм жилмайиб қўйди-да:

— Миша, қўй, уришма, хафа бўлма! Хоҳлайсанми, мен сенга ўзимнинг темир ханжаримни бераман!— деди.

Хурсандчилигидан Мишканинг кўзлари порлади, қўлидаги тошни бир чеккага отиб юборди, аммо шу он отасини эслаб фахр билан деди:

— Отам менга урушдан сенинг ханжарингдан яхшироқ нарса опкелди!

— Ал-да-япсан?— деди ишонмасдан Витька.

— Ўзинг алдоқчисан!.. Опкелди, дедим, опкелди!.. Биласанми нима? Ростакан милтиқ, ҳа...

— Вуй бўй, ишинг беш-ку!— деб ҳасад билан масхара қилди Витька.

— Яна дадамнинг шапкалари ҳам бор, ўша шапкаларининг ленталарига, худди сенинг китобингдагидек, зарҳал сўзлар билан бир нималар ёзилган.

Витька Мишкани қандай қилиб хайратда қолдирса экан, деб анча ўйлаб турди, пешонасини тириштириб ичига қапишиб кетган қорнини қашиди.

— Менинг дадам яқинда архирей бўлади, сенинг отанг подачи бўлган. Аҳа, билдингми?..

Мишка бу ерда туравериб зерикди, ниҳоят, орқасига қайрилиб, полиз томон жўнади. Витька кетидан қичқириб қолди.

— Миша, ҳой, Миша, тўхта, сенда гапим бор!

— Гапир.

— Буёққа кел!

Миша қайтиб келди-да, гумонсираб кўзини гилай қилди.

— Қани, нима гапинг бор!

Витька, чиллакдек, кийшиқ оёқларини қум устида судраб келди-да, тиржайиб, пичинг отди:

— Сенинг отанг коммуняка! Сен ўлганингдан кейин, жонинг осмонга учади, ана ўшанда худо, «Отанг коммунист эди, шунинг учун сен дўзахга тушасан!..» дейди. Ўшанда сени шайтонлар товада қовуришади!

— Сени-чи, ҳали сен мени қовуришмайди деб ўйлаяпсанми?

— Менинг дадам руҳоний!.. Сен аҳмоқ, нодонсан, ҳеч нимага тушунмайсан...

Мишка жуда қўрқиб кетди. Орқасига шартта ўгирилди-да, ғиқ этмай, уйига чопди.

У четан девор ёнида тўхтаб, Витькага муштини дўлайтириб қичқирди:

— Бориб бобомдан сўрай-чи. Ёлгон гапирган бўлсанг, кўрамиз, ёнидан ўтишингни ўйла!

Мишка четан девордан ошиб ўтди-да, уйига қараб югурди, кўзига това кўринди, товада эса Мишкани қовуришаётганмиш... Бирам иссиқ эмишки, ўтириб бўлмасмиш, атрофида кўпириб қаймоқ қайнаётганмиш. Мишканинг эти жимирлаб кетди, тезроқ бобоси олдига бориб, суриштиришга ошиқди...

Буни қарангки, атайин қилгандек кўча эшигига чўчка қисилиб қолибди! Калласи эшикнинг у томонида, гавдаси бу томонда, оёқларини ерга тираб, думини ликиллашиб, қаттиқ чинқиряпти. Мишка жониворни қутқазай деб, эшикни очмоқчи бўлган эди, чўчка баттар хириллай бошлади. Шунда Мишка унга миниб олди, чўчка, калласи билан бир силтаниб эшикни очди-да, кўрадан хирмон томон ура қочди. Мишка, ўкчаси билан чўчканинг биқинига ниқтаган эди, чўчка қуондек учди. Мишка хирмонда чўчкадан сакраб тушиб қараса зинапояда бобоси турибди:

— Қани, йигитча, буёққа кел-чи!— деб имлаб чакириб колди у.

Мишка бобоси нимага чакираётганини билмади, дўзахдаги това яна эсига тушди, бобосининг олдига чопиб келди ва:

— Буважон, ҳа, буважон, осмонда шайтонлар бўлади-ми?— деб сўради.

— Ҳозир сенга шайтонларни кўрсатиб қўяман... Хипчин билан бир савалаганимда биласан!.. Эҳ, nobакор! Нега чўчкага миниб юрибсан?..

Чол Мишканинг хурпайган сочидан чангаллаб олди-да, меҳмонхонадан келинини чакириб:

— Қани, бу ёққа чиқ, беақл фарзандингни кўриб қўй!— деди.

— Вой, нега бундай дейсиз.

— Нега эмиш-а? Қарасам, чўчкага миниб олиб ҳовлида елдай учиб юрибди!..

— Ҳали у бўғоз чўққани миниб юрибдимми?— деди ҳайрон бўлиб онаси.

Мишка ўзини оқлаш учун оғзини очишга ҳам улгурмай, бобоси белидаги камарини ечди-да, тушиб кетмасин деб чап қўли билан боланинг иштонидан ушлаб, ўнг қўли билан Мишканинг бошини тиззалари орасига олди ва боплаб бир туширди. Чол болани савалар экан, жиддий йўсинда:

— Чўчкага мина кўрма!..— дерди.

Мишка додлаган эди, бобоси унга:

— Ҳали сен, итвачча, дадангга ачинмас экансан-да. У йўлдан ҳориб келиб ухлаб ётибди-ю, сен бақирмоқчимисан-а?— деб пўписа килди.

Жим туришга тўғри келди, бобосини тепмоқчи бўлган эди, оёғи етмади. Ойиси Мишкани ушлаб олиб, уйга турткилаб киритди.

— Ўтир шу ерда, жин ургур. Бувангнинг калтаклагани, бу ҳали ҳалво, шошмай тур, пўстагингни бир қоқиб қўймасамми!..

Чол ошхонадаги скамейкада ўтириб, онда-сонда Мишканинг орқасига кўз ташлаб қўяди.

Мишка бобосига қайрилиб қараб, мушти билан кўз ёшларини артади-да, эшикка орқасини тираб олиб:

— Шошмай тур, кўрасан ҳали!— деди.

— Ҳали сен бобонгга дўқ қилмоқчимисан, бадбахт?

Мишка қараса, бобоси камарини яна ечяпти, шу сабабдан у хавфнинг олдини олмоқ учун, эшикни қия очиб қўйди.

— Хали менга дўк қиладиган бўлдингми?— деб яна сўради бобоси.

Мишка кўринмай қолди. У эшик тирқишидан мўралаб, бобосининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди, кейин:

— Шошмай тур, буважон!..— деди.— Бир кунмас, бир кун тишларинг тушиб қолади-ку, ўшанда сенга нон чайнаб бериб бўпман. Мана кўрасан!

Бобо зинапояга чиқиб қараб, канопзор ичида Мишканинг боши, кўк иштони дам кўриниб, дам йўқолаётганини, липиллаб кўринаётганини кўрди, холос. Бобо хассасини силкиб пўписа қилар, ўзи эса жилмаяр эди.

\* \* \*

Отаси Мишкани — Минька, онаси — Минюшка деб атарди. Бобоси вақтичоғ пайтларда уни тирранча деб атар, ковоғи солиқ пайтларда эса, оппок, ўсиқ қошларини чимириб,—«Ҳой, Михайло Фомич, бери кел-чи, қулоғингни бир бураб кўяй», деб чақирарди.

Бошқа ҳамма одамлар: қўни-қўшни, хотин-халаж, болалар ва станицадагилар уни — Мишка ёки «Зумраша», деб аташарди.

Онаси уни қизлигида туғиб қўйган эди. Гарчи онаси туққандан кейин орадан бир ой ўтгач, фарзандининг асл отаси чўпон Фомага никоҳ ўқитиб теккан бўлса ҳам, «Зумраша» деган лақаб Мишкага елимдек ёпишиб қолди:

Мишка нимжонгина бола эди, унинг сочи баҳорда кунгабоқар гулидек сап-сарик бўлиб, июнда офтоб куйдириб, пахмоқ, олачипор қилиб юборар; афтини йирик-йирик сепкил босар, бурни эса офтобдан ва ҳовузда ҳадеб чўмилаверишидан пўст ташларди. Маймоқ Мишканинг ёлғиз кўзларигина чиройли эди. Унинг қийиқ, фирузадек қўй кўзлари алоҳида порлаб турарди.

Отаси Мишканинг худди ана шу кўзларини ва жонсараклигини яхши кўрарди. У аскарликдан ўғлига тарашадек қотиб кетган от нони ва озгина кийилган этик олиб келган эди. Онаси этикни сочиққа ўраб, сандиққа солиб қўйди, от нонини эса Мишка шу қуниёк остонада болгача билан майда-майда қилиб битта ушоғини ҳам қолдирмай еб қўйди.

Эртасига Мишка кун чиқиши билан ўрнидан турди-да, чўян идишдаги илиқ сувга кечадан бери ювилмаган юзини апил-тапил ювди ва бет-қўлини қуритгани қўрага чиқди.

Аяси сигир ёнида ивирсиб юрибди, бобоси супачада ўтирибди. У Мишкани чақириб олди-да:

— Тирранча, дарров бориб омбор тагидан қара-чи, товук қақоғлади, тухум ташламаганмикин,— деди.

Мишка бобоси иш буюрса бажонидил бажаради: у эмаклаб лип этиб омбордан ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди. Дик-дик сакраб полиздан ҳовузга чопди, бобом қараб турмаганмикин деб, аланглади, четан деворга етиб келгунича оёқларини кичитқи ўт шилиб юборди. Бобоси эса инқиллаганича Мишкани кутиб ўтирибди. Ниҳоят, Мишка келмаганидан кейин, ўзи омбордан ўтмоқчи бўлди, ҳаммаёғини товук тезаги ифлос қилди, қоронғида кўзларини сал қисиб, бошини тўсинга уриб-уриб эмаклаб нариги томонга бир амаллаб ўтиб олди.

— Тоза тентак экансан-ку сен, Мишка, рост гап!.. Боядан буён кидиравериб, ҳеч нима тополмадинг-а!.. Нахотки товук шу ерда тухум қилса? Тухум ана у ерда, тош тагида бўлса керак. Қаерда судралиб юрибсан, тирранча?

Чолнинг бу гаплари бежавоб қолди. У шимига ёпишган тезакларни арта-арта омбор тагидан чиқиб олгач, кўзларини қисиб анча вақт ҳовузга қараб турди ва Мишкани кўриб, кўли билан имлаб, уни чақирди...

Ҳовуз ёнида болалар Мишкани ўраб олишиб, ундан гап сўрашарди.

— Даданг урушда бўлганми?

— Ҳа, бўлган.

— У ерда нима қилган?

— Нима қиларди, урушган.

— Урушиб бўпти!.. Даданг у ерда бит ўлдирибди, ўчоқ ёнида суяк кемирибди!..

Болалар хохолаб қулишяпти, сакрашиб Мишкани турткилашяпти. Мишка хафа бўлиб, кўзлари жикқа ёшга тўлди; бу ҳам камлик қилгандай, поп ўғли Витька уни қаттиқ ранжитди.

— Отанг коммунист-а?..— деб сўради у.

— Билмасам...

— Мен биламан, коммунист экан. Дадамла бугун эрталаб айтдила, отанг шайтонга жонини сотибди. Дадамла яна айтдилаки, ҳамма коммунистларни яқинда осиб ўлдиришармиш!..

Болалар жим бўлишди, Мишканинг эса юраги орқасига тортиб кетди. Унинг дадажонини осиб ўлдиришармиш, нега энди? Мишка тишини тишига қўйиб, деди:

— Дадажонимнинг каттакон милтиғи бор, у ҳамма буржуйларни отиб ўлдиради!

Витька бир оёғини олдинга ташлаб, дабдабали оҳангда деди:

— Отиб бўпти! Дадамла унга оқ фотиҳа бермайдилла, фотиҳасиз отанг ҳеч бало қилолмайди!..

Боққолнинг ўгли Прошка, бурун паррагини керганича Мишкани кўкрагидан туртиб бақирди:

—Отангни мақтамай қоя қол!.. У киши революция вақтида отамнинг молларини тортиб олган экан. Отам ҳам: «Замон ўзгарса, подачи Фомкани биринчи бўлиб ўлдирганим бўлсин!» деди.

Прошканинг опаси Наташка депсиниб:

—Хой, болалар, нимага қараб турибсанлар, уринглар уни!..— деб бақирди.

— Коммунаваччани уринглар!..

— Ҳа, зумраша!..

— Прошка, бир тушир!

Прошка кўлидаги гипчин билан Мишканинг елкасига бир урди. Поп ўгли Витька чалиб юборган эди, Мишка муккаси билан қум устига йиқилди.

Болалар қий-чув кўтариб, Мишкага ҳамла қилишди. Наташка ингичка овози билан чириллаб Мишканинг бўйнини тимдалаб олди. Биттаси Мишканинг қорнига қаттиқ тепди.

Мишка Прошкани устидан итқитиб ташлаб, ўрнидан сапчиб турди-да, тоза итдан қочган куёндай физиллаб уйига чопди. Болалар уни қувламай, ҳуштак чалиб, тош отиб қолишди.

Мишка кўм-кўк, тиканакли канопзор ичига кириб олгандан кейингина ўзига келди. Ўт-ўлан ҳиди келиб турадиган зах ерга ўтириб олгач, тимдаланган бўйнидаги қонни артди ва йиғлаб юборди; юқорида, барглар орасидан офтоб Мишкага боқиб турар, юзига оқиб тушган кўз ёшларини қуритар, худди онасидек эркалатиб, унинг сап-сарик пахмок сочларидан ўпарди.

Мишка то кўз ёшлари қуригунча шу ерда ўтирди, сўнгра туриб, аста-секин уйга қараб юрди.

Отаси бостирмада арава гилдиракларини мойлаётган экан. Унинг шапкаси энсасига қийшайиб тушган, эгнидаги кўк кўйлагининг кўкрагидаги йўл-йўл, оппоқ чизиклари кўзга ташланиб турарди. Мишка ёни билан арава ёнига келди-да, анча вақт жим турди. Кейин журъат қилиб дадасининг кўлига қўлини текизди-да, пичирлаб сўради:

— Дада, урушда нима қилгансан?

Сарик мўйловли отаси мийиғида қулиб:

— Жанг қилганман, ўғлим!— деди.

— Болалар-чи... Болалар айтишяптики, сен у ерда фақат бит ўлдирганмишсан!..

Мишканинг яна ўпкаси тўлди. Отаси қулиб юборди-да, Мишкани кўтариб олди.

— Бекор айтишибди, кароғим,— деди дадаси.— Мен пароходда сузганман. Каттакон пароход, денгизда юради, ана ўша кемада сузганман, кейин урушга кетганман.

— Кимга қарши урушгансан?

— Бойларга қарши, оппоғим. Сен ҳали ёшсан, шунинг учун сенинг ўрнингга урушга борганман. Бу ҳақда қўшиқ ҳам тўқишган.

Отаси жилмайди ва Мишкага қараб, ер тепиб, секингина ашула айтди:

Вой Михаил, Михаля, Михалятко, жонгинам,

Сен урушга бормагин, даданг борса ҳам майли

Даданг — кекса, дунёда кўп яшаган,

Сен-ку ёшсан, уйланганинг пўк хали...

Мишка болалар хафа қилганини ҳам ёдидан чиқариб, кулиб қўйди, у отасининг сариқ мўйлови лаби устида супурги ўтдек диккайиб турганини, (аяси ундан супурги боғларди) мўйлови тагидаги лаблари кулгили шапиллаганини ва оғзи кўвачадек очилиб қолганини кўриб кулиб юборди.

— Сен менга халақит берма, Минька,— деди отаси,— аравани тузатиб олай, кечаси эса ухлагани ётганимизда уруш тўғрисида гапириб бераман, хўпми?

\* \* \*

Кун кирдаги охири кўринмайдиган ёлғизоёқ йўлдек узайиб кетди. Мана, ниҳоят, қуёш ҳам ботди, станицага пода ҳам қайтиб келди, кўчада кўтарилган чанг ҳам босилди, қоронғи осмонда дастлабки юлдуз ҳам милтиллаб кўринди.

Мишканинг тоқати тоқ бўлди, аяси бўлса, жўртгага қилгандек, сигири ёнида ҳамон ивирсиб юраверди, имиллаб сутни сузди, кейин ертўлага тушиб кетди, у ерда бир соатча туриб қолди. Мишка онасининг атрофида гирдикапалак бўлиб юраверди.

— Ая! Қачон овқат еймиз энди?

— Сабр қил, қорнинг жуда очиб кетдими?..

Лекин Мишка онасининг кетидан бир қадам ҳам қолмади: аяси ертўлага тушса, ертўлага тушади, ошхонага кирса, ошхонага киради, унинг этагидан ушлаб, худди зулукдай ёпишиб олган.

— О-йи-и!.. Қачон кечки овқатга ўтирамиз?

— Қоч, кўп шилқимлик қилаверма!.. Қорнинг очган бўлса бир бурда нон олиб еявер-да!

Барибир бу гаплар Мишкага кор қилмади. Онаси гарданига бир шапалоқ урса ҳам у тийилмади.

Кечки овқат вақтида Мишка суюқ ошдан апил-тапил ичди-да, лип этиб, меҳмонхонага кириб кетди. Сандиқ орқасига иштонини ирғитиб юборди-да, югуриб келиб, ойиси ранг-баранг қуроқлардан тиккан кўрпачага шўнғиди. Кўрпа тагида бекиниб олиб дадасининг келишини ва уруш тўғрисида гапириб беришини кутиб ётди.

Мишканинг бобоси чўк тушиб, иконалар олдида шивирлаб ибодат қилаётир. Мишка бошини сал кўтариб қараган эди, бобоси белини зўрға букиб, чап қўлининг бармоқлари билан пол тахта­сига таяниб, пешонасини полга уриб сажда қиляпти. Мишка эса бунга жавобан тирсаги билан деворга гурсиллатиб бир урди.

Бобоси яна пичирлаб-пичирлаб, пешонасини полга уради. Мишка ҳам тирсагини деворга ураверди. Бобоси жонпони чиқиб, Мишкага ўгирилиб қаради-да:

— Жим, лаънати!.. Яна бир марта тақиллатиб кўр, шундай таъзи­рингни берайки!..— деди.

Жанжал чиқай деб турганда Мишканинг отаси кириб қолди.

— Минька, нега бу ерда ётдинг?— деб сўради у ўғлидан.

— Мен ойимминам ётаман.

Отаси каравотга ўтирди-да, индамасдан мўйловини бурай бошлади. Кейин бир оз ўйлаб туриб:

— Мен сенга меҳмонхонага — бувангнинг ёнига жой солдим,— деди.

— Бувам билан ётмайман!

— Нега энди?

— Мўйловларидан тамаки ҳиди келади.

Отаси яна мўйловини бураб, хўрсиниб қўйди.

— Иложи йўқ, ўғлим, сен буванг билан ёта қол...— деди у.

Мишка бошига кўрпани тортиб, битта кўзи билан мўралади-да, ранжиб:

— Кечаям, дада, менинг жойимга ётдинг, бугунам... Бугун бувам билан ёта қол!

Мишка каравотда ўтириб, отасининг бўйнидан кучоқлаб олди-да, секингина пичирлади:

— Бувам билан ёта қол, ойим сен билан ётмаса керак! Сенданам тамакининг сассиқ ҳиди келяпти!

— Хўп, майли, буванг билан ётаман, аммо шуни билиб қўйки, уруш тўғрисида гапириб бермайман.

Отаси турди-да, ошхонага қараб юрди.



— Дада, ҳой дада!

— Хўш?

— Майли, бу ерда ёта қол...— деди Мишка хўрсиниб.— Уруш тўғрисида гапириб берасанми?

— Ҳа, гапириб бераман.

Бобоси девор тагига ётди, Мишкани эса буёқ чеккага ётқизди. Орадан бир оз вақт ўтганда отаси ҳам келди, скамейкани каравотга яқин суриб ўтирди-да, сассиқ махоркадан чекди.

— Биласанми, ишлар қандоғ бўлди...— деб гап бошлади отаси.— Ёдингдами, бизнинг хирмон орқасида боққолнинг экинзори бор эди?

Бир маҳаллар хушбўй, ўсиқ буғдойзор ичида ўйнаб юргани Мишканинг эсига тишди. У одатда хирмоннинг тош деворидан ошиб буғдойзорга тушарди. Буғдойзор уни кўмиб юборар, бошоқларнинг қора тикани бетини китиқларди. Чанг, мойчечак ва дала шабадасининг ҳиди келарди. Ўша маҳалларда аяси унга:

— Мишенька, буғдойзорда узоқ юрма, адашиб қоласан,— деди.

Дадаси бир оз жим турди-да, Мишканинг бошини силаб гап бошлади:

— Иккимиз Қумқўрғонга борганимиз-чи, уям эсингдами? Ўша ерда экинзоримиз бор эди...

Қумқўрғон орқасида уларга қарашли тор кўча ёнидаги эгри-бугри бир бўйрача келадиган ерларига эккан экинлари ҳам Мишканинг эсига тушди. Ўшанда бир қуни Мишка дадаси билан далага, экинзорларга борган эди. Қарасалар, мол тушиб экинларни пайҳон қилиб юборибди, бошоқлар босилиб-янчилиб нест-нобуд бўлиб ётибди; фақат ондасонда бошоғи тўкилган буғдой пояларигина шамолда тебранапти. Бу ҳалиям Мишканинг ёдида турибди: шундай барваста ва забардаст дадасининг юзи буришиб, чанг босган бетидан бир-икки томчи кўз ёши оқиб тушгани ҳам Мишканинг эсида. Отасига қараб, Мишка ҳам ўшанда йиғлаб юборганди...

Йўлда қайтиб келаётганларида, отаси полизчидан:— Ҳой, Федот, экинимни ким нобуд қилди?— деб сўраганда, Федот ерга бир туфлаб:

— Баққол бозорга молларини ҳайдаб кетаётиб, атайин сенинг экинзоринг устидан бостириб ўтди...— деди.

...Отаси скамейкани каравотга яқинроқ суриб, сўзида давом этди:

— Ўша баққол ва бошқа қанчадан-қанча бойлар бутун ерларни олиб қўйишган, камбағалларга эккани ер

қолмаган эди. Бизнинг станицадагина эмас, ҳамма жойда аҳвол шундай эди. Улар ўша маҳалларда бизларга каттик жабр-жафо қилганлар... Тирикчилик ўтказиш қийин бўлиб қолди, мен подачи бўлиб ёлландим, кейин мени аскарликка олишди. Аскарликда ҳам кўп кийналдим, офицерлар арзимаган нарсага шапалоқ билан туширардилар... Сўнгра большевиклар ва уларнинг Ленин деган каттаконлари пайдо бўлиб қолди. Ленин ўзи бундай қараганда оддийгина бир киши-ю, аммо ақл-фаросати жиҳатдан бизнинг мужиклардан чиққан бўлишига қарамай, жуда олим одам. Большевиклар бизларга шундай гапларни гапирдиларки, оғзимиз очилиб қолди. «Нима учун, сиз деҳқонлар ва ишчилар, шалвираб қолдинглар? Бойларни ва амалдорларни ифлос супурги билан супуриб ташланглар, уларни ҳайдаб юборинглар! Ўшанда ҳамма нарсага эга бўласиз!..» дейишди.

Ана шундай гаплари билан улар, яъни большевиклар, бизларни ўзларига мойил қилдилар. Ростдан ҳам, ўйлаб кўрсак, гаплари тўғри экан. Бойларнинг ерларини ва кўрғончаларини тортиб олдик, бироқ, улар қийин аҳволга тушиб қолганларидан кейин, аламларига чидолмай, қўлларига қурол олиб, бизларга — деҳқон ва ишчиларга қарши уруш бошладилар... Тушундингми, ўғлим?

Ўшанда, большевикларнинг каттакони — ҳалиги Ленин, халқни отлантирди. Солдат ва ишчиларни тўплаб олиб, бойларнинг шундай таъзирини бердики, асти кўясан. Расволарини чиқарди! Солдатлар ва ишчилар шундан кейин Қизил гвардия деб аталадиган бўлди. Мен ҳам Қизил гвардияда бўлдим. Бизлар каттакон бир уйда турардик, ўша уйни Смольний деб аташарди. У уйнинг, ўғлим, даҳлизлари шундай узунки, меҳмонхоналари шундай кўпки, адашиб қолишинг мумкин.

Бир куни кечаси қоровулда турибман. Кўча қаҳратон совуқ. Эгнимда битта шинель, холос. Изғирин шамол суякларимгача зирқиратади... Уйдан иккита киши чиқиб, менга яқинлашди, уларнинг бири Ленин эканини пайқаб қолдим. Менинг ёнимга келди-да, мулойимлик билан:

— Совуқ эмасми сизга, ўртоқ? — деб сўради.

— Йўк, ўртоқ Ленин, — дедим мен унга, — совуқ эканку, ҳар қандай душманлар ҳам бизларга писандмас! Биз ҳокимиятни қўлимизга буржуйларга қайтариб бериш учун олган эмасмиз!..

Ленин кулиб юборди ва қўлимни каттик сиқиб қўйди. Кейин шошилмай дарвозага қараб юрди.

Мишканинг отаси чўнтагидан тамаки халтачасини олди, қоғозни шитирлатиб тамаки ўради-да, гугурт чақиб

чека бошлади, Мишка дадасининг тиккайиб турган сарик мўйловида, эрталаб қичитки гул баргларидаги шудринг томчисидай ялтираб турадиган кўз ёшини кўрди.

— Ленин ана шунақа одам эди. У ҳаммамизга ҳам-хўрлик қиларди. Ҳар бир солдат тўғрисида жон куйдирарди... Шу воқеадан кейин ҳам мен уни тез-тез кўриб турдим. Ёнимдан ўтиб кета туриб, кўриб қолади-да, жилмайиб:

— Демак, буржуйларга бўш келмаймизми?— деб сўрайди.

Мен бўлсам:

— Бўш келадиган анойи йўқ, ўртоқ Ленин,— дейман.

— Ҳамма иш у айтганича бўлиб чиқди, ўғлим! Ерларни, фабрикаларни биз тортиб олдик, қонхўр бойларни эса асфаласофилинга жўнатдик. Ўсиб катта бўлганингдан кейин даданг матрос бўлганини ва тўрт йил муттасил коммуния учун қон тўкканини ёдингдан чиқарма. Бир кунмас, бир кун мен ҳам ўларман, Ленин ҳам ўлар, аммо бизнинг ишимиз ўлмайди, умрбод яшайди!.. Ўсиб катта бўлганингдан кейин Совет ҳукумати учун худди дадангдек хизмат қиласанми?

—Қиламан!— деб кичқириб Мишка каравотдан сапчиб турди-да, дадасининг бўйнига осилмоқчи бўлди, лекин ёнида бобоси ётганини эсидан чиқариб, унинг қорнига оёғини қўйди.

Бобоси ихраб, Мишкани сочидан ушламоқчи бўлиб қўлини чўзган эди, дадаси уни кўтариб меҳмонхонага олиб кириб кетди.

Мишка дадасининг қўлида ухлаб қолди. Бошда у анча вақт ажойиб киши — Ленин ҳақида, большевиклар, уруш ҳақида, пароходлар тўғрисида ўйлади. Уйку аралаш секингина гаплашган овозларни эшитди, сучук тер ва махорка ҳиди келаётганини сезди, кейин кўзлари юмилиб, гўё биров босиб қўйгандай ковоқлари ёпилди.

У уйкуга кетиши биланоқ, тушида бир шаҳарни кўрди: шаҳарнинг кўчалари жуда кенг эмиш, товуклар шу ерга тўкилган қулда туллаётганмиш. Товуклар станицада тўлиб-тошиб ётганмиш, шаҳарда эса ундан ҳам кўпмиш. Шаҳардаги иморатлар худди дадаси айтиб бергандай катта эмиш. Уйларнинг томи янги қамиш билан ёпилган, томдаги мўрининг учиде яна уй бўлиб, бу уй мўрисининг учиде яна битта уй бор эмиш, бу уйнинг мўриси осмонга тегиб турар эмиш.

Мишка, бошини юқори кўтарганича, у ёк-бу ёққа аланглаб кўчадан юриб кетаётганида, рўпарасидан лоп

этиб қизил кўйлак кийган новча бир киши чиқиб қолганмиш!

— Сен Мишка, нимага бу ерларда бекор тентираб юрибсан?— деб сўраганмиш у одам хушмуомалалик билан.

— Менга бувам, бор, ўйнаб кел дедилар,— деб жавоб қайтарганмиш Мишка.

— Сен-чи,— деганмиш ҳалиги киши,— биласанми, мен ким бўламан?

— Йўқ, билмайман...

— Мен — ўртоқ Ленинман!..

Мишканинг юраги орқасига тортиб кетиб, тиззалари қалтираганмиш. У қочиб кетмоқчи бўлган экан, бироқ қизил кўйлак кийган ҳалиги киши Мишкани енгидан ушлаб олиб, бундай деганмиш:

— Бир мирилик ҳам виждонинг йўқ экан сенинг, Мишка. Яхши биласанки, мен камбағал халқ манфаатини кўзлаб кураш олиб боряпман, шуни кўра-била туриб, менинг кўшимига кирмаганинг нимаси?

— Бувам рухсат бермаяпти,— деб Мишка ўзини оқламоқчи бўлганмиш.

— Майли, ихтиёринг,— деганмиш ўртоқ Ленин.— Сенсиз қўлим ҳеч қаёққа етмайди! Сен менинг кўшимига киришинг керак, вассалом — гап тамом!..

Мишка унинг қўлини ушлаб, узил-кесил бундай деганмиш:

— Бўпти бўлмаса, бобомдан сўрамасданок мен сизнинг қўшинингизга кириб, камбағал халқ учун жанг қиламан. Аммо-лекин борди-ю, бобом мени хипчин билан савалайдиган бўлса, сиз менинг ёнимни оласиз, хўпми?..

— Албатта шундай қиламан!— деганмиш ўртоқ Ленин ва сўнгра кўчадан юриб кетганмиш. Мишка бундан шундай хурсанд бўлганмишки, асти қўясиз; бир нима деб қичқирмоқчи бўлган экан, тили айланмай қолибди...

Мишка ётган жойида чўчиб кетиб, бобосини тепиб юборди-да, уйғониб кетди.

Бобоси уйқусида ингради, тамшанди, деразадан эса ҳовуз томонда осмон оқариб кўринади, шарқ томондан пағапаға пуштиранг булутлар сузиб келади.

\* \* \*

Шу кундан бошлаб дадаси ҳар куни кечкурун Мишкага уруш тўғрисида, Ленин тўғрисида, ўзининг қандай ўлкаларда бўлганлиги тўғрисида гапириб берадиган бўлиб қолди.

Шанба куни кечаси ижроқўм қоровули шинель кийган,

қўлтиғига кўн портфель қистирган бегона бир кишини ховлига бошлаб келди. Қоровул Мишканинг бобосини чақриб олиб бундай деди:

— Мана сизникига ўртоқ совет ходимини опкелдим. Бу киши шаҳардан келганлар, бугун сизникида тунаб қоладилар. Кечки овқатдан бу кишига берасиз, хўпми, бобо?

— Биз, албатта, қарши эмасмиз,— деди чол.— Мандатингиз бордир дейман, жаноб ўртоқ?

Мишка бобосининг билармонлигига ҳайрон бўлди ва бармоғини оғзига тикиб, қулоқ солиб қолди.

Кўн портфелли киши:

— Бор, бобо, ҳаммаси бор,— деди-да, меҳмонихонага қараб юрди.

Бобо меҳмон кетидан кетди, Мишка ҳам бобоси орқасидан эргашди.

Уйга кираётганларида чол, ҳалиги кишидан:

— Сиз бу ерга қандай иш билан келдингиз?— деб сўради.

— Сайловлар ўтказгани келдим. Совет раиси ва аъзоларини сайлаймиз.

Бир оздан кейин Мишканинг дадаси ҳам хирмондан қайтиб келди. Бегона одам билан омонлашгандан кейин, хотинига кечки овқат тайёрлашни буюрди. Овқатдан кейин Мишканинг дадаси бегона одам билан скамейкага ёнма-ён ўтиришди, бегона киши портфелини очиб, ундан бир тўп қоғоз олди-да, Мишканинг дадасига кўрсата бошлади. Мишка тоқати-тоқ бўлиб, гирдикапалак бўлиб қолди. Отасига меҳмоннинг нималар кўрсатаётганини кўргиси келиб кетди. Отаси бир қоғозни олди-да, Мишкага кўрсатиб:

— Мана, кўр-чи, Минька, мана бу Ленин бўлади!— деди.

Мишка отасининг қўлидан расмни юлиб олгандай шошилиб олди-да, расмга тикилиб, ҳайратдан оғзи очилиб қолди: қоғозда ўрта бўйли бир кишининг рўй-рост, тик турган сурати олинган, эғнида эса қизил кўйлак эмас, пиджак. Бир қўли шимининг чўнтагига суқилган, иккинчи қўли билан эса олға томонни кўрсатяпти. Мишка астойдил тикилиб, расмдаги букилган қошларни, кўз қарашларида ва лабларининг чеккасида салгина кўзга ташланиб турган табассумни, юзидаги ҳар бир аломатни бир умрга унутмайдиган қилиб хаёлига жойлаб олди.

Бегона одам Мишканинг қўлидан расмни олиб, портфелига солди, уни тик этиб қўлфлади-да, ухлагани кетди. У ечинди-да, устига шинелини ёпиб ётди, энди ухлай деган ҳам эдики, бирдан эшикнинг ғийқиллаганини эшитиб қолди. Меҳмон бошини кўтариб:

— Кимди бу?— деб сўради.

Хонада кимдир полда яланг оёқ шапиллаб юрарди.

— Ким у юрган?— деб яна сўради меҳмон ва кутилмаганда каравот ёнида Мишкани кўриб қолди.

— Ҳа, кичкинтой, сенмисан, нима қилиб юрибсан бу ерда?

Мишка бирпас жим турди; кейин ўзини ўнглаб олиб, секингина пичирлади:

— Амакижон, гап бундай... сиз... Ленинни менга берсангиз!..

Меҳмон индамай, каравотдан бошини осилтириб болага қаради.

Мишка хасислик қилиб, бермаса-я деб ўйлаб юраги орқасига тортиб кетди. У овозини титрамасликка ҳаракат қилиб, шошиб-пишиб шивирлади:

— Уни менга бутунлай берсангиз, мен сизга... мен сизга яхши бир тунука қутича ва бақайларимниям бераман, устига яна...— Мишка таваккал қилиб қўлини силкаб қўйди-да:— дадам олиб келган этикниям бераман!— деди.

— Ленинни нима қиласан?— деб жилмайиб сўради меҳмон.

«Бермайди!..» деган фикр Мишканинг хаёлидан лип этиб ўтди. У кўз ёшларимни меҳмон кўрмасин деб бошини эгди-да, бўғиқ овоз билан:

— Керак-да!— деди.

Меҳмон кулиб юборди ва болиш тагидан портфелини олди-да, очиб, Мишкага Лениннинг расмини берди. Мишка расмни қўйнига солиб, кўксига қаттиқ босди-да, дарҳол меҳмонхонадан чиқиб кетди. Бобоси уйғониб қолиб:

— Нима қилиб изғиб юрибсан, тункезар!— деди.— Мен сенга, кечаси сут ичмагин демабмидим, энди қис-таб қолибди-да!.. Ана, ювинди челакка сия қол. Сени ҳовлига олиб чиқисга сира тоқатим йўқ!

Мишка расмни тагин эзиб қўймайин деб ағдарилишга ҳам кўрқиб икки қўли билан ушлаб индамай ётди-ётди-да, шу қўйи ухлаб қолди.

У тонг ёришар-ёришмас уйғонди. Ойиси сигирни соғиб, энди подага ҳайдаган эди. У Мишкани кўриб, ҳайрон қолди:

— Нега бунча барвақт турдинг, жин ургур?— деди у.

Мишка қўйлаги қўйнидаги расмни кўкрагига боса-боса, ойиси ёнидан ўтди-да, лип этиб омбор остига кириб, кўздан йўқолди.

Омбор атрофини қариқиз ва кўм-кўк қичитқи ўт босиб кетган. Мишка омбор остига кириб, у ердаги чанг ва товуқ тезакларини кафти билан тозалади, вақт ўтиши билан

сарғайиб қолган қариқиз баргини юлиб олиб, расмни ўради ва шамол учириб кетмасин деб тош бостириб қўйди.

Бутун кун бўйи ёмғир ёғди. Осмон кўк пардага бурканди, ховлида кўлмаклар пайдо бўлди, кўчада жилға-жилға бўлиб сувлар окди.

Мишка чор-ночор уйда ўтирди. Қош қорайган пайтда Мишканинг бобоси билан дадаси ижроқўмга мажлисга отланишди. Мишка бобосининг фуражкасини кийиб олди-да, улар кетидан кетди. Ижроқўм черковнинг қоровулхонасига жойлашган эди. Мишка ижроқўмнинг эгри-бугри, ифлос зинапоясидан инкиллаб чиқиб олиб хонага кирди. Тамаки тутуни шифтда булутдай сузиб юрган хона одамга лиқ тўла эди. Дераза олдидаги стол орқасида уйларида турадиган меҳмон мажлисдаги казакларга бир нималарни гапириб ўтирарди.

Мишка секингина бориб энг орқадаги скамейкага ўтириб олди.

— Ўртоқлар, Фома Коршунов раис бўлсин деганлар кўл кўтаришини сўрайман!

Мишканинг олдида ўтирган, баққолнинг куёви Прохор Лисенко қичқирди:

— Гражданлар!.. Унинг номзодини ўчиришни илтимос қиламан. Унинг ахлоқи тузук эмас. Йилқиларимизни боқиб юрганида буни пайқаганмиз!..

Мишка этикдўз Федотнинг дераза тагида ўтирган жойдан туриб, бақирганини эшитди:

— Ўртоқлар, бойларга чўпон Фоманинг раис бўлиши маъқул тушмайди, албатта, аммо-лекин, у пролетариат, Совет ҳукуматининг тарафдори...

Эшик ёнида тўпланиб туришган бадавлат казаклар депсиниб хуштак чалишди. Ижроқўмда шовқин-сурон кўтарилди.

— Бизга чўпон керак эмас!

— Аскарликдан келган экан, чўпонлигини қилаверсин!..

— Йўқолсин, Фома Коршунов!

Мишка, скамейка ёнида турган, отасининг ранги докадек оқариб кетганини кўриб, кўрққанидан ўзининг ҳам ранги қув ўчди.

— Оғирроқ бўлинг, ўртоқлар!.. Тўполон қилганларни мажлисдан чиқариб юбораман!—деб бақирарди бегона одам, столга мушти билан уриб.

— Ўз казакларимиздан сайлаймиз!..

— Керак эмас!..

— Хоҳламаймиз, бошимизга урамизми уни?..— деб

бақиришарди казаклар, булар орасида баққол куёви Прохор ҳаммадан қаттиқроқ шовқин соларди.

Қулоғига исирға таққан, устига ямоқ солинган пиджак кийган сариқ соқолли, забардаст бир казак скамейкага чиқиб олиб ҳайқирди:

— Оғайнилар!.. Гапга тушуняпсизларми! Бойлар зўрлик билан ўз кишиларини раис қилмоқчилар!.. Эски ҳаммом, эски тос...

Мишка тўс-тўполон орасида, исирғали казакнинг гапирган айрим сўзларинигина эшитди:

— Ер... кайта таксимлаш... Камбағалларга соғ тупроқ-у, ўзларига эса қора тупроқ...

— Прохор раис бўлсин!..— деб шовқин солишарди эшик ёнидагилар.

— Про-хор бўлсин!... Хо-хо-хо!.. Ха-ха-ха!..

Зўрға тинчишди. Бегона одам қошларини чимириб, тупугини сачратиб, бақириб-чақириб, узоқ гапирди.

«Сўкинаётган бўлса керак», деб ўйлади Мишка.

Бегона одам сўради:

— Фома Коршунов бўлсин деганлар қўл кўтарсин!

Бир неча одам қўл кўтарди. Мишка ҳам қўлини кўтарди. Кимдир скамейкадан скамейкага сакраб ўтиб, баланд овоз билан санарди:

— Олтмиш уч... олтмиш тўрт.— Мишкага қарамасдан, унинг қўлини ҳам санаб ўтди,— олтмиш беш!

Бегона одам қоғозга ёзиб қўйди-да, яна қичқирди:

— Энди Прохор Лисенко раис бўлсин деганлар қўл кўтаришини сўрайман!

Йигирма еттига бой казак ва тегирмончи Егор бирдамлик билан қўл кўтаришди. Мишка атрофга аланглаб қараб у ҳам қўл кўтарди. Овоз берувчиларни санаётган киши, унинг ёнига келиб кўз ташлади-да, Мишканинг қулоғидан каттиқ тортиб:

— Вой, мутгаҳам-ей!.. Қоч бу ердан, худди қулогингни кесиб оламан!.. Муштдай бўлиб овоз беряпти-я!..— деди.

Атрофдаги одамлар кулиб юборишди, ҳалиги киши эса Мишкани эшикка олиб келиб, итариб чиқариб юборди. Мишка тийганчик, ифлос зинапоядан сирғаниб тушаётганда:

— Бунақа қилишга ҳақинг йўқ!— деб қичқирди у. Бу гапни у дадаси буваси билан ёғиллашиб қолганда кўп марта эшитган эди.

— Ҳақим борми, йўқми, кўрсатиб қўяман сенга!.. Мишкага жуда алам қилди.



У уйга келиб, бирпас кўз ёши килди-да, ойисига арз қилмоқчи бўлди, лекин ойиси зарда билан:

— Керак бўлмаган жойга бормагин-да! Ҳар бир жойга тумшугингни сукаверасанми!.. Бошимга тоза бало бўлдинг-ку!— деди.

Эртасига барвақт нонуштага ўтиришди, чой ичиб бўлмаган ҳам эдилар, узоқдан музика овози кулоққа чалиниб қолди. Мишканинг отаси қошиқни қўйди-да, мўйловини арта туриб:

— Ие, бу ҳарбий оркестр-ку!— деди.

Мишка сапчиб скамейкадан турди-да, кўчага отилди. Даҳлизда эшик тарақлаб очилди, деразадан тўп-тўп-тўп-тўп... этган овоз эшитилди.

Ҳовлига отаси билан бобоси чиқди, ойиси деразадан ярим гавдасини чиқариб кўчага қаради.

Кўча бошидан худди мавж ураётган яшил тўлқиндай қизил аскарлар саф тортиб кириб келмоқда эди. Олдинда созандалар каттакон карнайлар чаляптилар, ноғора гурилламоқда, бутун станицада музика садолари янграмоқда.

Мишканинг кўзлари ўйнади. У ҳанг-манг бўлиб, турган жойида чир айланди-да, бирдан чопиб созандалар ёнига келди. Юраги орзиқиб томоғига бир нарса тикилгандай бўлди... Мишка қизил аскарларнинг чанг босган қувноқ юзларига, сиполик билан лунжларини шишириб музика чалаётган созандаларга қаради-да, бирдан: «Булар билан жангга бораман!..» деб шартта кесиб қўйди.

У тушини эслади-да, юрак ютиб, сафда турганлардан энг чеккадагисининг ўқдонига ёпишиб олди, ва:

— Қаёққа кетяпсизлар? Урушганими?— деб сўради.

— Бўлмаса-чи? Урушгани, албатта!

— Ким учун урушяпсиз?

— Совет ҳокимияти учун, тентаквой! Ке, ўртага кириб

ол.

У Мишкани саф ўртасига итариб киргизди, кимдир, кулимсираб, сочлари хурпайган энсасига чертиб қўйди, яна бири чўнтагидан кир бўлиб кетган қанд олиб, унинг оғзига тикди. Майдонга етганларида олдинги қатордан кимдир:

— Тўх-та-а!..— деб қичкирди.

Қизил аскарлар тўхташди, майдонда тарқалишиб, мактаб девори тагидаги соя-салқин жойга ётиб олишди. Белига қилич осган, соқол-мўйловини қирган новча бир қизил аскар Мишка ёнига келди-да, илжайиб туриб, сўради:

— Қаёқдан келиб қолдинг?

Мишка ўзини сипо тутиб, тушиб кетаётган иштонини кўтариб қўйди-да:

— Мен сизлар билан бирга жанг қилгани кетяпман!— деди.

— Ўртоқ комбат,— деб қичқирди қизил аскарлардан бири,— уни ўзингга ёрдамчи қилиб олсанг-чи!

Атрофдагилар хохолаб кулишди. Мишка кўзларини тез-тез пирпиратиб тураверди, «комбат» деган галати исмли бояги киши бўлса қошларини чимириб, зарда билан деди:

— Хўш, тентаклар, нега галва кўтарасанлар? Албатта, биз уни оламиз, лекин битта шарт бор...— Комбат Мишкага қайрилиб қаради-да:— Иштонинг фақат битта тасма билан тортиб қўйилибди. Бу мумкин эмас, сен бу кўринишинг билан бизларни шарманда қилиб қўясан! Мана, кўряпсанми, менинг иккита тасмам бор, бошқаларда ҳам иккитадан. Бор, уйингга чоп, ойинг иккинчи тасмани ҳам тақиб қўйсин, биз бўлсак сени шу ерда кутамиз...— Сўнгра, у деворга қайрилди-да, кўзини қисиб қичқирди: Терешченко, бор, янги қизил аскарга милтик билан шинель опкел!

Девор ёнида ётганлардан бири ўрнидан туриб, кўлини шапкасининг козирёгига теккизиб:

— Хўп, бўлади!..— деб жавоб қайтарди.

— Қани, дарров чоп! Ойинг тезроқ тасмани тикиб берсин!..

Мишка комбатга жиддий қараб:

— Менга қара, алдама тагин!— деди.

— Йўғ-э, нега алдайин!..

Майдондан уйгача анча йўл. Мишка дарвозага етиб олгунча ҳарсиллаб, нафаси тиқилиб қолди. Чониб кетаётиб эшикка етганда иштонини ечиб ташлади-да, яланг оёқ физиллаб уйга кириб келди.

— Ойижон!..— деди у,— иштон!.. Тасма тикиб бер!..

Уй ичи сув қуйгандек жим. Печка устида қоп-қора пашша галаси вижиллайди. Мишка ҳовлини, хирмонни, полизни айланиб чиқди. На отаси, на онаси ва на бобоси бор. Меҳмонхонага югуриб кирди, у ерда бир халта кўзига ташланди, пичоқ билан халтадан узун лента қирқиб олди, уни тикишга Мишканинг вақти йўқ, ростини айтганда, тикиш ҳам кўлидан келмайди. Шундай бўлса-да, иштонига апил-тапил боғлаб, елкасидан ўтказиб, олдиндан яна бир боғлади-да, шошганича оғбор остига кириб кетди. Тошни тўнтариб ташлаб, Лениннинг Мишка томон чўзиб турган кўлига бир назар солди-да, тез-тез нафас олиб, пичирлади:

— Мана, кўрдингми?.. Мен ҳам сенинг қўшинингга кирдим!..

У расми қариқиз баргига авайлаб ўраб, қўлтиғига

солди-да, кўчадан чопиб кетди. Бир қўли билан расмни бағрига босганча, иккинчи қўли билан тушиб кетмасин деб иштонини ушлаб-ушлаб қўяди. Қўшнисининг четан девори ёнидан чопганча ўтиб кетаётиб, қўшни хотинга:

— Анисимовна!— деб қичқирди.

— Ҳа, нимаиди!

— Уйдагиларга айтиб қўй, мени овқатга кутишмасин!..

— Сен-чи, қаёққа чопяпсан, тирмизак?

Мишка қўл силкиб:

— Аскарликка кетяпман!..— деди.

Югуриб-елиб майдонга келди-ю, қоққан қозикдек қотиб қолди. Майдонда ҳеч ким йўқ эди. Девор тагида папирос қолдиқлари, консерва қутилари, кимнингдир йиртилган обмоткалари ётибди, станицанинг у бошида эса музика садолари, йўлдан гупиллаб кетаётган одамларнинг оёқ товушлари эшитиларди.

Мишка хўнграб йиғлаб юборди ва кучи борича чопиб, қизил аскарларга етиб олмоқчи бўлди. Етган ҳам бўларди-ю, кўнчининг ҳовлиси олдида, пахмоқ думли сариқ кўппак тишларини иржайтириб, йўлга узала тушиб ётиб олган эди. Мишка ён кўчага чиқиб олганда, музика садолари ҳам, гупиллаган оёқ товушлари ҳам эшитилмай қолди.

\* \* \*

Орадан икки кун ўтгач, станицага қирқ кишилиқ отряд келди. Солдатлар оёқларига кўк пийма, устларига мой босиб кетган пиджак кийишган эди. Мишканинг отаси ижрокўмдан овқатга қайтгач, бобога деди:

— Отахон, омбордаги ғаллани тайёрлаб қўйинг. Продотряд келди. Развёрстка бошланади.

Солдатлар ҳовлима-ҳовли юришди, саройларда ерларни найза билан санчиб кўришди, кўмилган ғаллани араваларга ортиб жамоат омборига олиб кетишди.

Раисникига ҳам келишди. Олдинда келгани, трубкасини торта-торта бободан сўради:

— Ғаллани кўмдингми, бува? Очиғини айтиб қўя қол!..

Бобо соқолини сийпаб қўйди-да, фахрланиб:

— Ўғлим коммунист-ку, ахир!— деди.

Омборга ўтишди. Трубка чекаётган солдат, кандукдаги ғаллани чамалаб кўриб, жилмайиб қўйди.

— Бобо, мана шу кандукдагини обориб топшир, қолгани сенга овқат ва уруғликка қолсин,— деди.

Бобо қари тўриқ отни аравага қўшди, ихраб-ихраб саккиз қоп донни аравага ортиди, хафа бўлиб қўл силкиб қўйди-да, ғаллани жамоат омборига олиб кетди. Мишканинг ойиси ғаллага ачиниб, йиғлаб ҳам олди, Мишка эса донни қоплашда бобосига қарашди, кейин поп ўгли Витькаларни-кига ўйнагани кетди.

У ерда болалар ошхонада ўтириб, қоғоздан қирқиб қилинган отларини полга териб эндигина ўйнамоқчи бўлганларида, ошхонага бояги солдатлар кириб келишди. Поп узун жуббасининг этагини боса-боса, уларни қарши олгани чиқди, тилёғламалик қилиб келганларни уйга таклиф қилди, аммо трубкали солдат қаттиқ туриб попга:

— Омборга борайлик! Ғаллангиз қаерда?— деб сўради.

Меҳмонхонадан попнинг хурпайган хотини отилиб чиқди-да, муғамбирона илжайиб:

— Жаноблар, биласизми, бизда бир сикимам ғалла йўқ!.. Эрим ҳали қавмлардан бугдой йиққан эмаслар...— деди.

— Ертўлангиз бор бўлса керак?

— Йўқ, йўқ... Биз илгарилари ғалламизни омборда сақлардик...

Мишка, Витька билан ошхонадан пол тагидаги катта ертўлага тушганларини эслади-да, поп хотинига бошини ўгириб деди:

— Биз-чи, Витька билан ошхонадан ертўлага тушиб юрганмиз, эсингиздан чиқдимми?..

Поп хотини ранги ўчиб, тиржайди:

— Адашяпсан болам!.. Витя, боринглар, боқчага чиқиб ўйнай қолинглар!..

Трубкали солдат кўзини қисиб қўйди ва Мишкага жилмайиб:

— Хой кичкинтой,— деди,— у ёққа қаердан тушилади?

Поп хотини, бармоқларини қарсиллатиб:

— Наҳотки, сизлар шу тентак боланинг гапига ишонсангизлар. Мен сизларни ишонтириб айтаманки, жаноблар, ертўламиз йўқ!

Поп ризасининг этагини ёзиб юбориб, деди:

— Ўртоқлар, бир овқат қилиб олмайсизларми? Қани, бу ёқ хонага ўтайлик!

Поп хотини, Мишка ёнидан ўта туриб, унинг қўлини қаттиқ чимчилаб олди-да, мулойим жилмайиб:

— Боринглар, оппоқ болаларим, боқчага чиқинглар, бу ерда халақит берманглар!— деди.

Солдатлар, бир-бирларига кўз ташлашиб, полни милтиқ кўндоқлари билан тақиллата-тақиллата, ошхонадан ўтиб кетишди. Девор ёнидаги столни суриб, полдаги дағал матони юлиб олишди. Трубкали солдат пол тахтасини кўтариб, ертўлага қаради-ю, бошини чайқаб:

— Уят эмасми сизга, ахир? Ғалламиз йўқ деб эдинглар, ертўла лик-лик бугдой-ку!.. — деди.

Поп хотини Мишкага шундай ўқрайиб қарадики, бола-нинг жон-пони чиқай деди, у дарҳол уйга қайтгиси келди. Мишка ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Унинг кетидан даҳлизга поп хотини югургилаб чиқди-да, дод солиб Мишканинг сочига ёпишди ва уни полда судрай бошлади.

Мишка унинг кўлидан зўрға чиқиб, ғизиллаб уйга чопди. Йиғлай-йиғлай онасига бўлган воқеани гапириб берди. Онаси нима қилишини билмай, фақат бошини чангалларди.

— Вой шўрим, нима қилсамикин-а сани?.. Бор, қорангни ўчир, худди, гўштингни бир бурдадан қиламан!..

Шу воқеадан кейин Мишка бировдан дакки еса, омборлари остига эмаклаб кирарди-да, тошни суриб, қариқиз баргини очарди ва қоғозга кўз ёшларини оқизиб, Ленинга қайғу-аламинини гапирар, ўзини ранжитган кишидан арз қиларди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Мишканинг ўйнайдиган ўртоғи қолмади. Кўни-қўшнилари билан болалари у билан ўйнамай кўйди, аввалги «Зумраша» деган лақабига яна битта лақаб келиб қўшилди, буни болалар катталардан ўрганишди. Улар Мишканинг орқасидан:

— Хой, коммунвачча! Коммунистдан чала туғилган, баққа қара!.. — деб бақиришар эди.

Бир куни Мишка қош қорайганда ҳовуздан уйга қайтиб келди; уйга кираверишда, отасининг зарда билан нимадир гапираётганини, ойисининг эса, ўликка аза тутгандай, айтиб йиғлаётганини эшитиб қолди. Эшикдан кириши биланоқ отасининг шинели ўраб қўйилганини, ўзи бўлса этик кияётганини кўрди.

— Дадажон, қаёққа кетяпсан? — деб сўради Мишка.

Отаси кулиб қўйиб, жавоб қайтарди:

— Ойингни тийиб қўй, ўғлим!.. Йиғлайвериб безор қилди. Мен урушга кетяпман-у, у бўлса йўқ, бормайсан дейди!..

— Дадажон, мен ҳам сиз билан бораман!

Отаси камарини белига боғлаб, бошига лентали шапкасини кийди.

— Қизик экансан-ку, — деди отаси. — Бирданига иккаламининг урушга боришимиз мумкин эмас-да!.. Мен

қайтиб келай, кейин, сен борасан, бўлмаса, ғалламиз пишай деб қолди, уни ким ўриб-йигиб олади? Ойнинг рўзгор иши билан банд, буванг бўлса қариб қолган...

Мишка отаси билан хайрлашар экан, кўз ёшларини тийди, ҳатто жилмайиб ҳам кўйди. Ойиси бўлса, худди аввалгидек, эрининг бўйнига осилиб олди. Эри уни зўр-базўр четлатди, бобо бўлса, томоқ қириб кўйди-да, ўғлини ўпиб, кулоғига шивирлади:

— Фомушка... ўғлим!.. Бормасанг нима қиларкин-а? Балки сенсиз ҳам уддалашар?.. Сени ўлдириб кўйишса, ҳолимиз хароб бўлади-ку!..

— Кўй бу гапларни, дада... Ярамайди. Ҳар ким хотинининг этагига яширинадиган бўлса, ҳукуматимизни ким мудофаа қилади, ахир?

— Ҳа, майли, ишинг ҳақ экан, бора қол бўлмаса.

Бобо юзини ўгириб, кўз ёшини артди. Ижроқўм биносигача кузатиб боришди. Ижроқўм ҳовлисида милтиқ ушлаган йигирматача киши тўпланиб турибди. Мишканинг отаси ҳам шу ерда милтиқ олди, ўғлини кучоқлаб ўпди-да, бошқалар билан бирга кўчадан, станица чеккасига кетди.

Мишка бобоси билан уйларига қараб йўл олди. Мишканинг онаси сандироқлаб орқадан келарди. Кўчада ондасонда итлар хуришар, баъзи деразаларда чироқ милтиллаб кўринарди. Станица қоп-қоронғи зимистон эди. Савалаб ёмғир ёғар, станицанинг четида, далада ярқ этиб яшин кўринар, момақалдиروق гулдулар эди.

Уйга етиб келишди, бутун йўл бўйи индамай келган Мишка бобосига:

— Буважон, дадам кимга қарши жанг қилгани кетдилар? — деб сўради.

— Бас! Қулоқ-миямни емасанг-чи!..

— Буважон!

— Хўш, нима?

— Дадам кимларга қарши урушади?

Бобоси дарвозани тамбалаб кўйгач, бундай деди:

— Станицамизнинг теварак-атрофида ёмон одамлар пайдо бўлишибди. Халқ уларни, банда деб аташади, менинча эса, шунчаки қароқчилар, холос... Отанг ўшалар билан жанг қилгани кетди.

— Бува, улар-чи... Улар кўпми?

— Икки юзтача дейишяпти одамлар... Қани энди, тирранча, бор, ётиб ухла, бу ерда ўралашиб юрма!

Ярим кеча Мишка аллақандай овозлардан уйғониб кетди. Кўзини очиб каравотни пайпаслаб кўрди, буvasи жойида йўқ эди.

— Буважон, каёқдасиз?

— Ухла! Кўп бижиллама!

Мишка ўрнидан турди-да, қоронғида пайпасланиб дераза ёнига келди. Буvasи иштончанг, очиб қўйилган деразадан бошини чиқариб скамейкада нимагадир қулоқ солиб ўтирарди. Мишка ҳам қулоқ солиб оғир сукунатда, станица орқасида тез-тез қарс-қурс ўқ овозларини эшитди, сўнгра милтиқлардан бир маромда гўё мих қоққандагидай пақ-пақ этган товушлар эшитилди.

Мишка жуда қўрқиб кетди. У буvasининг пинжига кириб:

— Дадам отяптими? — деб сўради.

Буvasи индамади, ойиси эса яна йиғлаб, саннай бошлади.

Тонг отгунча станица орқасида отишма товуши эшитилиб турди, сўнгра бирданига тиниб қолди. Мишка ғужанак бўлиб ухлаб қолди. Тонг отарда кўчадан бир тўда чавандозлар ижроқўм томонга ўтиб кетишди. Бобо Мишкани уйғотиб, шоша-пиша ҳовлига чикди.

Ижроқўм ҳовлисидан қоп-қора устундек тутун кўтарилди, олов бошқа иморатларга ҳам ўтди. Кўчада отликлар изғиб юришарди. Улардан бири Мишкаларнинг ҳовлисига отини чоптириб келиб, бобога:

— Отинг борми, чол? — деди.

— Бор...

— Бор бўлса аравага кўш-да, станицанинг орқасига югур! Чангалзорда коммунистлар ўлиб ётибди! Аравага ортиб опкел, қавм-қариндошлари кўмиб қўйишсин!..

Бобо бирпасда тўриқ отни аравага кўшди-ю, қалтираётган қўллари билан тизгинни тутиб, аравани елдириб ҳовлидан чикди.

Станицада қий-чув кўтарилди. Пиёда бўлиб олган бандитлар хирмондан пичан ташишар, қўйларни сўярдилар. Уларнинг бири Анисимовна ҳовлиси ёнида отдан тушиб, уйга кирди. Мишка Анисимовнанинг бўғиқ-йўғон овоз билан йиғлай бошлаганини эшитди. Бандит эса қиличи билан тарақлатиб ура-ура даҳлизга чиқиб ўтирди-да, пойабзалини ечди. Анисимовна байрамда ўрайдиган гулли рўмолини шартта иккига бўлди ва ифлос пайтаvasини улоқтириб ташлаб, рўмолни оёғига ўради.

Мишка меҳмонхонага кириб каравотга ётди-да, бошини ёстикқа буркаб олди, у дарвоза гичиллагандагина ўрнидан турди. Зинапояга чиқиб кўз ёшларидан соқоли ҳўл бўлиб кетган буvasининг отни ҳовлига олиб кираётганини кўрди. Аравада қулочини кенг ёйган яланг оёқ бир киши ётибди,

унинг боши силкиниб, араванинг орқасига уриляпти, арава тахтасига қуюқ қора қон оқяпти...

Мишка алкаш-чалкаш қадам ташлаб, арава ёнига келди, аравадаги одамнинг қилич билан қиймаланган юзига боқди. Унинг тишлари иржайиб, суяги билан кесиб ташланган лунжи осилиб қолибди, қон босган, бақрайиб қолган кўзида катта бир кўк пашша гивирлаб юрибди.

Мишка ҳанг-манг бўлиб, қўрққанидан қалтираб, бирдан мурданинг кўкрагида, матрос кўйлагида, қонга беланган кўк ва оқ йўл-йўл чизикларни кўриб қолди-ю, биров орқасидан оёғига ургандай сесканиб кетди; у кўзларини катта очиб яна бир марта ўликнинг қотиб қолган, қорайиб кетган юзига қаради-да, ирғиб аравага чиқди:

— Дада, туринг! Дадажоним! — деди-да, у аравадан йиқилиб тушди, югурмоқчи бўлган эди, оёқлари қимирламай қолди, эмақлаб зинапоягача етиб олди-да, қумга юзтубан йиқилди.

\* \* \*

Бобонинг кўзлари ичига лак-лак тушиб кетди, боши қалтирайди, лаблари овоз чиқармай бир нималар деб шивирлайди.

У овоз чиқармай Мишканинг бошини анча вақт силаб-сийпади, сўнгра, каравотда мук тушиб ётган келинига кўз ташлади-да:

— Юр, набирам, ҳовлига чиқайлик...— деди.

Мишкани кўлидан тутиб зинага олиб чиқди. Мишка, меҳмонхона эшиги ёнидан ўта туриб, кўзларини юмиб, чўчиб тушди: меҳмонхонада стол устида, индамай виқор билан дадаси ётибди. Унинг қонларини ювишди, бироқ дадасининг қон қуйилган, шишадай қотиб қолган кўзи ва унга кўниб турган катта кўк пашша Мишканинг кўз олдидан сира нари кетмасди.

Бобоси қудук олдида чилвирни ечиб анча овора бўлди; кейин отхонага кириб Саманни олиб чиқди, нима учундир унинг кўпикланган лабларини енги билан артди, кейин юган урди-да, қулоқ солиб турди: станицадан қий-чув товушлар билан аллакимларнинг хохолаб қулгани эшитиларди. Ҳовли ёнидан иккита отлиқ ўтиб борар, қоронғида махорка чўғлари ярқирар, гаплари эшитилар эди:

— Мана уларга развёрстка қанақа бўлишини кўрсатиб қўйдик!.. Одамларнинг ғалласини тортиб олганларнинг жаззаси шу, қиёматда ҳам унутмайдилар!..



От дупури эшитилмай қолди. Бобо Мишканинг қулоғига эгилиб шивирлади:

— Қариб қопман... Отга минишга мажолим йўқ... Сени отга миндириб жўната қолай, неварам, Пронин хуторига бориб кел, худо ёр бўлсин... Йўлни сенга кўрсатиб қўяман... Станицамиздан музика чалиб ўтган анови отряд ўша ерда бўлса керак... Уларга айтгин, станицага келишсин: банда пайдо бўлди, дегин!.. Тушундингми?..

Мишка индамай бош иргитиб қўйди. Бобоси уни отга миндириб, йикилиб тушмасин деб чилвир билан оёқларини бир-бирига боғлаб, чилвирнинг бир учини эгарга боғлади-да, хирмон орқали, ҳовуз ва бандитлар заставаси ёнидан Саманни етаклаб далага олиб чиқди.

— Мана,— деди у,— сойликдан тепага чиқасан, ўша тепаликдан тўппа-тўғри боравер, ҳеч қаёққа қайрилма... Тўғри хутордан чиқасан. Хўп, бўлмаса жўнай қол, жонгинам!..

Бобоси Мишкани ўпди ва Саманни кафти билан аста уриб қўйди.

Ойдин кеча эди. Тўриқ от йўрғалаб гоҳи-гоҳида пишқириб борар экан, юки енгил эканини сезиб, юришини секинлаштирди. Мишка тизгинни силтаб, отнинг бўйнига уради, типирчилайди, сакраб-сакраб тушади.

Бошоқ тортган, ям-яшил буғдойзорда беданалар сайрайди. Соиликда булоқ суви шилдираб оқмоқда, салқингина шабада эсмоқда.

Мишка чўлда ёлғиз ўзи кетаётганидан кўрқиб, тўриқ отнинг бўйнидан кучоқлаб олади, совқотаётган жажжи гавдаси билан отнинг пинжига кириб кетай дейди.

Йўл сойдан тепаликка чиқади, пастга тушиб, яна юқори кўтарилади. Мишка орқасига қарашдан кўрқиб, ҳеч нимани ўйламасликка уриниб, бир нималар деб пичирлайди. Теварак-атрофга оғир сукунат чўккан. Мишка кўзларини юмиб кетмоқда.

Саман калласини бир чайқаб қўйиб пишқирди-да, жадал юриб кетди. Мишка салгина кўзини очиб, пастликда сарғиш-оқ чирокларни кўриб қолди. Шамол эсаётган ёқдан итларнинг хурган товушлари эшитиларди.

Мишка хурсанд бўлиб кетди, оёғи билан Саманни тепиб:

— Чу-чу!..— деб қичқириб юборди.

Итларнинг хурган товушлари тобора яқиндан эшитилмоқда. Тепаликда шамол тегирмоннинг қораси кўринмоқда.

Кимдир у ёқдан:

— Ким у келаётган? — деб кичкирди.

Мишка индамай отини кистаб ҳайдаяпти. Мудроқ босган хуторда хўрозлар кичкирарди.

— Тўхта! Ким у?.. Отаман!..

Мишка, кўрқиб, тизгинни тортди, бирок, Саман нарироқда бошқа отлар турганини сезиб кишнаб юборди-да, олдинга интилди.

— Тўх-та-а!..

Шамол тегирмони ёнидан пақ-пақ этиб ўқ узилди. Мишканинг бақирган овози чопиб келаётган отларнинг дупуридан эшитилмай қолди. Саман хириллаб, типпа-тик туриб олди-ю, кейин гурс этиб ўнг биқини билан йиқилди.

Мишка оёғи қаттиқ оғриганидан додлаб юборди. Саман тобора бутун оғирлиги билан унинг оёғини эзарди.

Чопишиб келаётган отлар борган сари яқинлашмоқда. Иккита отлиқ чопиб келди, қиличларини жаранглатиб отдан тушганларидан кейин улар Мишка устида эгилдилар.

— Тавба, бу ёшгина бола-ку!..

— Наҳотки, ўлдириб қўйган бўлсам?!

Келганларнинг биттаси Мишканинг қўлтиғидан ушлаб сал кўтарган эди, Мишканинг димоғига тамаки иси келиб урилди. Кимдир хурсандлик билан:

— Тирик!.. Оёғини от эзиб қўйган бўлса керак! — деди.

Мишка ҳушидан кетаётиб шивирлади:

— Станицада банда... Дадамни ўлдиришди... Ижроқўмга ўт қўйишди. Бувам сизларни тезроқ келсин дедила!

Мишканинг хиралашиб кетаётган кўз олдида рангбаранг доиралар суза бошлади... ёнидан сариқ мўйловини бураб дадаси ўтиб кетаётгандай ва кулаётгандай бўлиб туюлди, кўзида эса катта кўк пашша қимирлаётганмиш. Бобоси ҳам таъна қилгансимон бошини чайқаб, унинг ёнидан ўтиб кетаётганмиш, ойиси ҳам ўтиб кетганмиш, сўнгра кенг пешонали, паст бўйли киши қўлини чўзаётганмиш, у қўли билан Мишкани кўрсатармиш. Мишка бошини кўтаришга ҳаракат қилиб, бўғиқ овоз билан:

— Ўртоқ Ленин!.. — деди ва жилмайиб қўлларини чўзди.



## ГИРДОБ

### I

Игнат станицадан кунботарда қайтди.

У четан дарвозани очаётиб, дарвоза тагига уюлиб қолган қиррали қор уюмини суриб ташлади-да, қиров босган отини қўрага олиб кирди ва чанадан чиқармасданок, шошилганича зинапояга чикди. Даҳлизда, яхлаб қолган пойандознинг фирчиллагани, пиймадаги қорнинг супурги билан шоша-пиша супурилаётгандаги овози эшитилди. Печка устида болта сопи йўнаётган Пахомич тиззаларидан қириндиларни қоқиб ташлади-да, кичик ўғли Григорийга:

— Бор,— деди,— бияни чанадан чиқар, мен отхонага пичан солиб қўйганман.

Игнат, эшикни ланг очиб кириб келди, омонлашгач, увишган бармоқлари билан имирсилаб бошлиғини ечди, афтини бужмайтириб мўйловидаги сумалакларни юлиб олди ва хурсандлигини бекитмасдан жилмайиб қўйди.

— Янги гап эшитдим — қизилгвардиячилар округга келишаётганмиш.

Пахомич оёқларини печкадан осилтириб, қизиксиниб сўради:

— Уруш билан келишяптими ёки шунчакими?

— Ҳар хил гапиришяпти... Аммо станица нотинч, халқ тўс-тўполон қилишяпти, правлениедаги халқнинг сон-саногии йўқ.

— Ер хусусида ҳеч гап эшитмадингизми?

— Айтишларига қараганда, большевиклар помешчик ерларини тортиб олишармиш.

— Шун-до-қ дегин,— деб Пахомич томоқ қириб қўйди-да, худди ёш йигитдай, печкадан сакраб тушди.

Кампир печка олдида қошиқларни тарақлатиб, идишга карам шўрва қуяр экан:

— Гришкани овқатга чақиринглар,— деди.

Қош қорайиб қолди. Қор ёғмоқда, кўкимтир тун тумтайиб тургандай. Пахомич қошиғини столга қўйиб, соқолини гулдор сочиққа артди-да:

— Буғ тегирмонидан хабар олдингми? Қачон ишга туширишар экан? — деб сўради.

— Тегирмон ишлаяпти, дон оборса бўлади.

— Бўлмаса овқатни йиғиштир, омборга чиқайлик. Донни совуриш керак, об-ҳаво қўл келса эргалаб бориб, буғдойни торттириб келаман. Йўл қалай, эзилиб кетмаганми?

— Йўл яхши, катнов зўр, одамлар кечасию кундузи катнашяпти, фақат чеккадан айланиб ўтиш кийинроқ. Йўл четида қор белдан келади.

## II

Григорий отасини кузатгани кўчага чиқди.

Пахомич кўлқопларини яхшилаб кийиб олди-да, чана олдига ўтирди.

— Сигирга кўз-қулоқ бўлиб тур, Гриша. Елини тўлишиб қопти, ҳадемай туғадиган кўринади.

— Хўп, дада, жўнай қол энди!

Чананинг кўшқорағи эрий бошлаган қорнинг устки қатламини фирчиллатиб бормоқда. Пахомич қилдан ўрилган тизгинни кимирлатиб, кўчага тўкилган қулларни айланиб ўтмоқда. Қор йўк жойларда чана худди ерга ёпишиб қолгандай туюлади. Отлар бундай жой келиб қолса букилиб, зўр бериб чанани тортади. Абзаллар тузук, отлар яхши боқилган бўлишига қарамай, Пахомич дам-бадам чанадан инқиллаб тушади, чунки дон қоплари озмунча ортилган эмас.

Пахомич тепаликка чиқиб олгач, терлаб кетган отларига сал дам берди, кейин отларни йўрттириб кетди. Кун тушган жойларда қор эриб, йўл ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. Баҳор яқинлашиб қолган. Қор эрияпти. Чошгоҳ пайти.

Пахомич ўрмон четидан айланиб ўтаётганида, рўпарадан уч от кўшилган чана чиқиб қолди. Ўрмон ёқасида эса қор тоғдек уюлиб ётибди. Бир саржин келадиган қор уюмидан одамлар торгина йўл очишибди. Рўпарадан келаётган одамга йўл беришнинг сира иложи йўк.

— Аттанг,— деди отларини тўхтатиб Пахомич чанадан тушди-да, бошидан шапкасини олди. Шамол унинг терлаб кетган оппоқ сочли бошини силайди. Пахомич рўпарадан келаётган уч отлик чанада полковник Борис Александрович Черноярровни пайқаб қолиб жўнгина шапкасини олган эди. Чунки Пахомич полковникнинг ерини саккиз йилдан буён ижарага олиб экин экарди.

Уч отлик чана тобора яқинлашиб келмоқда. Қўнғироқ-чалар аста жиринглаб ўзаро гаплашаётгандай туюлади. Шатакчи отларнинг оғизларидан бўрда-бўрда кўпик оқяпти, шотига қўшилган от бўлса, лапанглаб келяпти. Кучер ўрнидан туриб, қамчисини силкитди.

— Йўлни бўшат, овсар чол!.. Нимага йўлни тўсиб қўйдинг?

Кучер етиб келиб отларини тўхтатди. Пахомич пўстиннинг этагига оёқлари билан чувалаб, бошяланг ҳолда чанага етиб келди-да, икки букилиб полковникка таъзим қилди.

Айиқ териси билан ўраб олинган чанадан бировнинг чақнаб турадиган кўзлари тикилиб турибди, тарс-тарс ёрилиб кўкариб кетган лабларини қийшайтиряпти.

— Аблах, нимага йўл бермаяпсан? Большевиклар ҳуллиятини татиб қолдингми? Тенг ҳуқуқман деяпсанми? — деб бақирди у.

— Жаноб олийлари!.. Худо ҳаққи, айланиб ўтсалар... Сизнинг юкингиз йўқ, менинг эса юким оғир. Башарти йўлдан чеккага чиқсам, кейин чиқолмайман ахир.

— Сени деб зотдол отлалимни қолда нобуд қилал эканманми?.. Ифлосни қаланг-а! Офицел погонлалини ҳулмат қилишни ва йўл белиш келақлигини ўлгатиб қўйма-сам бўлмайдиганга ўхшайди!..

Полковник оёғи устидаги гиламни итариб ташлаб, майин теридан қилинган қўлқопларини ечди-да, чана ўтирғичига қўйди.

— Ал-тём, қамчини бу ёққа бел-чи.

Полковник Чернояров чанадан сакраб тушди-да, қулочини ёзиб, қамчи билан Пахомичнинг қаншарига бир туширди.

Пахомич оҳ чекиб гандираклаб кетди, юзини кафти билан тўсди, бармоқлари орасидан эса қон оқарди.

— Мана сенга, яламас, мана, мана!..

У Пахомичнинг оппоқ соқолини тортқилаб хириллаб, оғзидан сўлакайларини сачратиб:

— Мен сенлалнинг қизил гвалдиялик томилингни қулатаман!.. Полковник Чел-ноял-ов билан ўйнашма аблах!.. Ёдингда тут!..— деб дўқ урди.

Эриб бораётган қор қатлами устида мовийранг дуға липиллаб кўринди. Қўнғироқчалар бир нималар деётгандек жиринглайди... Йўл четида Пахомичнинг отлари абзалларини узиб юборар даражада жон-жаҳди билан юкни тортиб чиқаришга уринмоқда, шотиси синган чана тўнкарилиб ётибди. Пахомич эса, кўзларини юммай, уч отлик

чана кетидан қараб турибди. У чананинг оққуш бўйнидек эгилган орқа томони сой бўйида кўздан ғойиб бўлгунча қараб турди.

Пахомич полковник Борис Александрович Чернояровга бўлган аламини кўнглига туғиб қўйди.

### III

Пахомич кампири пақирларини кўтариб булоқдан келяпти.

Япроқ ёзмай, яланғочлигидан уялгандай кўринган самбиттолларда қарғалар ғужғон ўйнайди. Ҳовли орқасидаги тепаликка жойлашган қизил томли шамол тегирмонининг қанотлари орасида кечаси офтоб кўнгандай туюлади. Ариқларда сувлар шилдирайди, четан деворлар силкинади. Осмон эса пушти рангга кирган.

Дарвоза олдига арава келиб тўхтади. Аравага қўшилган отлар — почта отлари бўлиб, уларнинг думлари калта қилиб боғланган; уларнинг оёқлари остида ивирсиб юрган товуқлар буғи кўтарилиб турган гўнгни титкилашяпти. Қоракўл папах кийган қотма, новча бир одам офицерлар шинелининг этагини кўтариб тарантасдан тушди. У совқотган юзини кампирга ўғирган эди, кампир:

— Мишенька!.. Ўғилгинам!.. Қайси шамол учирди!.. — деб юборди. У обкаши билан пақирларини ташлади-да, ўғлининг бўйнидан кучоқлаб олди, қуриб кетган лабларини чўзиб, уни ўпмоқчи бўлди, бўйи етмаганидан, ялтироқ тугмачаларини ва шинелнинг кулранг мовутини ўпди.

Онанинг йиртилган кофтасидан қўланса сигир тезаги ҳиди келади. Ўғли ўзини сал опқочди, бироқ илжайди-да, чўрт кесиб:

— Ойи, кўчада яхши эмас... — деди. — Яхшиси отларни қаерга қўйишни айт, чамадонимни уйга олиб кир... Ҳой кучер, отларни ҳовлига олиб кир, эшитяпсанми?

### IV

Хорунжий<sup>1</sup>. Погонлари яп-янги, унча қуюқ бўлмаган сочларининг фарқи очилиб, ўртаси устара билан қирилган. Ўз пуштикамаридан бўлган бўлса ҳам Пахомич ундан тортинади, гўё у бегона одамдай кўринади.

— Узоқ турасанми, ўғлим?

<sup>1</sup> Казак қўшинларида офицер унвони (Ред.)

Михаил дераза олдида ўтириб, меҳнат кўрмаган қонсиз бармоқлари билан столни тақиллатяпти.

— Мен кўшин атаманининг махсус топшириғига мувофиқ Новочеркасскдан командировкага келганман. Ҳар ҳолда, кўп турсам керак... Ойи! Столга тўкилган сутни арт, яхшимас, ахир... Бу ерда икки ойча турсам керак.

Лой этигидан из қолдириб, ҳовлидан Игнат кириб келди.

— Қалай, эсон-омон келдингизми, укажоним!..— деди у.

— Салом.

Игнат қулочини ёзиб, укасини қучоқламоқчи бўлган эди, лекин истагани бўлмади; ака-ука совуқкина қўл узатиб, кўришиб қўя қолдилар.

Игнат истар-истамас, илжайиб:

— Оғайни,— деди,— сен дейман ҳалиям погон тақиб юрибсан-а, биз бўлсак уни аллақачон улоқтириб ташлаганмиз...

Михаил қошларини чимириб қўйди ва:

— Мен казакларнинг номусини ерга букмайман,— деди.

Ўртага ноқулай жимлик чўкди.

— Қанақа яшайсанлар? — деб сўради Михаил, этигини ечгани эгила туриб.

Пахомич скамейкадан туриб, шоша-пиша ўғли олдига келди-да:

— Қани, мен ечиб қўя қолай, Миша, қўлингни ифлос қиласан,— деди ва тиз чўкиб, ўғлининг этигини авайлаб торта бошлар экан, Михаилнинг саволига жавоб қайтарди: — Тирикчилигимиз ёмон эмас, егани нонимиз бор. Бизларнинг турмушимиз маълум-ку. Шаҳарда қанақа янгиликлар бор?

— Қизилгвардиячиларга барҳам бериш учун казакларни уюштираётимиз.

Игнат кўзларини полсиз ерга тикиб сўради:

— Нима учун уларга барҳам бериш керак экан? Михаил оғзини қийшайтириб кулиб:

— Ҳали сенинг хабаринг йўқми? — деди.— Большевиклар бизларни казаклик ҳуқуқларимиздан маҳрум қилаётирлар ва коммуна қилмоқчилар, ҳамма нарса — ер ҳам, хотинлар ҳам жамоага қарашли бўлсин деяптилар...

— Куракда турмайдиган гапларни гапиряпсан!.. Большевиклар бизнинг йўлдан боряптилар.

— Сенларнинг йўлларинг қанақа экан?

— Бу йўл шундайки, панларнинг ерларини тортиб олиб, халққа бераяптилар...

— Бу қандок бўлди экан, Игнат, сен большевиклар тарафидамисан?

— Сен-чи, сен ўзинг кимлар тарафидасан?

Михаил индамади. У нам босган деразага юз ўгириб ўтириб олди-да, илжайиб, дераза ойнасига хира гуллар сола бошлади.

## V

Сой билан ёш эман дарахтларининг орқасида Гетман йўлида қадимдан қолган бир қўрғон қад кўтариб туради. Қўрғонда асрлар давомида шамол, қор-ёмғирдан илматешик бўлиб кетган бир тош ҳайкал бор, эрталаблари ҳайкалнинг пўпанак босиб кетган боши орқасидан қуёш мўралаб аста-секин юқори ўрмалайди ва тумандай кўринган чанг-тўзон орасидан далалар, боғлар, уйларнинг черепица томларига ўзининг заррин нурларини сочади.

Пахомич сўқаси билан эрталаб азонда катта кўчадан келиб далага бурилди. Кексалиқдан шалвираган оёқлари билан тўрт ботмон ерни ўлчаб чиқди, узун камчиси билан қарсиллатиб қорамтир ҳўкизларни бир туширди-да, плуги билан қора тупроқ ерни ҳайдай бошлади.

Гришка сўқанинг дастасини қаттиқ босиб, ерни тизза бўйи қилиб ағдаради. Пахомич бўлса, эгатдан оқсоқланиб борар экан, қамчисини силкиб-силкиб қўяди-да, ўғлидан завқланиб: йигитча эндигина ўн тўққизга кирган бўлишига қарамай, иш хусусида ҳеч қандай казакка бўш келмайди,— деб кўнглидан ўтказди.

Далани уч марта айлангач, тўхташди. Кун чиқяпти. Қўрғондаги ерга ботиб кирган тош ҳайкал кўрмас кўзлари билан қўшчиларга боқар экан, ўзи гўё аланга билан ўралиб олингандай, қуёш нурларидан қирмизи бўлиб кўринади. Катта кўчадан шамол чанг-тўзон кўтармоқда. Гришка олисга диққат билан қараб, бир отлиқнинг елиб келаётганини кўрди.

— Дада, от чоптириб келаётган бизнинг Михайлга ўхшайди,— деди Гриша.

— Балки ўшадир...

Михаил етиб келгач, қора терга тушган отидан тушди-да, уни ўз ҳолига ташлаб ҳайдалган ерда қоқилиб-қоқилиб, қўшчилар ёнига ҳовлиқиб келди. Михаил, худди узок йўлдан чопиб келган отдай, ҳарсиллаб нафас оларди.

— Кимнинг ерини ҳайдаётирсиз?! — деди у.

— Ўз еримизни.



— Бу полковник Черноярвнинг ери-ку?

Пахомич бурнини қокди, бўз кўйлагининг этаги билан бурнини арта туриб, ҳовлиқмасдан дангалига:

— Авваллари уларга қарашли эди, эндиликда, ўғлим, бизга — халққа қарашли...— деди.

Михаил ранги бўзариб, бақирди:

— Дада! Мен бу кимнинг иши эканлигини билман!.. Игнат билан Гришка бошингни ғалвага кўйишар!.. Бировнинг мулкни босиб олганлик учун сен жавобгар бўласан.

Пахомич қайсарлик билан бошини эгди-да:

— Энди ер бизники!..— деди.— Фалончи минг ботмондан ошиқ ерга эга бўлсин деган қонун йўқ... Бас! Тенг ҳуқуқлик...

— Бировнинг ерини ҳайдзшга сенинг ҳақинг йўқ!..

— Унга ҳам бутун чўлни эгаллаш ҳуқуқи берилган эмас. Биз шўр ерларга экамиз, у бўлса қора тупрок ерларни эгаллаб олибди, ери ҳам уч йилдан бери экилмасдан бўш ётибди. Бунақа ҳуқуқ бор эканми?..

— Дада, ер ҳайдашни йиғиштир, бўлмаса атаманга сени қамаб кўйиш тўғрисида буйруқ бераман!..

Пахомич тўсатдан Михаилга қайрилиб қараб, кипкизариб кетди, асаб билан бошини қалтиратиб бақирди:

— Халол кучимни сарф қилиб сени ўқитдим... тарбияладим. Аблаҳ экансан, итвачча!..

Михаил тишларини гижирлатиб, кўкариб кетди ва муштарини қисиб:

— Мен сени ачиган чол...— деб отаси ёнига келди, бироқ, шу пайт сўқанинг тишини ушлаган Гришканинг эгатлардан сакраб-сакраб чопиб келаётганини кўриб қолди-да, бошини елкасига қисганича, тўппа-тўғри хуторга жўнади.

## VI

Пахомичнинг уйи хом гиштан қилинган. Боқчани ўраб олган қозик деворнинг ёғочлари ориқ отнинг қовурғасидек саналиб турибди.

Григорий отаси билан даладан қайтиб келди. Игнат новдалар билан четан деворни ямаётган экан; отаси билан укасини кўргач, улар ёнига келди, унинг қўлларидан сўлай деб қолган дарахт баргларининг хушбўй хиди келиб турарди.

— Григорий, бизларни правлениега чақиришяпти. Майдонда хутор йиғилиши бўлар экан,— деди Игнат.

— Нима сабабдан?

— Мобилизация, дейишяпти... Қизилгвардиячилар Калинов хуторини олишибди.

Хирмондаги тўсиқ орқасида кечки шафак ўчай-ўчай деб турибди. Хирмонда қолган сап-сарик сомон уюмида куёш нурлари унутилиб қолгандай кўринади. Кунчикиш томондан эсган шабада сомонни кўзғатган эди, шу он куёш нури ҳам ўчиб қолди.

Гришка отини тозалаб, ем берди. Хотини ўлган Игнат кийшайиб кетган зинапояда, олти яшар ўғилчаси билан овора эди. Гришка акасининг кулгидан кисилиб кетган кўзларига тикилиб, шивирлади:

— Ярим кечаси Калиновга жўнашимиз керак, бўл-маса, сафарбар қилишади!

Гришка даҳлиздан бузокни олиб чиқаётган онасига бундай деди:

— Ойи, Игнат билан менга ички кўйлак, иштон, қокнон тайёрлаб қўй...

— Нима бало бўлди тагин, қаёққа жўнамоқчисанлар?

— Бир ёққа.

Хутор майдонида ярим кечагача одамларнинг шовкин-сурон солгани эшитилиб турди. Пахомич қоронғи тушгач, уйга қайтиб келди. Гришка ухлаб ётган омбор эшиги олдида тўхтаб, ҳолдан тойиб тошга ўтириб қолди. Унинг қўнгли айнир, аъзойи бадани карахт, юраги тўхтаб қоладигандек секин урар, кулоғи шанғилларди. Пахомич, кечаси яхлаб қолган қўлмакда акс этаётган ой шуъласига гойи-гойида туфлаб ўтирар экан, оддий турмуш энди уларни ташлаб кетаётганини ва аҳтимол осойишта ҳаёт ўтиб кетаётганини ўйлаб юраги ачир эди.

Қайдадир, Дон дарёси яқинидаги полизларда итлар қаттиқ ақиллар, ўтлоқларда бедана сайрарди. Тун дашт устида қанотларини ёзди, казакларнинг қўраларини сутдек туман қоплади. Пахомич томоқ қириб, эшикни ғирчиллатиб очди.

— Гриша, ухлаяпсанми? — деб сўради у.

Омбор жимжит, ғалла-дон ҳиди келиб турарди. Пахомич омборга кириб, қўй терисидан тикилган пўстинни пайпаслаб топди.

— Гриша, ухлаяпсанми?

— Йўқ.

Чол пўстиннинг бир чеккасига ўтирди. Гришка отасининг қўллари титраётганини сизди. Пахомич бўғиқ овоз билан

— Мен ҳам сенлар билан бораман... Хизмат қилгани... большевикларга қўшилгани... — деди.

— Дада, бу нима деганинг?.. Уй-чи, уй нима бўлади? Бундан ташқари, қариб ҳам қолгансан...

— Нима қипти, қарисам? Аравакашлик қиламан, жуда бўлмаса, суворилик қиламан... Уйда эса Михайлонинг ўзи хўжайин бўлиб қолаверсин. Бизни у тан олмас экан, бу ерлар бизга ҳаром... Ҳаволаси худога, бизлар бўлсак, бизни боқадиган ерларни қўлга киритиш учун жўнаймиз!

Сахар пайти хўроз хилма-хил овозда қичқирди. Дарахтзор орқасидаги Дон дарёси устида қип-қизариб шафақ кўтарилди. Ғира-шира кўзга чалинадиган соялар ўрмалашиб қолишди.

Пахомич учта отни олиб чиқиб суғорди, эгар тагидаги терликларни авайлаб силлиқлаб қўйгач, отларга эгар урди. Пахомичнинг хотини йиғлади, хирмон дарвозаси ёжирлади, шўрхокка урилган от туёқлари тарақлади.

Игнат овозини пасайтириб:

— Дада, ёлғизоёқ йўлдан жўнасақ дейман, йўкса катта йўлдан борсак тутиб олишлари мумкин,— деди.

Осмон ёришиб қолди. Майсазорни ширали, салқин шудринг босди. Дон дарёсининг нариги ёғидан, қумлоқ томондан тонг ёришиб келарди.

## VII

Полковник Чернояровнинг кулранг кители елкаларига кимёвий қалам билан кичкинагина юлдузчалар солинган. Унинг лўппигина юзида кўм-кўк қон томирлари кўриниб турибди. Дворянларга хос дудуклик билан «р» ҳарфини талаффуз қилолмайдиган Чернояровнинг баритон овозини хутор майдонининг кўҳна деворлари ютиб юборади. Унинг пуштиранг йўғон, ялтилаган бармоқлари бир меъёрда, одоб билан имо-ишора қиляпти.

Унинг атрофида давра қуриб, тер босиб ўтирганларнинг оғзидан махорка, нордон буғдой нони ҳиди анқиб турибди. Папахларининг тепаси қизил, соқоллари ранг-баранг. Улар оғизларини очиб, сўлақайларини оқизиб, полковникнинг ҳар бир сўзини ташналик билан тингламоқдалар. Полковникнинг «р» ҳарфини талаффуз қилолмайдиган оғзидан, ёмон касалга чалиниб, хунук бўлиб қолган лабларидан эса баритон овоз пўнғилламоқда:

— Қадилдонлалим станицаликлал!.. Сизлал азалдан подшо-отахонимизнинг ва ватаннинг таянчи бўлиб келдингдал. Эндиликда, мана шу ғулғулалал давлида сенлалга бутун Лос-сия кўз тикиб тулибди... Большевиклал поймол

қилган Лос-сияни халос қилинглал! Ўз мол-мулкларингни, ўз хотин-қизларингни қутқазинглал... Сизларнинг ҳамху-толларингиз холунжий Михаил Кламсков глажданлик бул-чини ўташда ҳаммага намуна бўлмоғи мумкин: у киши билинчи бўлиб бизга отаси ва ака-укасининг большевиклар томонига ўтиб кетганликларини айтиб белди ва у киши билинчи бўлиб, Тинч Доннинг ҳақиқий фалзанди сифатида уни ҳимоя қилишга отланди!..

## Қ А Р О Р Қ И Л И Ш Д И

Хуторимизнинг казаклари Крамсков Петр Пахомич ва унинг ўғилла-ри Игнат ҳамда Григорий Крамсковлар, Тинч Доннинг душманлари томонига ўтиб кетганликлари сабабли, казаклик унвонидан ҳамда ер-сув улушларидан, ҳамда ер-мулкларидан махрум қилинсинлар, қўлга тушган-ларидан кейин эса Вёшенская юртининг ҳарбий-дала судига берилсин-лар.

## VIII

Отряд, бултурдан қолган пичан ғарами ёнида отларига ем-хашак бериш учун тўхтади. Хуторнинг хирмони ёнида пулемёт тарилларди.

Чакагидан ўқ еган комиссар, кўпириб кетган айғирда тачанка ёнига чошиб келди-да, бўғиқ овоз билан:

— Ёмон жойга келиб қолдик-да! Адабимизни беради-ганга ўхшайдилар!.. — деди.

У айғирининг икки қулоғи орасига қамчиси билан бир урди-да, оғзидан қора қон туфлаб, отряд командири-нинг қулоғига хириллаб гапирди:

— Донга ўтиб ололмасак — ҳалок бўлишимиз мум-кин. Казаклар тутдай тўқади... Атакага ўтишга буйруқ бер...

Ўтмишда чўян қуйиш заводида машинист бўлиб ишла-ган, ҳовлиқмасдан иш қиладиган отряд командири, худди маховикнинг дастлабки ҳаракатидай, сочи қириб олдирил-ган бошини юқори кўтарди-да, оғзидан трубкасини олмас-данок:

— Отларга минилсин!.. — деб буйруқ берди.

Комиссар икки-уч саржин нари ўтиб олгач, отряд командирига юзини ўгириб:

— Хўш, нима дейсан, бизларни қириб ташлаёлмасми-кинлар? — деб сўради-да, командирнинг нима жавоб бери-шини кутмасданок, жўнаб қолди.

От туёқлари остидан ўтаётган ўқлар, ердан чўён кўта-риб вижиллар, пичан ғарамига бориб қадаларди; улардан

бири тачанканинг тахтасидан бир парчани учириб юбориб, пулемётчига келиб тегди. Пулемётчи кўлидаги арава мойига беланган пайтавасини тушириб юборди, бошини худди кушдек букиб ўтириб қолди ва ўшшайганича, бир оёғи этикли, иккинчи оёғи ялангоч ҳолича шу ондаёқ жон берди. Шамол темир йўл томондан паровознинг хириллаган гудок овозини келтирди. Платформадан чўлга, одамлар тўпланишган пичан ғарами томонга, бронепоезд замбарагининг пучук оғзидан ўқ отилди-ю, 8-сон «Корнилов» бронепоезди гумбурлаб яна юриб кетди, унинг ўқлари ғарамнинг ўнг томони-га келиб тушиб, бултурги ҳосилдан йиғилиб қолган тарвуз палагини ёндириб юборди.

Занг босган темир йўл излари оғир юк тазйиқи остида узоқ вақтгача жаранглаб, шпаллар қарсиллаб турди, чўлда, ғарам ёнида эса Пахомичнинг қулунлаган ва ҳозир оёғидан ўқ еган бияси, йиқилиб ётган жойидан туришга хўп уриниб кўрди-ю, бўлмади: хириллаб калласини кўтарган эди, оёқларидаги силлиқ бўлиб кетган тақалари ялтираб кўринди. Пуштиранг кўпик билан қон қумтошга бирпасда сингиб кетди.

Юраги эзилиб, ачинган Пахомич пичирлади:

— Аслзот бия эди-да... Аттанг! Бундай бўлишини билганимда, олиб келмаган бўлардим!..

Игнат отда чошиб кела туриб:

— Эсингни йиғ, дада!— деб қичқирди.— Бричкага чиқиб ол. Хужумга ўтяпмиз-ку!..

Чол унинг орқасидан бепарво қараб қолди.

Тариллаётган пулемёт, худди йиртилган бўз газламадай овоз чиқаряпти. Патрон яшиклар устида ётган Пахомич тахир-чучук сўлакайини ерга туфларди. Баҳор ёмғирларидан, офтобдан, дашт шамолларидан кўпчиб кетган, қариқиз билан эрман ҳиди келиб турадиган, сароб жимирлаётган ер юзасида илдизи чириган бултурдан қолган ўт-ўланларнинг аччиқ-чучук ҳиди анқиб турарди.

Уфқда дарахтзорнинг зангори чизиғи липиллаб кўринар, чўлни кўрпадай қоплаган заррин чанг-тўзонга тўлиқ осмонда эса сўфитўрғай сайраб пулемётларга жўр бўларди. Григорий патрон олгани от бошини қўйиб, чошиб келди.

— Хафа бўлма, дада. Бия—топиладиган мол!—деди у.

Гришканинг лаблари жазирама иссиқдан ёрилиб кетган, уйқусизликдан қовоқлари шишган эди.

Терга ботган Гришка жилмайиб икки яшик патронни кучоқлаб кўтарди.

Оқшом пайтида Донга етиб келишди. Пастқам ердан туриб олиб қош қорайгунча батареядан ўт очишди, тепалик-

да бир тўн ора-чора отлик казакларнинг қораси кўринарди. Тунда прожекторнинг ўткир шуъласи тоғолчазорни, от боғ-ланадиган қозикларни, одамларнинг уйлари устиви ёритарди. Прожектор бир лаҳза ўзининг совуқ нурларини сочиб, кейин бирданига ўчиб қолди.

Тонг отар пайтда, худди тўлқиндай бирин-кетин саф-саф бўлиб казаклар дўнгликдан туша бошладилар. Сертикан тоғолчазор ичидан нишонга олиб ўқ узиб қолишди. Чошгоҳ пайтида отряд командири ямалган этигининг чармига трубкасининг кулини қоқди-да, ҳаммага бепарво кўз ташлаб:

— Бардош беролмайдиганга ўхшаймиз, ўртоқлар!.. Дарёдан сузиб ўтинлар. Ўн чақирим нарида — Громов хутори бор, у ерда бизникилар туришибди... — деди ҳорғинлик билан.

Гришка, отнинг эгарини ола туриб, отасига:

— Ҳа, дада, нимага қараб турибсан? — деб кичкирди.

— Бемаъни иш!.. — деди Пахомич жиддий қиёфада, шунда унинг остки жағи қалтираб кетди. — Сен сузиб ўт, Гриша!.. Отнинг сўлигини чиқариб қўй... Мен нимга қилай, ахир... қариб қолдим...

— Хайр, дада!..

— Хайр, ўғлим, худо мададкоринг бўлсин!..

— Чу-чу кашка, қани, бўл, нимадан кўрқиб қолдинг!..

У бошда белигача, кейин кўкрагигача сувга кирди, кўп ўтмай мовийранг сувда кошини чимирган Гришканинг боши-ю отининг диккайган қулоқларигина кўриниб қолди.

Пахомич эгри-бугри бармоқлари билан ўқ обоймасини жойига қўйиб, югуриб ўтаётган кишиларни нишонга олиб ўқ узди, сўнгра тугуни кўтарилаётган охирги гильзани ташлаб, сержун кўлларини кўтарди-да:

— Ҳалок бўлдик,<sup>1</sup> Игнат!.. — деди.

Игнат рўпарадан туриб отнинг тумшуғига ўқ узди, оёқларини кенг ёйиб ўтириб олди, тўлқинлар ўйиб силлиқлаб юборган шағалга тупурди-да, кулранг кўйлагини ёқасидан белигача йиртди.

## IX

Нонушта вақтида Михаил мойланган малларанг мўйловини мамнунлик билан бураб ўтириб:

— Ойижон, энди менга, большевизмни илдизидан қуритаётганим учун юзбоши унвони беришди. Энди мен билан ўйлашиб гаплашасанлар, ғиринг десаларинг шартта отиб ташлайман, — деди.

Кампир хўрсиниб кўйди-да:

— Қандок бўлди энди бу, Миша, бизникилар-чи? Мабодо улар қайтиб келишса-чи...

— Ойижон, мен офицер ва Тинч Доннинг содик фарзанди бўлганим учун ҳеч қанақа қавм-қариндошлик муносабатлари билан ҳисоблашмоғим мумкин эмас.

— Жон ўглим!.. Мишенька, мен нима қилай ахир?.. Ҳаммангни оқ сут бериб боққанман-ку, ҳаммангга баравар жоним ачийди...

— Ҳеч қанақа аяш-паяш бўлмайди, — деди-да, Михаил зарда билан Игнатнинг ўғилчасига кўз ташлади: — Бу итваччани эса стол ёнидан йўқот, бўлмаса мен бу зоти пастнинг шартта бўйнини суғуриб оламан. Безрайиб туришини қаранг. Катта бўлса бу зумраша ҳам отасидай большевик бўлиб етишади!..

## Х

Дон ёқасидаги полиздан тошқин сув билан куртак отган теракларнинг ҳиди келади. Мавж ураётган тўлқинлар сувда сузаётган ёввойи қора ғозларни чайқалтиради, полиз атрофидаги четан деворларни ялади.

Пахомичнинг кампири картошка экяпти, у чуқурчалар орасидан инқиллаб боряпти, ҳар эгилганида миясига қон уриб, боши айланади, кўнгли айнийди; бирпас туриб қолади-да, ўтириб дам олади. Қўлидаги чувалашиб кетган қон томирларига индамай қараб туради. Ичга кириб кетган лаблари билан тамшанади.

Четан девор орқасидаги қумлоқда Игнатнинг ўғилчаси ўйнаяпти.

— Бувижон, ҳа, бувижон, — дейди у.

— Нимайди, неварачам?

— Бувижон, қара-чи, сувда нима оқиб келди?

— Нима экан, болагинам?

Кампир ўрнидан туриб, шошмасдан белкуракни ерга суқди-да, ғичирлатиб эшикни очди. Қараса, саёз жойда оёқларини қирғоққа чўзиб, сувда ялтираган ўлакса от ётибди, қорни ёрилиб кетган, от ўлигидан шабада сассиқ хид таратяпти.

Кампир яқин келди.

Отнинг бўйнидан ўлган бир одам қаттиқ кучоқлаб олибди; унинг чап қўлига юганнинг тизгини маҳкам ўраб олинган; ўликнинг боши орқага ташланган, сочлари пешонасини қоплаган. Кампир кўзларини тикиб ўликка қаради, унинг лабларини балиқлар еганидан тишлари тиржайиб, гўё кулиб

тургандай кўринарди. Кампир қараб туриб, шилқ этиб ерга қулади.

Кампир оппоқ сочли бошини чайкаб эмаклаганча сувга тушди-да, ўликнинг бошидан кучоқлаб олиб:

— Гриша!.. Болагинам!..— деб хўнграб юборди.

## 186 - С О Н Б У Й Р У Қ Д А Н К ў Ч И Р М А

Юзбоши Михаил Крамсков Юқори Дон округ доирасида большевизмни таг-томиридан қурйтиш соҳасида ҳормай-толмай, фидокорона иш олиб боргани учун подьесаул даражасига кўтарилади ва Н-хутори, Ҳарбий-дала судининг коменданти қилиб тайинланади.

*Шимолий Фронт қўмондоши:*

*Генерал-майор М. Иванов.*

*Адъютант (имзосини ўқиб бўлмайдди).*

## XI

Куйиб-қорайиб кетган йўл. Соқчилар отларга миниб олишган. Қамалганлар — иккита. Уларнинг оёқларидаги яра йиринглаб кетган. Уларнинг устида қондан буришиб кетган биттагина ички кўйлак. Улар қийноқ остида хуторлардан, одам билан гавжум кўчалардан ўтдилар. Йўлга чиққанларига иккинчи кун деганда ўзларининг жонажон хуторларига етиб келдилар. Дон дарёси ва гўё ғуж бўлиб турган кўй сурувидай бўр тепаликлари ярқираб кўринади. Пахомич эгилди-ю, бир тутам кўм-кўк буғдой поясини юлиб олиб, қийналиб лабларини қимирлатди:

— Игнат, пайқаяпсанми?.. Бизнинг ер-ку... Гриша иккимиз бу ерни ҳайдаб эдик...

Орқадан урилган қамчи, худди хуштак чалгандай вижиллаб қолса борми!

— Овозингни ўчир!..

Маҳбуслар бошларини ҳам қилиб, оёқларини аранг судраб хутор кўчасидан юриб кетдилар. Мана улар қозиқлар қоқилган девор ёнидан, хом гиштан солинган уй ёнидан ўтиб боришяпти. Пахомич бурган босиб кетган кўрага кўз ташлади ва аламдан эзилган юрагини қўли билан ишқалади.

— Дада! Хув, ана ойим, хирмонда турибди...— деди Игнат.

— Кўрмаяпти!

Орқадан:

— Жим бўлларинг, аблахлар!..— деб бақирган овоз эшитилди.



Ёввойи ўтлар босиб кетган майдон. Правление. Зина-  
поя олдида йиғилиш.

— Омонмисан, Пахомич!.. Курашиб ер олгани борган  
эдинг шекилли-а?

— У энди ўзига уч газ гўрни курашиб олди, деявер.

— Қари кўппакка бу сабоқ бўлади!

Пахомич, тошбақа косасидай қаварик тирноқли бар-  
моғини кўтариб, зўрға нафас олганича гапирди:

— Минг лаънат сенларга... Биз ҳалок бўлиб кетсак  
ҳам, мол-мулкимиз барбод бўлса ҳам, аммо сенларниям...  
бурнингизни ерга ишқалашади ҳали. Ҳақиқат сенларнинг  
томонингда эмас!

Пахомичнинг кўшниси Анисим Макеев унинг ёнига  
якка кифт бўлиб келди-да, индамай, малла соқоли орасидан  
тишларини тиржайтириб, Пахомичнинг бошига мушт туширди.

— Ур уларни!!!— деб орқадан бақиришди.

Оломон пишиллаб, йиртқич ҳайвонлардай уларни ўраб  
олди, шу ондәёқ тепаси қизил папахлар даҳшатли қиёфада  
гир-гир айланиб қолди. Оёқлар депсинар, муштлар тинмай  
тушиб турарди... Бироқ, шу пайт Микишара худди  
калхатдай отилиб, зинапоядан тушиб қолди. У, талпина-  
талпина пишиллаётган оломон орасидан ўзига йўл очди.  
Унинг кўйлағи тилка-пора йиртилган, ранги бўзариб кет-  
ган эди; у жағини қийшайтириб бақирди:

— Оғайнилар!.. Ҳой, фронтчилар!.. Одам ўлишига йўл  
кўйманглар...— Микишара шундай деб қиличини қинидан  
суғуриб олди-да, боши устида айлантирди. Пўлат қилич  
ҳавода чакмоқдек ялтираб кетди.— Фронтда қоралари кў-  
ринмайди-ю, бу ерда одам ўлдиришяпти-я!..

— Микишарани ур!.. Большевикларга сотилибди!..

Микишара ва отпускага қайтиб келган саккизта  
фронтчи зич тўпланишиб олиб, Пахомич билан Игнатни  
оломондан ажратиб олишди.

Кексалар майдонда туриб бирпас ғовур-ғувур қи-  
лишдида, тўда-тўда бўлиб уйларига тарқалишди. Қош қорая  
бошлади...

\* \* \*

— Сизнинг узил-кесил фиклингизни эшитишни ис-  
талдим, подьесаул,— деди полковник Черноярлов.— Ал-  
батта, биз улални отиб ташламоғимиз келак, лекин ҳал  
ҳолда улал сизнинг отангиз билан акангиз-ку. Эҳтимолки,  
сиз улалнинг жонини сақлаб қолиш хусусида кўшин ата-  
мани олдида илтимос қилиб кўлалсиз?..

— Мен, жаноб олий, подшога ва Буюк Дон кўшини-

га шу пайтгача жон-дилим билан ҳалол хизмат қилиб келдим, бундан буён ҳам астойдил хизмат қилажакман... — деб жавоб қайтарди Михаил Крамсков.

Полковник фожиали, имо-ишоралар билан мурожаат қилди:

— Подъесаул, сизнинг олижаноб луҳингиз ва малдонавал юлагингиз бол экан. Қани, луслалнинг одатига мувофиқ, тахтга ва жонажон халқимизга қилган фидоколона хизматингиз учун, сизни бил ўпиб қўяй!..

Уч бор чап-чап этиб ўпишдан кейин ўртага сукунат чўқди.

— Сиз қандай ўйлайсиз, қадлдоним подъесаул, бу елда улални отсак, казаклалнинг камбағал табақилали оласида ғалаён чиқмасмикин?

Подъесаул Михаил Крамсков, анча ўйланиб қолганидан кейин, бошини кўтармай, бўғиқ овоз билан деди:

— Соқчилар командасида ишончли йигитларимиз бор... Маҳбусларни ўшалар билан Новочеркасск турмасига жўнатишимиз мумкин... Йигитларнинг оғзи маҳкам... Маҳбуслар эса қочишга ҳам уриниб кўришади-ку.

— Гапингизга тушундим, подъесаул!.. Есаул далажасини олишга ҳақингиз бол. Қўлингизни бил сиқиб қўяй!..

## ХИ

Ҳарбий асирлар қамалган омбор, ўргимчак уясига ўхшаб, тиканли симлар билан ўраб олинган. Тиканли симнинг ичида юзлари шишиб, моматалоқ бўлиб кетган Игнат билан Пахомич, кўча томонда эса, бошига отасининг шапкасини кийиб олган Игнатнинг ўғилчаси, Пахомичнинг кампир эса қотиб қолган кўллари билан симни ушлаган, ағрайиб турибди. Кампир қон босган кўз қовоқларини пирпиратади, оғзини қийшайтириб қўяди-ю, аммо кўзларидан ёш чиқмайди — чунки йиғлайвери-йиғлайвери кўз ёшлари адо бўлган.

Пахомич шикаст еган тилини зўрға айлантириб, гапириб қолди:

— Буғдойни Лукич ўриб берсин, ҳақиға бир ёшлик бузоқни берасан.

У тамшаниб, қуруқ йўталди-да:

— Биз тўғримизда қайғу-ҳасрат чекма, кампир!.. — деди. — Ошимизни ошаб, ёшимизни яшадик, энди охиратда учрашамиз. Кейин, мотам мажлиси ўтказ. Номимни: «Қизилгвардиячи Пётр» деб ёздирма, тўппа-тўғри «ўлдирилган аскарлар Пётр, Игнат, Григорий» деб ёздир... Йўқса, поп қабул қилмайди. Энди бўлмаса, хайр, кампир!.. Яхши қол... Неварамни эҳтиёт қил. Бирдамас-бирда дилингни оғритган бўлсам кечир...

Игнат ўғлини қўлига олди; соқчи ўзини кўрмаганга солиб, тескари қараб олди. Игнат қалтираган бармоқлари билан қамишдан ўғлига тегирмон ясапти.

— Дада, нега бошинг қон? — деб сўради бола.

— Сал урилиб лат едим, ўғлим.

— Бўлмаса, анови амаким омбордан чиқаётганинда нега сени милтиқ билан урди?

— Жуда қизиксан-а, ўғлим!.. У жўрттага, ҳазиллашиб урди-ку...

Ота-бола жим қолишди. Қамиш бўлаклари Игнатнинг тирноқлари остида шитирлайди.

— Дада, юр уйга кетамиз. Тегирмонни уйда ясаб берасан.

— Сен бувинг билан боравер, ўғлим... — Игнатнинг лаблари пир-пир учиб, қийшайиб кетди. — Мен кейинроқ бораман...

Игнат кўрада милтиқ қўндоғи билан уриб шикастланган оёғини зўрға судраб, жажжигина ўғилчасига ҳеч тўймай, уни бағрига босади.

— Дада, нега кўзларинг нам?

Игнат индамайди.

Қош қорайиб қолди. Тўқайзордан, ботқоқзор ва зирк дарахтлари устидан туман кўтарилиб, боғлар устига ёйилдида, майсаларни салқин ва нам ерга ётқизиб қўйди.

Омбордан бир тўда одам чиқди. Подъесаул поғони тақиб олган, бошига қоракўл папах кийган, новча ва озғин офицер, оғзидан самогон ҳиди анқитиб оҳиста деди:

— Узоққа олиб борманглар, хутордан чиқишларинг биланок, орқадан туриб!..

Коронгида эҳтиёт билан ташланган қадамлар ва винтовка затворининг шарақлаган овози эшитилди.

Бўрилар кезадиган, юлдузсиз қоронғи тун кириб келди. Дон орқасида бинафшаранг чўл қулоч ёйиб ётарди. Қийғос униб чиққан буғдойзорлар орқасидаги дўнгликда, кўклам сувлари ювган жарда, шамол йиқитган дарахтлар орасида, ҳиди анқиб турган хазонда қоронғи тунда бўри болалаётган эди — у, худди дард тутаётган хотиндек инграр, остидаги қонга беланган кумлик ерни ғажир эди. Бир вақт у биринчи бўлиб дунёга келган ҳўл, усти ғадир-будур боласини ялар экан, нарироқдан, пастқам жойдан, чакалакзордан икки марта ўқ товуши билан аллакимнинг додлаганини эшитди.

Бўри хушёр тортиб, қулоқ солиб турди-да; додлаган овозга улаб жавоб қайтарди.



## АЁЛМАНД ОДАМ

Куёш станица орқасидаги ихотадай кўкариб турган чакалакзор орқасига ботди. Станицадан Донга қараб келяпман. У ерда дарёдан паромда кечиб ўтмоғим керак. Оёқ остидаги нам кумдан сувда ётавериб бўккан ёғоч ҳиди келади. Йўл чакалакзорда илон изидай эгри-бугри. Офтоб қипқизариб, станица мозор орқасида уфққа бош қўйди, орқамдаги чакалакзорда эса аста-секин қош қорая бошлади.

Паром қирғоққа боғлаб қўйилибди, унинг тагида кўмкўк сув шилдираб, тиргаклардаги эшкаклар қийшайиб-силкиниб, инграгандай овоз чиқаради.

Паромчи паромнинг пўпанак босган ичидаги сувни чўмич билан олиб ташлар экан, бошини кўтариб, ғилайроқ сарғиш кўзлари билан менга боқди-да, истар-истамас:

— Нариги қирғоққа ўтмоқчимисан? Ҳозир жўнаймиз, арқонни еч!— деб пўнғиллади.

— Иккаламиз эшкак эшишни удалай олармикинми?— деб сўрадим мен.

— Удаласак керак дейман. Қоронғи тушяпти: халқ етиб келадими, йўқми, билиб бўлмайди.

Паромчи чалворини тиззасигача шимариб, менга бир кўз ташлади-да:

— Кўринишингдан бизнинг бу ерлик одамга ўхшамайсан. Қаёқдан йўл тушиб қолди?— деб сўради.

— Армиядан уйга қайтиб келяпман.

Паромчи фуражқасини олди ва бошини силкиб, оқ оралаган сочини орқасига ташлади-да, синиб, эгри-бугри бўлиб кетган тишларини тиржайтирганича менга кўз қисиб:

— Уйга қанақа қилиб келяпсан, отпускагами ёки кочибми?— деб сўради.

— Демобилизация йўли билан. Менинг ёшимдагиларга жавоб беришди.

— Тузук. Бунақасига тинчроқ бўлади.

Ўтириб эшкак эша бошладик. Дон шўх оқиб паромимизни қирғоқдаги сув остида қолиб кетган дарахтзорга суриб келди. Паромнинг ғадир-будур тагини сув тақиллатгандай

туюлади. Паромчининг чандирлари чувалашиб кетган яланг оёқларидаги пайлари шишиб кетган, кўкариб кетган товонлари сирганчиқ якка чўпга тиралиб, унга ёпишиб қолгандай кўринади. Унинг қўллари узун, озғин бармоқларининг бўғинлари ғадир-будур. Новчадан келган, тор елкали бу киши букчайиб, ноқулай вазиятда эшкак эшади, аммо эшкаги мавж ураётган тўлқинни ёриб, сув ичига чуқур ботади.

Мен унинг ҳарсилламай бир меъёрда текис нафас олаётганини эшитаман; унинг жундан тўқилган кўйлагидан аччиқ тер, тамаки ва таъмсиз сув ҳиди анқиб туради. У эшкакни ташлади-да:

— Паромимизни сув дарахтзорга судраб кетаётганга ўхшайди-ку! Ишимиз чатоқ-ку, энди нима қиламиз, йигитча? — деди.

Дарёнинг ўртасида оқим кучли экан. Паром бирданига олға интилиб, қуйруқ томони юқори кўтарилди, кейин қийшайиб кетганди, оқим уни дарахтзорга буриб юборди. Орадан ярим соатча ўтар-ўтмас паромимиз сув остида қолиб кетган самбиттоллар орасига кириб қолди. Эшкакларимиз синиб кетди. Тиргакларда эшкак парчаларигина қолди, холос. Паромнинг дарахтларга урилиб тешилган жойидан шалоплаб сув ўта бошлади. Тунагани дарахтга чиқиб олдик. Паромчи новдаларни оёғи билан қайириб-қайириб ёнимга ўтириб олди-да, сопол трубкасидан ора-сира тутун чиқариб қоронғида тепамиздан учаётган ғозларнинг қанот қоқишига қулоқ солиб, гап бошлади:

— Энди сен, — деди у, — уйингга, ўз оиланг олдига бораётирсан. Худо билсин, онанг бечора, ана ўғлим келяпти, қариган чоғимда кунингга ярайди, деб сени кутаётган бўлса керак. Сен бўлсанг кундузлари соғиниб, интизор бўлиб кутганини, кечалари эса кўз ёшларини тўкиб йиғлаганини хаёлингга ҳам келтирмагандирсан дейман. Сенлар ҳаммаларинг шунақасанлар... Ўзларинг оила, бола-чақа кўрмагунларингча, ота-оналаринг тортган ғам-ғуссалар бир марта эсларингга ҳам кириб чиқмайди. Ҳолбуки, ҳар бир ота-она ўз фарзанди деб не-не ташвишларни бошидан кечирмайди!

Баъзи хотинлар бўладики, балиқнинг ичини тозалаянда, тасодифан унинг ўтини эзиб қўяди. Бунақа балиқ шўрвани ичишга ичасан-у, аммо шундай заҳар бўладики, асти қўясан. Айтмоқчи, мана мен ҳам дунёда яшашликка яшайман-у, аммо еганим заҳар-заққум... Сабр қила-қила, ахийри: «Шу ҳам турмуш бўлдими, бундан ҳам бадтарроғи бормикин?» деб қўясан.

Сен бу ерлик эмассан, бегонасан, қани, менга айтчи, бошимни қайси деворга урай?

Наташка деган битта қизим бор, бу йил ўн еттига тўлади, менга шундай дейди:

— Дада, сиз билан бир столда ўтириб овқат есам кўнглим бузилиб кетади. Қўлларингизга қараган заҳотим, шу қўлларингиз билан акаларимни ҳалок қилганлигингиз кўз олдимга келади-ю, томоғимдан овқат ўтмай қолади, кусгим келади...

Лекин, у қанжиқ, бу иш кимнинг касрига бўлганини тушунмайди. Ахир ҳаммаси шу болаларнинг жатига бўлган-ку!

Мен ёшлигимда уйланганман: хотиним тез-тез туғадиган чиқиб қолди, кетма-кет саккизта чақалокни туғиб берди-ю, тўққизинчи гал туғишида ўзи ҳам оёғини чўзиб қолди. Туғишга-ю туғди-я, аммо тукқандан кейин бешинчи кун деганда ўзи ҳам безгақдан ўлиб кетди... Мен эсам ботқоқликдаги баайни лойхўракдек якка ўзим қолавердим. Кичкина болаларимни худодан қанча ялиниб-ёлвориб сўрасам ҳам, ўз даргоҳига олмади... Энг каттаси Иван эди... Менга ўхшаган қорачадан келган, чиройликкина эди... Хуллас, мана мен деган абжир казак эди! Ишга келганда ҳам ҳалол ишлар эди. Ивандан тўрт ёш кичик яна бир ўғлим бор эди. Буниси онасига ўхшаган эди. Бўйи пақанароқ, кенг яғринли, сочи оқсил-сарғишдан келган, кўйкўз; у менинг энг яхши кўрган, кўз тиккан ўғлим эди. Оти — Данила эди... Қолган етти жон болаларим кичкина қизлар ва ўғил болалар эди. Иванни мен ўз хуторимиздаёқ ичкуёвликка бердим. Тез орада у ҳам фарзанд кўрди. Данилани ҳам уйлантириш тарадудини кўра бошлаган эдим, лекин ғалаёнлар бошланиб қолди. Станицамизда Совет ҳукуматига қарши кўзғолон кўтарилди! Шу воқеанинг эртасигаёқ Иван югуриб келди-да:

— Қани, дада, қизиллар томонига ўтайлик. Худо ҳаққи, ўтиниб сўрайман! Биз шунинг учун қизиллар ёнини олишимиз керакки, бу ҳукумат ниҳоятда адолатли, — деди.

Данила ҳам худди шу гапни гапирди. Улар мени унатишга уриниб роса овора бўлишди, бироқ мен уларга:

— Мен сенларнинг қўлингни тутмайман, майли, ўтаверинглар, аммо мен ўтмайман. Сенлардан бўлак яна етти жон менга қараб ўтирибди. Уларнинг бири нон деса, бири ош дейди! — дедим.

Орағизда ўтган шу гапдан кейин улар хутордан ғойиб бўлишди, станицамиз эса қўлидан келгунича қуролланиб олди, мени ҳам оқлар қўл остида фронтга жўнатишди.

Хутор йиғинида мен бундай дедим:

— Жаноб қариялар, ҳаммаларингга маълумки, мен

жўжабирдек жон бўлсам... Еттита ёш болани боқсам... Ўзларинг ўйлаб кўринглар ахир, борди-ю, менга бир бало бўлиб қолса болаларимга ким қарайди.

Хуллас, ундай деб ҳам кўрдим, бундай деб ҳам кўрдим — бўлмади!.. Кулоқ солишмади, гапларимга эътибор беришмай фронтга жўнатишди.

Фронт худди хуторимиз ёнгинасига етиб қолди. Мана, кунларнинг бирида, пасха байрами арафасида хуторга тўққизта асирни, шу жумладан, сеvimли фарзандим Данилушкани ҳам ҳайдаб келтиришса борми!.. Уларни майдондан юзбошиникига опкелишди. Кўчага чиқишган казаклар:

— Ўлдириш керак газандаларни! Сўроқдан олиб чиқишлари билан бир ёқлик қилиб кўя қолайлик!— деб шовқин-сурон солишяпти.

Мен улар орасида турибман-у, аммо ўғлим Данилушкага юрагимдан ачинганимни билдирмаяпман. Ён-веримга аланглаб қарасам, казаклар ўзаро пичирлашиб, бошлари билан менга имо-ишора қилишяпти... Вахмистр Аркашка ёнимга келди-да:

— Микишара, қалай, коммуналарни савалайсанми?— деб сўради.

— Савалайман, ашаддий баттолларни!..— дедим.

— Бўлмаса, мана бу найзани ол-да, зинапояда туриб от,— деди ва найзани узатди, ўзи эса тишларини тиржайтириб:— Биз қараб турамиз, Микишара... эсингда турсин, йўқса ёмон бўлади,— деб дўқ ҳам қилиб қўйди.

Остонада турибман-у, ўзим: «Ё раббим, наҳотки, ўз ўғлимни ўлдирсам-а?» деб ўйлайман.

Кулоқ солсам, юзбоши маҳкамасидан бақирган овозлар эшитилляпти. Асирларни у ёқдан опчиқишди. Данилам олдинда келяпти... Унга кўзим тушди-ю, юрагим оркамга тортиб кетди... Унинг боши худди ошқовоқдай шишиб кетган, худди териси шилиб олингандай... У шўрлик очик бошимга урмасинлар деб, бошига жун қўлқоп тутиб олибди. Қон қатирмадай қотиб қолган; соқчилар хуторга ҳайдаб келаётганларида уларни урганлар. Қўлқоп ҳам қонга беланган. Даҳлиздан гандираклаб келяпти. Менга кўзи тушиб қўлини чўзди... Жилмаймоқчи бўлди, кўзлари эса моматалок бўлиб кетибди, битта кўзини бутунлай қон босган...

Ўшанда миямга: борди-ю уни урмасам, ўзимизнинг хуторликлар менинг ўзимни ўлдиришади, бу турган гап, ёш болаларим етим-есир қолиб кетади деган фикр келди... Мана, Данила ёнимга етиб келди.

— Дадажон, алвидо!..— дейди.

Унинг кўз ёшлари бетигаги қон доғларини ювиб кетяп-

ти... Зўрға қўлимни кўтардим... Қўлим тошдай қотиб қолгандай туюлди... Найзани чангаллаб олганман. Уни найзани милтиққа улаб қўядиган учи билан урдим. Мана шу жойига, қулоғидан сал юкорироқ урдим... У «дод» деди-ю, кафтлари билан юзини беркитиб, остонадан йиқилиб тушди... Казаклар хохолашади.

— Боплаб ур, Микишара!— дейишади улар.— Данилкангни аяётган бўлсанг керак-а!.. Ур, бўлмаса ўзингнинг конингни тўкамиз!..

Юзбоши зинапояга чикди, ўзи сўкиняпти-ю, лекин кўзларидан кулаётганлиги кўриниб турибди. Бечораларни найзалар билан шундай ура бошладиларки, кўзим тиниб кетди. Кўчага отилиб чикдим-у, аланглаб қараб, Данилушкамни ерда судраб юрганларини кўрдим. Вахмистр унинг ҳалқумига найза санчди, ўғлим эса бир марта хирллаб қўйди, холос...

Тагимизда сувнинг тазйиқи билан паромнинг тахталари қарсиллаб кетди. Шариллаб сув оқаётгани эшитилиб турарди. Самбиттол титраб, қисирлаб кетди. Микишара паромнинг кўтарилиб кетган қуйруғига оёғи билан тепиб кўрдида, трубкасидан учкунлар учира-учира:

— Паромимиз чўкяпти,— деди,— эртага чошгоҳгача самбиттолда ўтиришга тўғри келади. Мана ишлар қандок бўлди-я!

У анчагача жим турди, сўнг овозини пасайтириб, гапида давом қилди.

Ўшандан буён Донда кўп-кўп сувлар окди, ҳолбуки, кечалари ҳалиям аллакимнинг хириллаб, энтикаётганини эшитгандай бўламан... Ўша вақтда югуриб кетаётганимда Данилушканинг хириллаган овозини эшитган эдим. Ана энди виждон азобидаман...

Биз қизиллар билан кўкламгача олишдик, кейин генерал Секретёв бизга қўшилганидан кейин, қизилларни Доннинг нарёғига, Саратов губерниясига қувдик. Мен ўзим аёлманд одамман, аммо шунга қарамай, ҳарбий хизматдан бўшатиш ёки кўмаклашиш хусусида ҳеч қандай ёрдам беришмади, нега десанг, ўғилларим большевик эди-да... Қизилларни қуллаб биз Балашов шаҳригача етиб бордик. Катта ўғлим Ивандан дом-дарак йўқ. Казаклар, қаердан билишибди, хабарим йўқ. Иван қизиллардан ўтиб ўттиз олтинчи казак батареясида хизмат қилаётганимиш деган гап толиб келишди. Ҳамқишлоқларимиз: «Мабодо Ванька қўлимизга тушиб қолса-чи, жонини олишимиз турган гап», деб дўқ қилиб қолишди.



Биз битта қишлоқни ишғол қилдик, ўттиз олтинчи батарея эса ўша жойда экан...

Менинг Иванимни ҳам топиб олиб, қўлларини қайриб, қисмимизга келтиришди. Уни бу ерда казаклар қаттиқ савалаб, кейин менга:

— Уни полк штабига элтасан!— дейишди.

Штаб бу қишлоқдан йигирма чақиримча нарида эди. Юзбоши менга қоғоз бера туриб, кўзларимга қарамай бундай деди:

— Мана сенга, Микишара, қоғоз. Ўғлингни штабга элтиб, топширасан. Сен билан юборганимиз маъқулроқ. Отасининг қўлидан қочиб кетмас дейман!..

Ана ўшанда худо ёр бўлиб, мени соқчи қилиб юборишлари бежиз эмас, улар чол ўғлини қўйиб юборади, кейин Иванни қўлга туширамиз-у, чолнинг ўзини ҳам ўлдирамиз дейишган бўлса керак, деган хаёлга бордим!

Иван қамоқда ётган уйга келдим-да соқчиларга:

— Маҳбусни менга бериш, штабга ўзим ҳайдаб бораман,— дедим.

Улар ҳам: «Майли, ола қол бизга нима!..» дейишди.

Иван шинелини елкасига ташлаб олди, шапкасини қўлида айлантирди-айлантирди-да, скамейкага ташлади. Шундай қилиб, биз у билан қишлоқдан чиқиб, тепаликка кўтарилдик, Иван чурк этмайди, мен ҳам жим боряпман. Кузатиб келяптиларми-йўқми деб орқамга қайрилиб қарадим. Йўлнинг ярмига етиб, кичик бутхонадан ўтдик ҳам орқамиздан келаётган ҳеч ким кўринмади. Ўшанда Иван менга юзини ўғирди-да, аянчли овоз билан:

— Дада!— деди,— мени барибир штабда ўлдиришадди, сен мени ўлимга олиб боряпсан! Наҳотки, виждонинг азобланмаса?

— Йўк, Ваня,— дедим,— виждоним азобланыпти!

— Менга-чи, раҳминг келмайдими?

— Раҳминг келади, ўғлим, юрагим тилка-пора бўляпти...

— Раҳминг келса — қўйвор... Дунёда тўйгунча яшаганим йўк-ку!

У йўл ўртасида ерга йиқилди-да, уч марта менга таъзим қилди. Мен эса унга бундай дедим:

— Чуқур жарга етиб олайлик, ўғлим, ўша ерда сен қочавер: хўжақўрсинга мен орқангдан икки бор ўқ узаман...

Мен шунга ҳайронманки, кичкиналигидан Ивандан бир оғиз илик сўз эшитмасдим, энди бўлса менга тармашиб, қўлларимни ўпяпти... Яна икки чақиримча йўл босдик, у жим боряпти, мен ҳам индамай кетяпман. Жарга етиб олдик. Иван тўхтади-да:

— Энди, дада, хайрлашайлик,— деди,— башарти эсон-омон қолсам, бир умр сени ёдимдан чиқармайман. Мендан битта ҳам кўпол гап эшитмайсан...

У мени кучоқлаб олди, менинг эса жигарим хун бўлиб кетди.

— Қани, қоч энди, ўғлим!— дедим мен унга.

У жарга қараб чопди, у ёқ-бу ёғига аланглаб, менга кўл силкитди.

Мен у йигирма саржинча нари борганда винтовкамни кўлимга олдим-да, кўлим қалтирамасин деб тиззалаб туриб, орқасидан... ўк уздим...

Микишара анча овора бўлиб чўнтагидан тамаки халтачасини олди-да, имиллаб чақмоқтошдан ўт чиқариб, лабларини чапиллата-чапиллата трубкасини чекди. Ҳовучида пилик қизариб кўринар, ёноқлари дириллар, аммо сал шишган қовоқлари тагидан гилай кўзлари бешафқат, бераҳм тикилиб турарди.

— Шундай қилиб,— деди паромчи,— у бир сакраб тушди-да, аччиғи билан саккиз саржинча югуриб боргач, кўли билан қорнини ушлаб, менга юзланди ва:

— Дада, нега бундай қилдинг?— деб гурс этиб йиқилди-да, оёқларини типирчилатди.

Мен унинг ёнига югуриб келиб энгашдим, у кўзлари бақрайиб қолди, лабларида қон кўпиклари пайдо бўлди. Мен энди жон беряпти деб ўйлаган эдим, йўқ, тўсатдан жойидан кўзгалди-да, кўлимни силаб-сийпаб:

— Дада, фарзандим билан хотиним бор, ахир...— деди.

Сўнгра, боши қийшайиб, яна йиқилди. Бармоқлари билан ярасини босяпти, лекин начора... Қони бармоқлари орасидан шундай шариллаб оқяптики... Хириллаб, чалқанчасига ётди-да, қаттиқ койиганича менга тикилиб бир нима демоқчи бўлган эди, тили айланмади. Кўриб турибман, бир нима демоқчи-ю, гапиролмаяпти, фақат: «Дада... ча... да... да...» дейди холос. Кўзларимдан тирқираб ёш никди, ўшанда мен унга бундай дедим:

— Ванюшка, менинг ўрнимга сен азобланиб, жон беряпсан. Сенинг хотининг-у, биттагина боланг бор, менда эса ундай болалардан еттитаси бор. Борди-ю, мен сени қўйворсам, казаклар мени ўлдиришарди, болаларим етим-сир қолиб, тиланчилик қилишган бўларди...

У бирпас ётди-да, кўлимни кўлидан қўймай жон берди... Мен унинг шинелини, оёғидаги ботинкаларини ечиб олдим-да, юзига дастрўмол ёпиб, келган изимдан қишлоққа жўнадим...

Мана энди, оғайни, ўзинг ўйлаб кўр! Ўша болаларни

деб не-не қайғу-хасратларни бошимдан кечирмадим, мўй-сафид бўлиб қолдим. Уларга бир бурда нон топармикин-ман деб, кечасию кундузи тинчимаيمان, улар бўлса... мисол учун қизим Наташкани олсак: «Дада, сен билан бир столда ўтириб, овқат есам кўнглим бузилиб кетади!» дейди-я!

Энди мен бунга қандай қилиб чидашим мумкин?

Паромчи Микишара бошини қуйи солиб, кўзини лўқ қилиб менга тикиляпти; унинг орқасида эса тонг ғира-шира ёришяпти. Ўнг қирғоқдаги қорамтир бақатераклар орқасидан, ўрдакларнинг ғағолаган овозига жўр бўлиб бир-ровнинг:

— Ми-ки-шаура! Ҳо-ой, жин ур-г-ур!.. Па-ро-мингни бу ёқ-қа ҳайда-а...— деган уйқусираган овози эшитилади.

1925



## ТОЙЧОҚ

Куппа-кундузи ялтироқ пашшалар уймалашиб ётган гўнг уюми ёнида у бошини олдинга қилиб, олдинги оёқларини чўзиб, онасининг қорнидан чиққан ҳам эдики, шундай тепагинасида шрапнель портлашидан ҳосил бўлган нозик, кўкимтир, эриб кетаётган тутун ҳалқасига кўзи тушди. Увиллаган шовқин унинг ҳўл, мурғак баданини онасининг оёғи тагига ташлади. Унинг дунёга келиб илк бор тотиб кўргани — даҳшат ҳисси бўлди. Дўлдай ёғилган сасиқ картеч отхонанинг черепицали томига тушиб тақиллатди, ер бетини эса аста чангитиб, тойчоқнинг онаси — Трофимнинг жийрон биясини сапчиб туришга ва яна қисқа бухраб, терлаган биқини билан жонига оро кирган гўнг уюмига ағанаб тушишга мажбур қилди.

Шундан кейин чўккан жазирама сукунатда пашшалар қаттиқ гинғиллаша бошлади, замбарак отишмасидан чўчиб, четанга қўнмай, қаердадир ёпирмоқ панасида турган хўроз бир неча бор қанотларини қоқиб, азот, аммо хирқирок товушда кичқирди. Уй ичидан яраланган пулемётчининг йиғламсираган оҳ-воҳи эшитилди. Ахён-ахёнда бўғилган товушда қаттиқ кичқиради, кетидан газабли сўкинади. Боғчадаги қизғалдоқларнинг ипакдай шафағида асаларилар гувиллашади. Станицадан наридаги пичанзорда пулемёт лентада қолган охирги ўқларни отиб тугатмоқда. Унинг қувноқ тариллаши остида, замбаракнинг бир гумбурлаб иккинчи бор гумбурлашигача ўтган оралиқда, жийрон бия ўзининг тўнғичини севиб ялади. Тойчоқ бўлса онасининг тирсиллаган елинига ёпишиб, илк бор ҳаётни ва она меҳрининг битмас-туганмас лаззатини ҳис этди.

Иккинчи снаряд қаердадир хирмон орқасида қарсиллаб ёрилганда уйдан Трофим чиқди-да, эшикни гурс этиб ёпиб отхонага кетди.

У гўнг уюмини айланиб ўтди-да, қўлини пешонасига қўйиб, кўзини куёшдан пана қилди. Шу чоғ Трофим тойчоқ зўр келганидан қалт-қалт қилиб жийрон бияни змаётгани-

ни кўриб қолди-да, шошиб чўнтагини кавлади, титрек бармоқлари билан тамаки халтасини топди ва махорка ўраб, қоғозни тупуклаб туриб:

— Э, ҳа-а-а... Демак туғибсан-да? Сени кара-ю, хўп пайтни топибсан,— деди. Унинг кейинги гапида аччиқ алам бор эди.

Биянинг тери қотиб, қурукшаб қолган биқинларига хас-хашак, тезак ёпишган. У ориқ, кўримсиз бўлса ҳам, лекин ҳоргин кўзларида магрур қувонч нури йилтирар эди, юқориги атласдай лабида табассум бор. Трофимга худди шундай бўлиб кўринди. Отхонага олиб кириб боғланган бия тўрвани силкитиб пишқира бошлагач, Трофим эшикнинг кесакисига суянди ва тойчоққа хўмрайиб қараб, бияга таъна қилди:

— Кўнглинг тўлдими?

Жавоб кутмасданок яна гапирди:

— Кошки эди Игнатнинг айғирига ўхшаганини туққан бўлсанг, бунинг қандай бўлиб ўсишини ёлғиз шайтон биледи... Бошимга ураманми буни?

Отхонадаги ғира-шира сукунат ичида ем кусур-кусур қилади. Эшикнинг тирқишидан куёшнинг қийғоч заррин нури қуюлади. Трофимнинг чап юзига ёруғ тушади. Унинг малла мўйлови ва тикандай соқолини кизартиради. Оғзи атрофидаги ажинлар қинғир ариқчалардай қораяди. Нозик тук босган, ингичка оёқчаларида турган тойчоқ ўйинчоқ ёғоч отга ўхшаб кетади.

— Ўлдирсаммикан?— Трофимнинг тамакидан саргайиб кетган бош бармоғи тойчоқни кўрсатиб қийшаяди.

Бия қонталашган кўзини ола-кула қилиб, киприкларини пириллатганча эгасига масхаралаётгандай ер остидан қарайди.

\* \* \*

Эскадрон командири жойлашган меҳмонхонада ўша куни кечаси қуйидагича гап бўлиб ўтди:

— Биям ўзини эҳтиёт қилиб юрганиданам сезган эдим-а, елиб югурмас, қаттиқ чопа олмас — ҳарсиллаб қола берар эди. Бўғоз бўлганини билмай ҳам қолибман... Ўзини шундай эҳтиёт қиларди, шундай эҳтиёт қиларди... Тойчоқнинг ранги бўлса сал тўриқ... шундай...— деб ҳикоя қилар эди Трофим.

Эскадрон командири чой қуйилган мис кружкани ҳужумга ўтиш олдидан найзанинг бандини тутгандай каф-

тида қисиб ушлайди ва уйқусираган ҳолда лампага тикилади. Сарғиш олов устида парвоналар чарх уради, деразадан учиб қиради, шишага урилиб қуяди, бирининг ўрнига иккинчиси пайдо бўлади.

— ... фарқи йўқ тўриқми, қорам — барибир. Отиб ташла. Тойчоқни эргаштириб юрсак лўдиларга ўхшаб қоламиз.

Нима? Лўдиларга ўхшаб қоламиз, деяпман-ку. Борди-ю, кўмондонимиз билиб қолса-чи, ҳолимиз нима кечади унда? Келиб полкни кўриқдан ўтказса-ю, у бўлса саф олдида думини хода қилиб, шаталоқ отиб юрса... Лаббай, Бутун Қизил Армияга иснод тегеди-ку. Ҳайронман сенга, Трофим, бу ишга қандай қилиб йўл қўйдинг-а? Гражданлар уруши айни қизиб турган пайтда шундай шармандагарчилик бўлиб ўтирса-я... Уят-ку бу. Отбоқарларга қатъий буйруқ: шу кундан бошлаб айғирлар алоҳида сақлансин.

Трофим эрталаб уйдан милтиқ кўтариб чиқди. Кун ҳали чиқмаган, ўтларнинг баргида шабнам жилваланар эди. Пиёда қўшин оёғи остида пайҳонланган, окоп казиб ташланган пичанзор ғам билан сўлган қиз боланинг юзига ўхшайди. Ҳарбий дала ошхонаси атрофида ошпазлар овора. Остонада шўр босган ички кўйлақда эскадрон командири ўтирибди. Ҳушёр тортирувчи муздай револьвер тутишга ўрганган унинг панжалари қовушмай, хотиридан кўтарилган ишни эслаб, тол новдасидан босмолдоқ сузадиган жимжимадор човли тўқийди. Трофим олдидан ўтиб кетаётиб қизкиб сўради:

— Човли тўқияпсизми?

Эскадрон командири човлининг сопини ингичка хивич билан бойлади-да, тишлари орасидан гапирди:

— Ҳа, анови хотин — уй эгаси илтимос қилувди... Тўқиб бер, тўқиб бер деб қўймади. Илгари устайдим, энди йў... унча чиқмади.

— Йўк, жойида, — деб мақтаб қўйди Трофим.

Эскадрон командири тиззасидан тол қийқимларини тушириб, Трофимдан сўради:

— Тойчоқни бирёқли қилгани кетяпсанми?

Трофим жимгина қўл силтади-да, отхонага ўтиб кетди.

Эскадрон командири бошини эргаштириб, милтиқ оти-лишини кутди. Бир минут ўтди, икки минут — ўқ товуши эшитилмади. Трофим отхонанинг муюлишидан чиқиб келди. У, афтидан, нимадандир хижолатда эди.

— Ҳа, нима бўлди?

— Боёк бузуқ шекилли... Пистонни чақмаяпти.

— Қани, милтиқни бер-чи.

Трофим истар-истамас берди. Эскадрон командири затворни очиб сиңчиклаб қарали.

— Ия, патрони йўқ-ку!..

— Шунақами!.. — деди Трофим аzza-баzza.

— Ха, йўқ.

— Мен уш анетка.. Отхонанинг орқасига ташлаворувдим...

Эскадрон командири милтиқни ёнига қўйиб қўйди-да, янгигина човлини анчагача қўлида ўйнаб ўтирди. Янги қирқилган новдалар асал каби ҳидли ва ёпишқоқ эди, ундан гулга қирган тол ҳиди анқир, тинимсиз уруш оловлариди қийинчилик билан эсдан чиққан шудгорнинг ҳиди келар эди.

— Мана, қара!.. Жин урсин, қўявер, онасининг олдида юраверсин. Майли, вақтинча. Уруш тугаса — у ҳалигиндай... ер ҳайдашга яраб қолар. Қўмондон кўриб қолгундай бўлсаям, балки раҳми келар, негаки, у ҳали мурғак, эмчак эмиши керак... Қўмондон ҳам ойисини эмган, биз ҳам эмганмиз, ўзи одат шундай бўлгандан кейин, бари — бир гўр! Милтиғининг боёғи бўлса бузуқ эмас.

\* \* \*

Бирор ойлардан кейин, Усть-Хоперская станицаси яқинида Трофимовнинг эскадрони казак сотняси билан жанг қилиб қолди. Гира-ширада отишма бошланди. Атакага кўтарилганларида қоронғи тушган эди. Трофим ярим йўлдаёқ ўз взводидан ортда қолди. На қамчи, на лабини йириб қонатгудай жиловни тортқилашлар ҳам бияни чопишга мажбур қила олмади. У бошини баланд кўтариб, бўғиқ кишнар ва тойчоғи думини хода қилиб қувиб етмагунча жойидан жилмай туриб олар эди. Трофим эгардан сакраб тушди, қиличини қинига тикди ва ғазабдан юзини буриштириб елкасидан милтиғини юлиб олди. Ўнг қанот оқлар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Жарга яқин жойда бир тўда одамлар худди шамолда тебрангандай тебранишар, жимгина қилич солишар, отларнинг туёғи тагида замин бўғиқ гумбурлар эди. Трофим ўша томонга бирдан назар ташлади-да, тойчоқнинг келишган бошини мўлжалга олди. Қизиққонлик қилганига қўли қалтираб кетдимиз ёки ўк тегмаганига яна бирор сабаб бўлдими, лекин милтиқ отилганидан кейин тойчоқ аҳмоқона бир шаталок отди-ю, ингичка товушда кишнади ҳамда туёғи билан оқиш чанг кўтариб чир айланди-да, нарироққа бориб турди. Трофим жийрон

шайтончани оддий патронли обойма билан эмас, балки бронтешар — қизил мис бошли ўқ билан отди. У (тасодифан подсумкада қўлига илиниб қолувди) бронтешар ўқ ҳам жийрон биянинг авлодига зарар етказа олмаганини кўриб, бияга сапчиб минди, болохонадор қилиб сўкинди-да, соқолли, эски динга чўкинувчилар учта қизил аскар билан эскадрон командирини жар лабига сиқиштириб бораётган томонга қараб от қўйди.

Шу кечаси эскадрон чўлда кичикрок, унча чуқур бўлмаган чўкмада тунади. Кам чекишди. Отларининг эгарини олишмади. Донга бориб келган разъезд душманнинг катта кучлари кечувда турганини хабар қилди.

Трофим яланг оёқларини резина плащчининг этаги билан ўраб, бугун бўлиб ўтган воқеаларни уйку аралаш эслаб ётар эди. Жарга сакраётган эскадрон командири, қилич билан политкомни қиймалаётган, эски динга чўкинувчи бужур одам, қиймалаб ташланган кўримсиз ёш казак ўспирин, қоп-қора қонга беланган кимнингдир эгари, тойчоқ... кўз олдидан бир-бир сузиб ўта берди.

Тонг отардан олдинроқ эскадрон командири Трофимнинг олдига келди, қоронғида ёнига ўтирди.

— Трофим, ухляяпсанми?

— Мудроқ босяпти.

Эскадрон командири хираланган юлдузларга қараб туриб деди:

— Тойчоғингни йўқот! Жанг пайтида юракка ваҳима солади... Унга кўзим тушса бўлди — кўлим қалтирайди... Қилич чополмайман. Нега десанг, турки хонаки. Урушда бунақаси тўғри келмайди... Тошдек юрагим сув бўлиб кетади... Хужум пайтида бу харом ўлгурни топтаб кетмаганларига ҳайрон қоласан киши, оёқ остида ўралашиб юрган эди... — У жим қолди-да, хаёлчан кулимсиради, аммо Трофим унинг бу табассумини кўрмади. — Биласанми, Трофим, унинг думи... ҳалигиндай... дингиллатиб олиб шаталоқ отади, думи бўлса худди тулкиникига ўхшайди... жуда ажойиб!..

Трофим жимгина ўтираверди. Шинели билан бошини буркади-да, шабнамдан жунжикиб-титраб, тезда қаттиқ уйкуга кетди.

\* \* \*

Дон қадимий монастырь қаршисида тоққа сиқилиб, кўз илғамайдиган даражада тез оқади. Сув бурилишда шалдираб-сапчиб жингалак-жингалак бўлиб кетади, зангори ёлдор тўлқинлар сел-кўчки пайтида сувга ағдарилган харсангларга урилиб, уларни суриб ташламоқчи бўлади.



Агар оқим секинроқ, Дон эса ёйилиб, осойишта оқадиган тирсакни казаклар эгалламаганларида ва у томондан тоғ этакларини ўққа тутмаганларида эскадрон командири эскадронни монастырь рўпарасидан кечириб ўтказишга ҳеч қачон қарор қилмаган бўлур эди.

Тушга яқин кечув бошланди. Унча катта бўлмаган кема, битта пулемёт тачанкаси билан пулемётчиларни ҳамда учта отни кўтарди. Тачанканинг чап ёнига қўшилган шатакчи от сувга ўрганмаган экан, кема Доннинг ўртасига бориб, оқимга қарши қўққисдан бурилиб, жиндек ёнбошлаброқ қолганида, хуркиб кетди. Пиёда бўлиб олган эскадрон жангчилари тоғ этагида отларининг эгар-тўқимини олаётганда шатакчи отнинг хуркиб пишқириши, кемани тақаси билан тепиниб тақиллатиши аниқ эшитилар эди.

— Қайиқни расво қилади!— деб тўнғиллади Трофим кўлини биясининг терлаган ягринига узата туриб, кемада эса шатакчи от тачанканинг шотисига қараб тисарилиб, ёввойилик билан пишқирар, олдинги оёғини осмонга кўтариб, сапчир эди.

— Огиб ташла!..— деб бақирди эскадрон командири қамчисини гижимлаб.

Трофим, мўлжалга олувчи шатакчи отнинг бўйинига осилиб, наганини унинг қулоғига тикқанини кўрди. Наган ўйинчоқ тўппончадай пақ этди. Ўртадаги ва ўнг ёндаги шатакчи от бир-бирига қаттиқ сиқилди. Пулемётчилар кемага бирор нарса бўлмасин дейишиб, ўлган отни тачанканинг орқа томонига тикиб қўйишди: унинг олдинги оёқлари аста эгилди, боши шалвираб қолди...

Ўн минутлардан кейин эскадрон командири бурунга келиб, биринчи бўлиб, ўзининг саманини сувга солди, сувни шапиллатиб гуриллаганча эскадрон — юз саккиз ярим яланғоч суворилар, ўшанча ҳар хил рангли отлар унинг кетидан эргашди. Эгар-жабдуқларни учта қайиқда олиб ўтишди. Биясини взвод командири Нечепуренкога топшириб, қайиқлардан биттасини Трофим бошқарди. У Доннинг ўртасига етганида олдиндаги отлар тизза баравар сув кечиб, истар-истамас сув ичаётганларини кўрди. Суворилар уларни аста чуҳ-чуҳлар эди. Бир минутдан кейин қирғоқдан йигирма саржин берида — отларнинг боши сувда гуж-гуж қорайиб кўриниб, сон-саноксиз пишқиришлар эшитила бошлади. Отлар билан ёнма-ён, уларнинг ёлидан ушлаб, милтиқларига кийимларини ва подсумкаларини боғлаб, қизил аскарлар сузиб келишар эди.

Трофим эшакни қайиққа ташлаб, ўрнидан тикка турди ва қуёшдан кўзини қисиб, сузиб келаётганлар ораси-

дан биясининг жийрон бошини синчиклаб кидирди. Эскадрон овчиларнинг ўқидан осмонда тирқираб кетган ёввойи ўрдаклар галасига ўхшар эди: олдинда ялтироқ яғринини баланд кўтарганча эскадрон командирининг самани сузиб келмоқда, унинг худди думида илгари политкомга тегишли бўлган отнинг кумушранг оқ холли қулоғи кўринади, унинг кетида қорайишиб бошқалар сузиб келмоқда, ҳаммадан орқада эса взвод командири Нечепуренконинг дикайган сочли боши, унинг чап томонида Трофимнинг биясини қамишдай қулоғи кўринади. Улар борган сари бошқалардан кейинда қолиб кетмоқда эди. Трофим синчиклаб тикилиб, тойчоқни ҳам кўрди. У дам сувдан юқорига сакраб, дам бурнигача ботиб сузиб келмоқда.

Худди шу пайт, Доннинг бетини силаб ўтган шамол Трофимнинг қулоғига ўргимчак ипидай нозик «хи-хи-хи-хе!» деб ёлворгандай кишнаган тойчоқнинг товушини келтириб урди.

Бу товуш сувнинг бетиде жарангдор ва қиличнинг тиғидай ўткир эди. У Трофимнинг юрагини ҳовлиқтириб юборди, ғалати бўлиб кетди: беш йиллик уруш майиб қилган, ўлим неча бор қиз болага ўхшаб унинг кўзига тик боққанда ҳам писанд қилмаганди, энди бўлса малла соқоли тукларининг тагигача оқариб кетди, қулдай кўқариб ранги ўчд-ю, эшкакка ёпишиб, қайикни оқимга қарши, тойчоқ гирдобда ҳолдан тойиб айланаётган томонга ҳайдаб кетди. Ундан ўн саржинча берида Нечепуренко гирдобга қараб кишнаб интилаётган биянинг бошини буришга кучи етмай, зўр бериб уринар эди. Қайикда эгарлар ғарами устида ўтирган Трофимнинг дўсти Стешка Ефремов:

— Жиннилик қилма! Қирғоққа бур! Ху анави казакларни кўряпсанми!..— деб жиддий бақирди.

— Ўлдираман!— деди Трофим ҳансираб ва милтиқнинг қайишидан тортди.

Тойчоқ эскадрон сузиб ўтаётган жойдан анча нарига оқиб кетган эди. Кичикроқ гирдоб зангор ёлдор тўлқинлар билан ялаб, уни бир меъёрда айлантитар эди. Трофим жон-жаҳди билан эшкак эша бошлади, қайиқ сакраб-сакраб сузар эди. Ўнг қирғоқдаги жарликдан казаклар чоғиб чиқишди. «Максим» овози йўғон дўмбирадай тақиллади. Сувни чалпитиб ўқлар вишиллади. Ўнг қирғоқда парусинадан йиртиқ кўйлак кийган офицер наганини ўйнатиб, нимадир деб бақирар эди.

Тойчоқ борган сари кам кишнар, калта, юракни эзувчи овози бўғиқ ва нозик эди. Унинг бу кишнаши кишининг вужудини музлатиб юборадиган даражада даҳшатли —

чакалоқнинг йиғисига ўхшаб кетар эди. Нечепуренко бияни ташлаб, чап кирғоққа осонгина сузиб чиқди. Трофим қалтираб туриб, милтиқни қўлига олди, тойчоқнинг гирдоб ютган бошидан пастини мўлжаллаб отди-да, оёғидан этиғини суғуриб ташлади, инграшиб қўлини чўзди ва сувга шўнғиди.

Ўнг кирғоқда парусинадан кўйлак кийган офицер ўшқирди:

— Отишни тўх-та-ат!..

Беш минутдан кейин Трофим тойчоққа етиб борди, чап қўли билан унинг музлаброқ қолган корнидан тутди, димикиб, бетиним ҳикичок тутиб, чап кирғоққа қараб сузди... Ўнг кирғоқдан битта ҳам ўк отилмади.

Осмон, ўрмон, қумлоқ — бари ям-яшил, нурга чўмган... Трофим энг охириг кучини тўплаб бир талпинган эди, оёғи ерга тегди. Тойчоқнинг юмшоқ гавдасини шалвиратиб қумлоққа судраб чиқди. Трофимнинг оғзидан олахта-олахта зангор сув келар, у қўли билан қумни тимирскилар эди... Ўрмонда сузиб ўтган эскадрон жангчиларининг товуши янграйди, қаердадир бурушнинг у томонида замбараклар гумбурлайди. Жийрон бия Трофимнинг ёнида туриб силкинади ва тойчоғини ялайди. Унинг осилган думидан жило берувчи томчи томиб, қумга сингади...

Трофим гандираклаб ўрнидан турди, — қумда икки қадам босган ҳам эдики, сапчиб тушиб, чап биқинига йиқилди. Гўё қайноқ бир нарса кўкрагига санчилгандай бўлди; у йиқилаётиб милтиқ отилганини эшитди. Битта ўк ўнг кирғоқдан учиб келиб, орқасига қадалди. Ўнг кирғоқда парусинадан йиртиқ кўйлак кийган офицер бепарвогина карабиннинг затворини очиб, ундан тутаб турган гильзани чиқариб ташлади, қум устида эса тойчоқдан икки қадам нарида Трофим ғужанак бўлиб ётар эди. Унинг беш йилдан буён бола ўпмаган, дағал, кўкарган лаблари жилмаяр, оғзида қон кўпирар эди.



## НУҚСОН

Яков Алексеевичнинг кифаси қадим замон одами-ни эслатади: суяклари йўғон, бир оз букчайганрок, соқоли янги супургидай, хуллас, нуқон, рассомлар солган, газеталарнинг сўнги бетларида босиладиган кулоқнинг айнан ўзи. Фақат кийимлари ўхшамайди. Кулоқ бўлгандан кейин, албатта, нимча ҳамда ғарчи этик кийиши керак эди-да. Яков Алексеевич бўлса, ёзда сурп кўйлак устидан белини боғлаб, оёқ яланг юради. Уч йил илгари у станица Совети рўйхатида кулоқлар қаторида эди. Кейин у хизматкорини жўнатиб юбориб, ортиқча бир кўшхўкизини сотди. Икки кўшхўкиз, бир бия билан қолгандан кейин Советда уни ўртаҳоллар рўйхатига кўчиришди. Шундан кейин ҳам Яков Алексеевич илгаригидай ўзини сипо тутиб, гердаиб юраверди, мажлисларда ҳам илгаригидек бўғикроқ товуш билан вазмин, дадил гапирар эди.

У хўжалигини ихчамлаштира ҳам, лекин барибир, ишини кенг йўлга қўйди. Баҳорда йигирма ботмон ерга буғдой экди ҳамда тежаб қолган бултурги буғдойга запашник, иккита темир борона, шамол машина сотиб олди. Баҳорги узилиш вақтида озиқ-овқатсиз қолиб энг керакли нарсасини ким сотиши ўзи маълум...

Бутун станицадан кидириб, Яков Алексеевич каби тadbирли, уздабурон, пишиқ-пухта дехқонни топиб бўлмайди. Бироқ унинг оиласида ҳам нуқсон бор: кичик ўғли Стёпка ҳеч кимдан сўрамасдан, ҳеч кимга маслаҳат солмасдан комсомолга кирган-қўйган. Бундай савдо нодон одамнинг бошига тушганда оилада ғавғо, муштлашиш бўларди-я, бироқ Яков Алексеевич: йигитни уриб-сўкиб тарбиялашнинг нима кераги бор, майли, ўзининг ақли кириб қолар, деб бошқача йўл тутди. У, ҳозирги ҳукуматни, унинг тартибларини, қонунларини масхаралар, маза-бемаза сўзлар билан сўқар, хира пашшадай гинғиллаб ачитарди, шундай қилсам Стёпканинг кўзи очилиб қолар деб ўйларди. Дарҳақиқат, Стёпканинг кўзи очилиб, чўқинмай

қўйди, отасига ўкрайиб қарайдиган, стол ёнида индамай ўтирадиган бўлиб қолди.

Бир куни тушки овқат олдидан бутун оила ибодат қилди. Яков Алексеевич соқолларининг чигилини ёзиб, ўтлоқда чалғи тортгандай қулочкашлаб чўқинди, Стёпканинг онаси тиз чўкиб, буклама газдай очилиб-ёпилди, бутун оила ҳамжиҳатлик билан ибодат қилди. Столда карам шўрванинг буғи чиқиб, янги ёпилган ноннинг хушбўй хиди димоққа уриларди. Стёпка эшик олдида қўлини орқасига қилиб, депсиниб турар эди.

Яков Алексеевич ибодат қилиб бўлгач:

— Одаммисан ўзинг? — деб сўради.

— Ўзинг билсанг керак... — деб жавоб берди Стёпка.

— Хўш, шундай экан, одамлар билан бир столда овқатланар экансан, одамбашара бўлиб, ибодат қил-да, кейин ўтир. Сени ҳайвондан ажратадиган фарқ ҳам шу. Ҳайвон охуридан хашаклайди-да, ўша жойнинг ўзида тезаклайди.

Стёпка уйдан чиқиб кетмоқчи бўлиб эшик томон юрди, ўйланиб қолиб, орқасига қайтди-да, чўқиниб секин келиб столга ўтирди.

Бир неча кун ичида Яков Алексеевичнинг юзи заъфарон бўлди; ҳовлида юрганда қовоғидан қор ёғилишини кўрган уйдагилар чолнинг нияти бузилганини билишарди. Унинг кечалари ухлолмай оҳ-воҳ қилиб тўлғаниб чиқиши ва тонг пайтида ухлаши бежиз эмасди. Бир куни онаси шивирлаб, Стёпкага шундай деди:

— Стёпушка, отанг бир балони бошламоқчи бўлиб юрганга ўхшайди... Ё сени бир нима қилмоқчи, ёки бировга панд бермоқчи.

Стёпка, отаси ёмон кўриб қолганини билар, агар уйдан ҳайдаса қаёққа боришини ўйлаб қўярди.

Дарҳақиқат, Яков Алексеевич ҳам ўйлаб иш қилмаса бўлмасди: агар Стёпка йигирмада бўлмай, ўн беш ёшда бўлганда уни жиловлаш осон бўларди. Қазноқдан янги тизгинни олиб чиқиб, қўлга маҳкам ўраб оларди-да, таъзирини берарди! Аммо йигирма ёшли йигитга тизгин қор қилмайди; бунақа ўжарларни бричканинг шотиси билан ўриб, таъзирини бериш керак. Лекин бу хил жазо учун ҳозирги замонда ўзингни ҳам соғ қўймайдилар-да. Аҳвол шундай бўлгандан кейин чол кечалари оҳ-воҳ қилмай, қовоғини солиб юрмай иложи қанча?

Стёпканинг акаси — Максим, забардаст ҳам кучли казак, кечаси қошиқ ясаб ўтириб, укасидан сўради:

— Қани, айт-чи, укажон, бу комсомол дегани сенга нима керак бўлиб қолди?

— Ишинг бўлмасин! — деди шартта Стёпка.

— Йўк, сен айт,— деди Максим бўш келмай.— Мана, йигирма тўққиз йил яш дим, сендан кўпроқ кўрдим ва сендан кўп нарсани биламан, бу бўлмагур иш... Бу ишчиларга ярашади, саккиз соат ишлаб клубга, комсомолга боради, биз деҳқонларга қўл келмайди. Ёзда, иш қизиган пайтда, кечаси билан тентираб чиқсанг, кундузи қандай ишга ярайсан?.. Сен ростини айт: балки, сен бирор амал учун киргандирсан? — деди Максим пичинг қилиб.

Стёпканинг ранги ўчиб, қони қочиб, индамади, аламиндан лаби пирпираб учди.

— Бўлмагур ҳукумат. Биз казакларга хатто зарарли. Коммунистларнинг пичоғи мой устида, биздақаларга кун йўк... Бундай ҳукумат узоқ турмайди. Қаланғи-қасанғи комсомолларнинг деҳқонларга қаттиқ ёпишиб олган бўлса ҳам, вақти келганда, тумтарақай бўлиб кетади!

Максимнинг тер босган пешонасида бир тутам соч силкинар, пичоғи остидан қиринди учарди, Стёпка бўлса китоб варақлаб, тумтайиб турарди. Яков Алексеевич Максимнинг сўзини маъқуллаб, бу нима деркин деб турганидан, Стёпка баҳслашгиси келмас эди.

— Хўш, худо кўрсатмасин, ҳукумат ўзгариб қолса-чи? Унда нима қиласан? — деди Максим хурпайиб, йиртқич хайвондай тишларини тиржайтириб.

— Ҳомтама бўлма, айтганинг сира ҳам бўлмайди.

— Стёпка, кўзингни оч! Сен энди кичкина бола эмасан... Гап ким кимни енгиши устида боради, гафлатда қолсанг, нақ янчиб ташлашади! Уруш ёки бирор нарса бўлиб қолса, аввало сени ўзим дабдала қиламан. Сендай кучукдан фойда йўк, қамчи билан... этингни парпаша қилиб ташлайман!

— Шундай қилиш керак!.. — деб унга пишанг берди Яков Алексеевич.

— Савалайман, худо ҳаққи!..— деди Максим пишқириб.— Герман уруши вақтида бизнинг бўлинмамизни Москва яқинидаги аллақандай фабрикага юборишди, у ерда ишчилар иш ташлаган экан. Биз кечқурун етиб келдик. Дарвоза олдига келсак, контора олдида одам мўри малах. «Казак оғайнилар, бизнинг томонга ўтинлар» деб чувиллашади улар! Бўлинмамиз бошлиғи — ҳарбий старшина Боков: «Бу итваччаларни қамчиланглар!..» деб команда берди.

Максим, қотиб-қотиб кулиб, қип-қизариб кетди:

— Қамчиним хом теридан ўрилган, учига қўрғошин тугилган... Отимни олдинга суриб, ўдағайлаб, бақирдим...

«Кўзгал, ишчилар! Терингни шилгани келди казаклар!» дедим. Хаммадан олдинда шапка кийган, паст бўйли, соч-соқоли оппоқ, нимжонгина чол турарди... Мен уни қамчи билан бир солгандим, гупиллаб отим оёғи остига йиқилди. У ерда нималар бўлмайди... — деди Максим, кўзларини қисиб. — Йигирматача аёл от туёғи остида мажақланди. Йигитларимиз қизишиб кетиб қиличини ишга солдилар...

— Сен-чи? — деб сўради Стёпка бўғиқ овоз билан.

— Бир-иккитасига мен ҳам қилич урдим...

Стёпка печкага суяниб қолди. Кейин яна ҳам қаттиқроқ суяниб туриб, бўғиқ овоз билан:

— Афсуски, сен газандани дабдала қилмабдиларда! — деди.

— Ким газанда?

— Сен...

— Ким газанда? — деб Максим яна сўради-да, йўниб бўлмаган қошиқни ерга ташлаб, скамейкадан турди.

Стёпканинг кафтига иссиқ тер чиқди, муштларини маҳкам тугиб, дангал деди:

— Итсан! Хиёнаткор!

Максим Стёпканинг ёқасига қўл солиб, кўйлагини кўкрагига ғижимлаб тўплади, кейин бир силтаб печкадан узди-да, каравотга улоқтирди. Стёпканинг ғазоби қайнаб кетди, у бир силтанган эди, Максимнинг қўлида ёқаси қолди. Йигит мушт отган эди, лекин бетига тушган қаттиқ зарб уни ерпарчин қилди. Максим чап қўли билан Стёпканинг бўйнини бўғиб туриб, ўнг қўли билан мўлжаллаб бетларига урарди. Стёпка, устида акасининг пишиллашини, хунук ва ноҳўя жилмайишини кўрарди, ҳар бир зарбдан унинг нафаси қисилар, қулоқлари шанғиллар, кўзларидан тиркираб, ёш оқарди. Беихтиёр оққан кўз ёшлари, Максимнинг тиржайиб туриб мушт уриши алам қилиб, томоғига бир нарса тиқилгандек бўлар эди. Мажақланган лабларидан қон оқарди. Стёпка чақчайиб кетган кўзларини олайтириб, акасининг юзига қон тупурди. Бироқ у бошини буриб қолди, шунда унинг қирилган бўйни кўринди. Шундан кейин ҳам Максим индамай Стёпканинг шишиб кетган бетларига қадоқ қўллари билан шапа-лоқлаб ураверди.

Яқон Алексеевич ахийри уларни ажратиб қўйди. Максим ҳамон аввалгидай тиржайиб туриб, ердан чала қолган қошиқни олди-да, дераза олдига ўтирди. Стёпка лабларининг қонини енги билан артиб, шапкасини кийди-да, эшикни оҳишта ёпиб, чиқиб кетди.

— Бу унга фойда... Ҳаддидан ошмасин, танобини тортиб кўймаса, отасига ҳам кўл кўтаради!— деди Максим.

Яков Алексеевич ўйланиб туриб, соқолини қимтиди, кўз ёшларидан юзлари хўл бўлиб кетган кампирга қараб кўйиб, қовоғини солди.

\* \* \*

Эрталаб, Максим сўз бошлаб:

— Арз қилиб Советга борасанми? — деб сўради.

— Бораман!— деди Стёпка.

— Ҳали ака-укачилик шу бўлдимми? — деди Максим.

Стёпка бўзариб турган Максимнинг хотинига, кўзини пешбандига артаётган онасига қаради-да, индамади; кўнглида бу хўрликка чидашга жазм қилди.

Бу кўнгилсиз воқеадан кейин, уйдагилар бир неча кун дилгир бўлиб юришди. Аёллар шивирлаб гапиришар, Яков Алексеевич эса қовоғини уйиб, чурқ этмай юрарди. Максим айбдордек жилмайиб, бир кун Стёпкага деди:

— Сен, укажон, уйдаги гапни кўчага олиб чиқма. Оилада нималар ўтмайди... Бу машмаша комсомолнинг жатига бўлди! Бошларида қолсин, сен ундан узоқ бўл! Усиз ҳам яшаган эдик, бундан буён ҳам яшайверамиз. Унга бош суқиш сенга нега керак бўлиб қолди? Отангги таънага кўйдинг, кўшнилари ундан: «Ҳай, ўғлингиз Стёпка комсомолга кирганмишми?» деб сўрашяпти. Ахир, чол уялади... Яна, уйлантирадиган бўлсак, қайси қиз сенга черков никохидан ўтмай тегаети? Ё динсизидан оласанми?

Стёпка жавоб қайтармай, кўрага кетар, кечалари майдонга, клубга борарди. Поп фисгармонияси<sup>1</sup> хириллаши остида кўнгилсиз ўйларни ўйларди.

Станицага баҳор келди. Қизларнинг бетларига сепкил тошди, самбиттоллар куртак отди. Кўклам эрувгарчилигидан кўчаларда сув шилдираб оқарди. Ҳаш-паш дегунча қор ҳам эрий кетди, қуёш тафтида ферузадек кўкиш чўл бугланиб лорсиллаб ётарди. Чуқур сойликларда, жарликларда, ёнбағирликларда қор кўринар, унинг шамол ялаган хунук башараси ер юзини хира қилиб турарди. Адирларда, ўт чиққан тепаларда қўйлар сакраб-сакраб, сигирлар секин-аста юрар, бултурги чириндилар орасидан энди бош кўтариб келаётган ўтларнинг ёқимли, кишини маст қилувчи иси келиб турар эди.

---

<sup>1</sup>Музыка асбоби.



Ер ҳайдагани март ойининг ўрталарида боришди Яков Алексеевич ҳаммадан олдин ҳаракат қилиб, масленица байрамидан бошлаб ҳўкизларга маккажўхори берди. ғамхўр ҳўжайиндай яхши боқди.

Қўёш ердан ёқимли баҳор исини кўтармасданок, Яков Алексеевич ўғилларини отлантирди, пайшанба куни тони пайтида чўлга жўнашди. Стёпка ҳўкиз етаклади. Максим плуг қулоғини тутди. Уйларидан саккиз чақирим наридаги чўлда икки кун туришди. Кечалари совуқ, ўтларни киров босиб қолар, яхлаб қолган ер туш пайтига яқин юмшар, қирсиллаб турган ернинг у бошидан-бу бошига икки-уч бориб келган икки қўшҳўкизга дам берилар, ҳўкизларнинг терлаб кетган устидан буғ бурқираб, биқинлари кириб-чиқиб турарди. Лойдан этигиши тозалаётган Максим, отасига қиё боқиб, хириллаб деди:

— Сен, ота, доим шунақасан... Шу ҳам ер ҳайдаш бўлдимми? Бу иш эмас, азоб-ку! Ҳўкизларни нобуд қиламиз-ку... Атрофга қара, биздан бошқа бирон одам ер ҳайдаяптими?

Яков Алексеевич плуг тишини калтак билан тозалаб туриб, гўлдиради:

— Кексалар парранданинг ҳам эрта тургани ризқини топиб ейди...— дейишади, ҳали ёшсан, бу гапларнинг маънисига тушун!

— Паррандага бало борми!— деб хуноб бўларди Максим.— Бундай расво пайтда у ер ҳайдамаса, экмаса, ўрмаса, минг лаънат ўша парранданга... Э, қўйсанг-чи... Ўҳ-ҳў... ўҳ-ҳў!...

Яков Алексеевич бундай деди:

— Шунча дам олганимиз ҳам етар, қани бошла, ўғлим, худо қувват берсин!

— Бошла, деганинг нимаси, чапга буриб, уйга жўнаш керак!

— Бошла, Степан!

Стёпка бирдан икки қўшҳўкизга қамчи босди. Плуг ерга ботиб, гирчиллади, юпқа қатламларни оҳиста ағдариб, юриб кетди.

\* \* \*

Стёпка комсомолга кирган кунидан бошлаб оила аъзолари ундан юз ўғирди. Гўё юқумли касалдан қочгандай ундан четлашиб, бегонадек бўлиб қолишди.

Яков Алексеевич бир кунни очикдан-очик деди:

— Энди, Степан, сен билан илгаригидек муроса қилиб туролмаймиз. Сен бизга бегонадек бўлиб қолдинг... Ибодат

қилмайсан, рўза тутмайсан, поп отахонимиз чўқинтиргани келганида табаррук крест олдиға ҳам келмадинг... Шу ҳам иш бўлдими? Ўз фарзандимиз бўлсанг ҳам олдингда одам бирон сўз айтгани кўрқади... Агар бир дарахтга курт тушса, уни ўз вақтида даволамаса, қуриб қолади. Даволаш эса, ниҳоятда зарур, касал теккан шохини аямай кесиб ташлаш керек... Инжилда ҳам шундай дейилган.

— Ҳозирча борадиган жойим йўк,— деб жавоб берди Стёпка.— Бу йил армияга кетаман, шунда мендан қутулиб қоласизлар.

— Биз сени уйдан ҳайдаётганимиз йўк, хулқи атворингни тузат! Мажлисларда санқиб юрма, она сутинг оғзингдан келиб турибди-ю, қаёқларга бош суқяпсан. Сен ярамаснинг жатингга одамлар мени масхара қилиб, қулишяпти.

Чол Стёпкага гапирар экан, қип-қизариб, жаҳлини зўрга тийиб турар эди. Стёпка отасининг ўқрайган кўзларига, йиртқич хайвонниқидай чатнаган қаттиқ лабларига қараркан, комсомол йигитларнинг таъналарини эслади. Улар: «Стёпка, отангга тушунтириб қўй. Ахир у, кўкламга яқин, қишлоқ хўжалик асбобларини арзон-гаровга олиб, камбағалларни хонавайрон қиляпти-ку. Уят!» дейишган эди.

Стёпка бу гапни эслаб қаттиқ уялганидан қизариб кетди. унинг отаси бўлмиш шафқатсиз талончига кўнглида болалик муҳаббати ҳам, раҳм-шафқат ҳам қолмаганини сезди.

Оила билан Степан ўртасида қалин баланд гишт девор қад кўтарган, ундан на ўтиб бўлар, на чақириб бўлар эди.

Четлашиш бориб-бориб адоватга айланди, адоват эса душманликка айланди. Бир куни тушки овқат устида Стёпка Максимнинг ўқрайиб ўтирганини, отасининг салқиган қовоқлари ғазаб билан пир-пир учаётганини, қўлидаги қошиқ титраётганини кўрди. Ҳатто онаси ҳам бепарво, тумтайиб турарди. Стёпканинг томоғидан овқат ўтмай қолди; кўз ёшлари дув келиб, кўзларини ачиштирди, ўпкаси тўлиб, хўнграб юбораёзди. Ўзини тутиб олиб, наридан-бери ўрнидан турди-да, уйдан чиқиб кетди.

Стёпка кечалари кўпинча бир хил туш кўрарди; уни чўлда қумлоқ ёнбағирликда кўмишаётган эмиш. Атрофда нотаниш етти ёт бегона одамлар, ёнбағирликда қовжираган бурган ўт ва ингичка барг ёввойи пиёз бор эмиш. Стёпка ҳар бир шохчани, ҳар бир баргни ўнгидагидек кўрармиш...

Сўнгра Стёпкани гўрга кўмиб, белкурак билан устига тупроқ ташлашади! Бир курак совуқ тупроқ кўкрагига тушади, ундан кейин иккинчи, учинчиси... Стёпка босинқираб, ижирғанади, шундан кейин уйғониб, гўё ҳаво етмаётгандай, чуқур нафас олади.

Дала ишлари бир муддат тўхтади. Чўлда одам кўринмай қолди, фақат полизларда аёлларнинг ранг-баранг рўмоллари жилваланиб кўринарди. Боғ-роғлари яшнаб ётган станица кечқурунлари ғира-шира қоронғиликда жимжит эди. Станица ортида чўлга туташган чакалакзор томондан, кўм-кўк осмон кўриниб турган узок жойлардан алламаҳалгача гармонь товуши келиб турарди. Пичан ўриш вақти яқинлашди. Ўт кишининг белидан келиб қолди. Ғалласимон ўтларнинг қилтаноклари куриб, сарғая бошлади, сариқ шумғиянинг барглари ғужанак бўлиб, шира тортди, сойларда отқулоқлар барги буралиб қолди.

Яков Алексеевич ўз еридаги пичанни ҳаммадан илгари ўриб олди, кечалари ҳўкизларини аравага кўшиб, Максим билан бирга, станицага қарашли узок ерларга ўт ўргани борарди. Юлдузлар сўнар, осмон кулранг тусга кирар, бедана сайрагани эшитиларди; арава тагида ётган Стёпка уйқудан уйғониб, шудрингда ўтнинг ўроқ машина билан шақир-шуқур ўрилаётганини эшитар эди.

Яков Алексеевич икки кишига етарли пичан ғамлаб олди. У пишиқ деҳқон бўлганидан уловсиз деҳқонлар баҳорга яқин пичанга муҳтож бўлиб қолишини, бир боғ пичанни анча пулга сотиш, агар деҳқоннинг пули бўлмаса бир яшар бузоғига алиштириш мумкинлигини яхши билар эди. Мана шунинг учун Яков Алексеевич пичанни терак бўйи уйиб ташлади. Тили заҳар одамлар: Яков Алексеевич кечалари бошқаларнинг пичанини ҳам ўмарган, бироқ қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас, деган гап бор-ку, ахир, бунақа бўлмағур гапларни бечорага тўнкаш яхши эмас, дейишар эди.

Шанба куни Яков Алексеевич эшигига тонг-саҳарда Прохор Токин келди. У будённийчилар киядиган эски шапкасини қўлида айлантириб, ғамгинлик ва маъюслик билан жилмайиб узок вақт тараддудланиб турди. «Отамдан ҳўкизини сўрашга келгандир» деб ўйлади Стёпка. Қопдан тикилган, илма-тешик бўлиб кетган бўз иштони остидан Прохорнинг озғин бадани, қон талашган яланг оёғи кўринар, чуқур тушиб кетган кўз косахонасидан хирагина, кул остидан кўриниб тургандек, қора қийиқ кўзлари милтиллаб турарди. Унинг кўзларида алам ва ёлвориш акс етарди.

— Яков Алексеевич, худо ҳаққи, ҳожатимни чиқар! Ишлаб бераман,— деди у.

— Қанақа ҳожат экан? — деди Яков Алексеевич каравотдан бошини кўтармай.

— Бир кунга ҳўкизларингни бериб тур... Пичанимни олиб келай. Эртага байрам... ташиб келардим... Бўлмаса ўғирлаб кетишади!

— Ҳўкизларни беролмайман!

— Худо ҳаққи, бериб тур!

— Сўраб овора бўлма, Прохор, беролмайман. Ҳўкизлар боқувда.

— Раҳм қил, Яков Алексеевич. Ўзингга маълум, оила... сигир хашаксиз қолади. Ўриб эмас, ўлиб-тирилиб, юлиб-солкиб йиққан эдим.

— Бера қол, ота,— деб гапга аралашди Стёпка.

Прохор Стёпкага миннатдорлик билан назар ташлаб, ҳовлиққанича кўзларини пирпиратиб, Яков Алексеевичга тикилди. Стёпка бирдан Прохорнинг тиззалари калтираётганини кўриб қолди-ю, аъзойи баданига югурган қалтирокни яшириш учун оёғини безовталанган отдек дам кўтариб-дам босди, жони ҳиқилдоғига келиб, ранги бўздай оқариб кетди ва:

— Ҳўкизларни бер! Нега бировни хуноб қиласан!..— деб жекирди.

Яков Алексеевич ковоқларини солиб:

— Менга ўргатма. Хоҳласанг, байрам куни ташиб бер! Ҳўкизларимни бировга ишониб топширолмайман! — деди.

— Борганим бўлсин.

— Хўп, бора қол.

— Раҳмат, Яков Алексеевич! — деди Прохор таъзим қилиб.

— Раҳмат ўз йўли билан, бугдой янчиш вақтида кел, бир ҳафта ишлаб берасан.

— Келаман.

— Ҳа, шундай бўлсин.

\* \* \*

Якшанба куни, тонг ғира-шира ёришган пайтда, катта-кичик хаталарнинг деразалари остида кўча қоровулларининг иккита таёкни бир-бирига уриб тақиллатгани эшитилди. Яков Алексеевич ўз кўча қоровулини пиллапояда кўриб:

— Тонг отмасдан нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Тонг отганда мактабга мажлисга кел,— деди қоровул тамаки халтасини очиб, кейин махоркани ўради-да, газетани тупуги билан хўлаб ёпиштирар экан, гўлдираб:— Экинларни хатга олгани ҳисобчи келди... Солиқ учун... Ана шунақа гаплар... Хайр энди! — деди.

У чоригини ғирчиллатиб, гугурт чакди-да, эшик томон кетди. Яков Алексеевич ўйланиб, соқолини қимтиди ва ҳўкизларни суғориб, хайдаб келаётган Максимга қичкирди:

— Ҳўкизларни Прохорга бермай тура тур. Бугун эрталаб солиқ тўғрисида мажлис бўларкан. Ҳисобчи келганмиш. Стёпка билан иккаламиз борамиз. У комсомол, балки уни сийлашар. Ахир у, отаси олиб берган пойабзални дўкилатиб, бекорга клубма-клуб сандироклаб юравермагандир,— деди.

Максим ҳўкизларни қўйиб, шошиб отаси олдига келди.

— Кўзингга қара, қариган чоғингда билиб иш қил... Йигирма ботмон ўрнига олти ёки етти ботмон ёздир.

— Тоза ўргатадиган одамингни топибсан-да,— деди Яков Алексеевич кулимсираб.

Нонушта вақтида Яков Алексеевич Стёпкага хушмуомалалик билан шундай деди:

— Прохор билан пичан ташишга кечроқ борасан, ҳозир янги кийимларингни кий, мажлисга борамиз.

Стёпка индамади. Нонушта қилиб бўлгач, ҳеч нима демай, отаси билан бирга кетди. Мактабда одамлар мўр-малах эди. Яков Алексеевичга ҳам навбат келди. Ҳисобчи тамаки тутунидан сарғайиб кетган соқолини силаб туриб:

— Неча ботмон ерга уруғ сочгансиз? — деб сўради.

Яков Алексеевич, бир оз индамай турди-да, кейин кўзларини қисиб:

— Икки ботмон жавдар,— деб чап кўлининг бош бармоғини букди,— бир ботмон тарик,— деб иккинчи бармоғини букди,— буғдой тўрт ботмон,— деди.

Яков Алексеевич учинчи бармоғини букиб, ўзича бир нарса санаётгандай, кўзини шипга тикди. Халойиқ орасида биров ҳиқиллаб кулди, биров кулгисини яшириб каттиқ йўталди.

— Ҳаммаси етти ботмонми? — деб сўради ҳисобчи, асабийлашиб қаламини столга ураркан.

— Етти,— деб қатъий жавоб берди Яков Алексеевич.

Стёпка тирсағи билан одамларни суриб, столга яқинлашди-да:

— Ўртоқлар! — деди бўғикрок товуш билан.— Ўртоқ ҳисобчи, хато бўлди... Отамнинг эсидан чиқибди...

— Нима эсимдан чиқибди? — деди ранги оқариб кетган Яков Алексеевич бақириб.

— ... яна бир бугдойзор эсидан чиқибди... Ҳаммаси бўлиб йигирма ботмон.

Халойиқ чувирлаб, пичирлаша бошлади. Кейинги қаторда ўтирган бир печа одам қичқириб:

— Тўғри! Ўғли тўғрисини айтди! Яков ёлғон гапирди... Унинг эккан ери уч қарра еттига тўғри келади!..— деб чуввос кўтарди.

— Нега сиз, гражданин, одамни алдайсиз? — деди ҳисобчи афтини буриштириб.

— Ким билади дейсиз... Шайтон йўлдан оздирди... тўғри, йигирма ботмон... Худди шундай. Э худо, ўзинг сақла. Буни қаранг-а, ёддан кўтарилибди.

Яков Алексеевичнинг лаблари пирпиради, бетларининг эти учиб-учиб турди. Хона ичига нокулай сукунат чўкди. Раис ҳисобчининг қулоғига бир нима деб шивирлаган эди, ҳисобчи «7»ни ўчириб, қалам билан тепасига катта қилиб «20» ёзиб қўйди.

\* \* \*

Стёпка Прохорнинг уйига югурди, шошганча, боғчалардан ошиб, уйга келишди.

— Сен, ога, тезроқ бўл, отам мажлисдан келиб қолса, ҳўкизларни асло бермайди! — деди Стёпка Прохорга.

Дарров аравани бостирма остидан олиб чиқишди, шошиб-пишиб ҳўкизларни аравага қўшишди. Максим пиллапоядан туриб бақирди:

— Экинларни ёзишдими?

— Ёзишди.

— Айтмоқчи, сени сийлашдими?

Стёпка бу саволга тушунмай, индамай қолди. Дарвозадан чиқишганда, Яков Алексеевич майдондан кўча томон пилдираб келаётган эди. У воқеага тушуниб:

— Ҳўк, ҳўк!— деб ҳўкизларга бақирди.

Кетма-кет тушган қамчидан ҳўкизлар елиб кетди. Ёндорлари туширилган икки арава шалдираб чўл томонга йўл олди.

Яков Алексеевич ҳаллослаб, шапкасини силкитиб қичқиради эди:

— Қа-а-йт! — Шамолда унинг товуши узук-юлук эшитиларди.

— Орқанга карама! — деб бақирди Стёпка Прохорга ва зўр бериб, хўкизларга камчи босди.

Аравалар сойликка тушиб, кўринмай кетганда ҳам, станицадан, Яков Алексеевичнинг данғиллама уйи олдидан:

— Ка-йт, ит-вач-ча!.. — деган овоз келарди.

\* \* \*

Кечаси алламаҳалда Прохорнинг пичан ғарамига етиб келдилар. Хўкизларни аравадан чиқариб, ўрилган пичанзорга ўтлагани кўйиб юбордилар. Пичанни араваларга ортиб кўйиб, чўлда тунаб қолиб, тонг отар-отмас йўлга тушмоқчи бўлдилар.

Прохор иккинчи аравага пичан босиб бўлгач, ўзини пичан устига таппа ташлаб, ғужанак бўлиб ухлаб қолди. Стёпка ерга хашак солиб, шабнамда қолмаслик учун устига чакмонини ёпиб, юлдузлар мунчоқдай живирлаб ётган осмонга, ўтлаб юрган хўкизларга қараб ётди. Ўтларнинг хушбўй ҳиди, мигирткаларнинг чириллаши, аллақаерда бойкушнинг сайраши Стёпкани аллалагандай бўларди.

Стёпкани уйку элтди-ю, у ухлаб қолди.

Аввал Прохор уйғонди. У аравадан тўп этиб судралиб тушди-да, чўққайиб ўтириб, хўкизлар қаерда экан деб, атрофга аланглаб қаради. Жар устини туман қоплаган, кўкиш қоронғиликда ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Етти Қароқчи юлдузи ғарб томонга оғиб, осилиб тургандай эди.

Ўн кадамча юргач, Прохор ухлаб ётган Стёпкага қоқилиб кетди.

Муздай шабнамдан хўл бўлиб қолган жун чакмонни ушлаб бир оз тетикланди.

— Степан, тур! Хўкизлар кўринмайди!..

Хўкизларни кечгача кидиришди. Ўн қақиримча жойни айланиб чиқишди, хўкиз кидириб сойларга тушишди, жарлик ва даралардаги ўрилмаган серўт ерларни пайхон қилишди.

Хўкизлар ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

Кечга яқин шўппайиб турган аравалар олдига келишгач, қорайиб, ўзини олдириб қўйган Прохор:

— Энди нима қиламиз? — деб сўради. Унинг товуши бўғиқ, қийиқ кўзлари ғилтиллаб, нам киприклари пир-пир учарди...

— Қайдам, — деди Стёпка хомушлик билан.

Яков Алексеевич куёшга қараб акса урди-да, Максимни чақирди.

— Жарга ағдарилиб, тилка-пора бўлганга ўхшайдилар. Кун ботиб боряпти-ю, ҳамон улардан дарак йўқ... Лаънати ҳали келсин, бир таъзирини бериб кўяйлик. Неча ботмон ерга уруғ сочганимизни айтиб бергани учун ҳам бурнини ерга ишқалашимиз керак. Кўпчилик ичида ўз отасининг обрўсини бир пул қилди-я. Илон боласини ўстирган эканман...— Шундан кейин қип-қизариб, гўлдиради.— Бияни аравага қўш!.. Йўлда кутиб оламиз!..

Максим узоқданоқ пичан ортилган арава ёнида Стёпка билан Прохорнинг қимирламай ўтирганини кўрди.

— Ота!.. Қара, хўкизлар кўринмайди-ку...— деб шивирлади Максим ўкиниб.

Яков Алексеевич кафтини пешонасига қўйиб, қараб турди-да, бияга қамчи урди. Арава ғадир-будур курук ердан шалдираб кетди. Максим лабини чапиллатиб, тизгинни айлантирар эди.

Яков Алексеевич гилдиракларнинг шалдир-шулдурини босиб кетган гулдурос бир товуш билан:

— Хўкизлар қани? — деб қичқирди.

Улар олдинги арава ёнида тўхтадилар. Максим арава тўхтамасданоқ сакраб тушиб, увишиб қолган оёқларини ёзди-да, пешонасини тириштириб шоша-пиша Стёпканинг олдига борди ва:

— Хўкизлар қани? — деб сўради.

— Йўқолиб қолди...— деб жавоб берди Стёпка...

Максим, йиртқич ҳайвондай қутуриб, чопиб келаётган отасига ўгирилди-да, ғазаби жўш уриб бўқирди:

— Хўкизларни йўқотишибди, ота!.. Сенинг ўглинг... у бизни хонавайрон қилди!.. Энди халта кўтариб, гадойлик қиламиз!..

Яков Алексеевич югурганича келиб, ранги ўчиб турган Стёпкани бир уриб ерга қулатди.

— Ўлдираман!.. Кекирдагингни узиб ташлайман! Тўғрисини айт, лаънати, хўкизларни сотдингми?! Савдогарлар билан келишиб шу ерга олиб келиб сотдингми... Шунинг учун пичанга бораман, деб жилпанглаб қолганминдинг!.. Га-пир!..

— Ота!.. Ота дейман!..

Бир чеккада Максим Прохорни ерга булғалаб урарди. Ўтиги билан корнига, кўкрагига, бошига тепарди. Прохор кафтлари билан юзини беркитиб, инграр эди.



Максим аравадан паншахани олиб, Прохорни силтаб турғизди-да, бўғилиб, секингина:

— Тўғриси айт, Стёпка икковинг хўкизларни сотдинларми? Тил бириктирганмидинлар? — деб сўради.

— Укажон!.. Гуноҳга ботма... — деб Прохор кўлини кўтарди. Куюқ қора қон дабдала қилинган оғзидан кўйлагига оқиб тушди.

— Айтмайсанми? — деди Максим шивирлаб.

Прохор ҳикичок тутиб, бошини силкиб йиғлади... Максим урган паншаха унинг чап бикинига оспа-осон, гўё ғарамга сукилгандай ботди. Қон дарров чиқмади...

Стёпка отасининг остида типирчилар, букчайиб, отасининг томирлари бўртиб чиққан, сариқ тукли, гурзидай кўлларини ўпар эди.

Яков Алексеевич хўл, шудринг тушган ерга Стёпкани парчинлаб туриб, хириллаб деди:

— Юрагининг тагига... ур...

\* \* \*

Уйга алламаҳалда келишди. Яков Алексеевич йўл бўйи аравада мукка тушиб ётди. Ўнқир-чўнқирдан ўтаётганда боши араванинг тагига дўқиллаб тегарди. Максим жиловини ташлаб, шимининг чангини кўли билан қокди. Хуторга етмасдан бидиллаб:

— Биз борганимизда улар ўлиб ётардилар... Хўкизлар учун ўлдирган бўлсалар керак... Хўкизларни олиб кетишибди-да... — деди.

Яков Алексеевич индамади. Дарвоза олдида уларни Максимнинг хотини Аксинья кутиб олди. У уйда тўқилган сурп юбкаси остидаги катта қорнини қашилаб туриб (унинг ой-куни яқин эди), гўё ачингандай:

— Бияни бекорга овора қилдинлар... Хўкизлар, ху ана, уйга қайтиб келди, ҳаром ўлгурлар. Айтмоқчи, Стёпка яна қидиргани қолдими? — деди-да, жавоб кутмасданок, ҳомуза тортди ва оғзини чўқинтириб, лапанглаганча уйга кириб кетди.



## ЛОЛАЗОР ДАШТ

Дон бўйида, офтобда ўтлари қовжираб, шипшийдам бўлиб қолган дўнг устидаги бир туп ёввойи тоғолча соясида Захар бобо иккимиз дам олиб ётибмиз. Барра булут остида сариқ калхат айланиб юрибди. Парранда тезагидан ола-чипор хол босиб кетган тоғолча баргларининг на сояси бор, на салқини. Иссиқдан қулоқ шанғиллайди; тепадан туриб, жимирлаб оққан Дон сувига ёки оёғимиз ёнида ётган буришиб кетган тарвуз пўчоқларига қарасак — оғзимиздан сўлак оқади-ю, лекин уни туфлаб ташлашга эринади киши.

Жардаги қурий бошлаган ботқоқлик атрофига қўйлар ғуж-ғуж бўлиб уюлмоқда. Қўйлар чарчаганидан қуйруғини кўтара олмайди, шалтоқ босган қуйруғини селкиллатиб, чангдан оғир-оғир йўталади. Тўғон ёнида каттакон бир қўзи кетинги оёқларини ерга тираб олиб қўнғир тусли онасини эммоқда. Ахён-ахёнда тумшуги билан елинни бир туртиб қўяди; онаси жонивор қисқа-қисқа маърайди, елинини бўшатмоқчи бўлиб букчайиб қолади, назаримда, қўзи жовдираб, йиғлай деб турганга ўхшайди.

Захар бобо менга ёнини ўгириб ўтирибди. У эғнидаги жун қўйлагини ечиб олиб, шапқўрлар сингари кўзларини қисиб, чоклар орасини тимирскилаб бир нима ахтаради. Бобо бир кам етмишга кирган. Орқасининг териси буришиб кетган, кураклари дўппайиб чиқиб қолган, бироқ кўзлари ферузадай тиник, кўкиш қошлари остидан чакнаб тикандай қадалади.

Бобо битни калтирок кокшол панжалари орасига олволиб, озор бермасдан авайлаб ушлаб туради, сўнгра уни нарироқ жойга, ерга астагина қўйиб юборади-да, наридан-бери чўқинтириб, пўнғиллай бошлайди.

— Қани, туёғингни шиқиллат, жонивор! Ўлимга тобинг йўқдир-а? Ҳа, жон ширин бўлади... Роса тўйибсан... текинхўр-эй...

Бобо инқиллай-инқиллай қўйлагини кияди-да, бошини қийшайтириб, ёғоч сувдондаги илиқ сувни симиради.

Ҳар ютинганда кескирдагидаги лўкидонни юқорига бир сапчиб кетади, бағбақасининг териси шалвиллаб, томоғининг икки ёғида иккита халтача осилиб қолади, соқолидан сув томчилайди, чала юмук кўзларида қуёш нури қизариб акс этади.

Сувдошнинг тикинини маҳкамлаётғиб, ер тагидан менга тикилади, кўзи кўзимга тушиши билан лабларини чалпиллатиб, кўзини опқочиб даштга тикилади. Жарнинг нарёғида сароб живирлайди, қизиб кетган тупроқ устида иссиқ шамол эсиб, чучмал исириқ ҳиди ашқитади. Бобо индамайди, сўнгра таёғини нарироқ суриб қўяди-да, тамакидан сарғайиб кетган бармоғи билан менга йирокни кўрсатади:

— Жарнинг нарёғидаги анови теракзорни кўряпсанми? Ўша ерда Томилин деган панларнинг кўрғони бўларди, Тополевка дейиларди. Унинг ёнида Тополевка деган кишлоқча ҳам бор, илгари крепостной деҳқонлар шунда туришарди. Отам кўзи юмилгунча панникида кучерлик қилди. Евграф Томилин деган пан отамни бир помешчик қўшнисидан ўргатилган турнага айирбошлаб олган экан, мен болалик кезимда бу гапни отамнинг ўз оғзидан эшитганман. Отам ўлгандан кейин кучерлик менга қолди. Ўша кезларда паннинг ёшиям олтиншга бориб қолганди. Ўзиям семиз, ранги қип-қизил эди. Ёшлигида пошшо саройидаги гвардияда хизмат қилган экан, хизматни тамомлагандан кейин, Донга келиб туриб қолибди. Паннинг Дондаги ерларини казаклар олиб қўйганлигидан ҳукумат унга Саратов губерниясидан уч минг ботмон ер ажратиб берган. Лекин пан бу ерларни саратовлик мужикларга ижарага қўйиб, ўзи Тополевкада истиқомат қиларди.

Ғалати одам эди ўзиям. Доим ханжар тақиб, асл мовутдан тикилган камзул кийиб юрарди. Баъзан меҳмонга бормоқчи бўлиб йўлга чиқардик; Тополевкадан чиқарчикмас:

— Ҳайдасанг-чи, искирт?— деб бақиради.

Мен отларга қамчи босардим. Ўқдай учиб борамиз — шамол етолмайди. Йўлда ариқ учраб қолади, денг, — баҳордаги эрувгарчиликда бундай ариқчалар ҳар қадамда учрайверади, — олдинги гилдирак силлиққина ўтиб кетади, лекин кетинги гилдираклар ўтаётганда бирам шалопплайдики, асти қўясиз!. Ярим чақиримча жойга борганимизда бирданига пан: «Оркага қайт, яна ўша жойдан ўтамиз!» деб бақиради. Менам қайтарман-у, роса ҳайдаб келиб, ҳалиги ариқдан яна соламан... Уч марта, тўрт мартагача қайтариб солавераман, ниҳоят извошнинг рессорими,

ниддирагимни, синади-ю, паннинг кўнгли жойига тушади: Иннайкаеини, пан демаганинг извошдан тушиб пиёда кетаверади, мен бўлсам отларни етаклаб кетидан бора-вераман. Яна битта ғалати эрмаги бор эди: кўрғондан жўнаймиз, ёнимга ўтириб олади-да, камчини кўлимдан тортиб олиб: «Ўртадагисини хайдасанг-чи!»— деб бакиради: Мен ўртага қўшилган хайдамани шундай учираманки, дўға кимир этмайди, пан бўлса ҳадеб четки отларни камчилайди. Ўзимиз ҳам уч от қўшиб чиққанмиз, икки чеккада асл Дон биялари илондай буралиб, бўйинларини гажак қилиб, елдай учиб боради.

Кутурган пан четки отларнинг барини савалай бошлайди, жонивор терлаб-пишиб, кўпириб кетади... Сўнгра ханжарини олади-ю, энгашиб туриб, отнинг айрили устара солгандай чирт этказиб кесади-кўяди. От жонивор суриганича бориб, икки саржин жойда муккасига гурсиллаб қулайди, бурнидан тирқираб қон келади,— тамом!.. Иккинчисиниям шу ахволда қийнаб ўлдиради... Ўртадаги от чопавериб ўлар ҳолатга келади, бироқ пан пинагини бузмайди, қайтага димоғи чоғ бўлиб, юзларига қон югуриб кулиб туради.

Бирон марта манзилга беташвиш етиб борганини билмайман: ё извошни сиидиради, ё отни ўлдиради-да, у ёғига пиёда кетади... Бир қайноғи ичида эди... Ўтган ишга салавот, кимдан ўтган бўлса — худога солдим... Қарасам, пан менинг хотинимга айланишиб қолибди, ўша кезлари у оксоч бўлиб ишларди. Баъзан хотиним қаролхонага энтикиб кириб келади: кўйлаклари бурда-бурда, йиғлаганига чидаб бўлмайти. У ёқ-бу ёғига қарайман: кўкраклари тишланган, пўст ташлаб бўлганича-бўлган... Бир куни пан мени дўхтир чақириб келгани жўнатди. Биламанки, дўхтир керакмас, гап қаёқдалигига тушундим, даштга чиқволиб қоронғи тушгунча пойладим-да, кечаси қайтдим. Хирмон ёқдан айланиб кўрғонга кириб келдим-у, отларни боғда қолдириб, камчини олволиб тўғри қаролхонага, хужрага бостириб кирдим. Эшикни тепвордим, жўрттага гугурт чақмайман, мундоғ кулоқ солсам, каравот ғижирлайди... Хўжайиним ўрнидан турар-турмас камчи билан солиб қолдим; ўзиям учига кўрғошин боғланган камчи эди-да... Қарасам, деразага тармашяпти, қоронғида пешонасини мўлжаллаб яна бир солдим. Деразадан ошиб қочиб қолди, хотинимни пича дўппосладим-да, ётдим. Орадан беш кун ўтгач, пан билан станицага борадиган бўлдик; мен извошнинг соябонини тузатаётсам, пан камчини

олиб, учини томоша қила бошлади. У ёгини айлантриб, кўрғошинини салмоғлаб кўрди-да:

— Хой, итдан тарқаган, нима учун камчининг учи-га кўрғошин боғлайсан? — деб сўраб қолди-ку.

— Ўзингиз буюргансиз,— деб туравердим.

Индамади, то биринчи жарга етгунимизча хуштак чалиб борди. Астагина бурилиб мундоғ қарасам: сочлари пешонасига тушган, шапкасини бостириб кийиб опти...

Икки йилдан кейин фалаж бўлиб қолди. Усть-Медведицага обордик, дўхтирларни чақириб келдик; пан бўлса чўзилиб ерда ётибди, аъзойи бадаши қорайиб кетган. Пачка-пачка юзталикларни чўнтагидан чиқариб биғиллайди, холос: «Мени даволанглар, аблаҳлар! Ҳаммасини сизларга бераман!..» дейди.

Жойи жаннатда бўлсин, пулиям қор қилмади. Бутун мерос офицер ўғлига қолди. Кичкинтойлигида ўлгудай шум эди: кучук болани тириклайин терисини шилиб, кўйиб юборарди. Отасидан қолишмасди. Катта бўлганидан кейин — жинниликни бутунлай йиғиштириб кўйди. Ўзи новча, қотма эди, кўзларининг таги сурма кўйган хотинларникига ўхшаб қорайиб турарди. Ипини осилтириб тилла гардишли кўзойнак тақиб юрарди. Герман уруши йилларида Сибирда асирлар устидан каттакон бўлиб турган, инқилобдан кейин бизнинг қишлоқда пайдо бўлиб қолди. Ўша кезлари раҳматлик ўғлимдан қолган икки невара каттакон йигит бўлиб етилишган эди; тўнғичи Семёни уйлантирдим, кенжаси Аникушка ҳали ўспирин эди. Шулар билан бирга кун кечириб, қолган умримни шуларга бағишлагандим. Кўклам пайти яна инқилоб бўлди. Бизнинг мужиклар бойваччани кўрғондан қувиб юборишди; ўша кунийёқ Семёним мужикларни гапга солиб, паннинг ерсувларини тақсимлашга, дов-дастгоҳини уйларига олиб кетишга кўндирди. Шундай қилиб, паннинг молу ҳол, буюмлари олган-олганники бўлди, ерини тақсим қилишиб, ҳайдай бошлашди. Орадан бир ҳафта ўтдими-йўкми, пан казак аскар тўплаб бизнинг қишлоқни қиличдан ўтказгани келяпти, деган шумхабар тарқалди. Дарҳол йиғин чақирдик-да, станциядан қурол-яроғ обкелишга иккита арава жўнатдик. Муборак ҳафта кунлари Қизил гвардиядан қурол обкелдик. Тополевканинг нарёғидан то паннинг ҳовузига довр узун хандақ казилдик.

Ҳув анави исирик ўсган жойини кўряпсанми — худди ўша ердаги жарнинг нарёғида тополевкалик мужиклар пистирма қилиб ётиб олишди. Менинг Сёмкам билан Аникейим ҳам ўша хандақда эди. Эрталаб хотинлар овқат

обориб беришди, кун энди найза бўйи кўтарилганда дўнгда отликлар қораси кўринди. Қиличларини ялт-юлт қилиб, ёйила бошлашди. Фарам тагидан қараб турсам оқ от минган олдинги одам қиличини силтаб команда бериши билан казаклар дўнгдан ўқдай отилиб туша келди. Югуришига қараб паннинг пойгачи отини, отига қараб эгасини танидим... Бизникилар икки маротаба казаклар ҳамласини даф қилишди, бироқ учинчи мартаси улар ҳийлаю найранг билан пайт пойлаб туриб ортдан бостириб келишди, ана иннайкейин, бўлди чоп-чоп, бўлди қирғин... Кун ботиш маҳалига бориб жанг тугади. Уйдан кўчага чиқиб мундоғ қарасам: отликлар бир тўда одамни паннинг кўрғони томон ҳайдаб боряпти. Ҳассамни олволиб менам ўша ёққа равона бўлдим.

Кўрғоннинг ҳовлиси тополеваллик мужиклар билан лиқ-лиқ тўлибди, худди манави кўйларга ўхшаб гуж-гуж тикилиб кетибди. Атрофини казаклар ўраб олибди... Яқинроқ бориб:

— Оғайнилар, менинг невараларим қани? — деб сўрадим.

Оломон орасидан икки неварам овоз берди. Тўрт оғиз гаплашиб олдим, қарасам, пан зинапояга чиқди, мени кўриб:

— Захар бувамисан ўзинг? — деб сўраб қолди.

— Ҳа, менман, жаноби олий, — дедим.

— Бу ерга нега келдинг?

Мен зинапояга яқинроқ бордим-да, тиз чўкдим.

— Невараларимнинг гуноҳини сўраб келувдим. Ўзинг шафқат қил, пан! Жойи жаннатда бўлгур даданг раҳматликка умр бўйи хизмат этганман, жонимни аяганмасман, ўшанинг юз-хотири, қарилигим ҳурмати, менга раҳм қил!..

— Гап бундай, Захар бува, — деди у, — дадамга қилган хизматларингни сира унутмайман, бироқ невараларингни озод қилолмайман. Чунки булар ашаддий фитначилар. Тақдирга тан беравер, бува.

Мен унинг оёқларини кучоқлаб, зинапоядан судралиб, ялиниб-ёлвордим:

— Гуноҳидан ўт, пан! Барака топкур. Захар бобо сенга парвона бўлиб, хизмат қилганини унутма, невараларимнинг ёстиғини қуритма, Сёмкамнинг чақалоғи бор, етим қолади-я!

Пан хушбўй папиросини олиб чекди, тутунини осмонга пуфлаб:

— Бориб айт ўша аблаҳ невараларингга, менинг ол-

димга киришсин, агар тавба қилиб, уз сўрашадиган бўлса — майли, гуноҳидан ўтиб, ўз отрядимга қўшиб олай. Балки астойдил хизмат қилишиб оғир жиноятдан ўзларини оқлаб олишар, — деди.

Мен чопқиллаганимча ховлига чиқдим, невараларим ёнига бориб қўлларидан судрадим.

— Боринглар, олдига кириглар, тентаклар, бошларингни оёғига уриб, гуноҳларингдан ўтишини сўранглар!

Семёним лоақал бошини кўтариб карамади ҳам. Чўнкайиб ўтириб олиб, чўп билан ер чизади, холос. Аникушка менга тикилиб бирданига:

— Сен бориб панингга: Захар бобо бутун умри бош эгиб, тиз чўкди, ўгли ҳам шу аҳволда дунёдан ўтиб кетди, бироқ невараларининг бунга тоби йўқмиш дегин. Худди шундай дегин панингга!

— Бормайсанми, итвачча?

— Бормайман!

— Сени-ку кетингда оғирлигинг йўқ, ўлик-тиригинг баб-баравар. Сёмкани нима қилмоқчисан-а? Хотиниминам чақалоғи нима бўлади?

Қарасам, Семённинг қўллари қалтирайди, алланимани ахтараётган одамдай ер чўқилайди-ю, лекин чурқ этмайди. Оғзини чирт юмиб опти.

— Бува, бор, бу ерда турмаям, юрагимизни эзмаям, — деб ялинди Аникей.

— Ҳеч ёққа бормайман, шўртумшуқ! Биласанми, бир гап бўлса акангнинг хотини Анисья ўзини ўлдиради-я!..

Семённинг кўлидаги чўп кирс этиб синди. Турибман қараб. Чурқ этишмайди.

— Сёмка, кўзингни оч ахир, паннинг олдига бора қол, жигарпорам!

— Кўзимиз очилди, бува! Бормайман! Сен бориб ялин! — деб шанғиллайди Аникушка.

— Паннинг олдида тиз чўкканимни юзимга сояпсанми ҳали? Майли, қаридим энди, мен она сути эмган эмасман, паннинг қамчисини еб катта бўлганман... Майли, ўз невараларим олдида тиз чўкиб ялинишдан ор қилмайман.

Тиз чўкдим, бошимни ерга уриб ялиндим. Мужиклар юзини тескари ўгириб олишди, кўришга тоқат қилишолмади чоғи.

— Бува, кет... Ҳозир кет, йўкса ўлдираман! — деб бақириб юборди Аникушка; оғзидан кўпик чиқариб, тузоққа тушган бўриникидай кўзлари ола-кула бўп кетибди.

Изимга қайтиб, яна пан олдига кирдим. Оёқларини кучоқлаб, тепивормасин деб маҳкам кўксимга босиб олдим,

қўлларим тарашадай қотиб, тилим калимага келмайди.

— Невараларинг қани? — деб сўради.

— Келгани қўрқишяпти, пан... — дедим.

— Ҳа, қўрқишяпти, дегин... — Бошқа ҳеч гап айтмади.

Оғзимга этиги билан тепиб юборди-да, пешайвонга чиқди.

Захар бобонинг ўпкаси тўлиб, энтикиб нафас ола бошлади, юзлари бужмайиб оқариб кетди; томоғига бир нарса тикилиб, ҳўнграб юборишига сал қолди, лекин зўр кийноқ ичида бир амаллаб ўзини босиб олди-да, қовжираган лабларини кафти билан артиб тескари қаради. Жарликнинг нариги томонидан калхат якка қанотлаб келиб, кўкатзор ичига бир шўнғиди-ю, оқ пар бизғалдоқни кўтариб кўкка парвоз қилди. Патлар ҳамма ёққа тўзиб кетди, оппоқлигидан кўкатлар устида йилтираб, кўзини қамаштириб юборди. Захар бобо бурнини қоқиб, кўлини кўйлак этагига артди-да, яна гапира бошлади:

— Паннинг кетидан мен ҳам зинапояга чиқдим, қарасам — келиним Анисья боласини кўтариб чоқиб келяпти. Худди ана шу калхатдай учиб келиб, ўзини эрига ташлади-ю, унинг бағрида қотди-қолди...

Пан вахмистрни чақириб Семён билан Аникушкани кўрсатди. Вахмистр олти казакни олволиб, невараларини чорбоғ томонга ҳайдаб кетди. Менам кетма-кет боравердим. Анисья бўлса, чақалоқни ховлининг ўртасига ташлаб, паннинг кетидан қолмайди. Семёним энг олдинда тез-тез юриб кетяпти, отхонага етганда ерга ўтириб олди.

— Бу нимаси? — деб сўради пан.

— Этигим оёғимни қисяпти, асти чидаб бўлмайди, — деб кулади Семён.

Этигини ечиб, менга узатди.

— Манавини маза қилиб кийиб олгин, бува. Чармлари икки қават, асл булғори, — дейди.

Этикни олволдим, яна юридик. Чорбоққа етгандан кейин, казаклар уларни четан девор тагига қатор қилиб тизиб қўйиб, милтиқларини ўклашди; пан ҳам ўша ерда: кичкина қайчи билан тирноғини оляпти, қўллари оппоқ.

Мен ундан илтимос қилиб:

— Рухсат этсангиз — кийимларини ечиб олсам. Кийимлари ҳали туппа-тузук, камбағалчиликда бир кунимизга яраб қолар, — дедим.

— Майли, ечинишсин, — деди.

Аникушка чалворини ечди, астарини ағдариб четанга илиб қўйди. Чўнтагидан тамаки халтасини олиб, паширос чекди; оёқларини кериб, ҳалка-ҳалка тутун буркситиб, четан устига тупуриб тик тураверди... Семён қип-яланғоч



бўлиб олди, бўз иштоничиям ечиб ташлади, бошида фақат шапкаси қолди, эсига келмади чоғи... Гоҳ иситмам чиқади, гоҳ совуқ қотаман; пешонамни ушлаб кўрсам, муздай тер қуяди... Иккиси ёнимда турибди... Семёнинг кўксини жун босиб кетган, қип-яланғоч, фақат бошида шапкаси қопти, холос... Анисья — хотин эмасми, эрининг қип-яланғоч шапка кийиб турганига тоқат қилолмай, югуриб бориб, уни чирмовуқдай ўраб олади, Семён бўлса, уни кўксидан туртиб ҳайдамоқчи бўлади.

— Йўқол, эси паст!.. Одамлардан уялмайсанми?.. Қилиғинг курсин, кўриб турибсанки, қип-яланғочман... уят бўлади...

Анисьянинг рўмоли бошидан тушиб, сочлари тўзиб кетди.

— Иккаламизни кўшиб отинг!..— деб овози борича чинқириб юборди у.

Пан қайчини чўнтагига солиб:

— Отайми?— деб сўради.

— От, лаънати!..

Панга шундай деди-я!

— Эрига кўшиб боғланг!— деб буюрди пан.

Анисья хушини йиғиб олиб, ўзини опқочмоқчи бўлди-ю, бироқ вақт ўтган эди. Казаклар кула-кула нўхта билан уни Семёнга кўшиб боғлашди... Эси паст жувон ўлгур йиқилиб тушди, эриниям судраб йикитди... Пан тепаларига бориб тишини ғижирлатиб:

— Балки, етим қоладиган боланг ҳурмати учун энди узр сўрарсан?— дейди.

— Сўрайин, жаноби пан,— деб инграйди Семён.

— Энди худодан сўра, мендан сўрайдиган пайтни ўтказивординг!..

Иккаласини ерда ётган жойларида отиб ўлдиришди... Аникушка ўқ теккандан кейинам чайқалиб тураверди, анчагача йиқилмади. Олдин тиззалаб қолди, иннайкейин шартта ёнга бурилди-да, чалқанчасига қулади. Пан тепасига бориб, жудаям мулойимлик билан:

— Тирик қолишни истайсанми? Истасанг — узр сўра. Майли, эллик дарра ургизиб фронтга жўнатайин,— дейди.

Аникушка оғзини тўлдириб тупук олди-ю, бироқ тупуришга мажоли келмади — тупуклари эмчагидан оқиб тушди... Ғазабу нафратидан бўрдай оқариб кетди, лекин кўлидан нимаям келарди: уч ўқ уни илма-тешик қилиб юборди...

— Судраб обориб йўлга ташланг!— деб буюрди пан.

Казаклар судраганча четан девордан ошириб, кўчага обориб ташлашди. Худди ўша пайт Тополевкадан станицага

кетаётган казаклар сотняси кўриниб қолди, иккита тўплари ҳам бор. Пан четан девор устига хўроздай сакраб чиқди-ю, кичкира бошлади:

— Хой, тўпчи, тезроқ хайда, тиккасига бостириб ўтавер!..

Сочларим тикка бўп кетди. Кўлимда Семённинг кийимиминам этиги, оёғим қалтирайди, тиззам букилади, йиқилиб тушай дейман... Жонивор, от зотига дуо кетган, биронтасиям Аникушкамни босмади, устидан ҳатлаб кетаверди... Четанга қапишиб олганман, кўзимни юмолмайман, оғзим қакраб, тилим танглайимга ёпишиб кетган... Тўп ғилдираги Аникей оёқларини босди... Худди қотган нонни синдиргандай қисирлатиб юборди... Жон азобига чидаб бўладими — ўлди бечора Аникейим, деб ўйладим мен, бироқ у додламадиям, лоакал вой деса-чи... Бошини ерга маҳкам тираб олиб, кап-кап тупрокни оғзига тикади... Тупроқ чайнайди, холос, лекин кўзини пандан олмайди, киприк қокмай тикилади; кўзлари бирам равшан, бирам тиник, худди мана шу осмонга ўхшайди.

Ўша куни пан Томилин ўттиз кишини отиб ўлдирди. Ёлғиз Аникейгина бирсўзлиги сабабли тирик қолди.

Захар бобо сувдонни кўтариб, анчагача энтика-энтика сув ичди. Сўнгра қовжираган лабларини артди-да, истаристамас гапида давом этди:

— Йиллар ўтиб, ҳаммаси эсдан чиқди-кетди. Ёлғиз ўша хандақлар қолди; бизнинг мужиклар шу окопларда жанг қилиб, ерни қўлга киритдилар. Хандақларни ҳозир ўт ва юлғун босиб кетган... Аникейнинг оёқлари кесиб ташланган, қўли билан эмаклаб, гавдаси ерда судралиб юради. Афтига қаралса, вақти чоғ кўринади, Семённинг ўғли билан ҳар куни дарвоза ёнида бўй ўлчашади. Боляям катта бўп қолди, ҳадемай ундан бўйи ўсиб кетади... Қишда, баъзан тор кўчага чиқади, одамлар молларини суғоргани хайдаб ўтса, қўлларини кўтариб йўлнинг қоқ ўртасида ўтириб олади... Хўкизлар хуркиб, музлаган жойдан қочиб қолади, тайғалоқлаб-тайғалоқлаб аранг қутулади, у бўлса, хузур қилиб кулади... Бир куни қизиқ бир нарсани пайқаб қолдим... Кўклам кези бизнинг коммунага қарашли трактор казак ерлари чегарасининг нарёғида ер хайдаётган эди, Аникей ҳам тракторга тушиб ўша ерга борди. Мен ўша атрофда қўй боқиб юрувдим. Қарасам, Аникейим шудгорда эмаклаб келяпти. Қани кўрай-чи, нима қиларкин деб қараб туравердим. Аникей у ёқ-бу ёғига қаради: ҳеч ким йўқ, ерга мукка тушиб ётиб олди-да, лемех ағдариб ташлаган бир палахса тупроқни кучоқлаб, бағрига

босиб, силаб-сийпаб ўпа бошлади... Йигирма бешга қадам кўйди, ер ҳайдамай дунёдан ўтиб кетяпти... Шуниси алам қилди чоғи...

Кўкимтир тусга кирган окшом кўйнида лолазор дашт-ни мудроқ босди, асалари ҳам гули тўкила бошлаган исирикдан бугунги улуш шарбатини сўриб бўлди. Новот рангда товланган чалов эса — попуқларини кўз-кўз қилиб чайқалади. Бир кўра кўй қирдан тушиб Тополевка томон жилмоқда. Захар бобо таёққа таяниб, индамай келяпти. Билкиллаган чанг йўлда ҳар хил из кўринади: бири — япалоқ-япалоқ, яккам-дуккам, бу бўрининг изи; иккинчиси — кўш чизик тортиб ернинг титигини чиқариб юборибди, бу — тополевкалик мужиклар тракторининг изи...

Ёлғизоёқ йўл ажриқ босиб кетган қадимги Гетман кўчасига кўшиладиган жойда ҳалиги икки из икки ёққа кетган. Бўрининг изи жар томонга, бурган билан ёввойи тоғолча босиб кетган чакалакзорга бурилган; йўлда биттагина из қолган, бу салобатли; ажойиб издан керосин тутунининг аччиқ ҳиди келади.



## БАТРАКЛАР

### I

Тик кесиб тушган кўнғир тепа тагида, сойнинг икки томонини қоплаб кетган самбиттолар қуршовида, чириб, пўпанак босиб кетган четан деворлар билан ўралган боғлар орасида Даниловка қишлоғига қарашли кўримсиз кулбалар ўтган-кетганларнинг беор назаридан ўзларини олиб қочмоқчи бўлгандай, бир-бирларининг пишжиги сукилиб туришарди.

Қишлоқда юздан ортиқ хонадон бор. Соё ёқалаб кетган катта кўчада ўзига тўқ мужикларнинг уйлари қад кўтарган бўлиб, бу уйлар бир-биридан узоқ-узоққа жойлашган. Бу кўчадан ўтган киши у ерда ўз ишига пухта, бадавлат одамлар яшашини дарҳол пайқайди: уйларнинг томлари тунука ва черепица билан ёпилган, пирамонлари кунгирали ва жимжимадор қилиб ишланган, кўк рангга бўялган дераза қопқоқлари шамолда мағрурона гичирлаб, ўзига тўқ уй эгаларининг роҳат ва фароғатда кун кечириётганидан ҳикоя қилаётгандек туюлади. Бу кўчадаги уйларнинг дарвозалари тахтадан, пишиқ қилиб ишланган, четан деворлари яп-янги, кўраларида омборхоналар қад кўтариб туради, кўппаклар занжирларини шилдиради, жон-жаҳди билан ириллаганча ақиллаб, ўткинчиларга ташланади.

Қишлоқнинг иккинчи кўчаси қинғир-қийшиқ, торгина бўлиб, тепанинг ёнбағридан ўтади, икки ёнида самбиттолар ўсиб ётади. Шунинг учун у устига ишқомдек ёпилган ям-яшил дарахтлар остидан шамолда чанг-тўзон тўлқинларини ўйнатиб, четан деворлар остига тўкилган кул уюмларини гирдоб қилиб учуриб гўё соё каби пастга томон оқиб тушаётгандек туюлади. Бу кўчадаги уйларни уй эмас кулба деса бўлади. Ҳар бир кулба дарчасидан, сийраккина қоқилган чириган қозик деворлар билан ўралган ҳар бир кўра эшигидан қашшоқлик мўралаб туради.

Бундан беш йилча бурун шу кўчадаги уйларга ўт тушиб, кули кўкка соврилди. Мужиклар ёниб кетган ёғоч уйлар ўрнига сомонли лойдан кулбалар қуриб олдилар, аммо ўшандан бери уйи куйган мужиклар бошидан қашшоқлик аримади, улар жуда абгор бўлиб қолишди...

Ёнғин вақтида қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарининг бари куйиб ишдан чиққан эди. Биринчи кўклам келганда бир амаллаб ер ҳайдаб, экин экиб олишди-ю, бироқ экин битмади, мужикларнинг умидлари пучга чиқди, қадлари камондай букилиб қолди. Бир илож қилиб ишимизни йўлга солиб оламиз деган орзулари гўё шамолда соврилгандай гойиб бўлди. Ўшандан бери уйи куйганлар сарсон-саргардон бўлиб, муҳтожликда яшай бошладилар: баъзилари садақа билан кун кўрсалар, бошқалари Кубанга, маъмурчилик мўл жойга жўнаб кетдилар; бироқ киндик қони тўкилган қишлоқ доимо уларни ўз қучоғига қорларди, мужиклар яна бирин-кетин Даниловкага қайтиб келишар, юзларини саргайтириб бой деҳқонлар олдига боришар ва икки букилиб:

— Мени қарол қилиб ол, хўжайин... Бир бурда нон берсанг бас, жонимни аямай ишлаймаман,— дейишарди.

## II

Эрталаб, тонг энди ғира-шира ёриган пайтда Наум Бойцовниқига поп Александрнинг хизматкори кириб келди. Наум кўшнисидан сўраб олган отни аравага қўшиб турган эди, шу сабабдан яқинига келиб қолган хизматкорнинг оёқ товушини эшитмади. Унинг хаёли бошқа ёқда бўлганидан:

— Ҳорма, Наум амаки!— деб тўсатдан шанғиллаб айтилган гапдан чўчиб тушди.

Наум ялт этиб унга қаради-да, отнинг хомутбоғини тортар экан, бўш турган чап қўлини шапкасига тегизиб кўйди.

— Бор бўл, ҳа, нима ишинг бор эди?

Ишдан қўли бўшагани учун хурсанд бўлган хизматкор тўнтариб қўйилган, майишиб қолган тахта мола устига ўтирди-да, қўйлагининг енгини кафтига тортиб, учи билан пешона терини артди.

— Сенга бир ишимиз тушиб қолувди,— деди хизматкор шошмай-пишмай; афтидан, бахузур суҳбат қилиб ўтиришни истагани кўриниб турарди:

— Нима иш экан?— деб сўради узилган чилвир билан овора бўлиб қолган Наум.

— Гап бундай: мен хўжамга анчадан бери нукул: «Ҳой таксир, агар сиз айгирини ахта қилмоқчи бўлсангиз, у чокда...»

— Гапни кўп чўзма, калта қил!— деб шартта гапни бўлди Наум.— Айгирини ахта қилишми? Шундай дегин-қўйгин-да, вақт зик, ҳозир далага кетишим керак.

— Ҳа, айғирни,— деб гапни тамомлади хизматкор норози оҳангда.

— Боравер, ҳозир келармиш, деб айт.

Хизматкор эринибгина ўрнидан турди, шимига ёпишиб қолган янги пайраҳани қоқиб туширди-да, оёқларининг учи-га қараб:

— Теварак-атрофда сени яхши ўтачи — от табиби деб мақташади. Бу-ку, рост гап-а, лекинига ўзинг меҳри оқибати йўқ одамсан-да. Ҳеч мириқиб гаплашиб бўлмайди. Ўлгудек кўрс, дағал одамсан!— деди.

— Булган-турганим шу, огайни, айбга буюрмай-сан.

— Менга нима... Лекинига одамга алам қиларкан... Барибир, сен бўлмасанг бошқа хоҳлаган одамимни топиб гаплашавераман.

— Ҳа, балли, ўзинг билан гаплашадиган битта-яримта қўли бўш одамни топа қол,— деди Наум фақат кўзлари билан кулимсираб. У ялпайиб кетган яланг оёқларини катта-катта босиб, гурс-гурс қадам ташлаб, шошилмасдан тўғри уйига кириб кетди.

Хизматкор аллақадан шамол учуриб келган янги бир пайраҳани энгашиб ердан олди-да, уни найга ўхшатиб ўрар экан. хўрсиниб қўйди. Кейин якка кифт бўлиб, хотин кишидек белидан пастини лапанглатиб кўча бўйлаб юриб кетди. У гўё орқасидан шамол зўрлаб итариб кетаётгандай истар-истамас борарди.

Наум уйига кириб, қозикдан бир ўрам арқон олди. У арқон туғунини ечар экан, печь томонга юзланиб, овқат пишираётган хотинига кулиб боқди.

— Ахир бир жойдан етқизиб қолар, деб айтмовдимми сенга! Поп Александр айғирини ахта қилдирмоқчи бўлибди, ҳозир хизматкори келиб кетди. Хизмат ҳақимга ярим пуддан кам ун берса — кўнмайман.

— Хизматкорини юборибдимиз?— деб қайтадан сўради суюниб кетган хотини.

— Ҳа, ҳозир кетди.

— Нон-насибамиз бор экан. Мен бўлсам, эрим ер ҳайдагани кетяпти, қўлига бериб юборгани уйда бир бурда ҳам нон йўқ, деб куйиб ўтирувдим.

Наум тиржайиб қўйди, шунда унинг чўққи соқоли бир ёққа кийшайиб, қорайиб кетган зич тишлари кўрншиб кетди. У илжайганида ёш бўлиб кўринар, қаҳрли юзи мулоиймлашар эди.

— Фёдор, сен ҳам юр, менга қарашасан. Бияни аравадан чиқарма, шундоқ тураверсин,— деди у ўғлига.

Ўн олтига кирган, юзи худди отасиникига ўхшаган, отасидек суяги бузуқ, кенг яғринли Фёдор шоша-пиша йиртиқ кўйлаги устидан янги камарини боғлаб олди ва отасига эргашди. У худди отаси сингари яланг оёқларини шахдам-шахдам босиб, ёшига қараганда анча бақувват кўлларини саланглатиб хиёл букчайиброқ кетиб борарди.

Поп Александр уларни ўз уйи олдида кутиб турарди. Унинг чуваккина, қотма юзидан қон оқиб тушар, пешонаси тоза сочиқ билан танғилган эди. Сочиқ остидаги қийиқ кўзлари ҳар ёққа олазарак бўлиб боқарди.

— Яқинига йўлаб бўлмайди,— деди у сўрашиб туриб.— Бадбахт ҳайвон, ғирт асов-а!..— Попнинг дўриллаган, йўғон овози паканагиға, қотма гавдасига мутаносиб эмасди,— мен нўхталамоқчи бўлудим, худди итдек тишлаб олса бўладими! Пешонаминг бир қават терисини шилиб олди, аблаҳ, азбаройи худо!..

Ҳар гапга кулаверадиган Фёдор ўзини тийишга уриниб қип-қизариб кетди, отаси унга бир хўмрайиб қараб қўйди-да, ҳовли томон юрди.

— Қаерда ўзи?

— Отхонада.

— Тағин битта арғамчи берсангиз, тақсир.

— Эҳтиёт бўлиш керак...— деди поп дудмалланиб.

— Бир амаллаб ювош қилиб қўямиз. Бундан бешбаттар асовларининг ҳам попугини пасайтириб қўйганман,— деб жавоб қилди Наум озгина мақтанган бўлиб, сўнгра эпчиллик билан арғамчининг учини ўраб чигил сиртмоқ тугди.

Фёдор, поп ва хизматкор эшик олдида қолишди, Наум чап кўлига арғамчини ўраб олиб, ўнг кўлига эман ёғочидан кесиб олинган калтагина хўл сўйилни маҳкам ушлаб турар эди.

— Эҳтиёт бўл, Наум амаки, гурсиллатиб соп қолмасин тағин!— деди кулиб попнинг хизматкори.

Наум жавоб қилмади, эшикнинг турмини кўтариб қўйди-да, отхона ичи қоронғи бўлганидан, кўзларини кисиб остонадан ҳатлаб ўтди.

Икки минутча гурс-гурс этган овозлар эшитилиб турди. Фёдорнинг юраги дук-дук уриб, отам: «Келинлар, ушлаб туринлар! тезроқ!..» дермикин деб қутиб турди, бироқ шу маҳал бир нарса гурсиллаб тушгандай бўлди, айғир пишқириб юборди, «гуп» этган, сўнг инграган овоз келди... Тахта тўшама устида дукур-дукур туёқ товуши эшитилди, гўё

бирдан қаттиқ шамол тургандай, эшик тарақлаб очилиб кетди-ю, қоронғи отхона ичидан бошини ғоз кўтариб от сакраб чиқди. У бир сакрашда гўнг уюми устидан ирғиб ўтиб, бир лаҳза қимир этмай туриб қолди — унинг қора терга чўмган икки сағриси кириб-чиқиб турар, чочов думи ҳилпирарди, сўнг бир сакраб девор устидан ўтди-да, кўчанинг оппоқ чангини тўзитиб кўздан ғойиб бўлди.

Отхонадан гандирақлаб Наум чиқиб келди. У икки қўли билан оғзини беркитган, чап қўлида узилган аргамчининг қолдиғи осилиб турарди... У ҳовлига чиқиб, худди маст кишидай йигирма қадамча гандирақлаб, физиллаб борди-да, деворга кўкраги билан урилди ва оёқларини қорнига букиб чалқанчасига йиқилди. Фёдор қўлидаги аргамчининг улоқтириб ташлаб додлаганича отасининг тепасига чопиб борди.

— Дада!.. Нима бўлди сизга?!

Наум хирилдоқ, паст овоз билан энтика-энтика гапирга бошлади.

— Тўшимга... тепди... Суягимни синдирди... Одо бўлдим!.. Вой кўкрагим, юрагимнинг остига... — Унинг нафаси хириллаб чиқар, қаттиқ оғриқдан нурсиз кўзлари қинидан чиқиб кетай деб турар эди, ҳикичоғи тутиб, оғзидан қон кела бошлади-ю, йиғлаб юборди.

Уни кўтариб бостирма тагига ётқизишди. Кўтариб олиб боргунарлича ҳовли бўйлаб қон изи маржондек тизилиб қолди. Наум икки букчайиб қолган, ғарғара қилар, эгнидаги кўйлагининг ёқасини йиртар эди. Ҳар гал нафаси чиққанда мажақланган кўкраги ичига чўкиб кетар, сўнгра кўкрагининг ҳар ер-ҳар ери туртиб чиқиб лопиллаб турарди.

Ўн минутлардан кейин у енгил тортгандай бўлди. оғзидан келаётган қон тўхтади, фақат лабларининг четида доларанг тупуги кўпикланиб турарди. Қўрқиб, эси чиқиб кетган поп бир графин самогон олиб келди ва Наумга зўрлаб уст-устига уч стакан ичирди, сўнгра энтикиб:

— Сени рози қиламан... ҳақингни тўлайман... лекин уйингга жўна... ўғлинг етаклаб олиб боради. Бир гап бўп қолса, балога мен қолайми? Наум, худо хайрингни берсин, бора қол. Бола-чақанг олдида жон берасан... Барака топкур, уйингга кет. Сени деб жавобгарликка тортилишга тобим йўқ, — деди.

— Ўлиб қолсам... хотинимга... тўлайсан, — деди Наум нафаси тикилиб.

— Кўнглинг тўқ бўлсин... Сен учун ўзим черковга бориб, гуноҳингни ювиш учун дуо ўқитаман... Фёдор, отангни суяб турғиз.



Поп Наумнинг қўлтигига кирди, лекин у дарҳол оёғини чўзиб, бўғик овоз билан додлаб юборди:

— Вой, мадорим йўқ...қ! Вой жоним! Соб бўлдим! Ўлади... ганга ўхшай...ман!— У шундай деб туриб бирданига жон аччиғида чинқириб юборди.

Фёдор афтини хунук қилиб бужмайтириб йиглаб юборди; попнинг хизматкори бир чеккада оёғи билан ер чизиб аҳмоқона тиржайиб турарди...

Наум оғзини каппа-каппа очиб ўрнидан турди. Бутун оғирлигини Фёдорнинг елкасига ташлаб осилиб олди ва оёғини зўрға босиб юриб кетди.

— Уйингга бор деяптилар тақсирим... кетайлик...— деди у қисқагина қилиб.

У туртиниб-суртиниб борар, лекин лабларини маҳкам тишлаб олиб, йўлда бир марта бўлса ҳам «иҳ» демади, фақат кўз ёшидан ҳўл бўлган юзи устида қошлари пир-пир учиб турарди. Уйига қирқ саржинча қолганда юлқиниб Фёдорнинг қўлидан чиқди-да, бақирганича четан деворга юраверди. Фёдор дарров унинг қўлтиғидан ушлаб олди, шунда, ерга тушиб кетаётган отасининг гавдаси жуда оғирлашиб кетганини ва уни кўтариб туришга қуввати етмаслигини ҳис этди. Отасининг боши шилқ этиб тушган, хиёл юмилган киприклари остидан унинг қотиб қолган, ўликларгагина хос жиддий кўзлари бақрайиб турарди.

Одамлар югуриб келишди. Аллаким Наумнинг қўлини ушлаб кўрди, кимдир ё кўрқиб кетганидан, ёки ажабланганидан:

— Жони узилибди!.. Ана, холос!— деб қўйди.

### III

Отани кўмишгандан кейин, орадан уч кунми, тўрт кун ўтганида, Фёдордан онаси:

— Энди қандоқ қиламиз, ҳолимиз нима кечади, а, Федя?— деб сўради.

Фёдорнинг ўзи ҳам отаси ўлгандан кейин каловлаб нима қиларини билмай қолган эди.

Оила бошлиғи бўлганда — ҳамма иш саранжом-саришта, турмушлари худди оғир юк ортган аравадай гумбурлаб ўтиб турарди. Ахён-ахёнда дўппи тор келиб қолган пайтлар ҳам бўларди, лекин Наум уй-рўзғор ишларини шундай яхши йўлга қўяр эдики, унинг оиласи ҳатто очарчилик йили ҳам унчалик қийналмаган эди, бошқа пайтларда эса дуруст яшашарди: биринчи кўчада яшовчи бадавлат мужиклардек мол-дунёси ошиб-тошиб ётмаса ҳам,

ҳар ҳолда, иккинчи кўчада, ўзга девор-дармиён қўшни бўлиб яшовчи мужикларга ўхшаб муҳтожликни билмасди. Энди эса, рўзгор ишларига бош бўладиган одам ўлгач, фақат Фёдор эмас, онаси ҳам талмовсираб қолди. Бир амаллаб ярим ботмон ерни ҳайдашди, қўшнилари Прохор буғдой сочиб берди, лекин экин яхши унмади — нимжонгина, яккам-дуккам бўлиб ниш урди.

— Энди, ўғлим, сен бориб тузукроқ одамларга қарол бўлиб ёллан, мен бўлсам эшикма-эшик юриб хайр-садақа сўрай...— деди бир куни онаси.— Зора, бир-икки йилдан кейин бир отга етарли пул тўпласак, ўшанда рўзгоримизни тиклаб олардик... Нима дейсан?

— Ўйлаб ўтиришдан фойда йўқ,— деди ўшайиб туриб Фёдор,— минг ўйлаган билан, барибир, малайлик қилмай илож йўқ...

Ўша куни кечқурун Фёдор қўшни Хреновское қишлоғида яшовчи энг катта бой — Захарнинг уйи остонасида кўлида отасининг кўп кийилавергандан ёғи чиқиб кетган картузини ғижимлаб турар ва кийналиб гапирарди:

— Ҳалол ишлаб бераман... ишдан кўрқмайман. Иш ҳақиға — берганингизни оламан.

Нимжон, ичида аллақандай дарди борлигидан букчайиб қолган мужик Захар Денисович эса пиллапояда ўтириб, маъносиз, бетайин кўзларини бақрайтириб Фёдорга бошдан-оёқ разм соларди.

— Менга хизматкор керак дейишгани рост. Фақат шуниси борки, ҳали жуда ёшсан, боласан, мужикчалик кучинг ҳам йўқ, мужикчалик ишлай олмайсан ҳам, бу турган гап. Хўш, хизмат ҳақингга қанча сўрайсан?

— Берганингиз.

— Майли, айта қол.

Фёдор терлаб кетди, картузини бир силкиди-да, қизариб кетиб бошини кўтарди.

— Шундай нарх қўйингки, сиздан ҳам кетмасин, мендан ҳам.

— Ойига ярим сўм, бўлгани шу. Овқат мендан, кийим-бош ўзингдан. Нима дейсан?— У Фёдорнинг юзига савол маъносида қараб қолди.— Розимсан?

Фёдор кўзларини сузганича, бўш кўлининг бармоқларини тез-тез ўйнатиб ҳисоблай бошлади: «Ойига ярим сўм бўлса, икки ойга бир сўм бўлади... Бир йилга олти сўм бўларкан-да...» Кейин, бозорда энг бориб турган хашаки от учун саксон сўм сўрашганини эслаб, шунча пулни топиш учун ўн уч йил ишлаш кераклигини ҳисоблаб чиқди-да, капалаги учиб кетди.

— Ҳа, нега лабингни чўпиллатиб қолдинг? Розими-сан, йўкми — шуни айт,— деди Захар Денисович кўкраги-да турган санчикдан афтини бужмайтириб.

— Ахир, амаки... бу жуда сув текин-ку...

— Нега сув текин бўларкан? Ейдиган овкати-нг-чи? Озмунча овкат ейсанми? Ўзинг бир ўйлаб кўр-чи...— Захар Денисовични йўтал тутиб, қўл силтаб юборди.

Онасининг насиҳатларини яхши эсда тутган Фёдор ойига бир сўмдан кам бўлса ёлланмасликка аҳд қилди. Захар Денисович эса, кўзларини ола-кула қилиб тинмай йўталаркан: «Бу тентакни кўлдан чиқармаслик керак. Хиз-маткор эмас, бу бир хазина-ку, хазина. Ўлгудай забардаст, молдай ишлайди. Тоғни урса талқон қилади... Ўз қиммати-ни билган қарол ёз пайтида беш сўмга ҳам ёлланмай-ди, бу тентакни бўлса бир сўмга ёлласаям бўлади...» деб ўйларди.

— Қани, бўлганини айтиб қўя қол.

— Жа бўлмаса ойига бир сўм бўлса...

— Бир сўм? Ох-ҳо, иштаханг зўр-ку!.. Эсинг жойи-дами ўзи, бола? Йў-ў-ўк, ука, бу қимматлик қилади!..

Фёдор қайтиб кетмоқчи бўлиб энди ўғирилган эди ҳамки, Захар Денисович ўтирган ўрнида худди чумчуқдай чирқиллаб унинг енгидан ушлаб қолди.

— Шошма, шошма, дейман, оббо, мунча қизиққонсан, ука? Қаёққа кетяпсан?

— Келишолмаганимиздан кейин...

— Ҳа, майли энди! Таваккал! Бўпти, ойига бир сўл-кавойдан тўлайман. Аммо-лекин, мени хонавайрон қияп-сан, ука, хайр майли, бўлар иш бўлди! Лекин билиб қўй, айтган сўзингдан қайтмайсан, ҳалол ишлайсан!

— Ишингизни ҳам қиламан, молларингизни ҳам худ-ди ўзимникидай парвариш қиламан!— деди севиниб кетган Фёдор.

— Шу бугуноқ салкин тушиши билан Даниловкага бориб, кийим-кечакларингни олиб кел, эртага тонгдан пичан ўргани борасан. Гап шу.

#### IV

Пичанхонада хўроз қичкириб юборди. У қичкириб тонгдан дарак беришдан олдин анча маҳалгача қанотларини патиллатиб турди, бостирма тагида ётган Фёдор хўрознинг ҳар бир қанот қоқишини аниқ эшитиб ётди. Унинг уйқуси

келмасди. У чакмони остидан мўралаган эди, омборнинг кунгирали томи устида осмон хиёл бўзариб келаётганини, чеккалари алвон тусга кирган булут парчалари шарқ томондан сузиб келаётганини, пичанхона ёнида турган ўроқ машинасининг қанотларида йирик-йирик маржондек шабнам доналари осилиб турганини кўрди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас бўз иштон кийган Захар Денисович остонага чиқди. Кўйлагини баланд кўтариб, қаппайган заъфарон қорини қашлади-да, овозининг борича:

— Фёдка!..— деб чақирди.

Фёдор устидан чакмонини отиб ташлаб, бостирма остидан чиқди.

— Хўкизларни сойга олиб бориб суғориб кел, тез бўл! Ўроқ машинасига ола хўкизларни кўшасан.

Фёдор шоша-пиша молхонанинг эшигини очиб юборди ва шабнамдан ҳўл бўлган қўлларини иштонига артиб туриб хўкизларга:

— Хўк, жониворлар, хўк!— деб қичқирди.

Хўкизлар эринчоқлик билан ҳовлига чиқди. Олдинда бораётган хўкиз кўча эшигини шохи билан туртиб очди-да, кўча бўйлаб сой томонга қараб кетди, қолганлари унга эргашди.

Фёдор молларни суғориб қайтиб келаётиб, хўжайинининг арава олдида уймалашиб юрганини кўрди. У гилдирак гайкасини бураб чиқараётган эди. Фёдор келиб хўжайинига кўмаклашди: гайкани бураб чиқарди, гилдиракни мойлади. Захар Денисович Фёдорнинг чаққон ва уддабуронлик билан ҳаракат қилишини кузатаркан, ўкрайиб турар ва бурнини тортиб-тортиб қўяр эди.

То отланиб, қишлоқдан чиқишгунча, тонг ёришиб қолди. Йўл ёқалаб тизилган дўнгликларда туллаган, қўнғир тусли бесўнақай суғурлар безовта бўлиб чийиллашар, эркак бизғалдоқлар майса орасидаги ўз маконларида чинкиришар, тоғ орқасидан лўп этиб чиққан кўёш сахийлик билан қирга ўзининг чўғдек иссиқ ёғдусини сочар эди, шабнам жар устидан қуюқ ва совуқ туман бўлиб кўтариларди.

Ўроқ машинасининг гилдиракларини гичирлаб, унинг орқасидан арава тақирлаб келар, араванинг орқа томонидан каттакон ёғоч хумда сув шалп-шулп қилиб чайқаларди. Офтобда баданига иссиқ югурган Захар Денисовичнинг ширин суҳбат қилгиси келиб кетди.

— Агар сен, Фёдка, итоатли бўлсанг, ҳеч кам бўлмайсан. Куч-қувватинг бор йигитсан ўзинг. Шу азамат йигитлигинга қараб, иш талаб қилаверамиз-да.

— Ўз уйимда қандоқ ишлаган бўлсам, шундоқ ишлайман, деб айтдим-ку сизга.

— Ха, балли. Мен сенинг саховатпешанг бўламан, сен эса менинг хизматкоримсан — шунини тушунишинг керак, ука. Шундай бўлгандан кейин, сен ўз хўжайининг ва саховатпешангга ҳеч гап қайтармай итоат қилишинг керак. Гапнинг сирасини айтганда, мен сени бир ўлимдан асраб қолдим, бу яхшилигимни унутмагин. Тушундингми?

Фёдор бошини ҳам қилганича хўжайинининг қилган яхшилиги ҳақида ўйлай бошлади ва «ахир у менга нима яхшилик қилди ўзи?» деб ўзидан ўзи ажабланди.

Ўримда ёлғиз Фёдорнинг ўзи ишлади. Хўжайин ўроқ машинасининг олд томонига қулай қилиб қўндирилган тунука курсига ўтириб олиб, қамчи силкитиб хўкизларни ҳайдарди, Фёдор эса хансираб, калта паншаха билан оғир ва ям-яшил ўт ғарамларини ўроқ машинасининг тишидан илиб туширарди. У кучаниб туриб бир ғарамни илиб тушириши билан ўроқ машинасининг қанотлари кишининг жонига теккудек тақирлаб, Фёдорнинг оёғи остига яна бир тўп ўтни йиғиб кўярди. Аҳён-аҳёнда хўкизлар тўхтаб дам олишар, хўжайин керишиб ғарам тагига ётар, кўйлагини кўтариб, кўли билан хомсемиз, заъфарон қорнини силар ва осмонда сузиб юрган оқ булут парчаларига маъносиз тикиларди.

Биринчи марта дам олгани тўхташганда Фёдор кўйлагига кириб қолган чанг-тўзон ва қилтанокларни кокиб, у ҳам ўроқ машинасига ўтириб хордиқ чиқармоқчи бўлган эди, лекин Захар Денисович унга ажабланиб бошдан-оёқ кўз югуртиб чикди, сўнг насиҳатомуз оҳангда сўзларни кесиб-кесиб гапира бошлади:

— Ие, нима бўлди сенга? Сен, ука, менга қарама. Мен сенинг саховатпешанг ва хўжайинингман, сен шу гапнинг мағзини чак. Мен, ичимда дардим борлигидан сира ҳам ишга қўл урмаслигим мумкин, лекин сен қўлингга паншахани олгин-да, ўрилган ўтларни ғарам қилишга кириш. Ҳов анави жарнинг нари ёғидаги ўтлар қуриб қолди чоғи.

Фёдор хўжайинининг сержун бармоғи кўрсатаётган томонга қаради, ўрнидан турди, паншахани олди-да, ўт ғарамлагани кетди. Хўжайин ярим соат ғарам соясида маза қилиб хуррак отиб ухлаб олгач, кўйлагининг ичига чигиртка кириб қолганидан уйғониб кетди; роса бўралаб сўкди-да, бечора чигирткани эзгилаб ташлади, сўнг уйқудан шишган кўзлари устига кафтини соябон қилиб Фёдорнинг қандай ғарамлаётганини кузатди.

— Федыка!

Фёдор етиб келди.

— Неча ғарам йигдинг?

— Тўққизта.

— Атиги-я?.. Қани, ўтир машинага.

Хўкизлар кавш қайтариб ўринларидан қўзғалди; ўрок машинаси қалтираб кетди, унинг қанотлари тақир-тукур қилиб яна ўрилган ўтни тўплай бошлади. Ўлгудай зикна бўлган Захар Денисович машинанинг пичоғини ер бағирла-тиб юритиб ўтни жуда ҳам қиртишлаб ўра бошлади. Маши-на пичоқлари қуюқ ўтни чирт-чирт ўрарди, иш жуда яхши кетаётувди, бироқ муюлишда ўрок машинаси бирдан юмрон-қозиқ уйиб қўйган тупроққа бориб урилиб, тишлари унга ботиб кириб кетди ва дириллаб тебраниб таққа тўхтади. Фёдор машинанинг тиши синмадимикин деб хавфсираб, ўтирган еридан ирғиб ерга тушди, лекин бу сафар иш беҳа-тар ўтганди.

Қош қорая бошлаганда ишни тўхтатишди. Фёдор тезак топиб олиб келди, ўтган йилги ўт-ўлан, бурганлардан юлиб келиб ўт ёқди... Хўжайин халтасидан хасислик билан бир сиқим сўк олиб декчага солди ва уч дона картошка тозалашни буюрди.

Тушки овқат пайтида унинг феъли яхши эди, ҳатто бир марта Фёдорнинг елкасига қоқиб ҳам қўювди, лекин кечки овқат олдидан Фёдор бўтқага солиш учун бир бўлак ёғни ортиқча қирқиб олиб, ишни пачава қилиб юборди. Захар Денисович унинг бу қилганига норози қиёфада оғзини қийшайтириб анча вақтгача мингиллаб унга танбеҳ берди, кечки овқат пайтида тумшайиб ўтирди ва уйқуга ётаркан, алланималарни пичирлаб хўрсиниб қўйди.

## V

Фёдор хўжайинининг: «Менинг яхшилигимни унутма» деб айтган гапни тез-тез эслаб турарди. Унинг уйида яшаб турганига икки ҳафтадан ошган бўлса ҳам, лекин ҳозирча ундан ҳеч қандай ёруғлик кўргани йўқ. Фақат у бир нарсани: Захар Денисовичнинг юлдузни бенарвон урадиган доғули мужик эканлигини, унинг ҳар қандай одамни ҳам иш билан суробини тўғрилаб қўйишга устихони йўқлигини яхши би-ларди. Фёдор эрта саҳардан то қора кечгача ҳовлида ивир-сиб юрар, хўжайин эса бақириб-чақириб турар, лабларини буриб, худди хизматкорнинг ишидан норозидай афтини бужмайтирар эди.

Биринчи якшанба куни Фёдор Даниловкага бориб она-сининг ҳолидан хабар олиб келмоқчи бўлувди, лекин Захар Денисович шанба куни кечкуруноқ унга:

— Эртага вақтлик туриб картошка ўтагани бор. Жудаям ўт босиб кетди, дейишяпти хотинлар,— деди ва бир оз сукутдан сўнг кўшиб қўйди: — Якшанба кунлари қорнини силаб ялпайиб ётса бўлади деб ўйлама тагин. Ҳозир ҳар бир кун ғанимат. Қиш ғанини ейиш керак. Текинтомоқликни қишда қилаверасан.

Фёдор индамади. Ўрнимдан ажралиб қолмай тагин деган аламли қўрқув уни итоаткор ва тобе бўлишга мажбур этарди. У эрталаб туриб қўлига бир бурда нон билан мотигани олиб ўтоқ қилгани кетди. Тушга бориб шу қадар чарчадики, боши гангиб, кўнгли озиб кетди. Қаддини зўр-базўр ростлаб, олиб келган нонини кавшаб олиш учун дўнг ерга ўтирди ва аламидан тупуриб юборди: рўнарасида саксон саржинча жойда ҳали ўтоқ қилинмаган кўм-кўк ер бахмалдек товланиб ётарди.

Фёдор кечкурун зирк-зирк оғрий бошлаган оёқларини судраб босиб, кўрага зўрга етиб борди. Хўжайин уни дарвоза олдида кутиб турарди. У ўтирган ўрнимдан кўзгалмай:

— Ўтаб бўлдингми?— деб сўради.

— Бир тахта қолди.

— Мазанг йўқ, ука... Ялқовлигинг тутган бўлса керак, ё бўлмаса ётиб ухлагансан,— деди ўкинган одамдек тўнғиллаб.

— Ухлаганим йўқ,— деди қовоғини солиб Фёдор,— ҳаммасини бир кунда ўтаб бўларканми?

— Бор, гап қайтарма! Иккинчи марта шунақа ишлайдиган бўлсанг, оч қоласан! Текинтомоқ!— деб қичқирди у кетиб бораётган Фёдорнинг орқасидан.

## VI

Бир-биридан машъум, бир-биридан кўнгилсиз кунлар ва ҳафталар ўтиб борарди. Фёдор эрта саҳардан қора кечгача тинмай ишларди. Хўжайини якшанба кунлари жўрттага аллақайси гўрдан биронта иш топиб қўяр, ишқилиб, хизматкори биронта иш билан банд бўлса, ишсиз қолмаса бўлгани эди.

Орадан икки ой ўтди. Фёдорнинг кўйлаги ҳеч тердан қуримас, у шу иккинчи ой тўлса хўжайин қилган хизматим ҳақини тўлар, ахир, деб умид қилиб юрарди. Лекин хўжайин ҳақ тўғрисида оғиз очмас, Фёдор эса сўрагани ийманарди.

Фёдорнинг хизматга кирганига икки ой тўлганда, бир кун кечкурун у эшик олдида ўтирган Захар Денисовичнинг олдида келди-да:

— Сиздан пул сўрамоқчи эдим. Онамга юбормоқчиман...— деди.

Хўжайин чўчиб кетиб қўл силтай бошлади.

— Шу пайтда пул қаёқда! Нима, эсингни еганмисан, ука?.. Аввал ғаллани янчиб солиқни тўлаб олайлик, ўшанда пул бўлиб қолса ажаб эмас!.. Сен аввал пул ишлаб топгин-да, кейин сўра!

— Кийимларим тўзиб кетди, мана қаранг, бошмоғимнинг дабдаласи чиқиб кетди,— Фёдор оёғини кўтариб, оғзи очилиб қолган бошмоғини кўрсатди; бошмоқнинг йиртиқ тумшуғидан унинг тарс-тарс ёрилиб кетган бармоқлари мўралаб турарди.

Захар Денисович тиржайиб, анча вақтгача Фёдорнинг оёғига тикилиб турди, сўнг юзини четга буриб:

— Ҳозир ҳаво иссиқ, яланг оёқ юрса ҳам бўлади...— деди.

— Чақиртиканакли ерда, анғиз ерда оёқ яланг юриб бўларканми.

— Оббо сен-эй, шунақа нозикмисан! Уруғ-аймоқларинг бадавлат ўтган эмасми, тагин! Ўзинг панлардан эмасмисан?

Фёдор индамасдан орқасига бурилди ва хўжайинининг хахолаб қулишини эшитиб, юзи шувут бўлганидан чўгдек кизариб, ўзи ётадиган пичанхонага кетди.

Шу ўтган икки ой мобайнида у бир марта ҳам онасини кўрмади. Даниловкага бориб келишга ҳеч вақти йўқ эди — хўжайини юбормасди, ундан кейин, ойиси уйдами ё қўлига халта олиб қишлоқма-қишлоқ тиланчилик қилиб юрибдими — буни ҳам билмасди.

Ҳаш-паш дегунча пичан ўрими ҳам тамом бўлди. Участкадан Захар Денисовичнинг ҳовлисига буғ билан юрадиган янчув машинасини олиб келиб қўйишди. Машинада ишлайдиган ишчилар ҳам топилди. Хўжайин уларнинг атрофида парвона бўлиб хушомад қила бошлади, ишқилиб, ғалламни тезроқ янчиб беришсин деб, ҳадеб уларнинг кўнглини овларди.

— Худо хайрингизни берсин, йигитлар, тезроқ бўла қолинглар. Ҳаво ҳам ганимат. Худо кўрсатмасин, ёгингарчилик бошланса, ғалла нобуд бўлади.

Хўжайиннинг ёнига орқаси гижимланган солдат гимнастёркаси кийиб олган бир йигит келиб унинг шишган башарасига нафрат билан тикиларкан, оёқ учида чайқалиб туриб уни мазах қилди:

— Худо хайрингизни берсинмиш! Нима қиласан хушомад қилиб! Ундан кўра улфатларнинг ҳаммасига бир че-



лак арок куй — ўшанда ишинг юришиб кетади. Ўзинг билсан, курук сўз қулоққа ёкмас, дейдилар.

— Э, мен, мени қочирармидинг, жоним билан... Ўзимнинг ҳам ичким келиб, шуни ўйлаб турувдим.

— Э, нимасини ўйлайсан. Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишни битирибди. Кўп ўйлайдиган бўлсанг, ҳозир ҳаммамиз турамиз-у, қўшиннинг хирмонига ўтиб қўя қоламиз. У анчадан бери бизни чақиради.

Захар Денисович физиллаганича хуторга жўнади ва ярим соатлардан кейин пилдираб бир челак арок кўтариб келди, челакнинг устига аёлларнинг исқирт ички юбкаси ёпилган эди. Ғалла ғарамлари ёнидаги хирмонда улар ярим кечагача ичкиликхўрлик қилишди. Машинист — кийимлари мой, ёши бир ерга бориб қолган украин йигит ичиб олиб, бугдой ғарами тагида қандайдир бир бузук хотин билан ётарди, кунбай ёлланган ишчилар бир-бирларига ҳеч қовуша олмай бақириб-чақиршиб ашула айтишар, сўкишарди. Фёдор чеккароқда ўтириб, маст бўлиб қолган Захар Денисовичнинг қилиқларини кузатарди: Захар Денисович солдатча гимнастёрка кийган бояги йигитни кучоқлар, оғзидан сўлагини оқизиб ҳўнграб йиғлар, ва йиғи аралаш хотинчалиш манқа овоз билан чиққирарди:

— Мен сенларга пул харжладим десам бўлади, бир челак арок олиб келиб бердим,— ахир арок пул туради-ку, нима, сен ишлашни хоҳламайсанми?..

Йигит бошини гоз кўтариб қичқирарди:

— Ўпкангни бос! Таъбим — хоҳласам ишлайман, хоҳламасам — йўк!..

— Ахир мен пул сарфлаб қўйдим-ку?

— Ишим нима!

— Оғайнилар!— Захар Денисович арок солинган челакни ярим доира шаклида қуршаб ўтирган одамлар шарпасига ўгирилди.— Оғайнилар! У дунёю бу дунё рози бўлмайман! Шундай қилсаларинг ўлиб қолишим ҳам мумкин.

— Э, менга нима!— дерди баланд овоз билан гимнастёрка кийган йигит.

— Мен касалванд одамман!— деб инграрди Захар Денисович дув-дув ёш тўкиб.— Мана бу ерим касал!— деб у мешдек қорнига муштуми билан урарди.

Гимнастёрка кийган йигит жирканиб хўжайиннинг чит қўйлаги этагига тупурди-да, гандираклаб ўрнидан турди. У худди очкўзлик қилиб кўпроқ жавдар еб қўйган от сингари оёқлари чалишиб, тўппа-тўғри четан девор тагида ўтирган Фёдор томонга йўл олди.

У Фёдорга икки қадам қолганда тўхтаб, кеккайиб, оёқларини керди ва бошини силкиб ишга кийиладиган похол шляпасини орқага суриб қўйди.

— Ким бўласан? — деб сўради у сўзларни маст кишига хос аниқ талаффуз этиб.

— Ишинг нима? — деди хўмрайиб Фёдор.

— Аҳ-моқ! Ким бўласан, деб сўраяпман.

— Хизматкор.

— Турмушинг қалай?

— Ўтиб турибди.

— Вой текинхўр-эй! Ҳали хўжайинингнинг қонини зулукдек сўриб ётгандирсан? Ё унақа эмасми? А?

— Нега менга ўчакишиб қолдинг? Тошингни терсанг-чи?

— Тошимни терайми? Борди-ю, мен ҳалигидай... борди-ю ёнинга ўтириб олсам-чи?

Йигит худди бир қоп ундай гурс этиб Фёдорнинг ёнига ўтирди-да, пишқириб унинг юзига аччиқ пиёз ва ароқнинг бадбўй ҳидини пуркади.

— Мен машинада барабанчи бўлиб ишлайман, отим Фрол Кучеренко. Вассалом. Сен кимсан?

— Мен Даниловкаданман. Наум Бойцовнинг ўғли бўламан.

— Ҳмм... ойига қанчадан туширасан?

— Бир сўмдан.

— Бир сў-ўмдан?..— Фрол чўзиб ҳуштак чалиб юборди ва ҳикичоғи тутди.— Мен бўлсам суткасига бир сўм топаман. Бу қандоқ бўлди? А?

Фёдорнинг жони ҳикилдоғига келди. У бир энтикиб, сўради:

— Суткасига-я?

— Сен нима деб ўйловдинг? Тагин овқатиям хўжайиннинг ёнидан. Сен, ука, тентаклар қавмидан кўринасан! Қайси аҳмоқ бир сўлкавойга бир ой ишлайди? Гап шу. Сен золим эксплуататорингдан кетиб бизга қўшил. Тоз-за пул ишлайсан!..

Фёдор ўрнидан туриб, пичанхона бостирмаси томон юрди, у баҳордан буён шу ерда ётиб юрарди. Кигиздек бўлиб кетган похол тўшалган тахта устига чўзилди, оёғига чакмонини тортди ва қўлларини боши тагига қўйиб, алламаҳалгача қимир этмай, ўй ўйлаб ётди.

Бостирма томининг илма-тешик ерларидан кўкда милтиллаб турган юлдузлар худди исчиноқдек хира нур сочади,

аллақаерда, камишзорда лойхўрак аста, ёқимли сайрайди, бўғот тагида чумчуқлар уйқусираб патирлашади.

Тун ойдин бўлмаса ҳам хийла ёруғ, тонг отишига оз қолган эди. Хирмон томондан одамларнинг қаҳ-қаҳ уриб кулгани ва хўжайиннинг йиғлаган овози эшитиларди. Фёдор аллавақтгача хўрсиниб, ижирганиб, миужа қоқмай ётди. Тонг отар пайтдагина кўзи уйқуга кетди.

У эрталаб ўчоқбошига кириб, хўжайинни кутиб турди. Хўжайин юзи ювуксиз, қовоқлари шишган ҳолда ичкаридан куфур бўлиб чикди. Фёдорни кўриб унга ўшқира бошлади:

— Яна дангасалигинг тутдими, итвачча? Адабингни бериб кўяман ҳали! Овқат бўлса, суриштирмай катта-катта туширасанлар, иш деса, дарров белларинг оғрийдилар! Энг чеккадаги ғарамдан машинага ғалла ташигин деб кимга айтувдим?..

— Мен энди сизникида ишламайман, икки ойлик ҳақимни тўланг.

— Нима-а-а?.. — Захар Денисович бир ирғиб тушди ва жазаваси тутиб, титраб-қақшади. — Кетмоқчи бўлдингми? Йўлдан уришибди-да?.. Қип-қизил лақма экансан-ку, аблаҳ!.. Бу қилмишинг учун сени қаматиб кўйишим мумкин-а? Биласанми шуни?.. Бунақа бебошлигинг учун сургун қилинасан! Бор! Кетсанг кетавер! Лекин бир тийин ҳам ҳақ тўламайман!.. Эски-тускиларингни ҳам бермайман!.. — Захар Денисович сўкиниб туриб қалқиб кетди, йўтали тутиб қолди, кейин шоҳсоққага ўхшаш кўзларини бақрайтириб анча маҳалгача селкиллаб турган қорнини эзгилаб, силаб турди. — Сенга қилган шунча яхшилиқларим эвазига, шуми кўрсатган миннатдорчилигинг?.. Сенинг саховатпешанг эканлигимни, муҳтожликдан қутқарганимни унутдингми?.. Отанг ўрнига ота бўлувдим сен ярамасга, мана, оқибат...

Захар Денисович кўзларини қисиб Фёдорга қараб турарди. Фёдор кетмоқчи бўлганини айтганида Захар Денисович, аввалига, унинг кетиши хўжалиги учун катта зарар бўлишини тушунди: биринчидан, бир бурда нон учун унга молдек ишлаб бераётган сувтекин хизматкордан ажралаётган эди; иккинчидан, унинг ўрнига катта пулга хизматкор ёллаши, уни кийдириши, едириши керак бўлади, бу ҳам майли-я, агарда ишнинг кўзини билган, қилдан пихини ёргани дуч келиб қолса борми, юз хил мажбуриятларни тиркаб ёзма шартнома ҳам туздирини мумкин; борди-ю; хизматкор ёлламагундай бўлса, у чоқда, орқани офтобга товлаб маза қилиб ухлаш ва қўлни совук сувга урмай

семириб ётишдек хузур-ҳаловатдан воз кечиб, ўзи эшакдек ишлашига тўғри келади.

Захар Денисович аввалига Фёдорни дўк билан кўр-қитмоқчи бўлди, бу уриниш маълум даражада иш беришини кўргач, шундан кейин Фёдорнинг виждонига тегадиган гапларни гапира бошлади:

— Уялмайсанми, а? Менинг кўзимга қарагани қандай журъат этдинг? Сени едирсам, ичирсам-у, сен... Эҳ, Фёдор, Фёдор, шу ишинг диёнатданми? Христиан аҳли бундай қилмайди. Ё, сен ана унақа камсомонмисан, а? Бунақа иш ўша худодан қайтган ғаламислардан чиқади!..

Захар Денисович қия боқиб Фёдорни кузатиб тураркан таъна билан бош чайқаб қўйди.

Фёдор бошини қуйи солиб, кўлида картузини ғижимлаб турарди. Унинг кечаси билан ўйлаб чиққан бутун режалари, яъни қандай қилсам, от сотиб олиш учун тезроқ пул ишлаб топаман деб тузган режаси пучга чиқди. Буни ўзи ҳам англади. Унинг бошига қандайдир оғир мусибат тоғи ағдарилган эдики, бу мусибатдан қутулиш энди унга амри маҳол эди.

У бир сўз ҳам демай орқасига ўгирилди-да, хирмон томонга кетди. У ерда иш жуда қизиқ кетган эди: узоқдаги ғарамлардан ғалла боғларини аравада таширдилар, машина тинмай гувиллаб турар, барабанчи Фрол машинанинг еб тўймас оғзига вазмин бошоқли, хушбўй бугдой боғларини тинмай тиқиб тураркан ҳадеб бақирар, машинадан чиққан похолни бир чеккага йиғаётган хотинлар чинқиришар, заррин тусдаги тўзон олтиндек товланиб осмонга кўтариларди.

## VIII

Ўша куни Фёдор мияси ғовлаб юрди. Кўли ҳеч ишга бормасди.

— Ҳой, меров, қаёққа ҳайдаяпсан? Қаёққа, қаёққа, дейман!..— деб бақирарди, бадқовоқ хўжайин.

Фёдор бир сесканиб хўкизнинг шохига боғланган арқонни тортар ва аравасининг кейинги ғилдираги босиб ўтган сомон тўпига қарарди-ю, ҳеч нима кўрмасди.

Тушки овқатни шу ерда, хирмоннинг ўзида шошапиша ейишди-да, яна ишга тушиб кетишди, машина аввалига истар-истамас, кейинроқ эса борган сари шўхроқ, кескинроқ гувиллай бошлади, кийими мой тегиб ярақлаган маши-

нист тинмай машина атрофида ивирсиб юрар, барабанчи эса янчиш машинасининг тўймас оғзига буғдой боғларини борган сари тезроқ текиб турар, тез ишлаганидан гангиб қолган ишчилар ўринларига бошқа одам туриши билан димоққа аччиқ урилувчи чанг-тўзондан аксира-аксира челақдаги сувни худди ит сингари шапиллатиб очкўзлик билан ичишар ва нафасларини ростлаб олгани биронта гарамнинг тагига бориб ўзларини ерга таппа ташлардилар. Кеч кирай деб қолганда Фёдорни кўрага чақиришди.

— Сени битта гадой хотин сўраяпти, эшик тагида турибди!— деб қичқирди югуриб ўтиб кетаётган бека.

Фёдор терга ботган юзидаги чанг-тўзонни қўли билан ишқалаб, шошганича югуриб чиқиб кетди. Девор ёнида онаси турарди.

Фёдор онасини кўрди-ю, унинг ҳолига ачинганидан юраги эзилиб, бир орзиқиб тушди: онаси ўтган икки ой ичида ўн ёш қаригандай бўлибди. Унинг увадаси чиқиб кетган сарик дурраси остидан оқ оралай бошлаган сочлари чиқиб турар, лабларининг четлари кўп заҳмат чекканлигидан пастга осилиб турарди, намикқан кўзлари бежо термиларди; елкасида қирк ямоқ, шалвираган халта бор эди, итлар ғажиб ташлаган таёғини у орқасига яшириб турарди.

Она Фёдор томон ю иб келди-да, ўзини ўғлининг елкасига кўйиб кучоқлаб олди... Она-боланинг кўз ёшизиз, қисқагина ўқсиб йиғлашгани томоғи кичиган одамнинг йўталишига ўхшарди.

— Пешонада шундай кўришиш бор экан... ўғлим.

Кўлидаги таёғи унга халақит берарди, шунинг учун у таёқни ерга кўйиб, енги билан кўз ёшини артди. Она Фёдорга тўрвасини кўрсатиб илжаймоқчи бўлди, лекин илжайиш ўрнига, лаблари хунук бир тарзда қийшайиб кетди-ю, маржондек тизилиб оқаётган кўз ёшлари юзидаги ажин чизикларида тўхталиб-тўхталиб иягига, дуррасининг исқирт учига юмалаб туша бошлади.

Онанинг бу аҳволига тушганидан уялиш, унинг ҳолига ачиниш ҳисси, унга бўлган фарзандлик муҳаббати бирига кўшилиб, Фёдорнинг тилини лол қилиб кўйди, У энтиқиб-энтиқиб оғиз очар ва елкаларини ўйнатиб кўярди.

— Ишлаяпсанми?— деб сўради она оғир сукутни бузиб.

— Ишлаяпман...— деди зўр-базўр Фёдор.

— Хўжайининг қалай? Яхши одамми?

— Юринг уйга. Қолган гапни кечкурун гаплашамиз.

— Қандоқ қилиб қираман, шу ҳолим билан-а...—  
Она чўчиб кетиб безовта бўла бошлади.

— Нима қипти, юраверинг.

Уй бекаси уларни останада туриб кўриб қолди.

— Ҳой, қаёққа бошлаб келяпсан уни? Хайр қиладиган ҳеч нарсамиз йўқ, кампир! Худо берсин.

— Бу менинг онам...— деб гўлдиради Фёдор.

Бека сурбетларча тиржайиб, титраб-қақшаб бораётган аёлга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, индамасдан уйга кириб кетди.

— Марья Федоровна, ойимга овқат беринг. Йўл юриб чарчаб келган...— деб ёлворди Фёдор.

Бека эшикни очиб жаҳл билан бошини чиқарди:

— Нима, бир кунда йигирма марта дастурхон ёзаманми?.. Кечгача кутса ўлиб қолмас! Ишчилар билан бирга ер!

Сўнг тарс этиб эшикни ёпди, очиқ деразадан унинг дарғазаб овози эшитилиб турарди:

— Ҳаммасининг ташвиши менга, яшшамагурларнинг... уйини қари-чуриларга тўлғизиб юборди! Қай гўрдан ҳам олуддим, бошга бало қилиб бу текинхўрни!..

— Юринг мен ётадиган ерга, пичанхонага,— деб пичирлади қип-қизариб кетган Фёдор.

## IX

Қош қорайди. Хирмон сукутга чўмди. Ишчилар кечки овқатни егани уйга келишди. Ўчоқбошида учта столга дастурхон ёзилди. Бир стол атрофида уй эгаси билан унинг хотини, машинист, ишчилардан баъзи бирлари, столнинг энг оёқ томонида эса Фёдор онаси билан ўтирди.

Захар Денисович суюқ бўтқани эринибгина еб ўтираркан, атрофига кўз югуртириб афтини бужмайтирарди: негаки, ишчилар жуда кўп овқат ейишарди — ноининг ўзидан кунига бир пуд кетарди, улар худди маъракага келгандек нима кўйилса, шуни пакқос туширишарди.

Машинист хўмрайганича жим ўтирарди, унинг тоби йўқ эди. Барабанчи Фрол ҳатто қулоқларигача қимирлатиб маза қилиб кавшанар ва гапдан ҳам ҳеч тилини тиймасди:

— Хўш, қалай, хўжайин, ишимиздан хурсандмисан?

— Хурсандмисанмиш. Нимасидан хурсанд бўларканман?..— деди тўнгилаб Захар Денисович.— Иш бошдан ошиб ётибди, ишчиларнинг эса ишлашининг мазаси йўқ, урушдан илгари бунақа эмас эди. Ҳеч жон куйдириб иш-

лашмайди! Чунончи, манави Фёдкини олайлик — овқат бўлса ҳеч суриштирмай паққос туширади-ю, лекинига ишга келганда кичкина болачалик ишламайди. Ҳамма оғир ишни хўжайиннинг ўзи қилади-ю, яна унга иш қилса-қилмаса пул тўлаш керак.

Фёдор онасига кўз кирини ташлади, она хушомадгўйлик қилиб аянчли бир киёфада илжайиб ўтирарди. Бека бўтқа солинган товокни жўрттага узоқроққа суриб, нонни ҳам столнинг энг нариги чеккасига қўйган эди. Фёдор онасининг нонсиз овқат еяётганини ва ҳар сафар бўтқага қошиқ узатганида ўрнидан туриб чўзилишини кўрди.

— Кичкина болачалик ҳам ишламайди булар,— деди хўжайин ҳиринглаб (бу ибора, афтидан, унга ёқиб қолганга ўхшарди),— овқат бўлса, суриштирмай туширишади!..

Фрол ўгирилиб Фёдорнинг бўздай оқарган юзига қаради-ю, ғазабидан лаблари пирпираб кетди.

— Сен кимни гапиряпсан ўзинг?— деб куруққина сўради у.

— Умуман айтдим-да.

— Сен умуман айтма, аниқроқ айт!— Фрол қошиғини бир чеккага қўйиб кўкраги билан стол устига ётиб олди. У кўзларини қисганича хўжайинининг қаншарига тик қараб ўтирар ва ҳадеб муштумини дам сиқиб, дам ёзарди.

— Умуман ишчиларни айтяпман,— деди мамнунлик билан Захар Денисович Фролнинг унга ўчакишаётганини пайкамай.

Нариги стол атрофида ўтирган ишчилар жанжал бошланай деётганини сезишиб, говур-ғувур гапдан тўхтаб кулоқ сола бошладилар.

— Борди-ю шу гапларинг учун сен ярамасни ўрадек оғзингга бошлаб туширсам, нима де ёсан?— деди овозининг борича бақириб Фрол.

Хўжайин серрайиб қолди. У кўзларини бақрайтирганча, тили лол бўлиб, барабанчининг қора тер қуйган баджаҳл юзига тикилиб қолди.

— Нимага энди?..— деб хириллади у ниҳоят.

— Мазасини тотиб кўрасанми?.. Хоҳласанг мен сени!..

— Ўйлаб гапир, ука, бунақа сўкинсанг, дарров милицияга тушиб қолишинг мумкин!

— Нима дедийг?..

Фрол ўтирган ўрнидан туриб, Захар Денисович томонга юра бошлади, лекин машинист унинг қўлидан ушлаб қолди ва зўрлаб курсига ўтказди.

— Сўқинишнинг ҳожати йўқ бу ерда!..— деди тўнғиллаб эсини йиғиб олган Захар Денисович.

— Сўқинишнинг ҳожати йўқку-я, лекинига сенинг мана шу кесакка ўхшаган бесўнақай башарангни дабдала қилиш керак, вассалом!..— деб бақирарди дарғазаб Фрол.— Ҳозир эски замон эмас, шуни эсингда тут, аблах! Биласанми, сени сариқ чақага ҳам олмайман! Сен ишчиларни масхара қила кўрма! Агар Фёдорнинг ўрнида мен бўлганимда, аллақачон жонингни олган бўлардим!.. Алдагани бола яхши деб ювош хизматкорни топганингдан хурсанд бўлиб, бурнинг кўтарилиб кетдими? Сендақаларни яхши биламиз!.. Ҳа, гапим ботмаяптими, тилингни тишлаб қолдинг? Жим ўтир!.. Энди полиция бошлиғига бориб шикоят қиладиган замон ўтиб кетган! Мен Қизил Армияда хизмат қилиб, қон тўкиб келсам-у, сен бўлсанг ишчиларни масхара қилмоқчимисан?!

— Бас қил, Фрол, сенга айтяпман, бўлди!..— деб машинист бужмайган гимнастёрканинг енидан тортарди.

— Жим бўлмайман!.. Кишига алам қиларкан!..

Хўжайин нафаси ичига тушиб ювош бўлиб қолди, кейин гапни бошқа ёққа буриб, ҳосил тўғрисида, кузги шудгорлаш тўғрисида гап очди. Шу пайтгача чурқ этиб оғиз очмай ўтирган машинист, жанжал туфайли орага тушган совуқчиликка барҳам бериш мақсадида, гапга аралашиб ўтирди. Захар Денисович кутилмаганда тўсатдан юмшоқ супурги бўлиб қолди, меъдага тегадиган даражада хушомадгўйлик қила бошлади. Ишчиларни сахийлик билан меҳмон қила бошлади, ҳатто Фёдорга ҳам:

— Федя, не, нега сен нонсиз еяпсан, ука? Олдига нон обкелиб кўй, хотин!.. Худо хоҳласа, бу йил ғалламиз сероб бўлади,— деди.

Фёдор суви қочган бир бўлак нонни итариб кўйдида, ҳайрон бўлиб тикилиб қолган хўжайинига жавобан истеҳзо билан лабини буриб:

— Сенинг нонинг аччиқ!— деди.

Фрол:

— Тўғри!— деди муштумини столга гурс этиб уриб ўрнидан турди ва Фёдорнинг орқасидан чиқди.

Улар кетидан ишчилар гурра кўтарилишди.

Захар Денисович лавлагидай қизариб ва ҳадеб кўзларини пирпиратиб, у столдан-бу столга зир югураркан, қулоқни кар қилгудай чинқирарди:

— Нимага турдинглар, оғайнилар?.. Ҳали тагин сутли бўтқа бор!.. Хотин, тез бўл, топган-тутганингни столга кўй!

— Берган ош-нонингиздан миннатдормиз!— деди кимдир мазах қилиб.



Эртасига эрталаб, Фёдорнинг онаси нонуштага ҳам турмай жўнаб кетмоқчи бўлди.

— Кечгача қолсангиз бўларди!— деди Фёдор совуққина қилиб.

У негадир ўзи учун, хўжайини, уй бекаси учун, ўзининг шундай кўнгилсиз, шумшук турмуши учун онаси олдида жуда каттиқ хижолат бўлаётган эди. Шу важдан, кеча онаси билан учрашганда кўнгли кундай ёришиб қанчалик суюнган бўлишига қарамай, ҳозир онасининг кечгача қолиш ё қолмаслиги унинг учун аҳамиятсиз эди.

Бошига тушган шунча хўрликлардан кейин ёлғиз қолиб, фикрларини бир жойга тўпласа дуруст бўларди, зеро, у бу ҳаётдан тўйганди, чунки, бу нобоп ҳаётда унга ҳеч ким ачинмайди, ҳеч ким тўғри йўлга солмайди, ҳеч ким бирор илиқ сўз айтиб бошини силамайди.

Онаси ҳам кетишга шошиларди. У ўғлининг бўйинини қисиб ўтирганини кўриб юраги эзилар, уй эгаларининг ишчилар еяётган ҳар бир тишлам нонга жони чиққудай бўлиб нафрат билан бақрайиб туришларини кўриш ундан ҳам оғирроқ эди.

— Йўқ, ўғлим, кета қолай... Омон бўлсак, яна дийдор кўришармиз.

— Майли бўлмаса,— деди Фёдор бефарқ оҳангда.

Хайрлашишди. Шунда Фёдор онасининг йўлда ейиш учун ҳеч нимаси йўқлигини эслаб қолди.

— Шошманг, ойи, кириб бекадан сўрай, зора озгина бугдой берса. Хўжайин пул бермайди, ишлаган пулим ҳисобидан бугдой ола қолай... Йўлда сотарсиз...

Бека Фёдорнинг гапига индамади, омборнинг калитини олиб ҳовлига чикди-да, қулфни оча туриб:

— Қопинг борми?— деб сўради.

— Бор.

Фёдор қопнинг оғзини очиб туриб, жимжимадор ўргимчак уяси билан ўралган, ғалла тўқилган омборнинг қўнғир рангли деворига қаради. Бека ўлчов идишини сийпалаб, тозаланмаган, ифлос бугдойни копка сола бошлади.

Эшик гийч этиб очилди. Омборга хўжайиннинг қорни, сўнг ўзи сиқилиб кирди.

— Уйга бор!— деди у хотинига, кейин ўзи нилдираб юриб Фёдорга яқинлашди.

Фёдор қўлидаги қопни авайлаб ерга қўйиб, омбор деворига орқасини суяб кутиб турди.

— Хўш, нима гап?— деди Захар Денисович истехзо билан.— Бугдой оляпсанми?

— Оляпман.

— Сенга ишчиларни гижгижлаш бўлса! Нега уларни менга ўчакиштиряпсан! Сени ёнингги олиб хўжайиннингги ўз уйида калтаклашмоқчи бўлишса-ю, сен менинг бугдойимни... бугдойгинамни оласанми... А?

Фёдор индамай турарди. Хўжайиннинг ранги ўчиб, қони қочиб унга яқинлашиб келаверди, кейин бирданига дудукланиб ингичка, чинқироқ овоз билан:

— Йўқол кўзимдан, кет уйимдан!.. Кет, итвачча!..— деб бақирди.

Фёдор қопни чап қўли билан баланд кўтариб эшик томонга юрди, лекин хўжайин унинг олдига ҳезланиб келди-да, қўлидан қопни тортиб олиб, қулочкашлаб туриб Фёдорнинг юзига шарақлатиб бир мушт туширди.

Фёдорнинг кўзи тиниб, кўзидан худди учқунлар чакнаб кетгандай бўлди. У ғазаби жўш уриб, кип-қизариб кетди, ўзини босиб тура олмади, зилдай муштини тугди... Кейин бир талпиниб бир қўли билан хўжайиннинг семиз бўйнидан хиппа бўғиб олди, иккинчи қўлини муштум қилиб сиқиб, унинг орқага оғиб турган бошига куч билан урди.

Ҳаш-паш дегунча Фёдор Захар Денисовични тагига босиб олди, у чалқанча ётаркан, худди йўғон илондай тўлганар ва ҳадеб Фёдорнинг юзидан тишлаб олмоқчи бўларди. Фёдор лабларини қон чиқиш даражасида маҳкам тишлаб олиб, унинг ғўлага ўхшаш йўғон ва калта бўйнига, ўз юзи олдида тинмай такиллаётган тишларига ҳеч аямай гурсиллатиб муштлайверди. Захар Денисович хотинларнинг ҳамма хунарларини ишга солиб кўрди: тимдалади ҳам, тишлади ҳам, Фёдорнинг сочларини юмдалади ҳам бўлмади, бир лаҳзадан кейин калтакдан суроби тўғри бўлиб қолди ва энтикиб-энтикиб йиғлай бошлади, у оғзидан оққан сўлагини юзига суртиб, оҳ-воҳ қилиб, ҳиқичоқ тутиб, катта қорнини селкиллатиб шалпайиб ётарди.

Фёдор ўрнидан туриб, тимдаланган юзидан қонини артиб, хўжайинининг хужумига шай бўлиб турди, лекин у чаққонлик билан қорнига ағдарилиб ётиб олди-да, инқиллаб-синқиллаб худди қисқичбақадек эшик томонга ўрмалаб кетди.

«Ҳаммасига! Ҳаммасига! Ҳаммасига ўч олдим!..»— деб ўйларди Фёдор. У кийим-бошини тартибга солиб, қопни орқалаб эндигина эшикнинг бандидан ушламоқчи бўлувди ҳамки, хўжайиннинг айюҳаннос солиб додлаганини эшитиб қолди:

— Вой-до-о-од!.. Сўйиб кетишди-и-и!.. Вой, до-о-од, азизлар!..

Шунда, Фёдорнинг ҳеч қутилмаганда бирдан кулгиси қистаб қалқиб кетди. У эшик кесакисига суяниб туриб, шундай хандон ташлаб кулдиги, отаси ўлгандан буён ҳеч бунақа қаттиқ кулмаган эди. Тўйиб-тўйиб кулиб олгач, ҳовлига чиқди. Ҳовли ўртасида Захар Денисович оёқларини кериб турар, атрофини ўраб олган ишчиларнинг безовталики билан берган саволларига қулоқ солмасдан, оғзини ўрадай очиб, ҳадеб:

— Вой до-о-о-д!.. — деб бакирарди.

## XI

Фёдор онасини кузатиб қўйди-да, ўзи кетиш олдидан хўжайиндан:

— Шунақа қилиб, ҳақимни тўламайсизми? — деб сўради.

— Ҳа-а-ак... Сени ҳақ бериб эмас, елканга муштлаб жўнатиш керак. Ҳали шошмай тур, адабнингни бериб қўймасамми. Халқ судига устингдан арза қиламан, сендақа ялангоёқларни аяб ўтиришмайди у ерда!

— Шу менинг ҳақим билан бой бўлмоқчи бўлсанг бўла қол, Захар Денисович. Ўша пулсиз ҳам қуним ўтар.

— Нима қиласан гапни чўзиб? Қани, бор, туёғингни шиқиллатиб қол!

Фёдор бир дақиқа ўйланиб туриб қолди, кейин хайрлашмасдан остонадан ҳатлаб кўчага чиқди. Кўча эшик гижирлаб ёпилди. Омбор олдидан боғлоғлик ётган кўппак занжирини шилдиратиб қўйди.

Фёдор кўчага чиқиб яна тўхтаб қолди. Хонадонлардаги чироқлар бирин-кетин ўча бошлаган эди. Қишлоқнинг нариги чеккасидан гармонь овози, сўзларини аниқлаб бўлмайдиган кўшиқ эшитилди. Аҳён-аҳёнда, кўшиқ орасида одамларнинг хахолаб, барала кулиши эшитилиб қоларди, шу пайт Фёдор ўз қайғуси тўғрисида, умуман, дунёда қайғу деган нарса борлиги тўғрисида ўйлашни истамасди. У кўча бўйлаб боши оққан томонга юриб кетди, бир кварталдан ўтиб, чекка хирмонлардан бирида похолда тунаш мақсадида энди бир тор кўчага бурилмоқчи эди, бирдан кимдир уни чақириб қолди.

— Фёдор, сенмисан?

— Ҳа.

— Қани, бу ёққа кел-чи!

Яқин бориб қараган эди, четан девор остида чипта

шляпасини орқага суриб (демак, унчалик маст эмас экан) барабанчи Фрол ўтирарди.

Унинг олдида қуёшда қовжираган ўт устига ҳафсала билан искирт дастурмол ёзилган, дастурмол устида эса самогон хиди келиб турган бўйни узун шиша, ярми ейилган бодринг ва бир бўлак мөмиқ оқ нон бор эди.

— Ўтир!

Бу учрашувдан севиниб кетган Фёдор унинг ёнига ўтирди.

— Кетяпсанми?

— Кетяпман.

— Хўжайиннингнинг башарасини бўяб қўйдингми?

— Унчалик эмас... Қиттай...

— Эсиз. Дурустрок боплаш керак эди... Қанча яшадинг?

— Икки ой.

— Икки ойга сен камда ўн беш сўм олишинг керак.

Нега десанг, ҳозир — долзарб маҳал, ўн беш сўмга мен ҳам эшакдек ишлашга рози бўлардим. Рост — турган-битгани фойда бўлади!

Фёдор индамади. Фрол чордана куриб ўтириб, шляпасини ечиб ташлади-да, бошини орқага қилиб туриб, оғзига шишанинг оғзини тикди. Анчагача бир нима гўлк-гўлк қилиб, чўлпиллаб турди. Кейин Фрол шишани Фёдорга иргитди.

— Ич!

— Ичмайман.

— Ичмайсанми? Ичма. Яхши қиласан,

Шишанинг оғзи яна ярмигача Фролнинг оғзига кириб кетди. Фёдор заррин шуълалар тарам-тарам бўлиб турган зангори осмонга қараб ўтирди.

Барабанчи шишани куришиб бўлгач, кўзлари шўх чакнаб кетди, у ҳеч бир сабабсиз ҳиринглаб кулар ва бошини силкиб-силкиб шляпасини дам кўзига туширар, дам орқа томонга суриб ўтирарди.

— Судга берасанми?

— Нима деб бераман?

— Вой, тентакво-е, нима деб берардинг, икки ой ишлаб шимилдириқ ҳам олганинг йўқ-ку! Арза берасанми?

— Қайдам... — иккиланиб туриб жавоб қилди Фёдор.

— Мен сенга бир маслаҳат берай, — деб гап бошлади барабанчи бодрингни карсиллатиб чайнаркан, — сен тўппатўғри Дубовской хуторига бор, ўшатта комсомолистарнинг ячейкаси бор. Бор гапни ўшаларга айтиб бер, сени ўшалар химоя қилади. Мен, ука, ўзим Қизил Армияда хизмат қилганман, янги ҳаётни ёқтираман-у, лекинига,

ўзим комсомолист бўлолмайман-да, бир наслий нуқсоним бор... Отамдан қон билан бирга ўтган; ароқхўрман, аммо Советларнинг социализмида бунақа ароқхўр бўлмаслиги керак. Ана шу... Бўлмасам-ку, — барабанчи сирли қилиб кўзини чақчайтирди, — саводим ҳам чиққан бўларди, аксарият овоз билан партиёга ҳам кирган бўлардим. Сенинг ўрнингда бўлсам, хўжайинингга ўхшаганнинг таъзирини бериб қўйган бўлардим-а!..

Бир дамдан кейин ундаги ғайрат сўнди. У хорғин кўзларини лўқ қилиб шишанинг оғзидан то тубигача разм солиб чиқди-да, қўллари билан шишани силай бошлади. Бу гал энди бепарволик билан гапини такрорлади:

— Ўша комсомолистларнинг олдига бор. Улар ҳеч кимни хафа қилдириб қўйишмайди. Сенинг туғишган қондош дўстларинг — ўшалар. Улар ҳам сену бизга ўхшаган ялангоёқлар.

Бир оз вақт ўтар-ўтмас у шу ерда, четан девор остида ухлаб қолди. Фёдор бошини қўлларига тираб хаёлга чўмиб ўтирарди, у, йўлдан югуриб ўтиб кетаётган лайча итнинг тўхтаб маст барабанчини хидлаганини ҳам, сўнг оёғини кўтариб унинг устига сийганини ҳам, сўнг яна ўз йўлида гизиллаб кетганини ҳам пайқамади.

Хўрозлар биринчи марта кичқириша бошлади. Қишлоқ четидаги қўл бўйида, қамишлар орасида нар ўрдакнинг ғақ-ғақи эшитилди. Қишлоқнинг а. лақаеридан дон совурадиган машинанинг овози дам тарақлаб эшитилар, дам эшитилмай қоларди. Кимдир очик хаводан фойдаланиб, кечаси билан бугдой шопирарди. Фёдор ўрнидан турди, хуррак отиб ётган барабанчига қаради, бир кўнгли, уни уйғотмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин ўйлаб туриб қўл силкиди-да, шошмасдан хирмон томонга йўл олди.

## ХИ

Эртаси куни туш пайтида Фёдор Дубовской хуторига етиб қолаёзган эди. У эрталабдан буён йигирма чақиримдан ортиқроқ йўл босди. Охири қолдан тойди, оёқлари чарчаб, зириллаб оғрий бошлади, ҳаммадан ҳам торс-торс ёрилиб кетган товонлари билан болдири ёмон оғрирди.

Тепаликдан хутор яққол кўриниб турарди: сири кўчган кўримсизгина оқ черков турган майдон, оппоқ уй ва пичанхоналар гугурт қутчасига ўхшарди, Фёдор шу ердан пахмайиб ўсган ям-яшил боғларни, кулранг жилгаларга ўхшаган кўчаларни кўрди.

Фёдор тепаликдан тушди. Хуторга киравсришлагги чекка кўчалардаги итлар эрнинибгина акиллаб уни қарши

олдилар. Майдонга чиқди. Бу ерда озода мактаб биноси ёнида, сирти ялтироқ оҳак билан шувалган халқ уйи қад кўтариб турарди. Фёдор югуриб ўтиб кетаётган бир боладан:

— Комсомол қаерга ўрнашган?— деб сўради.

— Ана, халқ уйида.

Фёдор чўчиб-чўчиб зинапоядан остонага кўтарилди, ланг очик эшикдан ичкари кирди. Ичкари хоналарнинг биридан гўнғир-гўнғир овоз эшитиларди. Фёдорнинг гурс-гурс оёқ товуши бўялган баланд шипда акс садо берарди. Йўлак охирига борди, эшик орқасидан одамларнинг овози эшитилиб турарди. Кирди. Дераза тоқчаларида ўтирган олти чоғли йигит эшикнинг ғижирлаб очилганини эшитиб шу томонга қаради ва остонада нотаниш йигитни кўриб, жимгина унга тикилиб қолди.

— Шу ер комсомолми?

— Ўзгинаси.

— Ичларингизда бошлиқларинг ким?

— Мен секретарман,— деди сепкилли бир йигит.

— Сизларга бир иш билан келувдим...— деди Фёдор ҳали ҳам чўчиб туриб.

— Ўтир, ўртоқ, гапир, эшитамиз.

Фёдорни меҳрибонлик билан курсига ўтказиб унинг атрофини ўраб олишди. Аввалига у йигитларнинг чор атрофдан ўзига тикилиб турганларидан хижолат тортиб ўтирди; лекин уларнинг самимий ва меҳрибон чеҳраларига боқаркан, барабанчи Фрол: «Улар сенинг туғишган қондош дўстларинг» деб айтган гапини эслади-да, кейин очилиб кетди: у Захар Денисовичнинг кўрасида кечирган кунларини палапартиш қилиб, ҳаяжон билан сўзлаб берди; у бошига тушган дарду кулфатларни бирма-бир ҳикоя қилиб бераркан, хўрлиги келиб, овози узилиб-узилиб чиқар ва энтикиб-энтикиб нафас оларди. Баъзан у бошини кўтариб йигитларнинг юзига қараркан, мени калака қилишмаяпти-микин тагин, деб хавотир оларди, лекин ҳамма йигитларнинг ҳам чеҳраси хомуш, уларда ҳамдардлик акс этиб турарди, сепкилли йигитнинг эса ғазабланганидан лаблари буришган эди. Фёдор худди панд еган одамдай гапини тўсатдан тамомлади. Йигитлар сўзсиз бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Судга берсин-а?— деди улардан бири орага чўккан жимликни бузиб.

— Албатта судга берсин! Бўлмаса, қаёққа борарди?— деб қичқирди қизишиб кетган секретарь ва Фёдорга ўғирилди.

— Энди қаерда ишлаяпсан?

— Ҳеч ерда.

— Бўлмаса, қаерда яшаб турибсан?

— Олдин Даниловкада турардим, отам ўлиб қолди, онам гадойчилик қилиб юрибди, энди менинг турадиган жойим ҳам йўк...

— Энди нима қилмоқчисан?

— Ўзим ҳам билмайман,— деди дудмал қилиб Фёдор.— Биронта иш бўлса яхши бўларди...

— Ишнинг ташвишини қилма, топамиз.

— Иш топамиз.

— Ҳозирча меникида яшаб тура тур,— деди йигитлардан бири.

Секретарь (унинг фамилияси Рибников экан) баъзи бир тафсилотларни яна аниқроқ суриштириб билиб олиб, Фёдорга шундай деди:

— Гап бундай, ўртоқ, сен халқ судига ариза ёз, биз ячейка номидан сени қўллаймиз. Йигитлардан биттаси сен билан ўша хўжайинингникига бирга боради-да, кийим-кечақларингни олиб келади, кейин вақтинчалик Егорникида, мана бу йигитникида,— у бармоғи билан ўтирганлардан бирини кўрсатди,— яшаб турасан. Суд хусусига келсак, ўйлаб ҳам ўтирмасдан ариза бериш керак! Батрақлар тер тўкиб топган пул йўқолмайди. Батрачкомда шартнома тузмасдан туриб сени эксплуатация қилгани учун уни жавобгарликка ҳам тортишади ҳали.

Ҳаммалари бараварига эшик томонга юришди. Фёдор чарчаганини ҳам унутиб қўйган эди. Бу офтобда қорайган, четдан қараганда кўрс кўрунувчи йигитлар ҳозир Фёдор учун энг қадрдон, энг яқин кишилар бўлиб туолди. У ҳозир бир нима деб уларга миннатдорчилик билдиришни истарди, лекин ўз миясида пайдо бўлган шу ҳиссиётдан ийманиб, индамай кетиб борар, фақат аҳён-аҳёнда майин жилмайиб Егорнинг қотмадан келган қушбурун чехрасига кўз қирини ташлаб қўярди.

У Егорларнинг йўлагидан кириб бора туриб яна «туғишган, қондош» сўзини эслади-да, маст барабанчини кўз олдига келтириб, ўзича илжайиб қўйди, шу икки сўз билан у ҳамма нарсани жуда аниқ ифодалаб берган эди. Чиндан ҳам туғишган, қондош одамлар — буни бошқа сўз билан ҳеч ифодалаб бўлмайди.

### ХIII

Егор онаси ва кичкина синглиси билан турарди. Егорнинг онаси Фёдорни худди ўзининг ўғлидай кутиб олди: овқат пайтида меҳрибонлик билан меҳмон қилар, кийим-бошларини ювиб берар, хуллас, уни ўз ўғлидай кўрарди.

Дастлабки кунлари Фёдор Егорнинг рўзгор ишларига қарашиб юрди: биргаликда ер ҳайдаб шудгор қилишди, дарахт кесгани ўрмонга боришди, молларнинг тагини тозалашди, бўш вақтларида, кўра атрофидаги четан деворни тол новдалари билан баланд қилиб қайта тўқиб чиқишди.

Иш билан куз келгани ҳам сезилмади. Ҳаво очик, қилт этган шамол йўқ. Эрталаблари бир оз совуқ тушарди; ҳовлидаги теракнинг олтин япроқлари тўкилиб кун сайин сийраклашиб борарди; боғлар либосларини ечиб яланғоч бўлиб қолди, дарёнинг нари ёғида, уфқда кўриниб турган ўрмон бетоб ётган кишининг соқолига ўхшарди.

Кечқурунлари Фёдор билан Егор клубга боришарди. Фёдор илгарилари етти ухлаб тушига кирмаган фикр ва мулоҳазаларни диққат билан эшитар, шанба куни кечқурунлари ярим кечагача чўзилувчи сиёсий сабоқ дарсларини ҳамда ўзи учун ниҳоятда яқин ва севимли ҳисобланган кишлоқ хўжалиги темасида агроном ўтказадиган суҳбатларни ғоят берилиб тинглар, ҳамма эшитганларини эса олиб қолишга уринар эди. Лекин шундай бўлса ҳам бошқа йигитларга тенглашиш унинг учун жуда огир эди; улар аллақачон сиёсий сабоқ дарсини ҳатто ёд билиб олишган, газеталар ўқиб туришар, бир йилдан бери шу ерлик агроном ўтказган суҳбатларга қатнашишар, ҳар бир саволга маъноли ва аниқ жавоб бера олардилар (секретарь Рибников, сепкил босган юзларига муштларини ботириб ўтириб, ҳатто Маркснинг китобларини ҳам ўқирди), Фёдорнинг эса, ҳали саводи унчалик чиқмаган эди.

Шуниси ҳам борки, плугнинг дағал бандларидан ушлаб ер ҳайдаган пайтда унинг қўлни туртиб титрашини ҳис қилиш бошқачаю, худди шу қўл билан жуда нозик, ингичка нарса — қаламни ушлаш бошқача: негаки, биринчидан, қаламни қўлга олганда, бармоқлари калтираб, билаги уюшиб қолгандай бўларди, иккинчидан эса ўша ярамас қаламни салга синдириб қўйиш ҳам мумкин эди. Фёдорнинг қўллари биринчи ишга яхши ўрганган эди; ахир отаси уни бунёдга келтираётганда, ўғлининг ҳаттот бўлишини ўйламаган эдида, шунинг учун унинг қўлларини деҳқончиликка мослаб суяклари йўғон, сержун, кўпол, аммо чўяндай мустаҳкам қилиб ясаган эди. Шундай бўлса ҳам Фёдор китобдаги ҳикматли илмларни секин-аста ўргана борди: чананинг ўйдим-чуқур ерларда қолдирган изига ўхшаб, бир баланддан, бир пастдан келиб, «синф» ва «партия» деган сўзларнинг маъносини, большевикларнинг мақсадини, большевиклар билан меньшевиклар ўртасидаги фарқни амал-такал қилиб тушунтириб бера оларди.



Унинг гаплари ҳам худди юришига ўхшаш, беўхшов, кескин бўларди, лекин йигитлар унинг сўзларини муносиб жиддийлик билан тинглашарди; борди-ю, баъзан кулишса ҳам, кулгилари бегараз бўларди. Фёдор буни яхши билар, шунинг учун дўстларидан ҳечам хафа бўлмасди.

Декабрь ойида, умумий мажлисдан бир кун олдин Рибников Фёдорга шундай деди:

— Гап бундай, сен бизга ариза ёз. Биз сени комсомолга қабул қиламиз, райком тасдиқлайди, шундан кейин, баҳорга чиқиб батрак бўлиб ёлланасан. Ҳозир, союзимизга мумкин қадар кўпроқ батрак ёшларни жалб қилиш кампанияси бошланган. Илгари ячейкамиз ҳеч иш қилмасди, чунки қулоқнинг ўгли секретарь бўлиб олган эди, шунинг учун кўпчилик аъзоларимиз ишга яроксиз эди... Иссикда қолган ўлаксадек сасиб-биқсиб ётишарди... Сен келмасингдан бир ой олдин биз уларни супуриб ташладик, энди ишга киришишимиз керак. Дубовской ячейкасининг обрўсини халқ олдида кўтаришимиз керак. Илгарилари комсомолларимиз самогон ичишни-ю, ўйинларда қизларнинг қўйнига қўл тиқишни билишарди, энди тамом! Ишни шундай йўлга қўйиб юборайликки, бутун Дон области қойил қолсин! Ишга ёлланадиган бўлганингда, биз сенга вазифа топшира-миз, сен ҳамма батракларни ячейкага жалб қилишинг керак бўлади. Тушундингми? Биз ҳаммамиз хуторларга тарқалиб кетамиз.

— Нима дейсан, бу ишларга ярармиканман? Китоб ўқишга жа мазам йўқ-ку...

— Э, қўйсанг-чи! Билмаганларингни киши билан ўрганиб оласан. Ўзимиз ҳам, жуда билагонлардан эмасмиз... Райком бизни эсга ҳам олмайди: на биронта қўлланма-ю, ва на бир бамаъни маслаҳат беради, фақат қуруқ фармойиш юборгани юборган. Биз, оғайни, ҳар бир нарсага ўз кучимиз билан эришамиз. Ана шунақа!

Рибниковнинг теварак-атрофдаги хутор ва кишлоқларда батраклик қилувчи ёшларни союзга жалб қилиш ҳақидаги сўзлари худди ҳосилдор қора тупроқ ерга тшган буғдой уруғи сингари Фёдорнинг онгига ўрнашиб қолди. У ўзининг Захар Денисовичникида кўрган-кечирган кунларини эслади-да, қачон иш бошларкинман деб тоқатсизлана бошлади. Ўша куни кечқуруноқ кинғир-қийшиқ қилиб ариза ёзди. Лекин нима сабабдан комсомолга кираётгани тўғрисида Егор ўргатганидай қилиб ёзмади. У: «сиёсий таълим олмоқчиман» деб ёзгин деб ўргатган эди, аммо Фёдор бир оз ўйлаб ўтирди-да, кейин на нукта, на вергуль қўйиб, шатирлатиб ёзиб кетди:

«Ишчи бўлганлигимдан онгимни жудаям ошириш учун ва ҳамма батракларни комсомолга тортиш учун киришни хоҳлайман, негаки, комсомол батракларнинг туғишган қондош биродари».

Рибников ўқиб кўриб афтини буриштирди.

— Ҳақиқатда-ку шундай, а, лекин сен жуда ошириб юборибсан... Ҳа, майли, ўтади!..

Мажлис кечкурун аламаҳалда бошланди. Клубда ғовур-ғувур кўтарилди. Президиум сайланди, Рибников халқаро обзор тўғрисида доклад қилди, шундан кейин кундалик масалаларга ўтилди.

Фёдор юрагини ҳовучлаб ўтириб, ўз аризасининг ўкилишини кутарди.

Нихоят Рибников томоғини кириб, мажлисга келганларга кўз югуртириб чиқди-да, баланд овоз билан:

— Ўзингиз билган Фёдор Бойцовдан ариза тушди, — деди.

У шовилмасдан аризани ўқиб чиқди, кейин қоғозни стол устига ёзиб текисларкан:

— Кимда қандай сўз бор? — деб сўради.

Орқа томонда ўтирган кирғийбурун Егор ўрнидан турди ва бошини дам у томонга, дам бу томонга буриб гапира бошлади:

— Масала равшан! Ўзи батрак йигитлардан, даниловкалик камбағал бир мужикнинг ўғли. Ҳозир сиёсий онги бор, менимча, тўғри келади... Яна нима ҳам дейиш мумкин... қабул қилинсин!

— Қаршилар борми?

Қарши чиқмади. Кейин овозга қўйишди. Ҳамма қўл кўтарди. Йигирма олти киши, яъни бутун ячейка, Фёдор комсомолга қабул қилинсин, деб қўл кўтарди. Рибников кўтарилган қўлларни санаркан, Фёдорнинг кумдек ўчган бахтиёр чехрасига қараб-қараб қўйди.

— Бир овоздан ўтдинг!

Фёдор мажлиснинг тамом бўлишини жуда тоқатсизлик билан кутиб ўтирди. У атрофидаги одамларнинг нима тўғрида гапиришаётганини унча тушунмас эди. Рибников, Ерофей Чернов деган йигитни кайф-сафога берилиб ўйинқарок бўлиб кетгани учун қизишиб танқид қиларди; у эса, битта мен эмас, деб ўзини оқлашга уринарди. Уларнинг овози гўё қалин девор орқали ўтиб келаётгандай, зўрға кулоққа чалинарди, Фёдорнинг миясида турли хил фикрлар бир-бирига чалкашиб кетган эди: «Энди мен ҳам уларнинг оңласига кирдим, энди бегона эмасман, авваллари бошқача эди... Худди ўғай боладай эдим... Менинг туғишган, қондош

дўстларим шулар, улар билан бир жон-бир тан бўлиб яшаш қандай яхши...»

Кимдир овозининг борича бакирди:

— Жим бўлинглар!.. Мажлисни ёпиқ деб эълон қиламан. Ванюха, мажлис қарорини ўзинг кўчириб чиқасан-а?..

Осма қулфни шараклатиб эшикни бекитишди, кейин ҳамма йўл-йўлакай бир-биридан тамакисини тутатиб, ҳовлидан йўлакка гувиллаб кирган изғириндан дийдираб ташқарига чиқа бошлади. Фёдор, Егор ва Рибников бирга кетишди. Улар эшик олдидаги музлаб қолган пиллапоядан тушиб, баланд қор уюмига тўқнаш келдилар: то мажлис тамом бўлгунча шамол шунча қорни уйиб ташлабди. Егор ихраб-сихраб биринчи бўлиб қор уюмини ёриб ўтди, Фёдор унинг кетидан ўтди. Чорраҳага боришганда Рибников Фёдорнинг музлаган қўлини маҳкам сиқди-да, унинг кўзларига яқиндан тикилиб туриб:

— Огоҳ бўл, Федя, бизни шарманда қилма! Сенга ишонганмиз. Энди комсомол бўлиб олдинг, илгари партия-сиз йигит эдинг, энди унақа эмас, энди ҳар бир қилган ишинг учун яна ҳам кўпроқ масъулият сезишинг керак бўлади. Ҳа, буни ўзинг ҳам биласан. Хайр, дўстим!— деди.

Фёдор индамай унинг қўлини силкиб хайрлашди, бир гап айтмоқчи ҳам бўлувди-ю, лекин таъсирланиб кетганидан хўрлиги келиб, ҳеч нима деёлмади. Кейин Егорга етиб олиш учун тезроқ юриб кетди. У кетиб бораркан, ҳамон ўша дилни қувонтирувчи хўрлигини ҳис қилиб ўзига-ўзи пичирларди.

— Аммамнинг бузоғига ўхшаб... латтадай шалвираб қолдим... Қиттайгина дадилроқ бўлишим керак эди, қўлимдан келмаса нима қилай!.. Бахтим очилди. Яқингинада, дунёда ғам-ташвишдан бошқа нарса йўқ, ҳамма одамлар менга ёт деб юривдим-а!..

#### XIV

Эртаси куни эрталаб Фёдорни ижрокўмга чақирди.

— Судга повестка келди. Қўлингни қўй,— деди секретарь.

Фёдор қўл қўйиб, повесткани олди-да, дераза олдига бориб уни ўқиди. Йигирма биринчи числога чақиртиришибди. Фёдор деворга осиглиқ календарга қаради-ю, капалаги учиб кетди: Ильич портрети остидаги календарда кизил рангли «20» рақами турарди.

У тезда уйга борди-ю, йўлга отлана бошлади.

— Қаёққа?— деб сўради Егор.

— Станицага, хўжайин билан икковимизнинг судимиз бўларкан. Повесткани ҳозир олдим, суд эртага бўларкан... Жа чаток бўлди! Етиб олармикинман?

Егор худди хамир чаплагандек оппоқ бўлиб музлаган дарчага каради, зангори тусга кира бошлаган осмонда саргайиб турган куёшни кўрди-да, ўйланиб туриб деди:

— Ҳаммаси бўлиб ўттиз беш чақирим, яхши юрсанг, соатига беш чақиримдан босасан, яъни етти соатда, қоронни тушганда етиб олсанг эҳтимол.

— Бўлмаса, кетдим!

— Ейишга ул-бул олдингми?

— Олдим.

Егор уни кўчагача кузатиб чиқди-да, орқасидан:

— Илдамрок юр, бўлмасам, қоронгига қоласан! Бўрилар бор!— деб кичкириб қолди.

Фёдор халтасини қулайроқ қилиб олиб олди, ошланган теридан тикилган калта пўстини устидан камарини сиқиб боғлади ва кўчанинг қоқ ўртасидан, чаналар юравериб текислаб қўйган йўлдан катта-катта одим отиб юриб кетди. Тепаликка чиқди. Ўгирилиб оппоқ қор билан қопланган хуторга каради, сўнг кифти терлаганини ҳис қилиб, елкасини қоқиб қўйди-да, станица томонга тез-тез юриб кетди.

У дам жарликка тушар, дам тепаликка чиқарди. Кейин яна пастликка тушар, яна тепаликка кўтариларди. Узоқ уфқдан оппоқ қор билан қопланган ям-яшил ўрмон ва дарахтзорлар шарпаси кўкимтир бўлиб тизилишиб ўтиб борарди. Қор кўзни қамаштирарли даражада яраклар, қуёш шуъалари қор уюмларига найзадек санчилар, йўл камалакдек товланарди.

Фёдор таёғини дуқиллатиб совуқ ҳавода тотли бўлиб туюлган махорка тутунини бурқситиб тез юриб борарди. Йигирма чақиримча йўл юргандан кейин, ер билан кўкнинг бирлашган жойидаги мезон ипидек ингичка, нозик ва нотекис чизик сари оғиб бораётган қуёшга каради-да, бир бўлак нон билан юпқа қилиб тўғралган чўчка мойи олди. Йўл ёқасига чиқиб оёғини тагига букиб ўтирди, нон билан ёғни еб олди ва яна йўл юриб кетди, у исиниб олиш учун жадаллаб борарди.

Кечки пайт қор бинафшаранг шафакни ўзида акс эттира бошлади. Йўл ҳаво тусига кириб пўлатдай яркиради. Ғарб томонда зулмат, ер билан осмонни ажратиб турган чизикни кўздан ғойиб қилди. Фёдор станицага кириб борганида мусаффо осмонда онда-сонда юлдузлар милтиллаб кўриша бошлаган эди. У станица чеккасидаги

кўримсизгина қашшоқ бир кулба эшигини тақиллатиб, тунаб қолишга ижозат сўради. Уй эгаси, очик чехралли, соқол кўйган киши, дарров рози бўлди.

— Майли, тунай қол, жойни еб кўярмидинг?

Фёдор ётар олдида музлаган чўчка ёғини кавшаб, печка олдида калта пўстинини ёзди, бошига калпоғини кўйди-да, ухлаб қолди.

Ўз одати бўйича, тонг ғира-шира ёришаётган паллада уйғонди. Ювиниб келди. Уй бекаси унинг ёғини товада қовуриб берди. Нонушта қилиб олди-да, станицанинг ичка-рисига, майдон томонга йўл олди. Станица советининг биносига яқин бир ерда дарвозага осиб кўйилган вивескани кўриб ўқиди: «Верхнедонской округи 5-участка халқ суди».

Эшикни очиб ҳовлига кирди-ю, Захар Денисовични кўрди. У эгнига кўк мовут билан сирилган, четларига қоракўл терисидан ҳошия қилиб тикилган калта пўстин кийган, бошига кулоқчин кийиб, томоғидан боғлаб олган эди. Фёдор ҳовлига кирганида у терлаб-пишиб кетган отини чанадан чиқараётган эди. У от устига жул ёпиб туриб беҳосдан кўзи Фёдорга тушди ва истехзо билан лабини бурди-да, у билан кўришмасдан юзини тескари ўгирди.

Вақт ниҳоятда суствлик билан ўтарди. Соат тўққизларда суд котиби келди. У ечинмасдан, бурнини шилқиллатиб торта-торта стол устига бир даста қоғоз папкаларни тап этиб ташлади ва шишган қовоқлари остидаги уйқусизликдан киртайган кўзлари билан йўлакда сиқилишиб турган одамларга разм солди. Яна бир соатдан кейин судья келди, у одамлар орасидан ёнламасига ёриб ўтиб ичкарига кирди-да, эшикни тарақлатиб ёпди.

— Фёдор Бойцов, Захар Благуродов!.. — деб кичкирди эшикни кия очиб котиб.

Тагига чарм қопланган пиймасини ғирчиллатиб Захар Денисович ичкарига ўтди.

— Мана бу гражданин самогонга чўмилиб келибдим дейман, хидига одам маст бўлаёзди! Уф, ҳаммаёқни саситиб юборди! — деб Захар Денисовичнинг орқасидан кулди жулдур шинель кийган кекса бир казак.

Фёдор бошидан шапкасини олди-да, дадиллик билан остонадан ҳатлаб ўтди. Ўн минутча халқ маслаҳатчилари билан судья галма-гал савол бериб туришди. Захар Денисович ҳадиксираётган бўлса керак, дудукланиб жавоб берарди.

— Унинг ҳақини тўлаганмисиз? — қалами билан столни тақиллатиб ўтириб сўради судья.

— Ҳа, шундай... Тўлаганмиз...

- Нима билан тўлагансиз, пул биланми ё мол биланми?
- Пул билан.
- Қанча тўлагансиз?
- Саккиз сўм, яна сийловига бугдой ҳам берганман.
- Ие, нега? Ахир ўзингиз Бойцовни ойига ярим сўмданга ёллаганман деб сўроқ берган эдингиз-ку, шундайми?
- Мурувват қилдим. Бечора етимча... Отаси ўрнига оталик қилдим... Саховатпеша...— дерди хирқироқ овоз билан шолғомдек қизарган Захар Денисович.
- Ҳмм...— Судья сезилар-сезилмас истехзо билан жилмайиб қўйди.

Яна бир неча савол берилгандан кейин уларга, бир оз чиқиб турунглар, дейишди. Яна бешта ё олтита иш кўрилди. Фёдор йўлакда тураркан, Захар Денисовичнинг ўз атрофига саккизтача казакни тўплаб олиб, шиддат билан қўл силтаб гапираётганини томоша қиларди.

— Нега шартномасиз ёллагансиз, дейди. Энди ишчи ёлласанг ҳам балога қоларкансан... Худо ҳаққи, мени ишга олинг деб ялиниб келди ўзи, кейин билсам комсомолист экан; мен, ишламайман, дейди-я.

— Суд келяпти!

Оломон гур этиб ичкарига кирди. Судья ҳукмнинг бош қисмини шошилиб ўқий бошлади. Фёдор пўстини остида юрагининг жадаллаб гурс-гурс ураётганини ҳис қилди. Унинг юзига дам қон қуйилиб кип-қизариб кетар, дам қони қочиб бўздек ёқариб кетарди. У ҳукмни деярли эшитмади деса бўлади. Судья овозини баландроқ қилиб ўқий бошлади:

— ...Моддасига биноан... Захар Благуродов Фёдор Бойцовга, унинг икки ойлик иш ҳақи учун ўн икки сўм тўлашга ҳукм қилинади... Шартнома тузмагани... балоғатга етмаган болани эксплуатация қилгани учун — ўттиз сўм миқдорда жарима ёки... муддатга мажбурий меҳнат... Суд чикимлари... Ҳукм қатъий...— Фёдорнинг қулоғига судьянинг шу сўзлари узилиб-узилиб кирди, холос.

Фёдор пиллапоядан югуриб тушди-да, пўстинининг тугмасини солмасдан, севинганидан ўзича илжайиб тез-тез юриб станицадан чиқди. Ҳаш-паш дегунча бир неча чақирим йўл босиб қўйди; у кетиб бораркан, бўлиб ўтган воқеани эслар, келгуси йил кузга қандай қилиб бир отга етарли пул тўплаши, онасини қашшоқлик балосидан халос қилиб, она-бола биргаликда рўзгорни юритиб юбориши тўғрисида режа тузарди.

У, ёз чиқиши билан батрақлар ўртасида қандай иш олиб боришини эслаб дили қувончга тўлди. Шамол юзга уриб турар, муздек совуқ майда қор учқунлари кўзга ури-

ларди. Кутилмаганда Фёдорнинг қулониға орқа томондан чана кўшқоратганини қорда гижирлаши, от туёғининг дўпир-дўпир овози чалинди, у тезлик билан орқасига ўтирилди, шу пайт бирдан кўкрагиға урилган чана шотисининг қаттиқ зарбидан ерга йиқилди. У йиқиларкан, тепасида қора отнинг кўширтган тумшугини, ундан кейин эса, қор қуюни орасидан Захар Денисовичнинг қизариб-бўзарган башарасини кўрди.

Шотининг зарбидан кейин, кетма-кет Фёдорнинг боши устида камчи визиллади, унинг юзи кўзи аралаш кўндалан-ниға тушган камчи бошидан шапкасини учириб юборди.

Фёдор оғриқли сезмасдан, қизиқ устида ирғиб турди ва жон аччиғида, бош яланг чананинг кетидан қувиб кетди. Захар Денисович чан кўли билан зўр бериб чоғиб кетаётган отнинг тизгинидан торғиб туриб, ўнг кўлидаги камчисини баланд кўтарганича, орқасига ўтирилиб Фёдорға ўдағайларди.

— Шошмай тур ҳали!.. Таъзиринги бермасамми... онадиги... кўрсатаман!..

Шамол сўзларни учириб олиб кетиб, яхши эшитишга қўймас ва чана орқасидан югуриб бораётган Фёдорни хиша бўғарди. У дармони қуриб йўл ўртасида тўхтади, фақат шундан кейингина кўкраги зиркираб оғриётганини, юзидан оқиб тушаётган шўр қон ёвоқларини ачитаётганини сизди.

## XV

Қори эриб ҳар ер-ҳар ери қоп-қорайиб очилиб қолган шудгор томондан баҳор етиб келди. Кечаси гармсел туриб, осмон булут билан бурканди, тонг отар пайтиға келиб, шар-рос жала қуйиб берди-ю, илгарироқ эриб бошлаган қор шариллаб оққан ёмғир сувларига сингиб, эриб йўқ бўлиб кетди. Қирнинг қори эриб, яланғоч бўлиб қолди, фақат йўл устида ва чуқурчаларда қолган музларгина гўё нажот излагандай, ўтган йилги ўт-ўлан ва қатқалоқ пушталарға маҳкам ёпишиб олган эди.

Баҳорги дала ишлари бошланишиға озгина қолганда, Фёдор йигитлар билан хайрлашди-да, ҳамма лаш-лушларини ва Рибников берган китобларни қопчигиға жойлаб, иш қидириб кетди.

— Федя, борган ерингда ёшларни уюштириш эсингдан чиқмасин!— деди Рибников хайрлаша туриб.

— Бўпти, эплаштираман. Ҳаммани бир ерга жам қиламан!— деб илжайди Фёдор.

Бештача йигит уни хутор чеккасигача кузатиб борши-ди-да, то у катта йўлга тушиб олгунча орқасидан қараб туришди. Фёдор биринчи тепаликдан ошиб тушаётганида орқасига ўгирилиб қаради: уни кузатиб чиққан йигитлар ялангликда гўж бўлиб туришарди. Рибников билан Егор эса бошларидан картузларини олиб силкитишарди.

Хутор Фёдорнинг кўзига кўринмай қолганида, унинг юраги гандан сиқилиб кетди. У яна, йўл ёқасида шўппайиб чайкалиб турган мана бу ўтган йилиги бир туп қамғок ўтдек яккаю ёлғиз қолди...

Фёдор кўнглидаги аламини ба зўр босиб, қаёқ томонга борсамикин, деб ўйлана бошлади. Теварак-атрофдаги хуторларда яшовчи ҳамма одамлар жуда қашшоқ яшар эдилар, улар хизматкор ёллашга қурблари етмасди, бутун станицада Хреновской кишлогичалик бой кишлок тоғилмасди. Фёдор бирпас ўйлаб турди-да, Хреновскойга борадиган йўлдан юриб кетди. У Захар Денисовичнинг қўшниси Пантелей Мирошниковга батрак бўлиб ёлланди. Пантелей бобо новчадан келган, озиб чўп бўлиб кетган бадқовоқ чол эди. Унинг учта ўғли урушда ҳалок бўлган эди, уй-рўзгор, хўжалик ишларини кампир хотини ва иккита келини билан ўзи бошқарарди.

— Сен, оғзингга ош, Захарканикидан нега кетиб қолдинг-а?— деб сўради у Фёдорни ишга ёллаётганда оппоқ оқарган қошларини учириб.

— Хўжайин кетқизворди.

— Қанақа шарт билан ёлланмоқчисан?

— Аввалдан битишиб оламиз.

— Битиш-питишингни билмайман. Ёз пайтида ойига уч сўмдан бераман, қишда бўлса текинга ҳам керак эмассан. Балки сен, кишин-ёзин ишламоқчидирсан, бунақаси менга керак эмас.

— Кузгача бўлса ҳам майли.

— Хуллас, иш тамом бўлгунча. Кузда шудгор кишиб бўлганингдан кейин, қаёққа хоҳласанг, ўша ёкка кетаверасан, оғзингга ош. Ойига уч сўм бўлса, розимисан?

— Розиман, менингча, шартнома тузиш керак бўлади. Шартномасиз бўлмайди.

— Менга барибир... Фақат саводим йўқ-да... Ҳали ўша шартномангга қўл қўйиш керак бўлар, оғзингга ош? Ҳа, майли, келиним Степанида қўл қўйиб беради.

Батрачкомга бориб шартномага имзо чекишди, шундан кейин Фёдор кўнгли шодланиб ишга киришиб кетди. Пантелей бобо икки ҳафтача янги хизматкорнинг хатти-харакатини зимдан кузатиб борди,— Фёдор кўпинча унинг



синчковлик билан тикилиб турганини кўриб қоларди,— ниҳоят иккинчи ҳафтанинг охирида кечкурун, Фёдор бир кунда бутун полиз ерини ҳайдаб, ҳориб-чарчаган, терлаб-пишган ҳўкизларни уйга олиб келганида, чол унинг ёнига келиб гап бошлади:

- Полизни ҳайдаб бўлдингми?
- Ҳайдаб бўлдим.
- Кемтик ери қолмадими?
- Йўқ. Қанча чуқурликда ҳайдадинг?
- Қанча деган бўлсангиз, шунча қилиб ҳайдадим, бува.
- Ҳўкизларни суғордингми?
- Суғордим.
- Нечага киргансан, азамат?
- Ўн еттига.

Чол Фёдорга яқин бориб унинг сочидан каттик тутамлаб ушлаб, бошини ўзининг қоқсуяк кўксига маҳкам босди-да, кадоқ босган, дагал кўли билан анча маҳалгача Фёдорнинг меҳнатда чиникиб пай бўлиб кетган елкасини силаб турди.

— Сен яхши хизматкорсан, оғзингга ош!.. Кўли гул йигит экансан!.. Хоҳласанг, қишлаб қолишинг ҳам мумкин, гапим рост!..

У Фёдорни ўзидан итариб юборди-да, анчагача оғзининг таноби қочиб самимий жилмайиб унга тикилиб турди. Чолнинг бу меҳрибонлиги ва худди отадек эркалатишидан Фёдорнинг кўнгли бўшаб кетди. Бу янги ҳўжайин Захарга зиғирча ҳам ўхшамасди. Чол Фёдорни ёллаётганидаёк:

— Сен, ҳалиги, нимаиди... комсомолмисан дейман? — деб сўраган эди. Сўнг Фёдорнинг «ҳа» деб берган жавобига кўл силтаб қўйиб: — буниси билан менинг ишим йўқ, — деган эди. — Овқатни бошқа ўтириб ейсан, сен билан бирга ўтира олмайман. Сен, овқат олдидан чўқинмасан ҳали?

— Йўқ.

— Ана, кўрдингми. Мен қари одамман, сени ажратиб қўйганим учун хафа бўлиб юрма. Сен билан биз бошқа-бошқа оламнинг одамларимиз.

Чол Фёдорни ҳеч нимадан камситмади: қорнини тўйдириб бокди, хонаки бўздан тўқилган ўзининг кийим-бошларини берди, уни оғир иш билан қийнамади. Фёдор ишга ёлланган дастлабки кунларда, худди Захар Денисовичникида бўлганидек ҳамма иш ўзимнинг бошимга тушса керак, деб ўйлаган эди, лекин пасха байрами арафасида ер ҳайдагани далага чиқишганда, Пантелей бобо қоқсуяк чол бўлишига қарамай, иш борасида ҳар қандай ман-ман деган йигитни ҳам йўлда қолдириб кетишга қурби етишини

кўрди. У кун бўйи кўш кетидан қолмас, ерни ҳавас билан теп-текис қилиб ҳайдарди, кечалари эса хўкизларни Фёдор билан галма-гал кўриқлаб чиқарди. Чол художўй одам эди. «Бепаравуз» сўзлар билан сўкинмас, оилани қаттиқ-қўллик билан бошқарарди. Унинг ҳадеб «оғзингга ош» деб такрорлаши Фёдорга хуш ёқарди, сиртдан қараганда жуда серзарда кўринса ҳам, кўнгли пок ва самимий бўлган бу чолнинг ўзи ҳам унга ёқарди.

Пасха байрами куни кечкурун Фёдор ўзлик ўзининг тор кўчасида йигирма ёшларга кирган пакана бўйли чўтир бир йигитга тўқнаш келиб қолди. Фёдор унинг Захар Денисовичникдан чиққанини кўрди ва Пантелей бободан эшитган гапларини эслаб Захарнинг хизматкори шу бўлса керак деб гумон қилди. Йигит Фёдорга яқинлашганда, у биринчи бўлиб гап бошлади:

— Ҳорма, ўртоқ!

— Бор бўл,— деб эринибгина жавоб қилди йигит.

— Захар Денисовичнинг хизматкоримисан дейман-а?

— Ҳа.

Фёдор сўроқ беришда давом этиб, унга яқинлашди:

— Ёлланганингга анча бўлдим?

— Уч ойдан ошди, қишдан бери шеттаман.

— Қанчадан тўлаяпти?

— Бир сўмдан, овқати ҳам ёнидан,— бирдан йигитга жон киргандай бўлди, кўзлари чақнаб кетди.— Сени чол уч сўмданга ишга олганмиш деб эшитдим, яна кийим-бош ҳам берганмиш. Шу гап ростми ё ёлғонми?

— Рост.

— Захар мени тоза болади-да...— деб алам билан гапира бошлади йигит.— Яна кўшаман деб айтувди, энди дами ичига тушиб кетди. Иш бўлса-ку, худди итдай ишлатади,— энди у аччиғи чиқиб қизишиб гапира бошлади,— яқшанба кунлари ҳам бирдай... Кийим-бошларим йиртилиб, соб бўлди, у бўлса менга на пул беради, на кийим-кечак. Мана, байрамга ясаниб кийган кийимимни кўр?— Йигит Фёдорга орқасини ўгирди, унинг узунасига титилиб шокила бўлиб қолган кўйлаги остидан учбурчак шаклда қора бадани кўриниб турарди.

— Отинг нима?

— Митрий. Сеники-чи?

— Фёдор.

Захарнинг ҳовлисида хўжайиннинг манқа овози эшитилди.

— Митька! Нимага молхонани бекитиб қўймадинг, падар лаънати?.. Югур, хўкизларни молхонага ҳайда!..

Митька худди чўчиган кийикдек четан девордан сакраб тушди, кейин қуюқ ўсган қичитқи ўт орасидан мўралаб, бармоғи билан Фёдорни имлаб чақирди. Фёдор ҳам четан девордан ирғиб ўтди, боғча ичидан хилватроқ бир ерни топиб, ёнига Миткани ўтқазди-да, ташвиқот ишига киришди.

## XVI

Фёдор хар якшанба куни кечкурун сайилга борар ва ўша ерда хреновскойлик бойларнинг эшигида батрак бўлиб хизмат қилувчи йигитлар билан танишарди. Қишлоқда жами ўн саккизта батрак ишларди, улардан ўн бештаси ёшлар эди. Фёдор ана шу ўн бешта батракни бир ерга йиғиб, батраклар союзини ташкил қилди.

Бадавлат хонадонларга хизмат қилувчи батрак йигитлар сайил-томошада бўлар-бўлмасга чинқираверадиган қизлар билан шилқимлик қилишиб, уй-уйларига тарқалишлари олдидан Фёдор алламаҳалгача батрак йигитларни комсомол сафига киришга ва хўжайинларни шартнома тузишга мажбур этишга ундаб, узоқ гапирарди.

Дастлабки пайтларда улар Фёдорнинг сўзларига ишонмасдан, масхара қилиб, кулиб юрдилар.

— Сенга гапириш осон,— деб қизишарди букир Колька,— сенинг хўжайиннинг танти, менинг хўжайинимга ўхшаганлар бўлсами, ўша, комсомол билан шартнома, деган сўз учун нақ бўйнимни сугуриб олади-я!..

— Суғуриб олиб бўпти! — деб эътироз билдирарди бошқа бир батрак.

— Ёлғиз ўзинг бўлсанг суғуриб олади ҳам! Сен нима деб ўйловдинг? Мисол учун, сенга битта бармоғимни тутиб берсам, қирсиллатиб синдириб ҳам юборасан, лекинга, ҳамма бармоғимни тутсам-чи, яна бунинг устига мушт қилиб тутиб берсам борми, синдира оласанми? Ҳеч-да, бу муштум билан, оғайни, бир уриб сенинг жағингни туширишим мумкин!.. — деб йигитларнинг барала кулгиси остида гапирарди Фёдор. — Бизлар ана шунақа муштумдай жипслашишимиз керак. Бойларга аҳмоқ бўлиб шунча ишлаганимиз етар! Ҳаммаларинг ҳам — биринг бир сўм, биринг ярим сўм учун эшақдай ишлаб ётибсанлар, мен бўлсам уч сўмдан туширяпман, ишим ҳам сенларникидан осон!..

— Тў-ўғ-ри-и-и!.. — деб қичққришди йигитлар.

Улар одатда кечаси, хирмонлар панасига тўпланишар, то хўроз қичқиргунча гурунглашиб ўтиришарди.

Орадан тўрт ҳафта ўтиб, бешинчи якшанба келганда, Фёдор шундай таклиф киритди:

— Гап бундай, огайнилар, кеча ўтлоқ ерлар бўлинди, бугун эмас, эртага пичан ўрими бошланади, эртага ҳар биримиз ўз хўжайинимиздан иш ҳақимизни оширишни, шартнома тузишни талаб қилайлик, акс ҳолда ишни ташлаймиз деб айтамыз!..

— Э, бу тўғри келмайди! Жа қаттиқ гап бу!..

— Ҳаммамизни ҳайдаб юборишади!

— Бир бурда нонга зор бўлиб қоламиз!

— Ҳайдашмайди!— деб кичкирди газабидан қизариб кетган Фёдор.— Нега десанглар, ҳадемай пичан ўрими бошланади! Хизматкордан ажрашса, ҳоллари танг бўлиб қолади!.. Бу тарзда яшаб бўлмайди! Батрачком, қандай шарт билан ишга ёллангансиз, деб сўраса, баъзилар: мен хўжайиннинг қариндошиман, дейди, бошқа биров бўлса: «Эски танишлариданмиз», деб баҳона қилади. Лекин ўзларингдан бошқа ҳеч ким сенларнинг ташвишингни қилмайди!

Анча вақтгача тортишишгандан сўнг шу қарорга келишди.

Эртасига эрталаб бутун кишлоқ, инига чўп тақилган ари уясидек безовта бўлиб ғувиллай бошлади. Қаранг-а, ўрим эртасиз-индин бошланай деб турса-ю, бой хонадонда ишловчи батрақлар иш ташласа-я...

Эрталаб Фёдор кимнингдир чинқирган овозини эшитиб кўчага югуриб чиқди.

Захар Денисович айюҳаннос солиб Митрийнинг қақир-кукурларини кўчанинг ўртасига олиб чиқиб улоқтирар, Митрий эса қатъият билан буюмларини бир ерга тўп-ларкан, тўнғилларди:

— Шошмай тур, шошма ҳали! Ялинсанг ҳам келмайман!..

— Йўқол кўзимдан, аблаҳ, ҳе онангни! Ҳали мен сенга ялинарканманми?..

Захар Денисович Фёдорни кўриб чорраҳада аллақандай нарса туғрисида қизгин баҳслашиб турган бир тўда бой мужиклар томонга ўгирилди-да, пешонасида томирларини бўрттириб, кучаниб, бакириб юборди:

— Хрисьянла!.. Мана ғаламис, ҳаммасининг бошлиғи шу бўлади!.. Таёқ билан дўппослаб жазосини бериш керак ҳаромининг!..

Фёдор муштарини маҳкам сиқиб Захар томонга тез юриб кетди, лекин у худди мушукдан қочган сичқондек лип этиб ҳовлига кириб олди, титроқ овоз билан чийиллай бошлади:

— Жонингда қасдинг бўлса келавер!.. Уруғингни ўйнатиб юбораман!..

— ...Нима қилсаларинг ҳам ихтиёр ўзларингда, лекинига мен хизматкоримни ҳайдамайман! У фирқаи-йўқми, бу билан неча пуллик ишим бор, ишқилиб, ишни дўндирса бўлгани. Шартнома хусусига келсак, у ҳам чакки нарса эмас. Ойига уч сўмдан бераётган эканман, майли, олаверсин, агар кетиб қолса, унда неча юз сўмлик зарар бўлади!..

— Тўғри айтасан, куда!.. Мана, хотинимнинг тоби қочиб қолди, қандоқ қилиб ишни эплаштираман?..

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

— Гап бундай, оғайнилар!.. Келинлар, ўшалар билан шартнома тузиб иш ҳақини қонун бўйича оширайлик, кейин, майли, ҳафтада бир кун дам олишсин ҳам... Сен, Захар, жим ўтир!.. Суд сени ўттиз сўм жарима тўлашга мажбур этган эди. Эсингдан чиқдими! Шу маҳалгача-ку, сўзимиз ўтиб келаётувди, лекин бу ишимизнинг ахир бир кун тахири чиқиши мумкин.

— Бекорга валдираб ўтиришдан нима фойда! Замона шунақа бўлгандан кейин, итоат этиш керак-да. Уч сўмни кўзимиз қиймай юз сўмдан ажралайликми... Ахир бу ғирт аҳмоқнинг иши-ку!..

— Энди уларни ёллаб бўпсан!..

— Тег-у — қоч!

— Бўлганича бўлар!

— Уларни васвасага солган анави ярамаснинг таъзири-ни бериб қўйиш керак. Ақл ўргатадиган бўлиб қолибди-я. падар лаънати...

— Федька ахир комсомолист-ку!.. Меникида яшаган вақтида, роса қонимга ташна қилган! Пичоқ кўтариб, ҳовлида орқамдан қувлаган эди. Яхшиям ишчилар бор экан, денг, барака топкурлар қутқариб қолишди, ҳа, тепамда худо бор, ҳақ, рост бу... Энди кўлимга тушиб кўрсин-чи...

— Улар кечаси сайилдан кейин Федотнинг хирмони орқасига тўпланишармиш, ўғлим айтди. Федька уларга ўша ерда йўл-йўрик кўрсатармиш...

— Бордию икки-учтамиз кўлимизга сўйил олиб йўлини тўссак, нима дейсизлар?..

— Таъзири-ни бериб, суробини тўғрилаб қўйликки, иккинчи бунақа беодобгарчилик қилмайдиган бўлсин!

— Захар Денисович, сен борасанми?

— Э, нимасини сўрайсан? Жоним билан бораман!.. Менга вазминроқ сўйил бўлса яхши бўларди...

- Ұладиган қилиб урмаймиз.
- Ұшанда кўрамыз! Мен бир гайратга кириб кетмай, кейин тўхтатолмайсан!..
- Нечтамыз? Учта эканмыз! Қани, кетдик!..

## XVIII

Пантелей бобо кечқурун Фёдорнинг қаёққадир отланаётганини кўриб, кулиб туриб деди:

— Сен, оғзинга ош, уйда ўтирсанг бўларди,— деди.— Қилғиликни қилиб қўйдинг, энди жим ўтир!

— Тинчликми ўзи?

— Сени бир бало қилиб қўйишлари мумкин.

— Ҳеч-да!..— деди кулиб Фёдор ва пастқам кўчалардан юриб хирмон томонга кетди.

Бу сафар йигитлар тезда йиғилиша қолмади. Икки соатча у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Ҳаммаларининг кайфлари чоғ ва хурсанд эдилар. Юз берган аҳволни муҳокама қилиб, янгиликларни хабар қилдилар ва шундан кейин тарқалмоқчи бўлдилар.

— Битта-битта бўлиб кетинглар, одамхолис, гап-сўз қилиб юришмасин,— деб огоҳлантирди Фёдор.

Адир зим-зиё қоронғи тун қўйнида ётарди, булутлар худди баҳорда сув бетида сузиб кетаётган эриган муз парчаларидек бир-бирининг устига мингашиб, улкан киёфага кирар, момақалдироқ гумбурлар, ўрмоннинг нари ёғида, осмонда яшин чизиклари пайдо бўларди. Фёдор бошқа йигитлардан ажралиб, ўзи келган йўлидан қайтиб кетди. Аввалига у орқа кўчадан ўтиб бормоқчи эди-ю, лекин ўйлаб туриб тор кўчага бурилди. Четан девор олдига чўққайиб ўтириб, тамаки тутатмоқчи бўлди, лекин ғув этиб эсиб ўтган иссиқ шамол гугуртни ўчирди. Фёдор цигаркасини чўнтагига солиб, дарвоза олдига келди. У ҳеч нарсадан беҳабар эди. Орқасидан икки одам писиб келаётганини ҳам, учинчи шарпа эса чорраҳада кутиб турганини ҳам кўрмади...

У эндигина эшикнинг бандидан ушлаган ҳам эдики, орқасида кимдир ихраб туриб, сўйил билан бир туширди. Сўйил Фёдорнинг энсасига келиб тегди. У оғриқдан бир ихради-ю, қўлларини ёзганча дарвоза тагига гурс этиб йиқилди ва ҳушдан кетди.

Пантелей бобони хадеб бурга чакарди. У алламаҳалгача ижирганиб, пишиллаб ётди, кейин устига ёпган кўй терисидан тикилган пўстинни ерга отиб юборди-да, энди мудраб кетаётган эди, бирдан ҳовли томондан бировнинг инграгани, дўпир-дўпир оёқ товушлари ва бўғик хуштак овози эшитилди. У оёғини осилтириб ўтириб яна кулок солди. Яна хуштак чалинди. «Федькани ўлдиришди чоғи!» — деган хаёл ўтди чолнинг миясидан. У ўрнидан ирғиб турди-да, полизда кузгунларни отадиған, алмисокдан қолган шомполлик милтиғини қозикдан олиб, остонага югуриб чиқди. Дарвоза олдида кимдир ўқтин-ўқтин инграр, дўпир-дўпир оёқ товушлари эшитилар, кимнидир гурсиллатиб уришаётган эди... Чол милтиқнинг тепкисини кўтариб, кўчага югуриб чиқди ва:

— Кимсанлар?! — деб бирдан бақириб юборди.

Учта қора шарпа урра қочди.

Пантелей бобо милтигининг стволини яқинроқда қочиб кетаётган шарпага тўғрилаб тепкини босиб юборди. Милтиқ гумбурлаб кетди, унинг оғзидан ўт чакнаб питра ўрнига нўхат жойланган ўқ вижиллаб кетди... Бобо ҳаллослаганича милтиғини ерга улоқтирди-ю, дарвоза олдида ётган одам қиёфасидаги қора шарпа тепасига бориб энгашди. Ётган одамнинг бошини пайпаслаб ахтараркан, қўли қуюқ ва шилимшиқ бир нарсага тегиб кетди. Унинг бошини ўгириб қанча тикилса ҳам бу қоронғи кечада кўзи ҳеч нима кўрмади. Шу пайт осмонда лип этиб яшин чакнади-ю, чол, Фёдорнинг қора қонга бўялган юзини кўрди. У Фёдорнинг жонсиз гавдасини кўтариб олди-да, титраб-қакшаб, қокила-суқила уни уй остонасига томон судраб кетди, кейин милтиғини олгани кўчага югуриб чиқди. Шу пайт яна яшин чакнаб осмонни сутдай ёритди, бобо ўзидан йигирма саржинча нарида йўл устида чордана қуриб ўтирган бир кишини кўриб қолди. Пантелей бобо милтигининг стволидан ушлаб олиб сакраб-сакраб бояги чордана қуриб ўтирган кишининг олдига чошиб борди, қоронғида уни туртиб йиқитиб юборди-да, кейин тагига босиб олиб:

— Кимсан ўзинг? — деб бақирди.

— Кўйиб юбор мени, барака топкур... Бутун орқаму думбаларим ўқ тегиб яраланган... Одамга сочма ўқ билан милтиқ отгани худодан кўркмайсанми, қўшни?... Вой, вой, оғрияпти!..

Бобо бу одамнинг Захар эканлигини овозидан таниди. Ўзини тутиб туролмай, милтигининг қўндоғи билан унинг бошига бир туширди ва сочидан маҳкам чангаллаганча уйи остонаси томон судраб кетди.

«...Қимматли ўртоғимиз Федя! Сен суд нима билан тавом бўлганидан беҳабар бўлсанг керак, албатта? Захар Денисовични етти йилга кесишди, яна уч йил ҳуқуқдан маҳрум қилинди, қолган икkitаси — Михаил Дергачев билан хреновскойлик олибсотар Кузькага бўлса беш йилдан беришди. Яна сенга шуни хабар қиламизки, Хреновской қишлоғида КСМ ячейкаси ташкил қилинди. Сенинг ўн бешта батрак ўртоғинг ва яна камбағал оилалардан чиққан олти йигит аъзо бўлиб киришди. Райком мени ўша ерга ишга юборяпти, биз ҳаммамиз сенинг тезроқ соғайишингни ва сафимизга қайтиб келишингни чин юракдан истаймиз. Егор Даниловка қишлоғида ўн бир кишидан иборат ячейка тузди. Ҳамма йигитларимиз ҳар томонга тарқалиб кетишган, ишлашяпти. Сенга яна шуни хабар қиламанки, яқинда Пантелей бобони учратган эдим, у ҳам сени кўрмоқчи, сенга касалхонага овқат олиб бормоқчи. Тезроқ тузалиб қайтиб кел, қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп, лекин вақт худди тушовини узган отдек елиб ўтиб бормоқда.

Сенга комсомоллик саломини йўллаб, РЛКСМ ячейкаси; ҳамма йигитлар номидан ёзувчи Рибников».





## ТУТИНГАН ҰҒИЛ

Рўзадан бир кун олдин Филипповка станицасига биринчи қор ёғди. Кечаси Дон томондан изғирин туриб, қиров босган юлғунларни шитирлатди, уқпардек, момик қор тепаларга соч кокилидек тарам-тарам из солди, йўлдаги дўнгли жойларни ялаб, тап-тақир қилиб кетди.

Станицани гира-шира қоронғилик босиб, унинг устига окшом яшил чодирини ёпди-ю, ҳаммаёқ сукутга чўкди. Ташқарида бурган босиб, ҳайдалмай қолган дашт ҳам хувиллаб ётарди.

Ярим кечада жарликлар томонидан бўриларнинг бўғиқ-бўғиқ увиллагани эшитилди, станицада итлар вовиллади-ю, шу аснода Гаврила бобо уйғониб кетди. У печь устида оёғини осилтириб ўтирди-да, печь ёнидаги ходани ушлаб олиб, узоқ йўталди, кейин туфлади-да, тамаки халтасини пайпаслади.

Ҳар куни кечаси у хўроз биринчи кичқирганидаёқ уйғониб кетиб, ўрнидан туриб ўтиради-да, тамаки чекади, хириллаб йўтала-йўтала кўкрагига ёпишиб қолган балғамни кўчиради, бир он йўтал тутмай турган вақтда хаёл уни узоқ-узоқларга олиб қочади. Бобо ёлғиз бир нарсани — урушда дом-дараксиз кетган, кўзининг оқу қораси ёлғиз ўғлини ўйлайди.

Бобо ўғлини кўз қорачиғидай асраб, парвариш қилди, шу ўғли деб тиним билмай ишлади. Алоҳа фурсат етиб ўғлини қизилларга қарши урушга юборадиган вақт келди, у икки жуфт хўкизини бозорга олиб бориб сотди-да, пулига бир қалмоқдан ажойиб бир от сотиб олди — ўзиям, чух десанг осмонга сапчийдиган от эди. Сандиқда ота-бобосидан қолган қумушдан ишланган от абзалларини олди-да, ўғлини кузатаётиб:

— Ўғлим Петро, иззат-ҳурматингни жойига қўйиб сени жўнатаяпман, шундай жўнатадиган бўлса, ҳаттоки офицерлар ҳам жон дейди... Отангдек виждонли хизмат қил. Казак қўшинларининг юзини ерга қаратма, шонли Доннинг номусини ерга букма! Ота-боболаринг подшоларга садоқат

билан хизмат қилиб келган, эрга навбат, шерга навбат деганлар, бугун сенга навбат келди, оқ йўл, бошинг омон бўлсин!..

Бобо танга-панга ой ёғдуси тушиб турган деразага назар ташлади, ҳовлида беҳуда ғувиллаётган шамолга кулоқ солиб турди-да, ўтган умри қайтиб келмаслигини ўйлаб кўнгли бузилиб кетди...

Ўйигитларни аскарликка кузатаётган казаклар Гавриланинг қамиш томли уйини бошларига кўтариб қадимги казакча қўшиқ айтган эдилар:

Душманин кийратамиз бузмай ҳарбий интизом  
Берилган ҳар буйруқни бажарамиз ҳеч сўзсиз.  
Командирлар — устоздир, айтганини қиламиз.  
Чоп деса бас, чопамиз, санч деса бас, санчамиз!

Петро стол ёнида ранги ўчиб, кайф билан ўтирса ҳам, кўзларини пирпиратиб, «кетар жафоси»га базўр ичди-ю, лекин эгарга лип этиб миниб олди. Қиличини тўғрилаб, эгардан осилиб тушди-да, ҳовлисидан эпчиллик билан бир қисим тупрокни чангаллаб олди. Энди у каерларда ётибди-ю, унинг жасадини қайси бир ёт ўлкадаги қаро ер ўз оғушига олибди?

Бобо ўпкаси узилар даражада дам қуруқ, дам қув-қув йўталади, кўкрагидан хириллаган, чийиллаган ҳар турли товушлар чиқади, ахийри йўтала-йўтала силласи қуриб бир оз тўхтаб, печь ёнидаги ходани ушлаб букчайиб қолади-ю, уни хаёл яна узоқ-узоқларга олиб қочади.

\* \* \*

Бобо ўғлини жўнатганига бир ой бўлганда кишлоққа қизиллар келишди. Казакларнинг қадимдан давом этиб келаётган турмушларига қарши чиқишди, етти пуштларидан мерос бўлиб қолган урф-одат, расм-русмларини худди бўш ҳамённинг жилдини ағдаргандай ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Петро фронтнинг нарёғида, Донец дарёси ёнида фидокорона жанг қилиб урядник поғони олишга муяссар бўлди. Станицада эса Гаврила бобо кўнглига туғиб қўйган эски ғаразини бир вақтлар дўмбоққина ўғли Петрони папалаб, ардоқлагани сингари москоллар билан қизилларга қарши папалаб ардоқлар, чиниқтирар эди.

Уларга қасдма-қасдликка ёнига ҳошия тутиб, қора ип билан баҳялаб тикилган мовут чалвор ва бир вақтлар вах-мистрлар поғони таққанини кўрсатувчи из қолган, тўқ сариқ зар уқа тутилган чакмон кийиб юрарди. Подшоға садоқат

билан ҳалол хизмат қилгани учун олган медалъ ва крестларни тақиб юрар, якшанба кунлари ҳамма кўрсин деб калта пўстинининг барини атайи очиб черковга борар эди.

Бир куни станица Советининг раиси уни учратиб қолиб:

— Ечиб қўй, бу тақинчокларингни, бобо! Тўғри келмайди, — деди.

Бобо жон-пони чиқиб, тутақиб кетди:

— Сен тақиб қўйибмидинг буларни менга; ечиб қўй, дейсан?

— Буни таққанлар аллақачон қаро ерга кириб, илончаёнларга ем бўлиб ётибди.

— Ётса ётар, менга нима! Тақиб юравераман! Ўлганимда ечиб олмасанглар, кўзим очигида йўл қўймайман.

— Топган гапингни қара-ю... Сенга ачинганимдан гапиряпман, менга деса кечаси бошинга қўйиб ётмайсанми, лекин итлар талаб иштонингни дабдала қилиб ташлайди. Улар жуда қонагон, бунақа шопишалоп кийиб, темир-терсақ осиб юрганларни ёқтирмайди...

Бу гап чолга аччиқ эрмандай таъсир қилиб жон-жондан ўтиб кетди. Орденларни олиб ташлади, лекин кўнглидаги ғараз отқулоқдай барг ёзиб адоватга айлана борди.

Ўгли дом-дараксиз кетди, рўзгорнинг ғамини сийдиган одами қолмади. Пичанхона босиб қолди, моллар оғилхонани буза бошлади, бўрон яп-яланғоч қилиб кетган бузоқхонанинг харилари чирий бошлади. Хувиллаб ётган отхона охурларида сичқонлар гужғон ўйнайди, бостирма тагида ўрок машинаси занг босиб ётибди.

Отларни казаклар чекиниш пайтида олиб кетишди, қолганини кизиллар олишди, улар ўрнига ўрин ташлаб кетган оёғи пайпоқдор, шалпангқулоқ отни эса куз чоғи махночилар ҳам бир суриштириб ўтирмай олиб кетдилар. Эвазига эса, чолга бир жуфт инглиз обмоткасини ташлаб кетдилар.

— Майли, кетса биздан кета қолсин! — деб кўзини қисиб қўйди махночи пулемётчи. — Бизнинг ҳисобимизга бойиб ётавер, бобо!..

Ўн йиллар мобайнида йиққан давлати совурилиб кетди. Қўли ишга бормай қолди; бироқ баҳорда қаровсиз қолган чўл оёқ остида узала тушиб ётганда — ер бобони ўзига жазб этиб, шивирлаб, амирона қақирганда бобо чидаб тупролмади, хўкизларни сўкага қўшди-да, чўлнинг бағрини ёриб, ҳайдаб, қора тупроқли ер бағрига олтиндай бугдой сочди.

Денгиз бўйидан, денгизнинг нариги ёғидан казаклар қайтиб кела бошлади, лекин улардан биронтаси Петрони

кўрдим демади. Чунки бошқа-бошқа полкда хизмат қилишган, Россиянинг бағри кенг эмасми, ҳар хил жойларда бўлишган эди. Петро билан бир полкда хизмат қилган ҳамқишлоқларнинг ҳаммаси Кубань томонда Жлобин отряди билан бўлган жангда қирилиб кетган эди.

Гаврила кампири билан ўгли тўғрисида сира гап-лашмасди.

Кечалари хотинининг кўз ёши билан ёстикни ҳўл қилиб, бурнини тортиб пиқиллашини эшитганда томоғини қириб:

— Нега пиқиллаяпсан, кампир?— деб сўрарди.

Кампири бир лаҳза жим туриб:

— Ис текканга ўхшайди, бошим оғриб турибди,— деб жавоб берарди. Бобо гап нимадалигини билса ҳам ўзини билмасликка солиб, маслаҳат берарди.

— Тузланган бодрингнинг сувини ичсанг бўларди. Ертўлага тушиб олиб чиқайми?

— Ухлайвер. Шундоқ ҳам тузалиб қоларман!

Уй ичи яна сув сепгандай жимжит бўлиб қолади. Осмондаги ой эса чол-кампирининг қайғусига, онанинг дард чекишига деразадан лоқайд мўралаб, қараб туради.

Хуллас, улар ўғилларини кўтишар, қайтиб келишидан умидвор эдилар. Гаврила ошланган қўй терисини олиб чиқиб, устага элтиб берди.

— Биз шундай ҳам кунимизни бир амаллаб кўрамиз, Петро келиб қолса нима кияди? Қиличини кўтариб қиш келяпти, унга калта пўстин тиктириб қўйишимиз керак,— деди у кампирига.

Петронинг бўйига мослаб калта пўстин тиктиришди-да, сандикка солиб қўйишди. Молларнинг тагини тозалаяганда кийиши учун ишбоп этик тиктиришди. Бобо куя емасин деб кўк мовут мундирига тамаки сепаб эҳтиётини қилди-да, кўзини сўйиб, унинг барра терисидан папах тиктириб қозиққа илиб қўйди. У ховлидан кирганда гўё уй ичидан Петро чиқиб, жилмайиб: «Қалай, дада, ховли совуқми?»— деб сўраётгандай бўларди.

Шундан кейин, орадан икки кун ўтгач, бобо оқшом пайти молларга қарагани чиқиб кетди. Охурларга пичан солди, кудуқдан сув олмоқчи бўлганда кўлқопи уйда қолганини эслади. Уйига келиб эшикни очди-ю, кампири скамейка ёнида чўкка тушиб ўтириб, Петро ҳали киймаган янги папахни чақалокдек бағрига босиб, тебраниб, аллалаётганини кўриб қолди.

Кўз олди хиралашди, хотинининг устига йиртқичдек ташланди-да, ерга аганатиб, оғзидан чиққан кўпикни ютиб, хириллади:

— Ташла буни, аблах!.. Ташла дейман сенга!..  
Нима қиялпсан, асти ўзинг?!

Папахни кампирининг қўлидан тортиб олди-да, сандикқа тикиб, кулфлаб қўйди. Шу воқеадан кейин бобо кампирининг чап кўзи пириллашини, оғзи қийшайиб қолганини пайқади.

Кундан кун, ойдан ой ўтди, сумбула тушганда кўм-кўк, зилол бўлиб оқадиган Дон суви ҳам ҳар вақтдагидек шоша-пиша оқиб ўта бошлади.

Шу куни Доннинг соҳиллари музлади. Станица устидан кечикиб қолган бир гала ёввойи ғозлар учиб ўтди. Кечкурун Гаврилаларникига қўшнининг ўгли югургилаб келди-да, шоша-пиша иконага чўкинди.

— Эсон-омон бормисизлар?

— Худога шукур.

— Ҳеч гапдан хабарингиз борми, бобо. Туркиядан Прохор Лиховидов келди. У сизнинг Петроингиз билан бир полкда хизмат қилган экан!..

Гаврила тез юрганидан ва йўталдан нафаси тикилиб, тор кўча бўйлаб шошганча Прохорларникига кетди. Бироқ уйда Прохор йўк экан. Хуторга — акасининг олдига кетибди. Эртага келаман дебди.

Гаврила туни билан кўз юммади. Печь устида уйқусизликдан қийналиб, тўлганиб чикди.

Тонг отар-отмас қорачироқни ёкди-да, пиймасини ямай бошлади.

Кун чиқар томон зангори тусга кириб куёш нурининг кучсиз тиглари кўкка бўй чўзди. Ой силласи қуриб, кундузи учун макон бўладиган булут парчасига етолмай осмоннинг нақ ўртасида бўзариб қолган эди.

\* \* \*

Гаврила нонушта олдидан деразага қаради-да, нима учундир шивирлаб:

— Прохор келяпти!— деди.

Ранг-рўйи бошқача, казакка ўхшамайдиган бир йигит уйга кирди. Унинг оёғида инглизларнинг нағалли ботинкаси ғарчилларди, устидаги ғалати қилиб тикилган пальто ўзиники бўлмаса керак, ҳалпиллаб ётарди.

— Мол-жон омонми, Гаврила Василич!..

— Худога шукур, аскар бола! Бу ёкка ўт, ўтир.

Прохор шапкасини олди-да, кампир билан сўрашиб, сўрининг бир бурчагига ўтирди.

— Ҳавони қаранг, қор шундай уряптики, юриб бўлмайди!..

— Ҳа, бу йил қор эрта тушди. Илгарилари бу вақтда моллар яйловда ўтларди.

Орага бир лаҳза юракни эзадиган жимлик чўкди, Гаврила ўзини бепарво ва абжир қилиб кўрсатиб:

— Ёт ўлкаларда юриб қариб қолибсан, йигит!..— деди.

— Яшаришга ҳеч қандай шарт-шароит бўлгани ҳам йўқ-да, Гаврила Василич!— деди кулимсираб Прохор.

Кампир:

— Бизнинг Петрони...— деб гап бошлаган эди, Гаврила унга бақириб берди:

— Оғзингни юм, кампир!.. Совуқдан келди, эс-хушини йиғиб олсин, шошилма... ҳаммасини ҳали-замон билиб оласан.

У меҳмонга ўгирилиб қараб сўради:

— Хўш, Прохор Игнатич, турмуш қалай ўтди?

— Мақтанадиган ери йўқ. Сафарқочди қилинган итдек қочиб, бир амаллаб уйимга етиб олдим, шунисига ҳам шукур.

— Хў-ў-ў-ш... Бундан чиқди, туркларнинг элида турмушнинг мазаси бўлмабди-да?

— Кунимизни зўрға ўтказиб юрдик,— деб Прохор бармоқлари билан столни чертди.— Аммо-лекин Гаврила Василич, ўзинг ҳам жуда қартайиб қолибсан, сочингнинг қораси колмабди... Совет ҳокимияти кўлида қандай яшайсизлар?

Гаврила тиржайиб:

— Ўғлим келсайди... биз чолу кампирни ўзи боқарди...— деди.

Прохор шоша-пиша кўзини четга бурди. Гаврила буни кўриб қолди, чўрт кесиб, очикдан-очик сўради:

— Гапир: Петро қаерда?

— Ҳали хабарларинг йўқми?

— Ҳар хил гапларни эшитганмиз,— деб гапни кесди Гаврила.

Прохор кир дастурхоннинг попугини бармоғига ўраб ўтираркан, дарров жавоб бермади.

— Январда бўлса керак... Ҳа, январь ойидайди, сотня-миз Новороссийск шаҳри ёнида турган эди... Денгиз бўйида шунақа шаҳар бор... Ҳар вақтдагидек турувдик...

Гаврила букчайиб аста шивирлаб сўради:

— Ўлдирилдими?

Прохор гўё саволни эшитмагандай бирпас индамасдан ерга қараб ўтирди.

— Биз шу ерда турган эдик, кизиллар тогда урушаётган отряд билан кўшилиш виятида ўша томонга ёриб ўтмоқчи бўлдилар. Сотиа командири ўглингиз Петрони разведкага бошлиқ қилиб тайинлади... Командиримиз подъяесаул Сенин... Ана шунда... биласизми, шу иш содир бўлди...

Печка олдида чўян қозон жараңлаб тушиб кетди, кампир икки кўлини чўзиб, қаравот томон кела бошлади, кўксидан аччиқ фарёд отилиб чиқди.

— Бўкирма?!— деб гўлдиради жаҳл билан Гаврила ва столга тирсагини кўйиб энгашди-да, Прохорнинг кўзига рўй-рост қараб, ҳорғинлик билан аста:— Гапир, кейин нима бўлди!— деди.

— Чопиб ташлашди!..— деб кичкириб юборди Прохор бўздай оқариб, кейин ўрнидан турди-да, сўридан шапкасини пайпаслаб топиб давом этди.— Петрони чопиб ташлашди... Ўша захоти ўлди... Улар ўрмон ёқасида тўхтаб, отларга дам берганлар, Петро отнинг қоринбоғини бўшатиб кўйган, шу пайт тўсатдан ўрмондан кизиллар чиқиб қолишган...— Прохор энтикиб-энтикиб гапирар, дағ-дағ титраётган кўли билан шапкасини гижимларди.— Петро эгарнинг қошидан ушлаб, лип этиб отга миниб олмоқчи бўлган-у, эгар айланиб кетиб, отнинг қорнига тушиб қолган... Асов от ҳуркиб, қочган... Петро шу ерда йикилиб қолган... Бўлган гап шу!..

— Хўш, бордию гапингга ишонмасам-чи?— деди Гаврила дона-дона қилиб,

Прохор ҳеч қасққа қарамай, шоша-пиша эшикка қараб юрди.

— Ўзингиз биласиз... Гаврила Василич... Мен бўлган гапини айтдим. Тўғриси шу. Ҳақ гап... Ўз кўзим билан кўрдим.

Гаврила қизариб-бўзариб бўғиқ товушда:

— Гапларингга ишонмасам нима дейсан?!— деди. Кўзига қон қуйилиб, жиққа ёшга тўлди. Шартта кўйлагининг ёқасини йиртиб, сержун кўкрагини очиб, тер босган бошини силкитиб, фарёд чекиб, ҳанг-манг бўлиб қолган Прохор томон кела бошлади:— Кўзимнинг оку қораси ёлғиз ўғлимни ўлдиришдими-а?! Суянган тоғим, нуридийдам Петькани-я?! Ёлгон айтасан, итвачча!.. Эшитяпсанми гапимни?! Ёлгон! Ишонмайман!

Кечаси, қалта пўстинини елкасига ташлаб ҳовлига чиқди-да, пиймасини қорда ғарч-ғурч босиб, хирмонга борди ва ғарам ёнида тўхтади.

Даштдан шамол эсиб, қор учқунларини олиб келди, яланғоч олча шохлари зулматдек қоп-қора тун пардасига бурқанган эди.

Гаврила шивирлаб:

— Ўғлим!— деб чақирди. Бир оз кутиб турди-да, ўрнидан жилмай, ҳеч қаёққа алангламай, яна чақирди:

— Петро ўғлим!..

Кейин ғарам ёнидаги босилган қор устига мук тушиб ётди-да, кўзларини юмди.

\* \* \*

Станицада продрозвёрстка тўғрисида, Доннинг қуйи томонидан келаётган бандитлар тўғрисида миш-миш гап тарқалди. Ижроқўмда ўтадиган станицаликларни йиғинларида пичир-пичир қилишиб ҳар хил янгиликлар ҳақида гапиришарди, лекин Гаврила бобо ижроқўмнинг зўрга лиқиллаб турган зинасига бир марта ҳам қадам босмади, ҳожати ҳам йўқ эди, шунинг учун у кўп нарсани эшитмас, кўпгина гаплардан беҳабар эди. Якшанба куни тушки ибодатдан кейин, сарик, калта пўстин кийган, милтиқ осган учта одами билан ижроқўм раиси кириб келганда у жуда ҳайрон бўлиб қолди.

Раис Гаврила билан қўл бериб сўрашди-да, томдан тараша тушгандай:

— Қани, бобо, тўғриси айт, ғалланг борми?— деб сўради.

— Нима деб ўйлаган эдинг, овқат емаса ҳам куни ўтаверади деб ўйловдингми?

— Заҳрингни сочма, бўладиган гапни гапир, ғалланг қаерда?

— Қаерда бўларди, омборда-да.

— Қани, бошла.

— Менга шуни айт-чи, менинг ғаллам билан неча пуллик ишинг бор?

Бўйдор, оқ-сарикдан келган биттаси, бошлиқ бўлса керак, совуқдан пошнасини бир-бирига тақиллатиб уриб деди:

— Ортиқча ғалла бўлса давлат фойдасига оламиз. Проздрозвёрстка. Хабаринг борми бу гапдан, ота?

Гаврила дарғазаб бўлиб:

— Борди-ю, бермасам-чи?— деб хириллади.

— Бермасанг, ўзимиз оламиз!..

Раис билан пичирлашиб олишди-да, омборга киришди ва сап-сарик олтиндай буғдой тўплари устига этикларига ёпишган қор қатламларини тўкиб, кандукларни оралаб кетдилар. Оқ-сарикдан келган йигит тамаки чекаётиб, шундай қарорга келди:

— Уруғликка, ейишга қолдириб, қолганини олиб ке-



тинг.— У тажрибакор деҳқонлардай бугдойга разм солиб чиқди-да, Гаврилага ўгирилиб:— Неча ботмон ерга уруглик сочасан?— деб сўради.

— Бувингнинг чорбоғига сочаман!— деди Гаврила тутакиб йўтала-йўтала, дағ-дағ қалтираб, букчаяр экан.— Олаверинглар, бадбахтлар!.. Талайверинглар!.. Ҳаммасини сизларга бердим!..

— Эсингни еб қўйдингми нима бало, Гаврила бобо, ҳушингни йиғ!..— деб тасалли берди раис, Гавриланинг кўлқопини силкитиб.

— Енг-ичинг, ош бўлмасин!.. Қорнингиз ёрилсин!..

Оқ-сарикдан келган йигит мўйловидан эриган сумалакни сидириб ташлади-да, ақлли кўзлари билан Гаврилага таъна аралаш қараб, хотиржам қиёфада жилмайиб шундай деди:

— Сен, ота, шаллакилик қилма! Дод-вой қилганинг билан ҳеч нарса чиқмайди. Думингни босиб олишдими, мунча ангиллайсан?..— Кейин қошини чимириб чўрт кесиб деди:— Тилингни бир қарич қилма! Ҳар қанча узун бўлса ҳам тийиб юр!.. Ташвиқот қилгудай бўлсанг...— У сўзини тугатмай, белидаги камарини бир ёққа оғдириб юборган тўппончасининг сариқ қинига уриб қўйди-да, мулойимроқ оҳангда:— шу бугуноқ ғалла топшириладиган пунктга етказиб бер!— деди.

Чол қўрққанидан эмас, йўқ, бошлиқнинг ишонч билан дона-дона гапиришидан гангиб қолди, дод-вой қилиш билан иш чиқариб бўлмаслигига ақли етди. Шунинг учун кел, бўлганча бўлар, дегандай, қўл силтади-да, ташқарига чиқа бошлади. Ҳовлининг ярмисига ҳам етгани йўқ эди, каттик кичқирган хирқироқ товушдан чўчиб кетди:

— Ғалла йиғиб юрганлар қани?

Гаврила ўгирилиб қараб, четан девор орқасида бир сувори отини гижинглатиб турганини кўрди, от олдинги икки оёғини кўтариб ўйноқларди. Бир қор-қол бўлишини кўнгли сезиб бобонинг аъзойи бадани қалтираб кетди. У бир нима деб жавоб қилишига оғзини очгунча бўлмай, сувори омбор ёнида турганларни кўриб қолди-ю, отини таққа тўхтатиб, жуда чаққонлик билан елкасидан милтиғини олди.

Тасир-тусур ўқ узилди. Ўқ овозидан кейин ҳовлига чўккан бир лаҳзалик сукунатда, затворнинг шарақлаши, отилиб чиққан гильзанинг жангиллаши эшитилди.

Саросималик ўтиб кетди, оқ-сарикдан келган йигит эшик тепадорига қапишиб қўлини силтаб-силтаб тўппончасини зўр-базўр қинидан чиқарди, раис қуёндек чўққайиб, ҳовлидан югургилаб ўтди-да, хирмонга ўзини урди, ғалла

Йиғувчилардан бири бўлса чўккалаб олиб, четан деворнинг нари ёғида липиллаб кўринаётган қора папахни нишонга олиб карабинидан бир обойма ўқ узди. Тасир-тусур ўқ товушлари ҳовлини тутиб кетди. Гаврила қорга ёпишиб қолгандек оёғини аранг ердан узиб олди-да, алкаш-чалкаш кадам ташлаб уй остонаси томон қочиб қолди. Ўғирлиб қараб, у калта пўстин кийганлардан учтаси қор уюмларига ботиб, қокила-суқила тарқоқ ҳолда хирмон томон қочаётганларини, ланг очиқ дарвозадан эса суворилар от ўйнатиб кириб келаётганларини кўрди.

Саман айғир миниб, бошига кубанка кийган ва ҳаммадан олдинда келаётган сувори эгилиб эгар қошига ётиб олди-да, боши устида қиличини айлантирди. Гавриланинг олдиндан унинг оқ қулоқчини оккуш канотини ёзгандай икки томонга кўтарилиб, лип этиб ўтиб кетди, от туёғидан учиб чиққан қор юзига урилди.

Оёқ-қўли бўшашиб, зинанинг ўймакор устунига суяниб турган Гаврила, саман айғирнинг бир талпиниб четан девор устидан сакраб ўтганини ва бир томонидан бузилган арпа похалининг гарами олдида олдинги оёқларини кўтариб, чир айланганини, кубанлик эса эгардан осилиб тушиб, эмаклаб кетаётган ғалла йиғувчини қиймалаб чопиб ташлаганини кўрди.

Хирмондан узук-юлуқ, ғовур-ғувур, қий-чув товушлар ва аллакмининг чўзиқ чинқирган овози эшитилди. Бир лаҳза ўтар-ўтмас «пок» этиб ўқ узилди. Боя тасир-тусур ўқ овозидан чўчиб осмонга кўтарилган ва ҳозир омбор томига қўнган каптарлар гўё бинафшаранг заррачалардек яна кўкка сочилдилар. Суворилар хирмонда отларидан тушишди.

Станицадан жаранг-журунг этган ёқимли товуш эшитиларди. Станицалик тентак Паша қўнғироқхонага чиқиб олиб, бонг уриш ўрнига, ҳамма қўнғироқларни бараварига чалиб, пасха байрами вақтида чалинадиган ўйноқи куйни чала бошлаган эди.

Гавриланинг олдида елкасига оқ қулоқчинини ташлаб олган кубанлик келди. Унинг бурқсиб, терлаб кетган юзи пир-пир учар, сўлакай босган лабининг икки чети салқиб турарди.

— Ем топиладими?

Гаврила турган еридан зўр-базўр силжиди, ҳозир кўзи олдида бўлиб ўтган хунук ҳодисадан гангиб қолгани учун тили калимага келмасди.

— Қулоғинг том битганми, аблаҳ?! Ем топиладими деб сўраяпман сендан. Қопни келтир!

Отларни ем солинган тоғорага олиб келгунларича йўқ эди. Дарвозадан биттаси югургилаб кириб:

— Отларга мишинглар!.. Тоғдан пиёда аскарлар кел-  
япти...— деб қолди.

Кубанлик сўкина-сўкина устидан паға-паға буғ кў-  
тарилаётган айғирини юганлади-да, қип-қизил бир нима  
чаплаган ўнг енги қайтармасини қор билан узоқ артди.

Ҳовлидан бешта отлиқ чиқиб кетди. Гаврила энг охир-  
гисининг бўктаргисиди оқ-сарикдан келган ғалла йиғувчи  
йигитнинг сарик, ҳалқа-ҳалқа қон доғи кўриниб турган  
пўстинини кўриб қолди.

\* \* \*

Тепалик орқасидаги тоғолча ўсиб ётган жарликда  
кечқурунға қадар ўқ узилиб турди. Станицага қабристон  
жимлиги чўкди. Гаврила хирмондан хабар олиб келмоқчи  
бўлганда қош қорайган эди. Ланг очиқ кўча эшикдан  
чиқиб, хирмон панжарасидан ўқ еб ўлган раиснинг боши  
осилиб ётганини кўрди. Қўллари гўё панжаранинг нарёгидан  
ётган шапкасини олмоқчи бўлгандек осилиб ётарди. Фарам-  
дан сал нарида, қорда сочилиб ётган нишхўрд ва тўпон  
устида учала ғалла йиғувчи ёнма-ён чўзилиб ётарди, улар  
кўйлакчан эди. Пўстинларини ечиб олиб кетган эдилар.  
Гаврила уларни шу аҳволда кўриб, ўтақаси ёрилди,  
эрталабдан бери уларға қарши кўнглида туғён қилаётган  
газаби босилди-қолди. Ҳар доим қўшниларнинг эчкилари  
ғужғон ўйнаб, похолни тортқилаб ейдиган хирмонда, шу  
аснода қиймаланган одамлар ётиши улардан ва пуфак-  
пуфак бўлиб музлаб қолган қондан мурда хиди келиб  
туриши ақлга сиғмас, бир тушдек туюларди.

Оқ-сарикдан келган ғалла йиғувчи бошини ғайри-  
табиий ҳолда қийшайтириб ётарди, агар боши қорға ёпишиб  
турмаганда у дам олиб ётибди, деб ўйлаш мумкин эди,  
чунки у бепарво дам олиб ётган одамларға ўхшаб, оёқ-  
ларини чалиштирган эди.

Мўйлови қоп-қора, юзи чўтир иккинчиси эса бошини  
елқаси ичига олиб, газабига чидолмагандек тишини иржай-  
тириб ётарди, учинчиси эса, бошини сомон ичига тикиб  
қулочини ёйиб, муккасидан туриб ётар ва гўё қор устида  
ҳаракатсиз сузиб бораётгандай эди: унинг бу кулок ёзган  
қўлларида битмас-туганмас куч ва шижоат борлиги  
рўй-рост кўзга ташланарди.

Гаврила оқ-сарикдан келган йигит устига энгашиб,  
унинг унникиб кетган чехрасига каради-ю, юраги эзилиб

кетди, рўпарасида серзарда, кўзи ўткир галла комиссари эмас, ўн тўққизларга кирган ўспирин йигит ётар эди. Энди сабза урган сариқ мўйлови остида, аччиқ аламдан буришган лабининг бурчида киров қотиб қолган эди, пешонасига тушган чуқур ажин қорайиб кўринарди.

Гаврила унинг очилиб ётган кўкрагига шунчаки қўл югуртирди-ю, кутилмаган бир ҳолдан чайқалиб кетди. Унинг кафти муздек совуқ орасида сўниб бораётган ҳароратни сезди...

Гаврила йўтала-йўтала, инкиллаб-синкиллаб тара-шадек қотиб қолган, кондан қорайиб кетган жасадни опичиб олиб кирганда, кампири «оҳ», деб юборди ва чўқиниб, ўзини печкага уриб олди.

Гаврила уни сўрига ётказиб қўйди-да, совуқ сув билан ювди, кейин қора терга тушиб, силласи қуригунча жун пайпоқ билан унинг оёқ-кўлини, кўкрагини ишқалади. Кейин муздек кўкрагига қулоғини қўйиб юрагининг аҳён-аҳёнда гуп-гуп қилиб ураётганини зўр-базўр эшитди.

\* \* \*

У ранги гезариб уч кечаю уч кундуздан бери меҳмонхонада ўликдек ётибди. Пешонаси ва юзини тилиб ўтиб, қон қотиб қолган чандиқ қизариб турарди, хириллаб нафас олганда чандиб боғланган кўкраги устига ёпилган кўрпа лопиллар эди.

Гаврила ҳар куни тарс-тарс ёрилиб кетган дағал бармоғини унинг оғзига қўярди-да, пичоқнинг учи билан жипслашиб қолган тишларининг орасини авайлаб очарди, кампир бўлса қамиш найдан илитилган сут ва қўйнинг суяги қайнатилган сувни қуярди.

Тўртинчи кунга ўтганда эрталабдан беморнинг юзига қизил югурди, чошгоҳга борганда эса, совуқ урган дўланадек қип-қизариб кетди-ю, аъзойи баданига титроқ түриб, баданидан муздек, елимшак тер чиқди.

Шу дамдан бошлаб, у алланарсалар деб оҳиста алаҳлайдиган, каравотдан туриб кетаман деб талпинадиган одат чиқарди. Гаврила билан кампир галма-галдан кечасию кундузи унинг тўшаги ёнида навбатчилик қилишарди.

Узун киш кечалари шарқ шамоли Дон атрофларидан олиб қора тусга кирган кўкни хира қилиб, станица устига совуқ булутни ёйганда, Гаврила ярадор йигитнинг ёнида унинг бошини қўлига қўйиб «о» товушига зўр бериб, ёт бир шевада алланарсаларни алаҳлаб ҳикоя қилишига қулоқ со-

либ ўтирар ва кўкрагидаги офтобдан қорайган туморга ўхшаш жойига, кўкарган майин ковокларига узоқ-узоқ тикилиб қоларди. Гезарган лабларидан оғир инграш, бўғиқ команда, маза-бемаза сўқишлар учиб чиқиб, чеҳраси ғазаб ва аламдан буришиб кетганда, Гавриланинг ўпкаси тўлиб, юраги эзилиб кетарди.

Гаврила кун сайин кампирининг қаравот ёнида бедор ўтказган ҳар бир тундан кейин ранги кетиб, чўпдай озиб, сўлиб бораётганини кўрар. ажин босган юзларини кўз ёши билан ювганини пайқар, шунда у нима гаплигига тушунар, аниқроғи, унинг марҳум ўғли Петро дардида йиғлаб-йиғлаб кўнглидаги дардини бўшата олмаганини, энди дилбандига бўлган меҳр-муҳаббатини мана бу ўлим билан олишиб қимир этмай ётган, аллакимнинг ўғлига қўйганини юрагидан сезиб турарди...

Бир куни Гавриланикига станицадан ўтиб кетаётган полкнинг командири кирди. Отини дарвоза олдида ординарецига берди-да, қиличи билан шпорини жаранглатиб, зинапоядан югургилаб чиқди. Меҳмонхонада бошидан шапкасини олиб, қаравот ёнида анчагача индамай турди. Ярадор йигитнинг ранги бўздек оқ, тарс-тарс ёрилиб кетган лабларидан қон сизиб чиқарди. Командир бевақт сочи оқарган бошини чайқаб қўйди, кўзи хиралашиб, Гавриланинг кўзлари ёнидан аллақасққа тикилиб шундай деди:

— Бу ўртоқни эҳтиёт қил, чол!

— Эҳтиёт қиламиз! — деди қатъий оҳангда Гаврила.

Кунлар ва ҳафталар бир-бирини қувлаб ўта бошлади. Ҳайит ҳам ўтиб кетди. Ярадор йигит ўн олти кун деганда кўзини очди, шунда Гавриланинг қулоғига биринчи марта:

— Бу сенмисан, чол? — деган хириллоқ овоз эшитилди.

— Менман.

— Роса суробимни тўғрилашдими дейман?

— Худо бир асради!

Ярадорнинг тиниқ нигоҳида Гаврилага йилт этиб, беғараз истехзо кўрингандек бўлди.

— Йигитлар нима бўлди?

— Уларми... уларни майдонга кўмишди.

Ярадор индамай кўрпа тагида бармоқларини қимирлатди ва шифтнинг бўялмаган тахтасига кўзини тикди.

— Отинг нима? — деб сўради Гаврила.

Ярадор тарам-тарам томирли қовоғини ёпди.

— Николай.

— Биз сени Петро деб атаймиз... Петро деган ўлимиз бор эди...— деб тушунтирди Гаврила.

У бир оз ўйланиб туриб яна баъзи нарсаларни сўрамоқчи бўлган эди, лекин ярадор йигитнинг бурнидан бир текисда нафас олиб ухлаб қолганини кўрди ва мувозанатни сақлаш учун қўлларини лангар қилиб, оёқ учида юриб, каравот ёнидан узоклашди.

\* \* \*

Ярадор узок ётди, тузалиши ўлимдан қийин бўлди. Алоҳа иккинчи ой деганда ўзи зўр-базўр ёстикдан бошини кўтарадиган бўлди, орқаси ётаверганидан қабариб кетганди.

Гаврила янги Петрога кундан-кун кўпроқ меҳри товланаётганини сезиб бир аламига ўн алам қўшилар, пуштикамаридан бўлган жигарпорасининг қиёфаси ботаётган куёшнинг шафағи уйининг деразасида заиф жилоланиб сўнгандек тобора хиралашиб, сўниб бораётганини хис қилиб турарди. Илгариги юрак дардини ва қайғу-ғамини қайтармоқчи бўлиб ҳар қанча уринса ҳам, бутун уриниши беҳуда кетар, бундан бадтар хижолат бўлиб, кўнгли бузилар эди... Ҳовлига чиқиб ўзини овутомқчи бўлиб у-буга уринар, лекин Петронинг каравоти ёнида хамиша кампири бўлишини эслаб, кўнглида рашк ўти ёнарди. Дарҳол уйга кириб каравот бошида чурқ этмай уймаларди, таёқдай қотиб қолган бармоқлари билан ёстик жилдини амал-тақал қилиб тузатар, лекин кампирнинг зардаси қайнаб, ўқрайиб қараганини кўриб, сўрига итоаткорона ўтирар ва сукутга кетар эди.

Кампир Петрога суғур мойи ва қўкламда юлиб олиб қўйилган шифобахш гиёҳларнинг шарбатини ичирар эди. Шулар шифо бўлдимиз ёки бошқа нарса сабаб бўлдимиз, ишқилиб, ёшлик ўлимни енгди, жароҳатлари қўтир боғлади, тўлишган юзларига қон югурди, лекин чап қўлининг тирсагидан баланд ерида суяк ишдан чиққан бўлса керак, ҳадеганда битавермади, нимжон бўлиб қолди.

Лекин шунга қарамай Петро рўзанинг иккинчи ҳафтасида, бировнинг кўмагисиз, биринчи марта ўзи каравотдан туриб ўтирди ва бунга куч-қуввати етганига ишонқирамай анчагача илжайиб турди.

Гаврила кечаси ошхонада, печь устида йўталиб, пичирлаб сўради:

— Уйгокмисан, камшир?

— Нима эди?

— Ўғлимиз ҳадемай оёққа туради... Эртага сандикдан Петронинг чалворини ол... Энгил-бошини бут қилиб қўй... кийишга энгил-боши йўк...

— Ўзим ҳам биламан! Ҳаммасини тахт қилиб қўйганим қачонийди.

— Оббо чакқон-э!.. Пўстинни-чи, пўстинни ҳам олдингми?

— Бўлмасам-чи, нима, кап-катта йигит дилдираб юрсинми?

Гаврила ётган ерида бирпас гивирлади, энди кўзи илинай деганда бир нарсани ўйлаб хурсанд бўлиб кетди ва тантанали оҳангда сўради:

— Хўш, папахни-чи? Худо билсин сен ҳафтафаҳм ҳали папахни унутгандирсан?

— Бекорларни айтибсан! Тумшугингнинг тагида, қозикда кечадан бери осиглиқ турибди, олдидан қирк марта ўтсанг ҳам кўзинг тушмайди!

Гаврила ҳафсаласи пир бўлиб йўталиб қўйди-да, жим қолди.

Ҳаш-паш дегунча Донга баҳор келди. Муз қорайиб, чувалчанг егандек илма-тешик бўлиб кетди. Тепаликлардаги қор эриб тақир бўлиб қолди. Чўлдаги қорлар эриб сой ва жарларга оқди. Дон атрофидаги тошқин сувлар қуёш нурида жимирлайди. Майин шабада чўлда униб келаётган явшон ўтининг ҳидини олиб келиб димоққа уради.

Март ойи ҳам оёқлаб қолди.

\* \* \*

— Бугун ўрнимдан тураман, ота!

Гарчи, Гавриланинг уйига келиб кетган барча қизил аскарлар унинг кумушдек оқарган сочини кўриб, ота деб атаган бўлсалар ҳам, бу сафар у ярадор йигит айтган «ота» сўзидан илиқ бир ҳарорат сезди. Унга шундай туюлдими ёинки Петро ўғиллик меҳрини шу сўзга пайванд қилиб юрагидан чиқариб гапирдим, ишқилиб, Гаврила қизариб-бўзарди, йўталиб қўйди ва хижолат чекиб, шод-хуррамлигини яшириб, гўлдиради:

— Ётганинга ҳам икки ойдан ошди. Турсанг ҳам бўлади энди, Петя!

Петро алкаш-чалкаш қадам ташлаб эшик олдига чиқди, ўлкасига шамол олиб келиб урган тоза хавонинг сероблигидан нафаси ичига тушиб кетди. Гаврила уни орқасидан суяб борар, кампир эса кўз ёшларини пешбанди билан артиб, зина ёнида ўзини қаёққа қўйишни билмай турарди.

— Ўшанда галлани олиб бориб топширдингми? — деб сўради тутинган ўғил — Петро омборнинг дўнг томи ёнидан ўтиб кетаётиб.

— Ҳа, топширганман... — деб гудранди Гаврила истар-истамас.

— Дуруст, яхши иш қилибсан, ота!

«Ота» деган сўздан яна Гавриланing кўнгли ором олди. Петро ҳар куни оқсоқлана-оқсоқлана, қўлтиктаёққа таяниб ҳовлини айланиб юрар эди. Гаврила қаерда бўлмасин, хирмондами, бостирма тагидами, хуллас, дуч келган ердан туриб, тутинган ўғлидан кўз-қулоқ бўлиб турар, ишқилиб, оёғи тойиб, йиқилиб кетмасин-да, деб олазарак бўлиб турарди.

Улар бир-бирлари билан жуда кам гаплашишса ҳам лекин ораларидаги муносабат содда ва самимий эди.

Петро ҳовлига биринчи марта чиққандан икки кунча ўтгач, Гаврила кечкурун ётиш олдидан баданига мой суртиб, печка устига жойлашиб ётар экан, сўради:

— Униб-ўсган элинг қаерда, ўғлим?

— Уралданман.

— Мужиклар тонфасиданмисан?

— Йўқ, ишчилардан.

— Бу нима деганинг? Этикдўз ёки бочкасоз сингари хунармацлларданмидинг?

— Йўқ, ота, мен заводда ишлаганман. Пўлат эритадиган заводда. Ёшлигимда кирганман.

— Бўлмаса, галла йиғадиган ишга қандай кириб қолдинг?

— Армиядан юборишган эди.

— Нима, сен уларнинг командиримидинг?

— Ҳа, шундай эди.

Сўраш унга қанча оғир бўлмасин, барибир гап уриниб шунга келди:

— Бундан чиқди, сен фирка экансан-да?

Петро чиройи очилиб кулиб:

— Коммунистман, — деб жавоб берди.

Унинг беғараз, рўй-рост кулиб туришидан бу ёт сўз Гаврилага қўрқинчли бўлиб туюлмади.



Кампир пайт пойлаб туриб қизиқиш билан сўради

— Бола-чақанг борми, Петюшка?

— Сўққабошман!.. Осмондаги ойдек ғарибман!

— Ота-онанг ўлганми?

— Кичкиналигимда, етти ёшимда етим қолганман.

Отамни мастлик вақтида ўлдиришган, онам бўлса қаерлардадир санғиб юрибди...

— Оббо кисталоғ-э! Бундан чиқди, сен бечора нора-сидани ташлаб кетган экан-да?

— Битта пудратчи билан топишиб кетди, мен заводда ўсиб катта бўлдим.

Гаврила печкадан оёғини осилтириб, узок вақт индамай ўтирди, кейин бамайлихотир, дона-дона қилиб бундай деди:

— Начора, ўғлим, ота-онангки йўқ экан, бизни-кида қола қол... Бизнинг ёлғиз ўғлимиз бор эди, сени унинг номи билан Петро деб атадик. Пешонамизга сизмади, мана энди чоли кампир иккимиз мунгайиб ўтирибмиз... Ўзингни билмай ётганигда сен билан озмунча дард чекдикми; шунинг учун кўнглимизга ёқиб қолган бўлсанг ҳам ажаб эмас. Гарчи бегона бўлсанг-да, ўз боламиздек сенга жонимиз ачийди... Қол биз билан! Экин-тикин қилиб кун кечирамиз, Дон ерлари серҳосил, сахий... Сени кийинтирамиз, уйлантириб қўямиз... мен ошимни ошаб, ёшимни яшадим, энди рўзгорга ўзинг бош бўл. Қариган чоғимизда иззат-ҳурматимизни жойига қўйиб, бошимиз ёстиққа текканда бир бурда нонни аямасанг бас... Биз, қариб-чуриган кексаларни ташлаб кетма, Петро!..

Печка орқасида қора чигиртка жонга тегиб каттиқ чирилларди.

Дераза тавақалари шамолда тарақ-туруқ қилиб очилиб ёпиларди.

— Кампир билан иккимиз сенга қайлиқ қидир-япмиз! — деб Гаврила ясама хурсандчилик билан кўз қисиб қўйди, лекин лаби қалтираб, буришиб кетди-ю, нолон илжайди.

Петро чурқ этмай, оёғи тагига, ўйдим-чуқур бўлиб кетган полга узок вақт тикилиб ўтирди-да, чап қўли билан сўри-ни черта бошлади.— Тук-тик-так!—деган ажиб, кишини хаяжонга солувчи садо чиқди.— Тук-тик-так! Тук-тик-так!..

Қандай жавоб беришни ўйлаётгани кўриниб турар эди. Алоҳа бир қарорга келди шекилли, сўрига чертишни тўхтатиб, бошини бир силкитди-да, гап бошлади:

— Мен-ку, ота, уйингизда жон деб қолар эдим-у, аммо кўриб турибсиз, шу аҳволим билан, қўлимдан унча

иш келмайди-да. Молтопар бу дардисар қўл ҳам тузалай демаяпти! Лекин шунга қарамай куч-қувватим етгунча астойдил ишлайман. Ёз ўтсин, бир гап бўлар.

— Унда эҳтимол бутунлай қолиб кетарсан! — деб гапга хулоса ясади Гаврила.

Кампир оёғи билан айлантираётган чарх шўх гувиллаб кетди ва жун толасини йигириб урчуққа ўрай бошлади.

Бу бир маромда гувиллаш билан уларга мадҳия ўқидими ёки турмушлари яхши бўлиб кетишига ишора қилиб кўнгилларига ором бердими — бунисини билмайман.

\* \* \*

Баҳор ўтиб кетди, жазирама иссиқ туриб, чўлнинг билқиллаган момикдай чангини қуёш қиздирди. Бир неча кун сурункасига ҳаво очик келди. Дон ёшлиги тутгандай кутуриб, гажим-гажим тўлқинлар ҳосил қилиб, шўх оқди. Лиммо-лим бўлиб оққан сув станица чеккасидаги кўраларгача етиб борди. Дон атрофлари ям-яшил бўлиб, яшнаб кетди. Шамол эсиб гуллаб ётган теракларнинг хушбўй хидини димокка уради, ёввойи олмаларнинг тўкилган гулига қопланган қўл тонг чоғи кумушдек товланади. Кечалари шуълалар кўз қисишгандай милтиллайди, тун ҳам жуда қисқа. Узун кун бўйи ишлаган ҳўкизлар дам олишга улгурмайди. Туллаб, қовурғалари саналиб колган пода яйловда ўтлайди.

Гаврила билан Петро бир ҳафтадан бери даштда эдилар. Улар ер ҳайдашар, мола босишар, дон сочишар, бир пўстинни ёпиниб арава тагида тунашарди. Лекин Гаврила янги ўғилга тобора меҳри ошиб, кўнгил кўяётгани ҳақида ҳеч вақт оғиз очмади. Бу оқ-сарикдан келган, шўх, меҳнаткаш йигит, марҳум Петронинг сиймосини кундан-кунга хиралаштира борди. Гаврила ўз ўғлини камроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Сирасини айтганда, иш билан овора бўлиб, ўйлашга вақти ҳам йўқ эди.

Ҳаш-паш дегунча ёз ўтиб кетганини ҳам билмай қолишди, ўрим вақти ҳам етиб келди.

Бир куни Петро эрта саҳарданок ўроқ машинасини тузата бошлади. У темирчининг дўконига бориб ўроқ машинасининг тишини тузатди, синган қанотлари ўрнига, ян-янги қанотлар ясади, буни кўриб, Гавриланинг оғзи очилиб қолди. Хуллас, эрта саҳардан ўроқ машинасига уриниб, қош қорайганда ижрокўмга кетди, чунки алла-

қандай мажлисга чақиришган эди. Бу ўртада сувга кетган кампир почтадан хат олиб келди. Конверт эски, кир-чир эди, хат Гавриланинг адреси билан унинг номига ёзилган бўлиб, ўрток Николай Косихга бериб қўйилсин дейилган эди.

Гаврила кўнглига ғулгула тушиб, адреси сиёҳ қалам билан пала-партиш, ажи-бужи қилиб ёзилган конвертни анча вақт қўлида айлантириб турди.

Уни кўтариб ёруққа солиб ҳам кўрди, лекин бу конверт аллакимнинг сири-асрорини яширгандай қар ва гуноғ эди, бундан Гавриланинг хуноби ошди, ҳаловатини бузган бу хат кўзига балодек кўриниб кетди.

Миясига лоп этиб, йиртиб ташлайман деган хаёл келди-ю, лекин бир оз ўйлаб, Петрога топширишга жазм қилди. Петрони у дарвоза олдида қарши олиб, янгиликни гапирди.

— Ўғлим, сенга қағдандир хат келди.

— Менгами? — деб сўради Петро ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, сенга. Юр, ўки!

Гаврила чироқни ёқди-да, хат ўқийтиб хурсандликдан чиройи очилиб кетган Петронинг чехрасига синчков назар ташлаб, тикилиб турди. Охири сабри чидамай сўради:

— Қағдан кебди?

— Уралдан.

— Ким ёзибди? — деб сўради кампир қизиксиниб.

— Заводдаги ёр-биродарларим ёзишибди.

Гаврила хушёр тортди.

— Нима деб ёзишибди?

Петро кўз олди қоронғилашиб, хомуш жавоб берди:

— Заводга кел дейишибди. Заводни ишга туширишмоқчи экан. Ўн еттинчи йилдан бери тўхтаб ётган эди.

Гаврила бўғиқ овозда сўради:

— Хўш?.. Кетарсан балки?

— Қайдам...

\* \* \*

Петро ранги сарғайиб, озиб чакак-чакак бўлиб кетди. Кечалари ухлолмай, каравотда тўлғониб, уф тортиб чиққанини Гаврила бир неча марта эшитди. Гаврила ўйлай-ўйлай охири Петронинг станицада туrolмаслигига, сўқа билан чўлнинг серҳосил ерини ҳайдаб, экин-тикин экиб

кун кўра олмаслигига ақли етди. Петрони одам қилган завод уни ўз кучоғига тортиб олади-ю, шундан кейин яна чол-кампир дарду ҳасрат чекиб, бойўғлидай ёлғиз қолишади. Қани энди Гавриланинг қурби етса-ю, заводнинг битта соғ жойини қолдирмай, ер билан яксон қилса, ўрни эрмону бурганлар билан қопланса!..

Ўримнинг учинчи куни шийпон ёнига сув ичгани келишганда Петро гап очиб қолди:

— Иложим йўк, ота, ҳеч қололмайман! Заводга кетаман... Кўнглим алағда, бормасам бўлмайди...

— Бу ерда кунинг ёмон ўтяптимми?..

— Йўк, гап бунда эмас... Завод кадрдон бўлиб қолган, Колчак бостириб келганда уни бир ярим ҳафта ҳимоя қилганмиз, улар қишлоқни эгаллаганлари ҳамано тўққизта одамимизни дорга осганлар, энди бўлса армиядан қайтиб келган ишчилар яна заводни оёққа турғизишмоқчи... Ўзлари, бола-чақалари оч-наҳор бўлсалар ҳам ишлашяпти. Шундай бўлгач, қандай қилиб мен бу ерда қоламан? Виждон бунга йўл кўядими?..

— Барибир, тузукроқ ёрдамнинг ҳам тегмаса керак? Қўлинг ишқал-ку.

— Гапларинг қизиг-а, ота! У ерда битта қўлни ҳам қадрлашади!..

— Майли, бора қол! Қўлингдан ушламайман!..— деди Гаврила ўзини дадил тутиб.— Лекин кампирга қайтиб келаман, деб айт. Бир оз тураман-да, келаман, де... бўлмаса сенинг доғингда куйиб кул бўлади, суянган тоғимиз ёлғиз сен эдинг...

У умидвор бўлиб, шивирлаб, энтикиб-энтикиб нафас олиб хириллаб сўради:

— Балким ростдан ҳам қайтиб келарсан? Нима дединг? Наҳотки қарилгимизга раҳминг келмаса-а?

\* \* \*

Арава ғижирлайди, хўкизлар дўпир-дўпир оёқ ташлайди, ғилдирақлар тагидан юмшоқ оҳақ сочилади. Дон бўйлаб ўтадиган илон изи йўл мўъжазгина бутхона ёнида чапга бурилиб кетади. Муюлишдан станица округ черкови ва қулф уриб яшнаб ётган боғ-роғлар кўринади.

Гаврила бутун йўл бўйи тинмай гапириб келди, жилмайишга ҳаракат қилди.

— Ана шу жойда бундан уч йил аввал қизлар сувга чўкиб ўлган эди. Шунинг учун ҳам бутхона қуришган,—

деб у қамчисининг дастаси билан бутхонанинг шўппайиб турган чўққисини кўрсатди.— Шу ерда сен билан хайр-лашамиз. Нари ёғига йўл йўқ, тоғ ағдарилган. Станицага бир чақиримча қолди, секин-секин етиб оласан.

Петро овқат солинган халтасининг қайишини тугатди-да, аравадан тушди. Гаврила қалбида туғён урган фарёдни зўр-базўр босиб, қамчисини ерга ташлади-да, қалт-қалт титраётган қўлларини чўзиб:

— Хайр, жигарпорам!.. Сенсиз ёруғ дунё кўзимга зиндон бўлади энди,— деди ва кўз ёши билан ювилиб, аламдан буришиб кетган юзини янаям бужмайтириб, чўрт кесиб, бақириб шундай деди: — Овқат оливолдингми, ўғлим?.. Кампир йўлга у-бу ёпган эди... Эсингдан чиқиб қолмадимми?.. Хўп, хайр!.. Омон бўл, ўғлим!..

Петро оқсоқлана-оқсоқлана, тор йўлнинг четидан чопгундай бўлиб тез юриб кетди.

Гаврила аравани чангаллаб ушлаб қичқирди:

— Қайтиб келгин!..

Юрак-бағри эзилиб зўр алам билан кўнглидан «Келмайди!..» деган гапни ўтказди.

Муюлишдан ўтганда кадрдон бўлиб қолган оқ-сарик сочли бош охирги марта лип этиб кўринди, Петро сўнгги бор шапкасини силкитди. Шамол бўлса шўхлиги тутиб у қадам қўйган жойдаги оқиш чангни тўзитиб учирар ва гирдоб қилиб айлантитарди.



## НИЯТДОШЛАР

Лужина станицаси ифлос, эски қор ҳали эримаган, яқингинада учиб келган зағчалар туллаб қоп-қора тўсдек тўн кийган.

Мўрилардан чиқаётган тутун сиёрак, заиф. Осмон сурранг. Уйларнинг тарҳи ғира-ширада ноаниқ. Фақат Дон ортидаги Обдон тоғининг юксак чўққисигина кўзга яққол ташланади, дарахтлар эса худди тушъ билан чизгандек аниқ кўринади.

Халқ уйида Советлар съезди бўлиши керак. Мана бошланди. Округ комитети секретари халқаро аҳвол тўғрисида камоли ишонч билан сўзларни мунчоқдек ипга термоқда. Делегатлар скамейкаларда ўтиришибди, орқа томондан қаралса, казакларнинг қизил хошияли фуражкалари, папахлари, малахайлар, калта оқ пўстинлар кўзга ташланади. Ҳамма баб-баравар нишиллаб нафас олади. Ўқтин-ўқтин йўталиб қўйишади. Соқол қўйганлар оз, аксарият соқолни қирдирган, ҳар хил рангдаги мўйловлар кўринади, мўйлов қўймаганлар ҳам бор.

Секретарь Чемберленнинг нотасини ўқиди. Орқа қаторда алаким зарда билан кичқирди:

— Роса акиллабди-ку!

Мажлис раиси стаканни графинга уриб:

— Тартиб сақлансин!.. — деди.

Доклад тугагач, ярим соатлик танаффус эълон қилинди, фойеда папахлар узра тамаки тутуни суза бошлаганда, олаговур ичида қулоғига Майданниковнинг таниш овози чалингандек бўлди. Қаршимдаги одамларни четлатиб бундай қарасам, ўша, Майданников. У яқинда Песчаный хуторига раис қилиб сайланган эди. Унинг атрофини бир тўп казак қуршаб олганди. Янгигина будёновка кийган ёшгина казак гапирмоқда эди:

— ...Жанг қиламиз ҳам-да.

— Абжағимизни чиқаришади...

— Илгари додини бергандик-ку, уларни!

— Уларда техника бор, ошна.

— Одамсиз техника эгасиз отдék гап.

— Нима, уларда одам оз дейсанми?

Яна Майданников тилга кирди. У ширали овози билан гап бошлади:

— Сен алжима, худбин экансан-ку, гапингда тайин йўғ-а... Уруш чикса, кўрқадиган одам йўк... Шошма, кулок сол! Гапни эшит олдин! Мен гапириб бўлай, гапинг бўлса кейин айтарсан. Ўн бешинчи йилда бизларни Герман урушига олишди. Мени учинчи навбатда опкетишди. Бизнинг сотнямизни Каменская станицасидан фронтга жўнатишди. Саккизинчи пиёдалар дивизиясига кўшилдигу худди шатакчи отдек ёнида юравердик. Жангга ҳам кирдик. Стиря якинида отлардан махрум бўлдик. Милтиғимизнинг учига найза ўрнатиб беришди, кейин от тулумига найза санчиб маҳоратимизни оширдик. Жангга ҳам кирдик. Окопларда, ҳар хил шароитда жанг қилдик. Кўпроқ окопда бўлдик. Бир йилча лойга беланиб ётдик. Тўрт ойча ўзимизга қаролмадик. Ҳамма ёғимизни бит босиб кетди! Бир ёқдан диққинафаслик, иккинчи ёқдан ювинмаслик бошимизга бало бўлди. Битлар ҳам ҳар хил: бир хили — дўнгбоши диққинафасликдан пайдо бўлса, бошқаси, қора кўнғизга ўхшагани кир-чирликдан пайдо бўлган эди. Улар ҳар хил бўлгани билан қонимизни сўришга келганда бир хил эди. Гоҳ-гоҳ кўйлакни ечардик-да, ерга ёзиб кўйиб фляга ёки снаряд гильзаси билан эзсак кўйлак қип-қизил қонга бўяларди. Таёқлар ва камар билан уриб ўлдирардик уларни. Шу қадар кўпайиб кетган эди! Кўйлагимизда гала-гала бўлиб юарди.

Шунга қарамай жанг қилардик. Нега ва нима сабабдан урушаётганимизни ҳеч ким билмасди. Қилгиликни бошқалар қилиб, жабрини биз тортардик.

Орадан бир йил ўтгач, жуда жонимдан тўйдим. Чирок ёқса кўнглим ёримасди! Отни шундай соғиндимки, асти кўясиз. Баъзан шундай бўлардики, отбоқар отни қандай парвариш қилаётганини ойлаб кўрмасдик. Бундан ташқари, оиламизнинг ҳоли нима кечганини ҳам билмасдик. Энг муҳими халқ шунинг қатори менинг ўзим ҳам нима учун жонимизни фидо қилаётганимиздан беҳабар эдик!

Ўн олтинчи йилда бизни фронтдан чақириб олиб, кирқ чақиримча нарига ҳайдаб кетишди. Сотняга аксарияти чоллардан иборат мадад келди. Соқоллари нақ киндикларига тушади, денг. Бир оз дам олиб, отларни шай қилдик. Ана шунда хўп қизиқ иш бўлди! Дивизия штабидан бизнинг сотнямизни фронт чизигига ҳайдаш тўғрисида буйруқ келиб қолди. У ерда солдатлар хуруж қилаётганмиш.

Зах ва дой оқопларга тушишни, ўққа кўкрагини тутиб беришни хоҳламаётганмиш...

Ясовул Димбаш сўзга чиқиб, ҳамма гапни бизга тушутирди. Шунда мен икки энлик хат ёздим-да, оломон орасидан унга отдим:

«Жаноби олийлари, сиз бизга урушни тушутириб, турли тилда гапирувчи халқлар бир-бири билан урушади, деб айтгудингиз. Хўш, айтинг-чи, биз ўз одамларимизга қарши қандай қўл кўтарамиз?» У хатни ўқиди-ю, важохати бузилди, лекин жавоб бермади. Ана шунда биз, эски эътиқодли кекса казакларни нима сабабдан бизнинг сотнямизга юборганларининг маъносига тушуниб қолдик. Улар подшо ва эски тартиб учун жонларини ҳам беришга тайёр эдилар. Эски хизматда суяги қотган кексаларнинг йўриги бошқа-ю, хизматдан безиб калавасини йўқотиб қўйганларнинг йўриги бошқа. У вақтларда полкда одамларга бўёқчининг нилдек тез ақл ўргатишарди.

Бизларни солдатлар билан урушгани олиб боришди. Бизда тўртта пулемёт ва зирҳли машина бор эди. Ниҳоят полк ғалва қилаётган жойга етиб келдик. Полкни кубанликларнинг икки сотняси билан қандайдир чўтир, қалмоқ башара, ёввойи одамлар ўраб олган эди. Бунақа даҳшатли ишни ҳеч кўрмагандим, оғайнилар! Ўрмон орқасидан икки батарея олдинги қисмдан ажралиб чиқди, полк солдатлари эса, сайхонликда турганча вағирлашади. Уларнинг олдиларига офицерлар бориб инсофга келтирмоқчи бўлишди, лекин улар гапга қулоқ солмай, ғалағовур қилиб тураверишди.

Ясовул бизга команда берган эди, биз ёйилдик-да, йўргалаб, полкни уч томондан ўраб олдик... кубанликлар ҳам хезланиб олдинга юришди... Шунда солдатлар милтиқларини ташлаб, бир жойга қалашди-да, яна ноллий бошлашди.

Бу ҳодисани кўрдиму, коним қайнаб, фиғоним фалакка чиқиб кетди. Ўзингиз айтинг-чи, қандай қилиб мен одамларни қоронғи гўрга ҳайдаб киргизаман, ахир ўзим ҳам бу қора ер қаърида жонимни ҳовучлаб, кўр каламушдек биқиниб ётган эдим-ку. Солдатлар олдига етиб келдик. Шунда взводимиздаги Филимонов деган казак қизишиб кетиб, бир солдатнинг башарасига қиличининг ёни билан урганини кўриб қолдим. Шундоққина кўзимнинг олдида у шўрликнинг башараси шишиб, қонга бўялди. Ўзи ёшгина солдат экан, талвасага тушиб қолди. Этим жунжикиб кетди, ўзимни босолмай отимни ниқтаб, унинг олдига бордим-да:



«Бас қил, Филимонов!» — деб қичқирдим. У, ўзи эски эътиқодли киши бўлса-да, мени онадан сўка бошлади. Мен шамширимни суғуриб, уни кўрқитмоқчи бўлдим: «Бас қил, йўқса худо шоҳид, чопиб ташлайман!» Шунда у шоша-пиша милтиғини елкасидан олса бўладими?! Шамширни шартта томоғига тикдим-ку, ўзимам... Худди тулумга тикқандек тикдим, оқибатда бир одамнинг ёстиғини қуритдим... Ана шундан кейин қиёмат-қойим бўлди. Кубанликлар бизларга, биз уларга қараб ўқ уза бошладик, ҳалиги чўтир, ёввойи одамлар бизнинг устимизга бостириб кела бошлашди. Солдатлар милтиқларини ердан олиб, яна ғовур кўтардилар ва отлиқларни ўққа тутдилар. У ерда ана шундай қирғинбарот бўлган эди...

Бизларни у ердан олиб, орқа томонга юбормоқчи бўлишди, лекин аҳдларидан қайтишди-ю, Карпатга ҳайдаб қолишди, кийим-кечагимизни битдан тозалашга улгурмай, қарабсизки, Карпатга келиб турибмиз. Кечаси алоқа йўлларида шарпа чиқармай бордик. Сабаби, тиқ этган товуш чиқармасликка буйруқ берилган. Маълум бўлишича, австрияликларнинг окопи бизлардан бор-йўғи қирқ саржин нарида экан. Кундуз куни калламизни кўтармай, пусиб ётамиз. Ёмғир қуяди. Окоп зах, лой тўпикка чиқади, на кечаси ҳаловат бор, на кундузи. Азобдан бошим чиқмайди! Нима сабабдан ажал чангал солишини кутиб, бу окопларда қийналиб ётибмиз, деб ўйлаб қолдим. Шунда австрияликлар билан суҳбат қуришга қасд қилдим. Уларнинг солдатлари бизнинг тилда гапиришади. Баъзан шовқин солишади: «Пан, нима мақсадда жанг қилиясиз?» — Биз ҳам бўш келмаймиз: — «Ўзингиз-чи?» — деб бақирамиз. Орадаги масофа узоқлигидан дурустроқ гаплашолмаймиз. Қани энди, яхшиликча йиғилсак-да, суҳбатлашсак, деб ўйлайман. Иложи йўқ бунинг! Одамларни худди молни бир-биридан алоҳида тутгандек сим билан ажратиб кўйишган. Ахир австрияликлар ҳам биз сингари одамлар-ку. Ҳаммамизни ҳам болани эмчакдан айиргандек ер-сувдан айиришган. Бизларнинг дилимиз бир бўлиши керак.

Кунлардан бир кун эрталаб уйғонсак, қоровул бақиряпти: «Уни қаранглар, оғайнилар, сим тўсиқда бир жонивор ўралашиб қопти!» Австрияликлар ҳам чуғурчукдек чуғурлаб қолишди. Бошимни сал кўтариб қарасам, рўпарамда шохлари тарвақайлаб кетган лось турибди. Шохи сим тўсиққа илиниб қолибди. Чап томонимизда қаттиқ жанг кетаётган эди, лось чамаси, ўқ овозидан ҳуркиб бу ерга келиб қолган эди.

Австрияликлар: «Жаноблар, жониворни қутқаринг-

лар, отмаймиз!»— деб шовқин қилишди. Мен шинелимни шартта ечдим-да, окопдан чиқдим. Уларнинг окопларига кўз ташладим, одамларнинг бошлари кўринди, холос. Лосга яқин келган эдим. У типирчилаб, олдинги оёқларини тикка кўтарган эди, сим ўралган қозиклар кимирлаб кетди. Яна учта казак менга кўмакка келди. Лекин барибир ҳеч нарса қилолмадик, лось бизни яқинига йўлатмасди! Бир маҳал қарасак, австрияликлар югуриб келишяпти, ҳеч қайсисида милтиқ йўқ, биттасининг қўлида қайчи.

Ана шунда суҳбатни бошлаб юбордик: Бизнинг юзбоши окоп четига ётиб олиб, четда турган австрияликни нишонга ола бошлади. Буни кўрдиму, австрияликни тўсиб олдим. Офицерлар ҳайдаб юборишга ожизлик қиларди, шу вайдан биз австрияликларни окопимизга меҳмонга чақирдик. Мен биттаси билан гаплашмоқчи бўлдим, лекин уларнинг тилини билмайман, ўпкам тўлиб кетганидан ўз тилимда ҳам бир нарса деёлмайман. Ёши анчага бориб қолган бу одам малла эди. Мен уни ўқ яшигига ўтқаздим-да, гап бошладим: «Пан, қанақасига биз бир-биримизга душман бўлайлик! Қара, ҳатто қўлимизнинг қадоғи ҳам ҳали кетганича йўқ». У гапимга тушунмади, лекин қўлимдаги қадоқни сийпаганимдан нима демоқчилигимни фаҳмлади. «Ҳа, рост айтасан» дегандек, калласини лиқиллатди. Бир маҳал отрядимизни бир тўп казаклар ва австрияликлар ўраб олишди. Мен унга шундай дедим: «Бизларга, пан, сизларнинг ҳеч нарсангиз керак эмас, бизникига тегмасангиз бўлди. Келинг, урушга чек қўямиз!» У нима деганимга тушунмаса-да, гапимга қўшилди ва қўли билан ишора қилиб, меҳмонга чақирди. У ерда русча гаплашадиган одам бор, деб тушунтирди! Биз йўқ демасдик. Бутун сотня ўрнидан кўзгалиб, австрияликлар окопи томон юрди! Офицерларнинг қапалаги учиб, ўзларини четга олишди. Биз австрияликларнинг окопига келдик. Бир чех бизнинг тилда гапирар экан. Мен ҳалиги австриялик билан гаплашдим, чех таржима қила бошлади. Мен унга, биз бир-биримизга душман эмас, қон-қариндошмиз деб такрорладим. Яна қўлимдаги қадоқни кўрсатдим ва елкасига қоқиб қўйдим. У гапирган эди, чех таржима қилиб берди: «Мен ҳам ишчиман, касбим чилангарлик, гапларингизга бажонидил қўшиладман»,— дерди у. Мен унга мана бундай жавоб қилдим: «Келинлар, оғайнилар, урушга барҳам берамиз. Бу ишдан яхшилик чиқмайди. Найзани бизларни бир-биримизга гижгижлатганларнинг қорнига санчайлик». Бу гап австрияликка шундай таъсир қилдики, кўзларида жикқа ёш келди. Уйда хотиним билан болам қолган, уруш-

ни тугатишга розиман, деди. Шундай шовқин-сурон кўтардикки, нарёғи йўқ. Уларнинг офицери бабақхўроздек хезланиб тишини гижирлатади, денг, газанда. Биз австрияликлар билан дўстлашдик ва уларнинг қаҳвасидан ичдик. Охири, шундай тил топдикки, мабодо мен бир нарсa десам, улар гапимни таржимонсиз ҳам дарҳол тушунишиб, гужурлаб кўз ёши қилишар ва ўпишмоқчи бўлишар эди.

Окопимизга қайтиб келгач, милтиғимизнинг затворини чиқардим-да, лойга кўмдим ва австриялик инимга, чилангарга, ишчи, ғаллакорга бундан кейин минбаъд ўқ отмайман деб онт ичдим... Сотнямиз шу кунидеқ окопларни тарк этди. Бизларни Шавелка қишлоғи яқинида куролсизлантиришди. Орадан сал вақт ўтмай, тўнтариш бўлди. Петербургда подшоһи тахтдан йиқитишди...

— Шошма-чи, — деди будёновка кийган ёш казак, — ҳалиги лось нима бўлди?

— Лосми? Нима бўларди, қутқариб юбордик. Бир чиранди-ю, симни узиб ура қочди. Ўзиям дегин, шохларида ўн қулоч келадиган симни олиб кетди. Шундан кейин кўрмадик уни. Гап лосда эмас. Гап шундаки, одамлар бир тилда сўзлашишди, сен бўлсанг, уруш, уруш деб вайсайсан. Уруш бўлса, уларнинг солдатлари қошига борамиз-да, қадоқ қўлларимизни бир-биримизга бериб, ҳол-аҳвол сўрашамиз.

Аллаким саҳнадан кўнғироқчани жиринглатиб қичкирди:

— Ўртоқ делегатлар, ичкари киринглар!

Делегатлар эшик тавақаларини очиб, ғовур-ғувур қилганча, зич бўлиб ичкарига кира бошлашди.



## НАФРАТ МАКТАБИ

Урушда дарахтлар ҳам инсонлар сингари ўз тақдирига эга бўлади. Мен тўпларимиз ўқидан барбод қилинган ўрмоннинг катта бир бўлагини кўрганман. Яқингинада бу ерда С. қишлоғидан суриб чиқарилган немислар истеҳком қурган эдилар. Улар бу ерда ўрнашиб олиб, хужумимизни қайтармоқчи бўлишган эди, лекин ажал уларни дарахтлар билан бирга қийратди. Афдарилган қарағайларнинг таналари тагида немис солдатларининг ўликлари қолиб кетганди, яшил откулоқлар ичида уларнинг қиймаёйма қилинган жасадлари чириб ётарди, тўп ўқлари тилка-тилка қилган қарағайлардан таралаётган хушбўй смола ҳиди чириган мурдалардан анқиётган, нафасни бўғадиган, чучмал ва қўланса ҳидни босиб кетолмасди. Четлари куйган қатқалоқ воронкалардан иборат бўлган ер ҳам худди гўрнинг исини таратаётгандек бўларди.

Бизнинг тўп ўқларимиз ўйдим-чуқур қилиб юборган бу ялангликда шафқатсиз ажал қулочини кериб турар, ҳамма нарса ўлган, фақат яланглик ўртасида қандайдир мўъжиза туфайли навқирон бир қайин омон қолган эди. Унинг осколалардан илма-тешик бўлиб кетган шохлари шамолда тебранар, ям-яшил, ялтироқ япроқлари аста шитирларди.

Биз ялангликдан ўтдик. Олдимда кетаётган алоқачи қизил аскар қайиннинг танасини аста сийпади-да, астойдил ажабланиб, меҳр билан сўради:

— Қандай қилиб омон қолдинг-а, қайинжон?

Одатда қарағай тўп ўқидан пўрт учиб нобуд бўлади, узилган жойидан смола оқа бошлайди, эман эса ўлимни бошқача қарши олади.

Кунлардан бир кун немисларнинг тўп ўқи анҳор бўйида ўсиб ётган кекса эманнинг танасига келиб тегди. Тана титилиб, унда пайдо бўлган тешик касрига эманнинг ярми қуриб қолди, ўқ тегиши натижасида сувга эгилиб қолган ярми эса, баҳорда жонланиб кетди ва ям-яшил барг чиқарди, ҳозирги кунгача ҳам майиб қилинган эман-

нинг пастки шохлари анҳор сувига чўмилиб, юқориги шохлари эса қовжираб қолган баргларини қуёшга чанқоқлик билан чўзиб турган бўлса ажаб эмас...

Новчадан келган, бир оз букчайган, кенг елкаси қирғийшиқидек туртиб чиққан лейтенант Герасимов блиндажга кираверишда ўтириб, бугунги жанг, душманнинг танклар билан қилган ҳамласини батальон бошлаб даф қилгани тўғрисида батафсил ҳикоя қиларди.

Лейтенантнинг бир бурда юзи хотиржам, қизарган кўзлари ҳорғинликдан сал қисилган эди. У дўриллаб гапирар, ҳар бири ўқлогидек келадиган бармоқларини ўқтин-ўқтин чалмаштирарди. Очиғи, унинг беҳад қайғуси ёки нохуш ва диққинафас фикрларини равшан ифода этаётган бу қилиғи Герасимовнинг пишиқ гавдаси билан мардонавор чехрасига сира ёпишмас эди.

Лекин у бирдан жимиди-ю, важоҳати ўзгарди-қолди. Қорамағиз юзидан қон қочиб, тишлари қисирлаб кетди, шунда диққат билан тикилиб турган кўзлари қаҳру ғазабдан шу қадар чақнаб кетдики, мен беихтиёр у кўз тиккан томонга қараб, мудофаамизнинг олдинги маррасидан, ўрмон ичидан келаётган учта немис асирига ва улар орқасида қуёш нурида ўнгиган ёзги гимнастёрка билан энсасига сурилиб кетган пилотка кийган қизил аскар соқчига кўзим тушди.

Қизил аскар шошилмай, секин-аста келар эди. Қўлнидаги милтиқ бир меъёрда силкинар, найзасининг учи офтобда ярақлар эди. Қўнжи калта этикларига сариқ лой ёпишган асирлар ҳам эринчоқлик билан қадам ташлаб, имирсилаб келишарди.

Олдинда кетаётган, ориқ, малларанг соқол-мўйлови ўсган кекса немис блиндаж олдига келганда биз томонга қашқирдек бир қаради-ю, йўл-йўлакай белига осилган каскасини тузатиб, шартта юзини ўгирди. Шунда лейтенант Герасимов сапчиб ўрнидан турди-да, қизил аскарга зарда билан чинқирди:

— Нима, уларни сайру томошага олиб чиқдингми? Илдамроқ юр! Тезроқ юр, деяпман сенга!..

У, чамаси яна алланарса деб қичқирмоқчи бўлди-ю, лекин азбаройи тўлқинланиб кетганидан бўғилиб қолди ва шартта орқасига ўгирилиб пиллапоярлардан чопганча блиндажга тушиб кетди. Суҳбатимизга қулоқ солиб ўтирган политрук таажжубга тушганимни кўриб, оҳиста деди:

— Бир нима дейиш қийин, асаби бузилган. У немислар қўлида асирда бўлганидан хабарингиз йўқми? Бир

мавриди келса, уни гапга солинг. Уларнинг кўлида у кўп жабру жафо чеккан, шу-шу тирик немисларни кўрса жини отланиб кетади! Ўликлари билан унча иши йўқ, менимча, уларни кўрганда ҳатто ҳузур ҳам қилади, лекин тирикларини кўрса-чи, ё кўзларини чирт юмганча, ранги ўчиб, терлаб-пишиб ўтиради, ёки тескари бурилиб кетади.— Политрук менга яқинроқ ўтириб, шивирлаб гапира бошлади:— У билан икки марта хужум вақтида бирга бўлдим; жангда нақ шер бўлиб кетади... Урушни кўравериб кўзимиз пишиб қолган, лекин у найза билан кўндоқни қандай ишлатганини кўрсангиз ваҳмингиз келади!

Тунда немисларнинг оғир артиллерияси ўт очди. Олисдан тўпларнинг бир маромда отилгани кулоққа чалинар, бир дақиқадан сўнг босимиз устида, юлдузлар чарақлаб турган осмонда тўп ўқининг қалдирагани эшитилар, чийиллаган овоз тобора кучайиб, узоқлашар, кейин орқа томонимизда кундузи фронт чизигига тинмай ўк-дори ташиган машиналар ўтган йўл томонда сарғиш шафақ кўринар ва гумбурлаган овоз ер-кўкни тутар эди.

Отишма бир лаҳза тинган пайтда ўрмон ичи сув қуйгандек жимиб қолар, шунда чивинларнинг аста гингиллагани, ўқ овозидан безовта бўлган қурбақаларнинг ботқоқликда қўрқа-писа вақиллагани кулоққа чалинади.

Биз ёнғоқ дарахти тагида ётардик, лейтенант Герасимов хира чивинларни новда билан кўриб, ўзи тўғрисида бамайлихотир ҳикоя қиларди. Бу ҳикояни эсимда қолганича сизларга ҳавола қиламан.

— Урушдан аввал Ғарбий Сибирдаги заводлардан бирида механик бўлиб ишлардим. Армияга бултур тўққизинчи июлда чақиринди. Оиламиз катта эмас, хотиним, иккита болам ва майиб отамдан иборат эди, холос. Кузатаётганларида одат бўйича хотиним кўз ёши қилди: «Ватанни ва бизларни жон-жаҳдинг билан ҳимоя қил. Лозим бўлса жонингни ҳам фидо қил, ишқилиб зафар биз томонда бўлсин» деб ўгит ҳам берди. Ўшанда кулиб юбориб: «Сен ўзи кимсан менга, хотинми ё агитаторми? Ёш бола эмасман, зафар хусусига келсак, кўнглинг тўқ бўлсин, уни фашистлар кўлидан тортиб оламиз, ўзларининг эса бўйниларини сапчдек узамиз»,— деган эдим.

Отам, албатта сиполик қилди, лекин у ҳам насихатдан ўзини тийиб туролмади: «Кулоғингда бўлсин, Виктор,— деди у.— Герасимовларнинг фамилияси оддий эмас. Сен таги зотинг билан ишчисан, бобокалонинг Строгановнинг заводидан ишлаган, бизнинг авлод юз йилларки, ватанни темир билан таъминлаб келади, сен ҳам урушда темирдек мус-

тахкам бўл. Ҳокимият ўзингизни, у сени командир қилиб етиштирди, урушгача занасда олиб турди, душманни бошлаб савала».

«Айтганингиз бажо қилинади, ота».

Вокзалга кетаётиб район партия комитетига бирров кириб ўтмоқчи бўлдим. Секретаримиз қандайдир сипо, ҳиссиз одам эди... Хотиним билан отамки менга шундай панду насиҳат қилишди, бу энди гапиравериб, миямни қоқиб кўлимга беради, албатта ярим соат нутқ сўзлайди, деб ўйлаб қўйдим. Буни қараинки, ўйлаганимнинг тамоман тескариси бўлди. «Ўтир, Герасимов, — деди секретарь, — эски одат бўйича йўл олдида бирпас ўтирамин».

Сукут сақлаб бир оз ўтирдик, кейин у ўрнидан турди, шунда унинг кўзойнаги кўз ёшидан ҳўл бўлганини пайқаб қолдим... Во ажабо, роса ғалати ишлар бўляпти-ку, дейман ичимда. Шу пайт секретарь гап бошлаб қолди: «Ҳамма нарса ойнадек равшан, ўртоқ Герасимов, сени бир қаричлигингдан, пионер ғалстуги тақиб юрган вақтингдан биламан, комсомоллик чоғларинг ҳам эсимда, мана, ўн йилдан кўп бўлдики, коммунист сифатида сени яхши танийман. Бор, газандаларни ҳеч аямай ур! Партия ташкилоти сенга ишонади». Умримда биринчи марта секретарь билан ўпишдим, шунда азбаройи шифо, менга илгаригидек сипо, ҳиссиз одам бўлиб кўринмади...

Унинг самимийлигидан кўнглим тоғдек кўтарилиб, райкомдан шод-хуррам, ҳаяжонга тўлиб чиқдим.

Бу ёқда яна хотиним кўнглимни кўтариб юборди. Ўзингиз биласиз, эрини фронтга жўнатаётган ҳар бир хотин маънос бўлади, турган гапки, хотинимнинг ҳам ғам-ғуссадан кўнгли андек бузилди. Шўрлик қандайдир муҳим гап айтмоқчи бўлади-ю, лекин қани энди эсига бирор тузукроқ нарса келса, ҳуши бошидан учган. Ниҳоят, поезд ҳам жилди, у бўлса кўлимдан ушлаганча вагон ёнида йўрғалаб, алланарсаларни тайинлайди.

«Ҳазир бўл, Витя, фронтда тагин шамоллаб қолмагин». «Э, қўйсанг-чи, — дейман унга, — нималар деясан ўзинг асти! Ҳечам шамолламайман, Надя. У ерда об-ҳаво мўътадил, жуда ҳам яхши» Бир томондан ажралиш кўнглимни бузса, иккинчи томондан хотинимнинг соҳдадиллик билан айтган ғалати сўзларидан кулгим қистайди денг. Шунда немислардан ниҳоятда жаҳлим чиқиб кетди. Шошмай турунг, сиз, хиёнаткор кўшнилари, дедим ичимда. Урушни ўзингиз чиқардингиз, энди кунингизни кўрасиз биздан! Терингизга сомон тикамин!»

Герасимов олдинги маррада пулемёт тариллаганига қулоқ солиб, бир лаҳза индамай турди-да, отишма тўхтагач, гапни давом эттирди.

— Урушдан олдин бизнинг заводимизга Германиядан машиналар келиб турарди. Уларни йиғаётганимда баъзан бирор детални олардим-да, беш-олти марта сийпалаб, ҳар томондан кўздан кечиравдим. Тан бермай илож йўқ, бу машиналарни кўли гул одамлар ясаган эди. Немис ёзувчиларининг китобларини ўқир ва кадрлар эдим, шу тахлит бора-бора немис халқига ҳурмат назари билан қарайдиган бўлиб қолдим, рост, баъзан шундай меҳнатсевар, талантли халқ Гитлернинг расво тартибларига чидаб келаётгани одамга алам қиларди, лекин, ахир бу уларнинг ишлари-ку, деб қўя қолардим. Кейин Ғарбий Европада уруш бошланди...

Фронтга келяпману, немисларда техника зўр, армияси ҳам чакки эмас, деб ўйлайман. Худо ҳаққи, бундай душман билан олишиш ва унинг тумшугини ерга ишқалаш жуда гаштли-да. Ахир биз ҳам қирқ биринчи йилга келиб анойи эмасдик, ўзимизни тутиб олган эдик-да. Очиғини айтсам, бу душмандан ҳалолликни кутмаган эдим, айтгандек, ҳалоллик нима қилсин уларда? Лекин Гитлернинг армияси нақадар виждонсиз, олчок эканлигини хаёлимга келтирмаган эдим. Бу ҳақда кейинроқ гапираман...

Июлнинг охирида бизнинг қисмимиз фронтга келди. Йигирма еттинчи июлда эрталаб азонда жангга кирдик. Бошда кўникмаганликдан сал кўрқинчли бўлди. Устимизга миномётдан ўқ ёғдиришди, лекин кечга яқин биз ўзимизни ўнглаб олдик ва қақшатқич зарба бериб, уларни бир кишлоқдан қувиб чиқардик. Шу жангга ўн бештача асир олдик. Ҳозирам шундоқ кўз олдимда турибди, ранглари қув ўчган, ўтакалари ёрилган асирларни олиб келишди, жангчиларим бу вақтга келиб ҳовурдан тушган эдилар, бир маҳал қарасам, улар асирларга топган-тутган нарсаларини олиб келяптилар, биттаси бир котелок қарам шўрва олиб келса, бошқаси тамаки ёки папирос олиб келяпти, яна бошқа бири чой қуйиб беряпти. Уларнинг елкаларига қоқиб, «камрад, камрад» дейишади:— Нима учун урушяпсиз, камрадлар?— деб сўрашади.

Таҷрибали бир жангчи бу таъсирли учрашувга қараб турди-турди-да, шундай деди: «Бу «дўстларни» бунчалик ялаб-юлқимасаларинг? Бу ерда уларнинг ҳаммаси камрад, ана шу камрадларнинг фронт чизигидан нарёқда нималар қилаётганини, ярадорларимиз ва тинч аҳоли бошига қандай савдолар солаётганини бир кўрсангиз эди». Бу гапи билан у устимиздан бир челак муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ўзи эса, индамай жўнаб қолди.

Кўп ўтмай ҳужумга ўтдик ва чиндан ҳам уларнинг кирдикорларини: қули кўкка совурилган қишлоқларни,



отиб ўлдирилган юзлаб хотинларни, болаларни, чолларни, асирга тушган қизил аскарларнинг қийма-ёйма қилинган жасадларини, зўрланган ва ваҳшиёна ўлдирилган аёлларни, қизларни, ёшгина қизалоқларни кўрдик.

Айниқса бир қизча ҳеч кўз олдимдан нари кетмайди. У ўн бирларда бўлиб, чамаси, мактабга кетаётган экан; немислар уни ушлашган-да, полизга судраб опкиришган ва зўрлаб, ўлдириб ташлашган. Қизча пайҳон қилинган картошка палаги устида чўзилиб ётар, атрофида қонга бўялган дафтарлари билан дарсликлари сочилиб ётарди... Башараси дудама калта қилич билан қиймаланган, қўлчалари эса, очилиб қолган сумкасини чапгаллаб олган эди. Биз унинг устига плаш-палатка ёпдик-да, сукут сақлаб турдик. Кейин жангчилар чурқ этмай тарқалишди, мен эсам тикка турганча, изтироб чекиб, пичирлардим: «Барков, Половинкин, Физик-география. Тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар учун дарслик». Шу ерда сочилиб ётган дарсликлардан бирининг номи шундай эди. Бу дарслик ўзимга ҳам таниш эди. Менинг қизим ҳам бешинчи синфда ўқирди.

Бу фожиа Ружина яқинида рўй берган эди. Сквиранидаги жарликда эса, асир олинган қизил аскарларни қийнаб ўлдиришган жойдан чиқиб қолдик. Гўшт дўқонида бўлгандирсиз-а? Бу жой ҳам худди гўшт дўқонини эслатарди. Жарликдаги дарахтларнинг шоҳларида қонга беланган, қўлсиз, оёқсиз, териси шилиниб олинган таналар осилиб ётарди... Жар тубида саккизта ўлдирилган одам алоҳида ерга тўплаб қўйилган эди. Бу ерда сочилиб ётган қўл-оёқ ва бош қайси шўрнинг қургурниги эканини билиш маҳол эди. Йирик-йирик қилиб кесилган гўшт бўлаклари устига тарелкага ўхшатиб тахланган саккизта пилотка қўйиб қўйилган эди..

Сиз, балки ҳамма кўрган нарсаларни сўз билан ифода қилиш мумкин деб ўйларсиз? Йўқ! Уларни таърифлашга сўз етишмайди. Уни ўз кўзингиз билан кўрмасангиз бўлмайди. Келинг, бу гапларни бас қилайлик!— деди лейтенант Герасимов ва узоқ вақт индамай қолди.

— Бу ерда чекса бўладими?— деб сўрадим ундан.

— Бўлади. Ҳовучингизга олиб чекинг,— деди у хир-қироқ товуш билан.

Кейин ўзи ҳам чекди-да, гапида давом этди.

— Биласизми, фашистлар қилган ишларни кўравериб дийдамиз қотиб кетди, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, шундан кейин барчамиз, улар одамлар эмас, итдан таркаган газандалар эканини фаҳмладик. Маълум бўлишича, бир вақтлар станок ва машиналарни қанчалик ҳафсала

ва кунт билан ясаган бўлсалар, эндиликда бизнинг одамларни ҳам шундай берилиб ўлдираётган эканлар. Кейин яна чекиндик, лекин ўзимизам шердек олишдик.

Менинг ротамдаги аксарият жангчилар сибирлик эди, шунга қарамай, Украина ерларини жон-жаҳдимиз билан химоя қилдик. Менинг кўпгина ҳамшаҳарларим Украинада ҳалок бўлди, фашистлардан эса бундан ҳам кўпроғини ер тишлатдик. Иложимиз қанча, чекиндик, лекин хўп таъзирларини бердик.

Лейтенант Герасимов папирোসини ютоқиб тортар экан, энди сал бошқача, мулойимроқ оҳангда гап бошлади:

— Украина ерлари хўп яхши, табиати ҳам ажойиб, ҳар бир шаҳар, ҳар бир кишлук бизга кадрдон бўлиб қолди. Бунинг боиси шундаки, биз у ерларда жуда кўп қон тўқдик, ахир одам қон тўққан жойини кадрлайди-да... Бирор қишлоқни ташлаб чиқсак, юрак-бағримиз эзилиб кетарди. Ичимиз шундай ачишардики, асти қўясиз! Кетаётганимизда бир-биримизнинг кўзимизга қарай олмасдик.

...Ўша вақтларда немислар қўлида асирликда бўлишни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Буни қарангки, пешонамда бор экан. Сентябрнинг бошида биринчи марта яраландим, лекин сафда қолдим. Йигирма биринчида эса, Полтава областидаги Денисовка яқинида иккинчи марта яраланиб, асирга тушиб қолдим.

Чап қанотимиздан немис танклари ёриб ўтди, танклар кетидан бало-қазодек ёпирилиб пиёда аскарлар кела бошлади. Биз жанг қилиб, қуршовдан чиқмоқда эдик. Шу куни менинг ротам катта талафот кўрган эди. Душманнинг танклар билан қилган хужумини икки марта қайтардик, олтита танк ва бир бронемашинани ёқиб юбордик, жўхори даласида юз йигирматача гитлерчини ер тишлатдик, сўнгра улар миномёт батареяларини кўмакка олиб келишди, шундан кейингина биз пешиндан соат тўртларгача эгаллаб турган тепалигимизни ташлаб кетишга мажбур бўлдик. Эрталабданоқ кун иссиқ бўлди. Осмонда бир парчаям булут кўринмас, қуёш дўзахдек куйдирар, одамнинг нафаси қайтар эди. Мина ўқлари дўлдек ёғиларди, шу қадар чўллаган эдикки, жангчиларнинг лаблари қорайиб кетган эди, мен эсам, қандайдир бегона, хирилдоқ овозда команда берардим. Пастқамроқ бир жойдан чопиб ўтаётганимизда олдимизда мина ёрилди. Қоп-қора тупроқ ва чанг-тўзон кўтарилганини кўрдим, холос, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Мина парчаси каскамни тешиб юборди, яна биттаси ўнг елкамга тегди.

Қанча беҳуш ётганимни билмайман, лекин аллаким-

нинг дупур-дупур қилиб келаётганидан ўзимга келдим. Бошимни кўтариб, йиқилган жойимдан анча нарида ётганимни кўрдим. Устимдаги гимнастёрка йўқ, елкамни эса, аллаким шоша-пиша боғлаб қўйган эди. Каскам ҳам йўқолган, бошимни кимдир боғлаган, лекин бинтнинг учи кўкрагимда осилиб ётар эди, хойнаҳой жангчиларим мени бу ерга олиб келишган ва йўл-йўлакай ярамни боғлашган, деган фикр лип этиб хаёлимдан кечди. Миңг машаққат билан бошимни кўтарганимда уларни кўрарман деб ўйлаган эдим. Лекин қай кўз билан кўрайки, олдимга ўзимнинг одамларим эмас, немислар югуриб келишарди. Мени уларнинг дупур-дупури хушимга келтирган эди. Мен уларни худди кинодагидек рўйирост кўриб турардим, шунда ён-веримни пайпаслаб кўрдим. Теварагимда на тўппонча, на милтиқ ва на граната бор эди. Планшет билан тўппончамни ўзимизникилардан қайсиям бири ечиб олганди.

«Ўлдим», деб ўйладим. Ўша аснода яна нималар келганди хаёлимга? Агар бу ёзадиган романингиз учун керак бўлса, ўзингиз бир нарса деб юборарсиз, мен ўшанда ўйлашга улгурмаган эдим. Немислар жуда яқин келиб қолган эди. Мен ерда ётганча ўлишни истамадим. Биласизми, узала тушиб ётганча ўлиш менга сира ёқмади. Мен бутун кучимни йиғдим-да, қўлимни ерга тираб чўккаладим. Ўрнимдан туриб, қаддимни ростлагунимча улар ҳаллослаб югуриб келишди. Мен тик турардим, ҳар ёққа чайқалардим, ҳозир гурс этиб йиқиламану, улар ётган еримда найза санчиб ўлдиришади, деб ўйлардим ва бу фикрдан юрагим оркамга тортиб кетарди. Рўпарамдаги немислардан биронтасининг ҳам башарасини тузукроқ ажратолмадим. Улар эса атрофимни ўраб олишиб, чуғурлашар ва қулишар эди. Мен уларга: «Қани, ўлдириларинг, аблаҳлар! Ўлдир, йўқса, ҳозир йиқилиб тушаман», — деб ҳайқирдим. Бир немис гарданимга қўндоқ билан урган эди, йиқилиб тушдим, лекин шу заҳоти яна ўрнимдан турдим. Улар кулиб юборишди, биттаси қўлини силтаб, олдинга юр, деб ишора қилди. Мен юриб кетдим. Бутун башарам қон, бошимдаги жароҳатдан ҳамон илиқ ва елимшиқ қон оқар, елкам зирқираб оғрир, ўнг қўлимни кўтаролмас эдим. Қани энди, иложи бўлса-ю, кимир этмай ётсам дердим, лекин начора, зўрға юриб борардим...

Рост, мен ўлишни, айниқса, асирликда ўлишни сира-сира истамасдим. Бошим айланиб, қўнглим айниса ҳамки, ўзимни зўр-базўр тутиб борардим. Оҳ, шундай чўллаган эдимки, асти қўясиз! Оғзим қуруқшаб қолган, қадам ташлаб борарканман, кўз олдимда қандайдир қора парда елпинар эди. Мен деярли хушимни йўқотган эдим, шунга қарамай,

«Сув ичиб, бир оз дам олсам, қочиб кетаман!»— деб ўйлардим.

Бир дарахтзор четида асирга тушганларни тўплаб, сафга тизишди. Булар кўшни қисмларнинг жангчилари эди. Ўзимизнинг полкдан фақат учинчи ротада хизмат қилувчи иккита кизил аскарни кўрдим. Асирларнинг кўпчилиги ярадор эди. Немис лейтенанти русчани бузиб, орангизда комиссарлар ва командирлар борми, деб сўради. Хеч ким чурқ этмади. Кейин у саволини такрорлади ва: «Комиссарлар билан офицерлар икки қадам олдинга чиқсин»,— деди. Сафдан биронта ҳам одам чиқмади.

Лейтенант саф олдида имирсилаб ўтди-да, яхудийларга ўхшайдиган ўн олтита одамни танлаб олди. Уларнинг ҳар бирига «Жухудмисан?»— деб савол берди, лекин саволига жавоб кутмай, сафдан чиқишни буюрди. У саралаб олганлар ичида яхудийлар, арманилар, қорачадан келган, қора соч руслар ҳам бор эди. Уларни сал нарироққа ҳайдаб бордилар-да, автоматлардан ўқ очиб, кўзимиз олдида отиб ташладилар. Кейин бизларни шоша-пиша тинтидилар ва кармонларимиз билан бор нарсаларимизни тортиб олдилар. Мен йўқотиб қўйишдан кўриқиб, партбилетимни кармонимда олиб юрмасдим. Партбилетим шимимнинг ички чўнтагида эди, шунинг учун тинтув қилганларида топишолмади. Хулласи калом, одамзод жуда қизиқ бўлар экан: мен ҳаётим қил устида турганини, қочмоқчи бўлганимда отишмаса, барибир бирон ерда отиб ташлашларини жуда яхши билардим, чунки кўп қон йўқотганим учун бошқалар билан барабар юролмасдим-да, лекин тинтув тамом бўлиб, партбилет ёнимда қолгач, шундай севиниб кетдимки, чанқоқликни ҳам унутиб қўйдим.

Бизни қатор қилиб, гарб томонга ҳайдаб кетишди, йўлнинг икки чеккасида барзангидек соқчилар боришар, ўнтача немис мотоцикл миниб олган эди. Бизни шитоб билан ҳайдаб боришар, менинг эса тинка-мадорим қуриган эди. Икки марта йиқилиб тушдим, лекин ҳар сафар ўрнимдан туриб бир амаллаб юриб кетардим, чунки бирпас ётиб қолсаму, саф ўтиб кетса мени йўлнинг ўзида отиб ташлашларини билардим. Олдимда кетаётган бир сержантнинг бошига шундай фалокат тушди. У оёғидан яраланган, войвойлаб зўрга қадам босар, баъзан додлаб ҳам юборар эди. Бир километрча йўл босганимиздан кейин у қичқириб:

— Йўк, юролмайман. Алвидо, ўртоқлар!— деди ва йўлнинг ўртасига ўтириб олди.

Уни қўлтиғидан кўтариб, оёққа турғизмоқчи бўлишди, лекин у яна ўзини ерга ташлади. Унинг бўздек оппоқ нав-

кирон башараси, чимирилган кошлари, ёшдан ҳўл бўлган кўзлари сира кўз ўнгимдан кетмайди... Колонна ўтиб кетди. У орқада қолди. Орқамга ўгирилиб караб, мотоциклчи тўғри унинг ёнига келганини, эгардан тушмай, тўппончасини кинидан чиқарганини ва сержантнинг қулоғига тираб ўк узганини кўрдим. Сой бўйига етиб боргунимизча фашистлар яна орқада қолган бир неча қизил аскарни отиб ташлашди.

Мана сойни, бузилган кўприкни, чеккароқда тикилиб ётган юк машинасини кўрдиму, шу заҳоти муқкамдан қуладим. Хушимни йўқотдимми? Йўқ, йўқотмадим... Мен узала тушиб ётар, оғзим қумга тўлган, жаҳлимга чидолмай тишларимни ғижирлатар эдим. Оғзимда қум ғижирлар, лекин ўрнимдан туришга мажолим қолмаган эди. Ёнимдан ўртоқларим ўтиб борарди. Улардан бири оҳиста шундай деди: «Тур ўрнингдан, йўқса отиб ташлашади!» Мен бармоқларим билан оғзимни йиртиб, кўзларимни таталай бошладим, зора оғрикнинг зўридан ўрнимдан туриб кетсам дердим-да...

Колонна ўтиб кетди, шунда олдимга келаётган мотоциклнинг тариллашини эшитиб қолдим. Ҳар қандай бўлма-син ўрнимдан турдим! Мотоциклчига назар ҳам солмай, мастлардек гандираклаганча, зўр-базўр колоннага етиб олдим ва охириги қаторга жойлашдим. Сойдан ўтаётган немис танклари билан автомашиналар сувни бўтана қилиб юборганди, лекин биз ана шу илиқ сарғиш суюкликни энг яхши чашма сувидек ҳузур қилиб ичардик. Шундан сўнг анча дармонга кирдим. Кучим ҳам қайтгандай бўлди. Энди йиқилиб тушиб, кўчада қолиб кетсам-а, деб кўркмасам ҳам бўларди...

Сойдан энди ўтган ҳам эдикки, йўлда немис танкчиларига духоб келиб қолдик. Улар рўпарамиздан келарди. Энг олдиндаги танк ҳайдовчиси биз асирлар эканлигимизни кўрди-ю, танкни шитоб билан устимизга ҳайдади. Олдинги қаторда кетаётганлар танк ғилдираги тагида қолиб мажак-мажак бўлиб кетди. Пиёда соқчилар билан мотоциклчилар бу машъум манзарани хахолаб, завқ билан томоша қилишар, люклардан бошини чиқарган танкчиларга қўлларини силтаб, алланарса деб бақиришар эди. Кейин бизларни яна сафга тизишди-да, йўл ёқасидан ҳайдаб кетишди. Нима ҳам дердик, жуда хушчакчақ одамлар экан булар...

Шу куни кечқурун ва кечаси қочишга уринмадим, чунки кўп қон кетганидан узоққа боролмаслигимни фаҳмладим. Бундан ташқари, бизни жуда ҳушёрлик билан кўриқлашар, қўлга тушиб қолишим мумкин эди. Лекин кейинчалик, ўша вақтда қочишга уринмаганим учун озмунча

пушаймон бўлмадим! Эрталаб бизларни бир кишлоқдан олиб ўтишди. Бу ерда немис қисмлари бор эди, немис пиеда аскарлари бизларни томоша қилгани кўчага чумолидек чиқишди. Соқчилар бизни кишлоқдан чопғириб ўтишди. Ахир фронт чизигига яқин келган немис қўшинлари олдида бизларни хўрлашлари керак эди-да. Биз чор-ночор чопдик, кимки йиқилса ёки орқада қолса уни отиб ташлашди. Кечга яқин ҳарбий асирлар учун қурилган лагерга етиб келдик.

Қандайдир бир МТСнинг ҳовлиси қават-қават тиканли сим билан ўралган эди. Ичкарида бир-бирларига суянганча асирлар тушишарди. Бизларни лагерь соқчиларига топширишди, шундан кейин улар бизни милятиқ кўндоғи билан ура-ура тўсиқ ичига киргизишди. Бу лагерь дўзахдан ҳам баттар эди. Ҳожатхона йўқ, одамлар шу ернинг ўзида ҳожатларини чиқаришар, лой ва сасиб-бижиб кетган шалтоқ устида ётиб-туришар эди. Тинка-мадори қуриганлар ўринларидан туролмасдилар. Бир кеча-кундузда берадиган овқатлари бир кружка суву бир қисим тариқ ёки қуртлаган писта эди. Баъзан шуниям беришни унутиб қўядилар...

Орадан икки кун ўтгач, шариллаб ёмғир қуя бошлади. Лагерда лой тиззага чиқди. Эрталаб одамлардан худди от устидан кўтарилгандек буғ чиқар, ёмғир эса қуйгандан-қуяр эди... Ҳар кеча ўнлаб одам бандаликни бажо келтирарди. Тузук овқат емаганимиздан кундан-кунга дармонимиз қуриб борарди. Менга бундан ташқари, ярам қаттиқ азоб берар эди.

Олтинчи кун елкам билан бошимдаги яра қаттиқроқ оғриганини ҳис қилдим. Ярам йнринг боғлаб қўланса ҳид тарқата бошлади. Лагерь ёнида колхознинг отхоналари бор эди. Бу отхоналарда оғир ярадор қизил аскарлар ётишарди. Эрталаб мен унтерга мурожаат қилиб, врач олдига бориб келишга ижозат сўрадим. Менга ярадорлар олдида врач бор, деб айтишган эди. Унтер русчани ноппа-нозандек гапирарди. У менга шундай деди: «Майли, бор, ўз врачингга учраш. У сенга дарҳол ёрдам беради».

Шу аснода мен унинг калака қилаётганини тушунмай, хурсанд бўлиб отхона томон судралиб кетдим.

Учинчи ранг ҳарбий врач мени кираверишда кутиб олди. Бу адоий тамом бўлган бир одам эди. Озиб, чўпдек бўлиб қолган бу врач бошига тушган мусибат ва кўрган-кечирганларидан деярли эсини йўқотган эди. Ярадорлар шалтоқ устида ётишар, отхонадаги қўланса ҳиддан нафаслари бўғилар эди. Аксарият қизил аскарларнинг яраларига қурт тушган, иложи борлар қуртларни бармоқлари ёки чўп

билан олиб ташлашар эди... Бир тўп ўлган асирлар шу ернинг ўзида ётарди, уларни олиб чикиб кетишга улгуришмас эди.

— «...Кўряпсизми?— деди врач менга.— Қандай қилиб сизга ёрдам бера оламан? Менда бир қарич бинт ҳам, бошқа бирор дори-дармон ҳам йўқ! Кетинг бу ердан, худо хайрингизни берсин, тезроқ кетинг! Бинтларингизни ечиб ташланг-да, ярангизга кул сепинг. Ана, эшик ёнида янгигина кул бор».

Мен у айтгандек қилдим. Унтер мени оғзи қулоғига етиб кулганча қарши олди: «Хўш, қалай? О, солдатларингизнинг ажойиб врачлари бор экан-ку! Ёрдам бердими сизга!» Мен ғик этмай ўтиб кетмоқчи бўлган эдим, у башарамга бир мушт урди-да: «Нега жавоб бермайсан, ҳайвон?»— деб бўкирди. Мен йикилиб тушдим, шундан кейин у кўрагимга ва бошимга хўп тепди. Чарчаганидан кейингина тепишдан тўхтади. Ана шу фашистни ўла-ўлгунимча унутмайман, йўқ, сира унутмайман! У шундан кейин ҳам мени бир неча бор урди. Сим тўсиқ орқасидан менга кўзи тушса бўлди, олдига чакирарди-да, индамай хумордан чиққунча роса урарди...

Қандай қилиб омон қолдингиз, деб сўрарсиз балки?

Урушдан олдин механик бўлганимга қадар Камада юк ташувчилик қилардим, юк тушираётганларида туз солинган иккита юз килолик кофни бир ўзим кўтарардим. Кучдан худо берган, бундан ташқари, организмим ҳам пишиқ эди, лекин энг муҳими ўлишни хоҳламасдим, яшаш иштиёқи менда зўр эди. Мен ватан учун жанг қилаётган жангчилар сафига қайтишим керак эди. Мана, душмандан биратўла ўч олиш учун сафга қайтдим ҳам!

Бу лагердан мени юз километрча нарига, бошқа лагерга ўтказишди. Бу ер ҳам олдинги лагердагидек эди: тиканли сим ўтказилган баланд-баланд ёғочлардан бошқа ҳеч нарса, ҳатто бошпана ҳам йўқ эди. Бу ерда ҳам олдинги лагердагидек боқишарди, лекин ахён-ахёнда тарик ўрнига бир кружкадан чириган ёрма солиб қайнатилган бўтқа беришар ёки лагеримизга ўлган отларни судраб келишарди. Асирлар очликдан ўлмаслик учун бу ўлакساني талашиб-тортишиб ейишар ва ўлат теккандек қирилиб кетишарди... Бу камлик қилгандек, октябрь ойида совуқ тушиб қолди, тинмай ёмғир қуяр, эрталаблари сув музларди. Биз совуқдан қаттиқ қийнала бошладик. Мен ўлган бир қизил аскарнинг гимнастёркаси билан шинелини ечиб олдим. Лекин бу совуқдан асролмасди, очликка эса қўниқиб қолгандик...

Бизларни текин томоқ еб, чўчкадек семириб кетган

солдатлар қўриқларди. Ҳаммаси одати ва табиати жиҳатидан бир гўр эди. Худди танлаб олгандек соқчиларнинг барчаси ўлгудек аблах одамлар эди. Улар; масалан, шундай йўсинда кўнгил очишарди: эрталаб сим тўсиқ олдига биронта ефрейтор келарди-да, таржимон орқали шундай дерди:

«Ҳозир овқат тарқатамиз, овқат чап томондан берилади».

Шундай деб ефрейтор жўнаб кетарди. Оёқда тура оладиган асирлар сим тўсиқнинг чап томонида уймаланишарди. Икки-уч соат кутардик. Юзларча коксуяк одамлар изгириинда тик турганча калт-қалт қилиб туришар ва кутишар эди.

Бир вақт қарши томонда тўсатдан соқчилар пайдо бўлишарди ва сим тўсиқ орасидан бўлак-бўлак қилинган от гўштини отишарди. Очликдан силласи қуриган одамлар «гур» эгиб ўша томонга отилар, лойга беланган от гўшти устига ёпириллар эдилар.

Соқчилар хахолаб кулишар ва асирларни пулемётдан ўққа тутишар эди. Асирлар чап томонга қочишарди, ерда эса ўликлар ва ярадорлар чўзилиб қоларди... Леперь бошлиғи — новча обер-лейтенант таржимон билан сим тўсиқ олдига келарди-да, ўзини кулгидан зўрга тўхтатиб, шундай дерди: «Овқат тарқатилаётганда жуда ёмон тартибсизлик бўлди. Агар бу иш яна такрорланса, сиз, рус чўчкаларни битта қўймай шафқатсизларча отиб ташлашга буйруқ берман! Ўлганлар билан ярадорларни дарҳол йиғиштириб олинглар!» Лагерь бошлиғи орқасида тўпланиб турган гитлерчи солдатлар қотиб-қотиб кулишарди. Бошлиқларининг «сўзамоллиғи» уларга жуда манзур бўлган эди.

Биз лом-ним демай лагердан ўлганларни олиб чиқардик-да, нарироқдаги жарликка кўмардик. Бу ерда ҳам бизларни уришарди. Урганда ҳам қўл билан, ёғоч билан, кўндоқ билан уришарди. Бу ишни улар кўнгил очиш учун ёки зерикканларидан қилардилар. Яраларим аввалага битиб кетди-ю, кейин захданми ёки калтак зарбиданми, ишқилиб, яна янгиланди ва қаттиқ оғрий бошлади. Лекин мен бир амаллаб кун кўрар ва қутулишдан умидимни узмаган эдим... Биз шундоқ лойда ётардик, тагимизда хатто похол ҳам йўқ эди. Бир-биримизнинг винжимизга кириб, сиқилиб ётардик. Кечаси билан одамлар гимирлаб чиқарди: энг настда, лойда ётганлар ва тенадагилар совқотишарди. Бу уйқу эмас, турган-битгани азоб эди.

Худди мудҳиш тушдагидек кунлар ўта бошлади. Мен кун сайин заифлашиб борардим. Энди мени муштдек бола ҳам йиқита оларди. Баъзан устихонимга ёпишган этимга



ва коксуяк кўлларимга қараб кўнглим бузилар, ўз-ўзимга: «Бу аҳволда қандай қилиб кутулиб кетаман?» деб савол берар эдим. Ана шунда дастлабки кунларда қочишга ҳаракат қилмаганим учун ўзимга лаънатлар ўқидим. Ҳанда ўлдирганларида бунчалик азоб чекмасдим.

Қиш келди. Биз корни кураб, музлаган ерда ухлардик... Ниҳоят бир куни бизга, беш-олти кундан кейин ишга жўнатамиз, деб эълон қилишди. Ҳаммага жон кирди. Ҳар кимнинг қалбида қочишга умид учкуни уйғонди.

Шу куни кечаси сокин ва совуқ бўлди. Тонг отарда тўпларнинг гумбур-гумбурини эшитдик. Атрофимдаги одамлар ғимирлаб қолишди. Гумбурлаган овоз яна эшитилганди, аллаким қичқирди:

— Ҳртоқлар, бизникилар ҳужум қилишяпти!

Шунда фавқулодда иш юз берди: бутун лагерь худди команда берилгандек баб-баравар оёққа турди! Бир неча кун ўрнидан туролмай ётганлар ҳам кўзғалди. Теварак-атрофда қизғин шивир-шивир ва хўрсинишлар эшитила бошлади... Ёнимда турган бир асир худди аёллардек ўкраб йиғлаб юборди. Ҳзим ҳам, ўзим ҳам...— Лейтенант Герасимов овози қалтираб тезгина шундай деди-ю, бир лаҳза жим бўлди. Кейин ўзини босиб олди-да, хотиржам гап бошлади: «Менинг ҳам икки бетимдан мўлдир-мўлдир ёш оқиб, изғиринда қотиб қола бошлади... Аллаким заиф овозда «Интернационал»ни куйлаб юборди, биз ингичка, хирилдоқ овоз билан унга жўр бўлдик. Солдатлар бизларни пулемёт ва автоматлардан ўққа тутишди, «Ётинг!»— деб бақирдишди. Мен қор устида ётарканман, ёш боладек йиғлардим. Бу кўз ёшлар севинч ёшлари эди, шу пайт мен халқимиз билан фахрланиш ҳис-туйғусига тўлиб-тошган эдим, фашистлар биздек қуролсиз ва очликдан силласи қуриган одамларни ўлдиришлари мумкин эди-ю, лекин бизнинг иродамизни бука олмасдилар. Ҳеч вақт бука олмайдилар ҳам! Очигини айтсам, бизларга уруш очиб, хато қилдилар».

Шу куни кечаси лейтенант Герасимовнинг ҳикоясини охиригача эшитолмадим. Уни зудлик билан қисм штабига чақириб қолишди. Лекин орадан бир неча кун ўтгач, биз учрашдик. Землянкадан мох ва қарағай смоласининг ҳиди келарди. Лейтенант букчайиб, скамейкада ўтирар, куракдек кўлларини чалкаштириб тиззасига қўйиб олган эди. Мен унга қараб туриб, кўлларини чалкаштирганча соатлаб шундай ўтиришга ва юраги зардобга тўлиб, бефойда ўй ўйлашга лагерда ўрганиб қолганини тушундим...

— Қандай қилиб қочиб кутулдингиз, деясизми? Ҳозир айтиб бераман. Кечаси тўпларнинг гумбурлашини эшит-

ганимиздан сал ўтгач, бизларни истехком куришга олиб чиқишди. Совуқлар пасайиб, илиқ кунлар бошланган эди. Тишмай ёмғир қуярди. Бизни лагердан шимол томонга ҳайдашди. Яна дастлабки кунлардагидек бўлди: озиб, чўп бўлиб қолган одамлар йиқилар, уларни отиб, йўлга ташлаб кетишар эди.

Дарвоқе, бир асирни унтер ердан музлаган картошка олгани учун отиб ташлади. Биз картошка экилган даладан ўтиб кетаётган эдик. Украиналик старшина Гончар шу лантани картошкани олиб, яширмоқчи бўлган экан, унтер кўриб қолибди. У индамай Гончарнинг орқасидан келди-да, энсасидан отди. Шундан кейин колоннани тўхтатиб, сафга тиздилар. Унтер кулочини кенг ёзиб шундай деди: «Буларнинг ҳаммаси Германия давлатининг мулки. Ўзбошимчалик билан қайси бирингиз бирон нарсага қўл узатсангиз отиласиз!»

Бир кишлоқдан ўтаётганимизда хотинлар бизларни кўриб, бурда-сурда нон, кўрга кўмилган картошка ташлашди. Баъзи асирлар буларни олишга муваффақ бўлди, бошқаларга насиб қилмади: соқчилар деразаларга қараб ўт очишди ва бизларга тезроқ юришни буюришди. Лекин болалар довурак бўлади, ҳеч нарсадан қўрқмайди, улар бир печа квартал олдинга ўтиб кўчага нон қўйиб қўйишар, биз уларни териб олар эдик. Мен қайнатилган катта картошка топдим. Иккига бўлдик-да, кўшим билан пўстлогини артмай пок-покиза туширдик. Умримда бунақа ширин картошка емаган эдим!

Истехкомни ўрмонда қуришаётган экан. Немислар соқчиларни анчагина кучайтириб, бизларга белкураклар беришди. Йўқ, агар ихтиёр ўзимда бўлса, мен уларга истехком қурмасдим, гўр қазир эдим!

Шу кунни кечга яқин қалтис бир ишга бел боғладим, чуқур қазийётган жойимдан чиқдим-да, белкуракни чап қўлимга ушлаб, соқчининг олдига келдим... Даставвал бизнинг группамиздан кўз-қулоқ бўлиб турган шу немисдан бошқа яқин атрофда соқчилардан биронтаси йўқлигини, қолган немислар пастроқда, чуқур ёнида туришганини кўриб олган эдим.

Мен соқчининг олдига яқинлашаётиб:

— Белкурагим синиб қолди... буни қаранг, — деб гўлдираддим. Шу пайт кучим етмай қолса ва бир уришда сулайтиролмасам, ўлдим, деган фикр хаёлимдан лип этиб ўтди. Соқчи важоҳатим бузилганини сизди шекилли, елкасидан автоматини олмоқчи бўлди, шу пайт мен белкурак билан унинг башарасига солиб қолдим. Бошига урмаганимнинг

боиси шуки, бошида каска бор эди. Хуллас, уни гумдон қилишга ҳар ҳолда кучим етди, немис ғиқ этмай, муккасидан тушди.

Кўлимда автомату, уч обойма ўқ. Чопиш керак! Шундагина чополмаслигимни фаҳмлаб қолдим. Куч-қувват йўқ эди менда! Бир оз тўхтадим-да, нафасимни ростладим ва зўрга йўргалаб кетдим... Жарликнинг нарёғида қалин ўрмонзор бор эди, мен ўша ёққа ошиқардим. Қанча йиқилиб, қанча турганим эсимда йўқ... Лекин минут сайин узоклашиб борар эдим. Пиқиллаб йиғлаганча ўпкам оғзимга тикилиб, дарахтзордан ўтиб, тепаликдан ошганимда автоматлардан отилган ўқ овозларини ва кий-чув товушларни эшитдим. Энди мени тутиб олишлари даргумон эди.

Қош қорая бошлади. Борди-ю, немислар изимга тушиб, яқинлашиб қолгудек бўлса, ўзимга сўнгги ўқни олиб кўяман. Бу фикр менга далда берди, шундан кейин эҳтиёт-корлик билан оҳиста кета бошладим.

Ўрмонда тунадим. Ярим километр нарида қандайдир қишлоқ бор эди, лекин мен немисларга духоб келиб қолишдан кўркиб, у ерга бормадим.

Эртасига мени партизанлар топиб олишди. Икки ҳафтача уларнинг землянкасида ётдим, соғайиб кучга тўлдим. Гарчи лагерда шинелимнинг ичига тикиб қўйган партбилетимни олиб кўрсатсам ҳамки, дастлабки кушларда менга ишонқирамай юришди. Лекин уларнинг операцияларида қатнаша бошлаганимдан кейин менга муносабатлари ўзгарди. Биринчи марта фашистни партизанликда юрганымда ўлдирдим, ҳозиргача уларнинг сони юзга етиб қолди.

Январда партизанлар мени фронт чизигидан ўтказиб юборишди. Бир йилга яқин госпиталда ётдим. Елкамдаги осколаларни олиб ташлашди, лагерда орттирган бод ва бошқа касалларимни урушдан кейин даволатаман. Госпиталдан мени дам ол, деб уйимга юборишди. Уйда бир ҳафтadan ортиқ туrolмадим. Жангга киришга ошиқдим. Гапнинг лўндаси шуки, урушнинг охиригача шу ерда бўлишим керак.

Мен лейтенант Герасимов билан землянкага кираверишда хайрлашдим. У қуёш нурига ғарқ бўлган ўрмон ичидаги йўлга ўйчан тикилиб, шундай деди:

— ...Жанг қилишни ҳам, нафратланишни ҳам, яхши кўришни ҳам чинакамига ўргандик. Бу уруш ҳис-туйғуларни чархлайдиган бир қайроқтош бўлди. Бундоқ қараганда, муҳаббат билан нафратнинг ёнма-ён туриши эриш туюлади. Ахир, «От билан учқур кийикни бир аравага қўшиб бўлмай-

ди» деб бекорга айтмаганлар-ку. Мана ҳозир икковининг кўшилиб кетганининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Ватаним ва шахсан ўзимнинг бошимга солган мусибатлари учун фашистларни ўлгудек ёмон кўраман, лекин шу билан бир қаторда, халқимни жон-танимдан севаман, уни фашистлар зулми остида эзилишини сира-сира хоҳламайман. Мана шу нарса мени ва бошқаларни жон-жаҳдимиз билан жанг қилишга даъват этади, худди ана шу икки туйғу бирлашиб, бизни ғалабага олиб келади. Агар биз ватанга бўлган муҳаббатимизни юрагимизда олиб юрсак ва сўнгги нафасгача асрасак, нафратни ҳамиша найзамизнинг учида олиб юрамиз. Агар бу таъбир дудмалроқ бўлса, кечиринг, лекин мен шундай деб ўйлайман.— Лейтенант Герасимов гапини тугатди ва танишганимиздан буён биринчи бор, болалардек ёқимли ва беозор жилмайди.

Мен шундагина бошига тушган кулфатлардан руҳи тушмаган бўлса ҳам эмандек азамат ва бақувват ўттиз икки яшар лейтенантнинг чакка сочлари оппоқ оқариб кетганини кўриб қолдим. Қайғу-ҳасратдан оқарган сочлари шу қадар оқ эдики, лейтенантнинг пилоткасига ёпишиб ётган бир тола мезон чаккасига тушиб, кўринмай кетган эди. Мен ҳар қанча тикилиб қарамай, барибир, уни кўролмадим.

1942



## ИНСОН ТАҚДИРИ

*1903 йилдан бери КПСС аъзоси Евгения  
Григорьевна Левицкаяга бағишлайман*

Юқори Донда урушдан кейинги биринчи баҳор ниҳоятда яхши келди, бундақаси жуда камдан-кам бўлади. Мартнинг охирида Азов бўйларидан илқ шамол эси-ю, Доннинг чап қирғоғидаги қумлар икки кун ичида яп-яланғоч бўлиб қолди, даштлардаги қор тикилиб ётган жар ва ўралар кўпчиди, дала анҳорлари музларни синдириб, шовкин солиб оқа бошлади. Йўлларда қарийб от-улов ўтолмайдиган бўлиб қолди. Йўлларнинг расвоси чиққан ана шу ёмон кунларда йўлим Букановская станицасига тушиб қолди. Манзил-ку унча олис эмас эди, жуда борса олтимиш километрча келарди, лекин етиб олиш осон бўлмади. Жўрам билан мен кун туғмай йўлга чиқдик. Икки тўриқ от ён қайишларини таранг қилиб, оғир бричкани зўр-базўр тортиб борарди. Филдираклар қор ва музларга қоришиб, намиқиб ётган қумга нақ гупчагигача ботиб кетарди, бир соатдан кейин эса отларнинг биқинларида, қоринбоғларида ва юпка тортқилари тагида оқ момик кўпиклар пайдо бўлди, эрталабки салқин ҳавода от тери анқиди, жабдуқларга кўп суртиб юборилган мойнинг қизиган арава ёғига ўхшаш ўткир ҳиди димоққа ура бошлади.

Отлар жуда қийналиб кетган жойларда биз аравадан тушиб яёв юрдик. Ивиган қор этикларимиз тагида билчилларди, юриш жуда қийин, йўл бўйларида ҳали эриб улгурмаган музлар қуёш нурида биллур сингари ялтираб турарди, аммо у ёқдан юриш яна ҳам қийинроқ эди. Олти соат ичида зўрға ўттиз километр юриб, Еланка сойидаги кечикка етиб келдик.

Моховский хутори рўпарасида бўлган ва ёз маҳаллари у ер-бу ерда қуриб қоладиган бу ўртамиёна сой, ольха ўсиб, ботқоқ босиб ётган сайхонда роса бир километр жойга тошиб кетибди. Уч кишидан ортиқ одам ололмайдиغان таги текис омонат қайиқчада ўтиш керак эди. Отларни қўйиб юбордик. Бизни сойнинг нариги бетида, колхоз саройида, қишдан бери ётган ва бошидан кўп савдолар ўтган «Виллис» кутиб турар эди. Шофёр икковимиз юрагимизни ҳовучла-

ганимизча хилвираб турган қайиқчага ўтирдик. Жўрам кир-  
ғоқда буюмлар билан қолди. Биз энди сузиб ҳам эдикки,  
қайиқчанинг чирик тагидан бирваракайига бир неча жойдан  
сув фонтан бўлиб отилиб чиқа бошлади. Қўлимизда бор  
нарсаларни омонат қайиқчанинг тешикчаларига тикдик ва  
кирғоққа етиб олгунимизча ичидаги сувни ташқарига тў-  
киб турдик. Бир соат деганда Еланканинг у юзига ўтиб ол-  
дик. Шофёр хутордан машинани олиб келди, кейин қайиқ-  
чанинг ёнига келди-ю, эшкакни қўлга ола туриб:

— Бу лаънати тоғда сувда тоб ташлаб юбормаса,  
икки соатларда келамиз, унгача кутманг,— деди.

Хутор анча олис бўлиб, кечик атрофи шундай жимжит  
эдики, бундай жимжитлик фақат кеч кузу, эрта баҳорда  
одамсиз жойлардагина бўлади. Сувдан зах ҳид келади, чири-  
ган ольхалар димоғларни кичиштириб анқийди, узоқ-узоқ-  
ларда кўкимтир туман пардасига бурканган Хопер бўйлари  
далаларидан шабада эсиб, яқиндагина қордан қутулган ер-  
ларнинг абадий сарин, нозик ҳидларини келтиради.

Яқингинамда, сой бўйидаги кумда кулаб тушган четан  
чўзилиб ётган экан. Мен унга бориб ўтирдим-да, папирос  
чекмоқчи бўлиб, куртканинг ўнг чўнтагига қўлимни суқ-  
дим, қарасам, минг афсуски, «Беломор» кутиси бутунлай  
ивиб қолибди. Сойдан ўтиб кетаётган маҳалимизда чўкай-  
чўкай деб лапанглаб кетаётган қайиқчамизнинг бортидан  
тўлқин ошиб ўтиб, белимизгача лойка сув сочиб юборган  
эди. У маҳал папирос хаёлимга келибди дейсизми? Қайиқ  
чўкиб кетмасин, деб эшкакни бир четга қўйиш, қайиқ-  
чадаги сувни чиқариб тўкиш керак эди, мана энди ўз қил-  
мишимга ўзим ачиндим, кейин чўнтагимдан хўл қутини  
авайлаб олдим-да, чордана қуриб ўтириб намиққан папирос-  
ларни четанга битта-биттадан териб қўя бошладим.

Кун қиёмга келди. Қуёш май паллаларидай киздирар-  
ди. Мен папиросларим тезроқ қуриса экан деган умиддаман.  
Офтоб шундай киздирардики, сафарга солдатча куртка би-  
лан шим кийиб чиққанимга афсус едим. Бу кишдан кейинги  
биринчи чинакам иссиқ кун эди. Ихтиёрингни жимжитлик  
ва танҳоликка топшириб қўйиб, четан устида мана шундай  
ёлғиз ўтириш ва бошингдан эски солдатча кулоқчинингни  
олиб қўйиб, қайиқ ҳайдаш захматидан сўнг ивиган сочла-  
рингни шабадада қуритиш, паға-паға оқ булутларнинг оқиш  
осмонда сузиб юришини томоша қилиш кўп гашт-да.

Ҳадемай, хуторнинг энг четки ҳовлилари орқаси-  
дан бир эркак кишининг йўлга чиққанини кўрдим. У кичкина  
бир ўғил болани етаклаб келарди, бўйига қараганда бола  
беш-олти ёшларда, катта эмас. Улар кечик томонга ҳориб-

толиб келишяпти, бироқ машинанинг тўғрисига келганда мен ёққа бурилишди. Букрироқдан келган бу новча киши менга қадалиб келиб, бўғиқ товуш билан:

— Салом, оғайни!— деди.

Унинг менга чўзган каттакон, дағал қўлини қисиб туриб мен ҳам:

— Салом,— дедим.

У киши болага энгашиб:

— Амакинг билан сўраш, ўғлим,— деди.— Бу ҳам чамаси, отанга ўхшаш шофёр кўринади. Бироқ сен билан биз юк машинасида юрардик, бу эса анови кичкина машинани хайдар экан.

Бола очик осмон сингари ёркин кўзлари билан менинг кўзларимга рўйирост тикилиб ва хиёл кулимсираб туриб, совуқдан бир оз кўкарган қўлчасини менга дадил узатди. Мен унинг қўлини астагиша силкитиб сўрадим:

— Ҳа, чол, нега бунча қўлнинг совуқ? Ҳамма ёқ иссиқу сен музлаб қолибсан?

У болаларга хос ёқимли бир ишонч билан тиззамга сурканди-да, оқиш қошларини ажабланиб жийирди:

— Мени нимага чол дейсиз, амаки? Мен ҳечам чол эмасман, боламан, иннайкейин, ҳечам музлаганим йўқ. Қор ўйнадим-да, шунинг учун совуқ.

Отаси орқасидаги ғарибона халтасини олди-ю, ёнимга келиб ҳорғин ўтирди, кейин:

— Мен жўрамдан тоза куйдим-да!— деди.— Бунга етиб юраман деб ҳоли жоним қолмади. Мен қадамимни каттароқ ташласам, бу киши йўртишга ўтадилар. Ана энди мана шундақа пиёда аскар билан юриб кўр-чи! Бир қадам ўрнига уч қадам ташлайман, худди от билан тошбақа ҳамроҳ бўлганга ўхшаш, юришимиз ҳар хил бўлиб қолди. Буниси гўрга-я, тагин хазир бўлиб, кўздан қочирмай юрмасанг яна бўлмайди. Бир зум ғафлатда қолдингми — бўлди, ё кўлоб кечади, ё муздан сиңдириб олиб, конфет қилиб сўради. Йўқ, бундақанги жўра билан сафар қилиш эркак кишига тўғри келмайди, яна пиёда сафарга-я!.. — У бир оз жим қолгандан кейин мандан сўради:— Хўш, ўзингдан сўрасак, оғайни, бошлиқларингни кутиб ўтирибсанми дейман-а?

Мен шофёр эмаслигимни айтишни эп кўрмай:

— Кутишга тўғри келиб қолди,— деб жавоб бердим.

— У тарафдан келишадими?

— Ҳа.

— Қайиқ тезроқ келармикан, хабаринг йўқми?

— Икки соатларда келиб қолади.

— Жуда соз. Ҳай, майли, дам олиб ўтириб турамиз, шошиб турган жойимиз йўк. Ёнингдан ўтиб кетаётиб, сенга кўзим тушиб қолди: бизнинг шофёр оғайнимиз ўзини офтобга солиб қолибди-ку, кел, олдига бориб бир отамлашай, махорка чекишай, деб ўйлаган эдим. Ёлғиз ўлиб обрў топмаганингдек, ёлғиз чекиб хумордан ҳам чиқмайсан киши. Ў-ў, папирос чекар экансан-да, ишларинг беш-ку! Нима бало, ивителиб қўйибсанми дейман-а? Ҳе, оғайни, тамакининг ҳўли нима-ю, отнинг асови нима, бир чақа! Кел, меннинг қўлбола тамакидан чекайлик.

У ёзлик мошранг шимининг чўнтагидан ўраб қўйилган тамаки халтасини олди, қизил шойидан тикилган бу халтача эскириб, ситилиб кетган эди. У халтачасини ёзаётганда, мен унинг бурчагига: «Лебедянская ўрта мактабининг 6-синф ўқувчисидан азиз жангчига» деб ипак билан ёзилган хатни кўриб қолдим.

Биз, ниҳоят кучли қўлбола тамакини чекиб, узок жим ўтириб қолдик. Мен ундан болани каёққа эргаштириб кетаётганини, шундай лойгарчиликда қандай эҳтиёж уни кўчага чиқарганини энди сўрайман деб турган эдим, у мендан илгарирок:

— Урушнинг то бошидан охиригача машина ҳайдадингми-а? — деб сўраб қолди.

— Бошидан охиригача деса бўлади.

— Фронтдами?

— Ҳа.

— Ҳе, оғайни, мен ҳам урушда не-не балоларни кўрмадим, асти сўрама.

У бақувват, чайир қўлини тиззасига қўйиб, букчайиб олди. Ёнидан қараб, мен аллақандай бўлиб кетдим... Сиз худди кул сепиб қўйилганга ўхшаган, чексиз ғам-ғусса билан тўлиб-тошган ва қараган кишининг юраги орқасига тортиб кетадиган кўзларни ҳеч маҳал кўрганмисиз? Тасодифий суҳбатдошимнинг кўзлари худди шундай эди.

У четандан битта қуруқ, эгри чўпни синдириб олди-ю, индамай ўтириб, чўп билан қумда аллақандай шакллар чиза бошлади, кейин яна гапга кирди:

— Гоҳи маҳаллар кечаси кўзингга уйқу келмайди, очиқ кўзларинг билан қоронғига тикилиб қоласан... «Нега мени ногирон қилиб қўйдинг-а, фалак? Нима ваддан мени шундай азоб-уқубатларга солиб қўйдинг?» деб ўйлайсан киши. Бироқ на қоронғиликдан жавоб бор ва на ёруғ жаҳондан... Жавоб йўқ, жавоб ололмайдман ҳам! — Кейин, ўглининг олдида шундай деяётганини бирдан пайқаб қолиб, уни меҳр билан туртиб: — Бор, жон ўғлим, сув бўйида ўйнаб



кел, сув ёқасида болаларга ҳар маҳал эрмак топилади. Лекин оёғингни ҳўл қилма, хўпми! — деди.

Биз жим ўтириб махорка чекишаётганимизда, ота-болага ер остидан разм солиб, ичимда бир аҳволга ҳайрон қолган эдим, ҳар ҳолда бу нарса менга жуда галати кўринди. Боланинг кийим-боши одмигина-ю, лекин пухта: эғнидаги барлари узун эски пиджакчаси ўзига худди куйиб кўйгандек ўтиришидан ҳам, мўъжазгина этикчаларининг юнг пайпоқ устидан сиғадиган қилиб тикилишидан ҳам, пиджакчасини чеварлик билан ямалган еғидан ҳам — ҳаммасидан хотин кишининг гамхўрлиги, моҳир она қўлининг изи сезилиб турарди. Отаси эса бошқа қиёфада: бир неча жойи куйган куртка наридан-бери, қўполгина қилиб ямоқ солинган, эскириб кетган мошранг шимидаги ямоқ укувсизлик билан тикилган, тўғрироғи, эркакчасига кенг-кенг қилиб кавиб кўйилган, оёғида ҳали янги солдатча ботинка бўлса ҳам, қалин юнг пайпоқларини куя еган — буларга хотин кишининг қўли тегмаган... Ўшандаёқ мен: «Ё бева, ё бўлмаса хотини билан тотув турмаса керак», — деб ўйлаган эдим.

У ўғлининг орқасидан бир оз қараб турди-да, кейин бўғиккина йўталиб олиб, яна гап бошлади, мен эса жон қулоғим билан тингладим.

— Даставвал мен ҳам эл қатори умр қилдим. Ўзим асли Воронеж губерниясиданман, бир минг тўққиз юзинчи йилда туғилганман. Гражданлар урушида Қизил Армия сафида, Киквидзе дивизиясида бўлдим. Йигирма иккинчи йилги очарчиликда Кубанга кетиб, қулоқларга мардикорлик қилдим, шунинг учун ҳам жоним омон қолди. Ота-онам, сингилчам уйда очликдан ўлиб кетишибди. Ўзим ёлғиз қолдим. Қариндош-уруққа келсак — ҳеч ерда ҳеч кимим йўқ. Шундай қилиб, бир йилдан кейин Кубандан қайтиб келдим, кулбамни сотиб, Воронежга бошимни олиб кетдим. Аввал дурадгорлик артелида ишладим, кейин заводга кириб чилангарликни ўргандим. Орадан кўп ўтмай ўйланиб ҳам олдим. Хотиним болалар уйида тарбияланган. Етимча. Толемга жуда яхши хотин чиқди. Мўмингина, хушчақчақ, қўлоёғи еғил, эсликкина эди — менга сира ҳам ўхшамайди! Бир бурда ноннинг кадри нима эканлигини болалигиданоқ билгани учун ҳам ана шу қийинчилик характериға таъсир қилган бўлса ажаб эмас. Ташқаридан қараганда, кўзга унча яқин ҳам эмас эди-ю, лекин мен унга ташқаридан эмас, ичимдан, дилимдан қарардим. Шу туфайли дунёда менинг учун ундан гўзал, ундан дилбар аёл йўқ эди, ундақаси бўлмайди ҳам!

Гоҳида ишдан чарчаб, қаҳру газабинг қайнаб кела-

сан. Йўқ, ҳар қанча ёмон гапирсанг ҳам бир оғиз ёмон жавоб қилмайди. Бирам меҳрибон, бирам мўминки, атроф-фингда парвона бўлади, ўтқазгани жой тополмайди, бир бурда нонингни ҳаловатда емагунингча жонини жабборга беради. Унинг жонсарақлигини кўрасану жаҳлдан ҳам тушасан, бир оздан кейин эса бағрингга босиб: «Кечир, жоним Ирина, сенга итлик қилдим. Нима қилай, бугун ишим юришмади», дейсан. Ана шундан кейин яна апоқ-чапоқ бўлиб кетардик, кўнглим яна жойига тушарди. Бунинг ишга қанчалик таъсир қилишини биласанми, оғайни? Эрталаб ўрнимдан қушдай бўлиб турардим, заводга борардим, кўлимга қанақанги иш тушса қойил қилардим! Хотининг — умр йўлдошининг ақлли бўлиши, ана, кўрдингни, қандай яхши нарса!

Гоҳи маҳаллар ойлик олганингда ўртоқларинг билан ичишиб ҳам қоласан. Баъзан уйга қайтиб келаётганингда шу қадар оёқларинг чалишиб, юролмай қоласанки, сиртдан қараган киши сендан ҳазар қилади. Тор кўчани гапирмаёқ кўя қолай сенга, ҳатто кенг кўча ҳам торлик қилиб қолади — ана расволик! Мен у маҳаллар девдек кучли, норғул йигит эдим, ичишга келганда жуда кўп ича олардим, аммо лекин уйга ҳар маҳал ҳам ўз оёғим билан юриб келардим. Гоҳи маҳаллар шундай ҳам бўлардики, етай-етай деб қолганимда, қадамни секинроқ босишга, тўғрироғи, эмаклашга мажбур бўлардим, шундай бўлса ҳам, барибир, уйга етиб олардим. Қара, шу аҳволда кириб борсанг ҳам, сенга на ўпка қиларди, на ўшқирарди ва на жанжал кўтарарди. Иражоним фақат кулиб кўя қоларди, шунда ҳам мастлиги тутиб, хафа бўлиб юрмасин деб, жуда эҳтиёт билан қуларди. Кийим-бошимни ечиб: «Девор томонга ёт, Андрюша, уйкусираб йиқилиб-нетиб юрма тағин», — деб пичирларди. Мен ҳам сули тикилган қопдай қаравотга ағдарилардим, кўз олдимда ҳамма нарса пирпираб айлана бошларди. Уйқумда бошимни секин-аста силаганини, меҳрибонлик билан алланималарни шивирлаганини эшитардим, раҳми келарди, демак...

Эрталаб у мени ишга жўнашимдан икки соат олдин турғизарди, ўзини ўнглаб олсин дерди-да. Бош оғриғига овқат емаслигимни биларди, шунинг учун ё тузланган бодринг, ё бўлмаса шунга ўхшаш бирор шўртак нарсани топиб қиррали стаканчага ароқ қуярди-ю: «Ма Андрюша, бош оғриғига ичиб ол, лекин бошқа ичмагин, жоним, хўпми», — деярдди. Ахир унинг шунчалик ишончига яраша иш қилмай бўладими? Ароқни ичардим-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай, кўз қирим билан миннатдорчилик билдирардим, кейин бир ўпиб, ишга жўнардим. Борди-ю, шунақанги кайфинг ванг

бўлиб турганда шаънингга бирон бемаъни сўз айтиб юборгудек бўлса, шанғилик қилса ёки қарғаса борми — худо ҳаққи, нақ эртасига яна ичиб келасан-да киши. Баъзи бир хотини аҳмоқ оилаларда шунақа бўлади: биламан, унақанги рўдаполарни ҳам кўп кўрганман.

Ҳадемай бола-чакалик ҳам бўлиб қолдик. Олдин ўғил, бир йилча ўтар-ўтмай яна иккита қиз туғилди... Ана шундан сўнг ўртоқларимдан ўзимни тортдим. Ҳамма ойлигимни уйга ташийдиган бўлдим, бола-чақа кўпайиб, аёлманд бўлиб қолдим, ичкиликка йўл бўлсин энди. Ичсам ҳам дам олиш кунлари бир кружкагина пиво ичардим, холос.

Йигирма тўққизинчи йилда машина ҳайдашга ишким тушиб қолди. Автомобиль ҳайдашни ўрганиб, юк машинасига ўтирдим. Кейин шу ишга шўнғиб кетиб, заводга қайтмадим. Машина ҳайдаш менга жуда қўл келиб қолди. Шу қабилда ўн йил машина ҳайдадим ва бу ўн йилнинг қандай ўтиб кетганини ўзим ҳам билмай қолдим. Худди тушдагидек ўтди-кетди. Э, ўн йил нима деган нарса! Бирор кексароқ одамдан: «Умринг қандай ўтганлигини сездингми?» деб сўраб кўр-чи, нима деяр экан. Сезган бўлса ўлай агар! Ўтган умрни — хув анови хира туман босган узоқ дашт деявер. Эрталаб шу дашт билан юриб келдим, ҳамма ёқ тип-тиник эди, йигирма километр юрдим дегунча даштни хира парда босди, мана энди бу ердан туриб ўрмонни сассикалафдан, бугдойзорни пичанзордан ажратолмайсан киши...

Мана шу ўн йил давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай ишладим. Пулни ҳам яхшигина топдим, турмушимиз бошқаларникидан ёмон бўлмади. Болаларимиз ҳам яхши чикди: учовиям аъло ўқирди, катта ўғлим Анатолий математикага шунақаям зехни зўр бўлиб чикдики, уни ҳатто марказий газеталарга ҳам ёзишди. Унда бу илмга шунчалик катта талант қаердан пайдо бўлганига ўзим ҳам ҳайронман, оғайни. Қувончим ичимга сиғмас эди, фахрланардим, шунчалар фахрланардимки, асти қўявер!

Ўн йил ичида пича пул ҳам жамғардик, уруш олдидан икки хона, бир қазноқ ва йўлакчадан иборат кичкина уй ҳам солиб олдик. Ирина иккита эчки сотиб олди. Бундан ортиқ яна нима керак? Болаларимиз ширгуруч ейишарди, бошпанамиз, энгил-бошимиз, пойабзалимиз бор эди, бундай қараганда худога шукур, ўзимизга тузук эдик. Фақат уй-жойимиз нобопроқ жойга тушиб қолди. Менга авиазаводга яқинроқ жойдан олти сўтих участка ажратиб беришган эди. Уйим бошқа ерда бўлса, ким билади, турмуш ҳам бошқачароқ бўлармиди...

Бир вақт пақ этиб уруш бошланиб қолди-ку. Эртасига

военкоматдан повестка келди, индинига кўрибсизки, эшелонда ўтирибмиз-да. Мени жигаргўшаларим: Ирина, Анатолий, қизларим — Настенька билан Олюшалар узатиб қолишди. Болаларим ўзларини тузук тутишди, қизларим, албатта, пича кўз ёши ҳам қилиб олишди. Анатолий бўлса совук еяётгандек, нукул кифтларини учирарди. Ўша пайтда у ўн еттига кадам қўйган эди. Иринамга келсак... У билан ўн етти йил умр кўрган бўлсам ҳам уни ҳеч маҳал шу аҳволда кўрмаган эдим. Қўйлагимнинг елкаси билан кўкраги Ирианинг тун бўйи тўккан кўз ёшларидан жикка хўл бўлган эди, эрталаб ҳам яна шу аҳвол... Вокзалга келдик, раҳмим келганидан бечорага қарай олмас эдим... Йиғлай-вериб лаблари шишиб кетган, сочлари тўзғиган, кўзлари овсар кишиникига ўхшаб маъносиз бўлиб қолган эди. Командирлар вагонларга чиқиш учун буйруқ берса, Ирина кўксимга ўзини ташлаб, бўйнимдан маҳкам кучоклаб олибди, мисоли илдизига болта урилган дарахт сингари силкинади, титрайди... Болалар ҳам тасалли беришар, мен ҳам юпатар эдим — қани энди тинса! Бошқа аёллар эрлари, ўғиллари билан бамайлихотир гаплашиб туришибди, меники бўлса новдага ёпишган япроқдай менга ёпишиб олибди, нукул титрайди, тили сўзга келмайди. Мен бўлсам: «Ўзингни тут, жоним Ирина! Хайрлашиш чоғи лоақал бир нима десаңчи», — дейман. Ана шундан кейин Ирина тилга кирди ва ҳар сўзда пиқ-пиқ йиғлаб туриб: «Жонгинам... Андрюша... бу дунёда... энди... сен билан... ҳеч кўриша олмаймиз...» дейди.

Унга раҳмим келиб, ўзимнинг юрагим тарс ёрилиб кетай деб турибди-ю, у тағин шунақа сўзларни айтади. Улардан ажраб кетиш менга ҳам осон эмаслигини тушуниш керак-да, мен ахир қайнанамникига чўзма егани кетаётганим йўқ-ку! Аччигим келди! Бўйнимдан қўлларини олдим у елкасидан астагина итариб юбордим. Сеқингина итарувдим шекилли, кучим курғур кўп эмасми, у уч кадамча орқасига тисарилиб кетди. Кейин яна битта-битталаб юриб, қўл чўзиб келаверди, мен бўлсам: «Одам деган шунақаям хайрлашадими? Нега мени ўлмай туриб тириклайин гўрга тикасан?!» — деб бақириб бердим. Қарасам... аҳволи парижон, яна бағримга босдим...

Сухбатдошим шу ерга келиб ҳикоясини узиб қўйди, мен ўртага тушган сукунатда унинг ютинганини, бўғзида бир нима билиқлаганини эшитдим. Унинг ҳаяжони менга ҳам ўтди. Мен ҳикоячининг юзига ер остидан қарадим. Лекин унинг ўликники сингари кўзларида заррача ҳам ёш кўрмадим. У калласини солинтириб ўтирар, фақат ихтиёрсиз тушган каттакон қўллари, ияги, қалин лаблари элас-элас титрарди.

— Кўй, дўстим, эслама!— дедим мен унга паст овоз билан, чамамда, у менинг сўзимни эшитмади шекилли, бутун вужудини эгаллаган ҳаяжонини ғоят зўр бир куч билан босиб олиб, жуда галати, бўғиқ бир товушда яна гап бошлади:

— Уни ўша маҳал итариб юборганим учун ўзимни ўла-ўлгунимча, охирги нафасим чиққунча кечирмайман!

У яна узоқ жим бўлиб қолди. Тамаки ўрамоқчи бўлган эди, газета қоғози йиртилиб тамакиси тиззасига тўкилиб кетди. Ахир бир амаллаб тамаки ўради-ю, бир неча бор ичига қаттиқ-қаттиқ тортди, кейин бир йўталиб қўйиб, ҳикоясини давом этди...

— Иринадан ўзимни айирдим, юзини қафтларим орасига олдим, ўпдим, лаблари муз-муз. Кейин болаларим билан хайрлашдим, вагонга қараб югурдим, поезд юра бошлаганда эшигига сакраб чиқиб олдим. Поезд тезлигини секин-секин ошириб борди, бола-чакам ёнидан ўтиши керак. Қарасам: болаларим худди етимлардек бир ерга ғуж бўлиб олишиб, менга қўл силташяпти, жилмайгилари келади, лекин жилмая олишмайди. Ирина бўлса қўлларини кўксига босиб турибди, лаблари оппок, бир нималар деб шивирлайди. Мижжа қоқмай менга тикилиб турибди. Худди кучли шамолга қарши одим ташлагиси келгандек, бутун гавдаси билан олдинга қараб интиларди... У миямда худди мана шу аҳволи билан умр бўйи сақланиб қолди: қўллари кўксига босилган, лаблари оппок, кўзлари чакчайган, жиққа ёш... Кўп маҳал уни тушимда ҳам худди шу аҳволда кўраман... Нега мен уни ўшанда кўксидан итариб юбордим-а? Эсимга тушса ҳали-ҳали юрагимни ўтмас пичоқ билан тилгандай ўртаниб кетаман...

Украинада Белая Церковь яқинида бизни қисмларга ажратишди. Менга «ЗИС-5» маркали машина беришди. Мен шу машинамни ҳайдаб фронтга жўнадим. Хайр, уруш тўғрисида сенга сўзлаб ўтирмасам ҳам бўлади, даставвал урушнинг қандай аҳволда эканлигини ўзинг кўргансан, биласан. Уйдан тез-тез хат олиб турардим, аммо ўзим онда-сонда ёзар эдим. Гоҳи маҳаллар: «Ишлар тузук, камкам урушиб турибмиз, ҳозирча чекинаётган бўлсак ҳам, эрта-индин куч тўплаб фрицларнинг тумшуғини ерга ишқаймиз», деб ёзиб юборардим. Бундан бошқа яна нима ҳам ёзардинг дейсан? Кўп бемаъни вақт эди, хат ёзиш кўнгилга сиғмасди. Гапнинг ростини айтсам, йиғлоқи торларни чертишга ўзимнинг ҳам тоқатим йўқ. Ҳар кун бўлар-бўлмасга: «Аҳволим жуда оғир, шўрим қуриб қолди, ўлдириб-нетиб қўйишмаса гўрғайди» деб хотинларига ё жигарсўхта-

ларига хат ёзадиган, сўлаги билан оқ қоғозни сувайдиган сўлакиларни жинимдан бадтар ёмон кўрардим. Ана шу шим кийиб олган қанжик дод-вой қиларди, одамларнинг раҳмини келтирмоқчи бўларди, сўлагини оқизарди-ю, аммо бахти қора қолинган хотинларимиз, болаларимизнинг мамлакат ичкарасида кечириб турган ҳаётлари бизниқидан ширин бўлмаганлигини тушунгиси келмасди. Давлатнинг бутун оғирлигини ўшалар кўтаришди-ку. Хотинларимиз билан болаларимизнинг елкалари ана шундай оғир юк остида букилиб қолмаган бўлса, улар қанақа елкалар экан? Шунақа, уларнинг елкалари букилмади, туриш берди! Ҳалигидақа мишиқи, жони сабиллар дод-вой солиб хат ёзишади-ю, меҳнаткаш аёлларнинг оёғига болта уришади. Шўринг қурғур хотин ана шунақа хатни олади-да, тарвузи кўлтиғидан тушади, ишдан қўли совийди. Шунинг учун ҳам сен эркаксан, шунинг учун ҳам солдатсанки, зарурат бошингга солган ҳар қандай мушкулотни кўтарасан, чидаш берасан. Борди-ю, белида белбоғи бор эркак эмас, ҳажикиз бўлсанг, унда бурмали юбка кий, суяги чиқиб турган куймичингги юбка басавлат қилиб кўрсатсин, ҳеч бўлмаса орқангдан хотин кишига ўхша, ана ундан кейин бориб ё лавлаги чоп, ё сугир соғ, фронтга сендақасининг кераги йўқ, у ерда сенсиз ҳам сассикалафлар ачиб ётибди!..

Бироқ фронтда менга бир йил ҳам жанг қилиш насиб бўлмади... Шу орада икки марта яраландим, лекин иккови ҳам енгил: биттаси — қўлимнинг этига, иккинчиси — оёғимга тегди. Биринчиси — самолётдан отилган ўк, иккинчиси — снаряд осколқаси. Немислар машинамни тепадан ҳам, ёндан ҳам илма-тешиқ қилди-ю, лекин, оғайни, дастлабки вақтларда толеим баланд келди. Баланд келишга келди-ю, аммо охирида ўзимни ҳам кўтариб ерга урди... Қирқ иккинчи йилнинг май ойида Лозовеньки ёнида мана шундай ноқулай аҳволда асир тушиб қолдим: у маҳал немислар куч билан босиб келишаётган эди. Кунлардан бир кун юз йигирма икки миллиметрли замбарак батареямиз қарийб снарядсиз қолди. Машинамга кетганича тўлдириб снаряд ордим, ўзим ҳам жонимни аямай шундай юклашдимки, терлаганимдан гимнастёркам елкамга ёпишиб қолди. Жанг биз турган ерга яқинлашиб келаётгани учун ниҳоятда жадал юклаш керак эди: чап томонда кимнингдир танқлари гумбурларди, ўнг томонда ҳам, олдинда ҳам отишмалар давом этарди, ҳадемай димоғларга куйган эт исси ҳам ура бошлади...

Авторотамизнинг командири мендан: «Ўтиб кета оласанми, Соколов?» — деб сўраб қолди. Тавба, ҳозир сўраб ўтирадиган вақтми? Ким билади, балки уёқда ўртоқларим

халок бўлишаётгандир, мен бўлсам бу ерда оғзимни очиб қараб тураманми? «Қанақа гап бўлиши мумкин! Ўтиб кетишим керак, тамом!» — дедим унга. У ҳам: «Жуда соз, ҳайда бўлмаса! Жонинг борича ҳайда!» — деди.

Мен ҳам жоним борича ҳайдадим. Умрим бино бўлиб бунақа тез ҳайдамаган эдим! Ортиб кетаётганим картошка эмаслигини, бундай юк билан йўлда эҳтиёт бўлиб юриш кераклигини билсам ҳам, уёқда оғайниларим қуруқ қўл билан жанг қилишаётган, йўлни тўп-замбараклар ўққа тутиб турган бир пайтда, қанақасига эҳтиёт қилиб ҳайдашим мумкин? Машинани олти километрча учириб бордим, салдан кейин батареямиз жойлашган жарликка тушиб олиш учун қишлоқ йўлига бурилишим керак эди. Бундай қарасам — ё навзамбилло! — йўлнинг чап томонида ҳам, ўнг томонида ҳам, пиёда аскарларимиз яланғоч даладан чекиниб боришяпти, ёнларида миналар портляяпти. Энди нима қиламан? Орқага қайтиб бўладими? Жоним борича ҳайдадим! Батареяга етиб олишимга атиги бир километрча қолди, қишлоқ йўлига ҳам тушиб олдим, лекин, оғайни, тўпчиларимиз олдига етиб боролмадим... Чамамда, машинамининг ёнига узокка отар тўп снаряди келиб тушган кўринади. Снаряднинг портлаганини ҳам, бошқасини ҳам, ҳеч нимани эшитмадим, фақат калламда бир бало ёрилди, бошқа нарса эсимда йўқ. Қандай қилиб тирик қолганимга ҳайронман. Чуқурчадан саккиз метрча нарида қанча вақт ётиб қолдим — буни ҳам билмайман. Бир маҳал хушимга келсам, ҳеч оёғимни босиб туролмайман, калламда бир нима лўқиллайди, худди безгак тутаётгандек бутун вужудим қалтирайди. Кўз олдим коп-қоронғи, чап елкамга бир бало бўлганга ўхшайди. Аъзойи баданим шу қадар қакшаб оғрирдикки, худди мени биров икки кечаю икки кундуз қўлига тушган нарса билан дўппослагандай эди. Ерда қорним билан узок судралдим, кейин ўрнимдан туриб олдим. Шунда ҳам қаердалигимни, менга нима бўлганлигини биллолмай ҳайрон бўламан. Чамаси, эс-хушимни йўқотиб қўйган эканман. Ётишга яна кўрқаман. Ётсам кейин туролмай, шу ерда ўлиб қоламанми дейман. Худди бўрон маҳалидаги мирзатерақдай, турган еримда у ёқдан-бу ёқда чайқаламан.

Эс-хушимни йиғиб олганимдан кейин, ён-веримга синчиклаб разм солдим, биров юрагимни чангаллаб сикаётгандек бўлди, қарасам: мен олиб кетаётган снарядлар теварагимда сочилиб, мендан салгина нарида машинам тўнтарилиб ётибди, ҳаммаёғи илма-тешик бўлиб кетипти, жанг-чи, жанг орқамда кетяпти... Буниси қанақа бўлди?

Яширишнинг ҳожати йўқ, ана шунда оёқларим ўз-

ўзидан букилди, кесилган дарахтдай йиқилиб тушдим, чунки қуршовда эканимни, тўғрироғи, фашистларга асир тушиб қолганимни англаган эдим. Ана, кўрдингми, урушда нима-лар бўлар экан...

Эҳ, оғайни, ихтиёрсиз асирга тушиб қолишни нима-лигини англаш осон нарса эмас. Кимки буни ўз бошидан кечирмапти, ундайларнинг қалбига йўл топиб кириш, тутқунликнинг нималигини инсонларча англайтиш жуда қийин.

Хайр, шундай қилиб, йиқилган еримда танкларнинг гулдуросини эшитиб ётдим. Немисларнинг ўрта оғирликдаги тўртта танки мен снарядлар олиб жўнаган томонга қараб ёнимдан гумбурлаб ўтиб кетди... Ахир бунга қандай чидаб бўлади?! Кейин замбаракларни судраб шатакчи машиналар, дала ошхоналари, ундан кейин пиёда аскарлар ўтди, лекин булар унча кўп эмас, жуда борса титиғи чиққан бир ротача келарди, холос. Кўз қирим билан уларга қараб-қараб қўярдим-да, яна бетимни ерга босиб, кўзларимни юмиб олардим: уларни кўрсам кўнглим айнар, дилим сиёҳ бўларди...

Ҳаммаси ўтиб кетгандир, деб ўйлаб бошимни кўтариб қарасам, олтига автоматчи мендан юз метрча наридан ўтиб боряпти. Бир вақт қарасам йўлдан бурилиб индамай мен томонга келишяпти. «Ана, ажалим ҳам етиб келди», деб ўйладим. Туриб ўтирдим, ётган еримда ўлгим келмади, кейин ўрнимдан турдим. Улардан биттаси мендан бир печа одим нарида елкасини силкиб, автоматини қўлига олди. Одам боласи хўб ғалати нарса-да: ўша минут менда на ваҳима ва на қўрқув пайдо бўлди. Унга қарайману: «Ҳозир менга бир сидра ўқ узади, қаеримдан урар экан? Қалламдан отармикан ё кўкрагимдан отармикан?»— деб ўйлайман. Худди ўқлар баданимнинг қаеридан тешиб ўтиши менга барибир эмасдек.

Ораларида қорачадан келган, лаблари юпка, кўзлари сузилиб турган хушрўйгина бир йигитча бор эди. «Ўлдирса ҳам мени мана шу йигит ўлдиради», деб ўйладим ўзимча. Ўйим тўғри чиқди: у автоматини мўлжалга олди. Мен ҳам индамай унинг кўзига бақрайиб қараб туравердим. Иккинчиси, ефрейтор эканми, нима бало, ёши каттароқ, қарироқ деса ҳам бўлади, хуллас, ана шуниси бир нима деб ўшқирди-ю, ҳалиги қорачадан келган йигитни бир четга итариб юборди, кейин ўзи менинг олдимга келди-да, ўз тилида алланималар деб ғўлдирлаб, ўнг қўлимни тирсагимдан бука бошлади, чоғимда, мускулимни ушлаб кўргиси келди шекилли. Ҳа, ушлаб кўриб: «О-о-о!» деди. Кейин йўлга, кунботарга ишора қилди. Чамаси: «Юриб қол, хайвон, биз-



нинг рейхга малайлик қиласан!» дегандир-да. Ишнинг кўзи-ни билар экан, итвачча!

Қорачадан келган ҳалиги йигитнинг кўзи бирдан этигимга тушиб қолди-ю! Этигимнинг афт-ангори ташқаридан қараганда анча тузук эди. У қўли билан: «Еч!» деб ишора қилди. Мен ерга ўтирдиму этигимни ечиб узатдим. У қўлимдан юлгандай қилиб олди. Пайтаваларимни ҳам ечиб узатдим-да, ўтирган жойимда унга тикилиб турдим. Лекин у ўш-кириб, ўз тилида сўкиб берди, кейин яна автоматини кўлига олди. Ёнидагилар эса нуқул хириллаб қулишади. Улардан шу билан эсон-омон кутулдим. Фақат ўша қорачадан келган йигит йўлга чиқиб олгунимча менга уч-тўрт бор ўқрайиб қаради, бўри боласига ўхшаб кўзларини чакнатди, ғазабланди, нега энди? Худди у эмасу, мен унинг этигини ечиб олгандай.

Начора, оғайни, иложим йўқ эди. Йўлга чиқдим, воро-нежчасига болохонадор қилиб валатини роса ўхшатиб сўкдим, кейин ғарбга, асорат чоҳига қараб кетдим!.. Аммо юришга мадорим қолмаганди, соатига зўрға бир чақирим юрардим. Олдинга қадам ташламоқчи бўласан, лекин оёғинг сени гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тайтанглатади, худди маст кишидай гандираклатади. Пича юрганимдан кейин асир тушиб қолган кишиларимиз колоннаси орқамдан етиб келди, булар ҳам мен хизмат қилган дивизия аскарлари эди. Уларни ўнтача немис автоматчиси ҳайдаб келарди. Колонна олдида келаётган немис ёнимдан ўтиб кетаётиб, бир оғиз ҳам ёмон сўз айтмай, автоматининг сопи билан миямга тушириб қолди. Яхши ҳамки йиқилмадим, бўлмаса автоматидан бир сидра ўқ узарди-ю, ерга михлаб қўя қоларди, хайрият, йиқилиб кетаётганимда одамларимиз ушлаб қолишиб, колонна ўртасига олиб кириб кетишди ва ярим соатча қўлтиқлаб боришди. Ҳушимга келганимда, оғайнилардан биттаси: «Йиқила кўрма, худо асрасин! Мадоринг етмаса ҳам юравер, бўлмаса ўлдириб кетишади!» деб пичирлади. Ана шундан кейин мадорим етмаса ҳам юриб кетдим.

Кун ботиши билан немислар конвойларини кўпайтиришди, юк машинасида яна йигирматача автоматчини олиб келишди-да, бизни илдам юргизиб кетишди. Оғир ярадорларимиз кўпинча орқада қолиб кетар, буларни автоматчилар йўл устидаёқ отиб ташлашар эди. Асирлардан иккитаси қочишга уннаб кўрган эди, буларни ҳам турган гап, отиб ташлашди. Аслида нодонлик уларнинг ўзларидан ўтди, бўлмаса шундай ойдин кечада яйдоқ далага қочиб бўларми-ди, яна ҳамма ёқ қафтдай кўриниб турган бўлса... Ярим кечада қарийб қуйиб битган бир қишлоққа етиб келдик. Биз-

ни тунаш учун куббаси пачоқланган бир черковга ҳайдаб олиб киришди. Пол ғишдан қилинган, солишга бир сиким ҳам пичан йўқ, ҳаммамиз ҳам шинелсизмиз, эгнимизда фақат гимнастёркаю шим. Бир хилларимизнинг эгнимизда ҳатто гимнастёрка ҳам йўқ, фақат ички кўйлак. Кўпроқ кичик командирларда шундай эди. Оддий аскарлардан фарқ қилиша олмасин, деб гимнастёркаларини ўзлари ечиб ташлашган. Иннайкейин, тўпчиларда ҳам гимнастёрка йўқ, булар замбараклари олдида терга пишиб отишаётган ерларида асир тушиб қолишган.

Кечаси шунақаям қаттиқ жала куйдики, ҳаммамиз шилт-шилт бўлиб ивиб кетдик. Бунинг устига гумбазини ё оғир снаряд учуриб кетган, ёки самолётдан ташланган бомба кўпуриб ташлаган, томни бўлса осколкалар илматешик қилиб юборган эмасми, шу сабабдан ҳатто меҳробдан ҳам қуруқ жой тополмайсан. Худди қоронғи кўрага тикилган кўйларга ўхшаш, биз ҳам кечаси билан черковда гуж бўлиб ўтириб чиқдик. Кечаси қарасам, биров кўлимдан ушлаб: «Ҳой, ўртоқ, ярадормисан?» — деб сўраяпти. Мен ҳам унга: «Нима ишинг бор эди, оғайни?» — деб жавоб бердим. У яна: «Мен — ҳарбий врачман, эхтимол, сенга ёрдамим тегар?» — деди. Мен чап елкамининг қисирлаётганини, шишиб кетганини, қаттиқ оғриётганини айтдим. У қатъий қилиб: «Гимнастёркани еч, ич кўйлагингни ҳам!» — деди. Мен айтганларини ечдим, шундан кейин у нозик бармоқлари билан елкамини эзиб кўра бошлади, шундай эдикки, кўзимга дунё қоронғи бўлиб кетди. Мен унга тишларимни ғижирлатиб: «Сен одам доктори эмас, ҳайвон докторига ўхшайсан. Бировнинг оғриқ жойини нега бунақа эзасан, бераҳм одам экансан-ку!» — дедим. У ҳамон эзишини кўймай, жаҳли чиқиб: «Кўп валақлайверма! Жуда сергап экансан-ку! Маҳкам бўл, мана ҳозир яна баттарроқ оғрийди», — деди. Шундай деб туриб, кўлимни бир тортиб юборса борми, нақ кўзларимдан ўт чақнаб кетди!

Ўзимга келганимдан кейин: «Бу нима қилганинг, бадбахт фашист? Кўлим ўзи пачақ-пачақ бўлиб ётибди-ю, сен яна тортасан!» — десам, у мийиғида қулиб қўйиб: «Ўнг қўли билан уриб юбормасмикин тагин деб ўйловдим, тузук, оғир йигит экансан. Кўлинг пачақланган эмас, чиқиб кетган экан, солиб қўйдим. Қалай, энди оғриғи пасайдими?» — деб сўради. Ҳақиқатан ҳам, кўзим очилди-қолди, оғриқ тарқала бошлади. Мен унга қалбимдан миннатдорчилик билдирдим. У қоронғида нари кетди ва яна: «Ярадорлар борми?» — деб

сўрай бошлади. Чинакам доктор ана шундай бўлар экан! Тутқунда, зулматда юриб ҳам улуғ ишини қилди.

Кечамиз кўп бесаранжом ўтди. Бўшанишга ҳам чикаришмади, иккита-иккита қилиб черковга киргазишаётганларидаёқ, конвой бошлиғининг ўзи бу ҳақда огоҳлантириб қўйган эди. Аксига юриб, шўринг кургур художўйларимиздан бири хожат талаб бўлиб қолса бўладими! Ўзини роса тутибди, тишини тишига қўйиб хўб чидабди, ахир бўлмагандан кейин: «Табаррук ибодатгоҳни булгай олмайман. Мен диндор одамман, христианман! Нима қилай энди, оғайнилар?» — деб йиғлаб юборди. Бизнинг одамларимизни энди ўзинг биласан-ку: бировлар кулади, бировлар сўкади, яна бировлар ҳазил аралаш маслаҳатлар беради. У бизни бошига тушган бу савдо билан анча кулдирди-ю, лекин окибати кўп ёмон бўлди: «Ташқарига чиқаринглар» деб эшикни тақиллата бошлади. Бироқ шу билан ўзи ҳам тил тортмай қўя қолди: фашист эшик эни бўйлаб бир сидра ўк узди, ўқлар эшикдан тешиб ўтиб тақводор билан яна уч кишини тил тортқизмай ўлдирди, бир кишини оғир ярадор қилган эди, у ҳам эрталабга етмай адо бўлди.

Ўликларни бир жойга тўплаб, ҳаммамиз ерга ўтирдик, дамимиз ичимизга тушиб, ўйланиб қолдик: мушқулимиз бошданок хунук тус олди-ку... Бир оздан кейин бир-биримиз билан шивирлаша бошладик: ким қаердан, қайси областдан, асирга қандай тушган — шуларни сўраша кетдик. Бир взводда хизмат қилишган ўртоклар ёки бир ротада бўлган танишлар коронғида ҳеч нарсани кўрмай, бир-бирларини секин-секин чақира бошладилар. Бир вақт ёнимда паст овоз билан гаплашишаётган мана шундай гурунгни эшитиб қолдим. Бири: «Мабодо эртага бизни ҳайдаб кетишдан олдин қаторга турғизиб, комиссарларни, коммунистларни ва яхудиёларни чақириб қолишса, сен, взвод командири, тағин писиб-нетиб юрма! Бу ишингдан ҳеч нима чиқмайди. Нима, гимнастёркамни ечиб ташладиму шу билан оддий аскар бўлиб олдим, деб ўйлайсанми? Ҳеч-да! Сенинг касрингга қолгани тоқатим борми! Ҳаммадан олдин сени мен кўрсатиб бераман! Ахир мен биламан-ку, коммунистсан, мени ҳам партиёга кир, деб ташвиқот қилгансан, мана энди қилмишингга яраша жавоб бераверасан», — деди. Бу гапни менинг чап томонимда ётган одам айтяпти, унинг нариги ёнида ётган ёш бир йигитнинг: «Ўзим ҳам сени ёмон одам деб ҳаммавақт гумон қилиб юрардим-а, Крижнев, — деган овози эшитилди. — Айниқса саводсизлигингни баҳона қилиб, партиёга киришга унамаганингаёқ шундай гумонга келган эдим. Аммо сени хоин бўлиб чиқарсан, деб ҳеч вақт ўйлама-

ган эдим. Ахир сен етти йиллик мактабни тугатгансан-ку?»— Ҳалиги одам взвод командирига: «Хўш, тугатганман, нима бўлди?»— деб жавоб қилди истар-истамас. Ана шундан кейин иккови ҳам анчагача жим қолишди, сўнгра, овозига қараганда взвод командири бўлса керак, паст товуш билан: «Мени сотма, ўртоқ Крижнев»,— деди. Ҳалиги одам бир кулиб қўйди-да: «Ўртоқларинг фронт орқасида қолиб кетди, мен сенга ўртоқ эмасман, шунинг учун менга ялинмасанг ҳам бўлади, барибир, айтаман. Ҳар кимнинг жони ўзига ширин»,— деди.

Улар жим бўлиб қолишди, менинг бутун аъзойи баданим ҳалиги ифлоснинг гапидан қақшаб титрай бошлади. «Йўк, сен итвачча, командиримни тутиб беролмайсан, мен бунга йўл қўймайман! Сени черковдан соғ чиқармайман, ўлигингни итнинг ўлигидай оёғингдан судраб чиқишади!»— деб ўйладим. Бир оз тонг ёришгандан кейин қарасам, ёнимда турки совуқ бир йигит ётибди. Унинг ёнида эса озгингина, пучуқроқ бошқа бир йигитча тиззаларини кучоқлаб ўтирибди. Эғнида ички кўйлак, рангида ранг қолмапти. «Бола бечора бу йўғон-йўлпи ахтага бас келолмайди. Ўзим тўғриламасам бўлмайди бунини» деб ўйладим.

Уни секин туртиб қўйдим-да: «Сен взвод командиримсан?»— деб сўрадим шивирлаб. У ҳеч нима демади, фақат калласини қимирлатиб кўя қолди. Мен ётган йигитга ишора қилиб: «Бу сени тутиб бермоқчимми?»— деб сўрадим. У яна бошини тебратди. Мен унга: «Агар шундай бўлса, тез бўл, оёғидан босиб тур, тегиб юбормасин тагин! Қани! Ҳа!»— дедиму ўзимни ҳалиги одамнинг устига ташладим. Бармоқларим қизил ўнгачига кириб кетди. Ифлос фик дейишга ҳам улгурмади. Уни бир неча минут босиб ётганимдан кейин ўрнимдан турдим. Хоин асфаласофилинга кетиб, тили оғзининг бир четидан осилиб қолди.

Шундан кейин кўнглим бирам беҳузур бўлиб кўлимни бирам ювгим келиб кетдики, гўё одам боласини эмас, қандайдир газандани бўғиб ўлдиргандай эдим... Умрим бино бўлиб биринчи марта одам ўлдиришим, тагин ўз одамимизни... йўк, қанақасига ўз одамимиз бўлсин! У ёту бегоналардан ҳам баттар, хоин! Ўрнимдан турганимдан кейин взвод командирига: «Кетдик бу ердан, ўртоқ, черковнинг бағри кенг»,— дедим.

Ўша Крижнев айтганидек, эрталаб ҳаммамизни черков олдида сафга турғизиб, автоматчилар билан ўраб олишди, кейин учта эсэсчи офицер ўзлари ёмон кўрадиган одамларни ажрата бошлади. Кимлар коммунист, кимлар командир, кимлар комиссарлигини суриштирди, бироқ ора-

миздан бундақалар чиқмади. Хонлиқ қиладиган аблахлар ҳам топилмади, чуқки асирларнинг ярмига яқини коммунист эди, бундан ташқари, командирлар ҳам, ўз-ўзидан маълумки, комиссарлар ҳам бор эди. Икки юздан ортиқроқ асирлар ичидан улар фақат тўрт кишини ажратиб олишди. Биттаси яхудий, учтаси оддий рус аскарари. Русларнинг бу фалокатга учрашига сочларининг қора ва жингалаклиги сабаб бўлди. Шунақаларнинг олдига келиб: «Юде?»— деб сўрашади. Улар «Русман»,— дейишса ҳам, гапларига қулок солишмайди. «Чик!»— дейишади, вассалом.

Бечораларнинг ҳаммасини отиб ташлаб, бизни яна ҳайдаб кетишди. Мен билан биргалашиб хонинни бўғиб ўлдиришган взвод командири Познангача ёнимдан жилмади, йўлда кетаётиб, ахён-ахёнда, қўлимни сиқиб қўяди. Познанда бизни мана шундай бир сабаб бир-биримиздан айирди.

Биласанми, оғайни, биринчи кундан бошлаб ўз одамларимиз томонга қочиб ўтиш пайига тушган эдим. Албатта қочаман, деб ахд қилиб қўйган эдим. Лекин бизни Познангача ҳайдаб келиб, лагерга тикқунларича ҳеч пайтини топа олмадим. Познань лагерига қамаганларидан кейин шундай пайт тўғри келиб қолди: ўлган ҳарбий асирларимизга гўр қаздириш учун бизни май охирларида лагерь яқинидаги ўрмончага олиб чиқишди, ўша пайтлар жуда кўп оғайнларимиз юракбуруғдан ўларди, гўр қазияпману, икки кўзим теварак-атрофга термилади. Бир вақт қарасам: кўриқчиларимиздан иккитаси тамадди қилгани ўтирди, учинчиси эса офтобда мудраб қолди. Мен белкуракни ташладиму, шилт этиб ўзимни чангал орқасига урдим... Кейин чопганимча йўлни кунчиқар томонга қараб солдим...

Чамамда кўриқчиларим менинг қочганлигимни кеч пайқашганга ўхшайди. Ўша куни қирқ километрча йўл юрибман, тавба, мендай озгин одамда шунча йўл юришга қаердан куч топилди экан? Ўзим ҳам ҳайронман! Лекин қочганим билан муродим ҳосил бўлмади: орадан тўрт кун ўтиб, лаънати лагердан анча узоқлашиб кетганимда, мени тутиб олишди. Искович итлар изимдан келишиб, мени ўрилмаган сулипоя ичида босишди.

Илк тонгда яйдоқ дала билан кетгим келмаган эди, аммо ўрмонгача кам деганда яна уч километр келади, шунинг учун кундузни мана шу ерда ўтказақолай, деб сулипояга кириб олган эдим. Сулидан пича уқалаб едим, яна керак бўлиб қолар деб анча-мунчасини чўнтакка ҳам урдим. Бир маҳал ит товуши билан мотоциклнинг «пат-пат» қилгани қулоғимга кирди-ю, юрагим шув этиб кетди! Нимага

десанг, итларнинг овози хадеганда якинлашиб келяпти. Дарров мук тушиб ётиб олдим, итлар гажиб ташламасин, деб юзимни кўлларим билан беркитдим. Орадан кўп ўтмай итлар ҳам етиб келишди ва бир зумда жулдур кийимларимни юлиб олишди, онадан туғилгандай, қип-яланғоч бўлдим-қолдим. Итлар мени сулипояда роса улок қилишди, охири бир эркак ит икки оёғини кўксимга кўйиб, бўғзимдан олишга чоғланиб турди, лекин тегмади.

Икки мотоциклда немислар етиб келишди. Аввал ўзлари тўйгунларича уришди, кейин итларни менга гижгижлашди, териларим билан этларим парча-парча бўлиб узилиб тушди. Ҳамма ёғимдан қон оққан, яп-яланғоч ҳолимда лагерга олиб келишди. Қочганим учун бир ой карцерда ўтирдим, шунда ҳам ўлмадим... тирик қолдим!..

Асирликда бошимга тушган савдоларни эслаш жуда оғир, оғайни, айниқса тилга олиш яна ҳам оғирроқ... Германияда бошдан ўтган азобу укубатларни, ўша ёқдаги лагерларда қийналиб ҳалок бўлган ёру дўстларни эсласанг жонинг ҳикилдоғингга келади, нафасинг тикилиб қолади...

Икки йил асирликда юрган бўлсам, шу давр ичида мени не-не жойларга ҳайдаб боришмади! Ана шу икки йил ичида Германиянинг ярмини айланиб чикдим: Саксонияда ҳам бўлдим — силикат заводида ишладим, Рур областида ҳам бўлдим — шахтага тушиб кўмир ташидим, Баварияда ҳам бўлдим — ишлайвериб қаддим букилди. Тюрингияда ҳам бўлдим, кўй-чи, немис ерида оёғим тегмаган жой қолмагандир дейман-ов! У ёқда, оғайни, табиат ҳар хил экану, лекин тартиб бир экан: биз шўрликларни ҳамма ерда бир хилда отиб, бир хилда калтаклашди. Худонинг қаҳрига учрагур у ярамас газандалар бизни шунақаям беаёв калтаклашар эдиларки, биз ёқларда хайвонни ҳам ҳеч маҳал шундай уришмайди. Ҳали мушт билан солишади, хали оёк билан тешишади, хали резина таёқча билан уришади, кўй-чи, кўлига темир-терсак тушадими, бошқа бало тушадими, ишқилиб, нимаики тушса шу билан солаверади. Милтиқ кўндоклари билан, ёғоч билан урганларини-ку, айтмасам ҳам бўлади.

Нимага уришади десанг: рус бўлганинг учун уришади, хали ёруғ дунёдан умидинг борлиги учун уришади, ўша аблахларнинг ишларини қилаётганинг учун уришади. Яна ножўяроқ қараб кўйганинг, оёғингни чакки босганинг, ноқулай ўгирилганинг учун ҳам уришади... Бекордан-беркорга уришаверади, ишқилиб, эртами-кечми уриб ўлдиришлари керак бўлгани учун уришади, охирги томчи қони бўғзига тикилиб қолсин, калтакдан ўлсин, деб уришади-да. Чамаси,

Германиядаги одам куйдирадиган печкалар ҳаммамизга етмаган бўлса керак...

Ҳамма ерда овқатни бир хил беришди: ярми топондан қилинган юз эллик грамм эрзац-нон, шолғомли суюк хўрда. Қайноқ сувни бўлса — бир жойда беришса, бир жойда бу ҳам йўқ. Гапираман десаиң гап кўп, оғайни, ўзинг ўйлаб кўр: урушдан олдин саксон олти килограмм эдим, кузга бориб эллик килограммча қолдим. Этим бориб устихонимга ёпишди, буниси ҳам гўрга-я, куруқ гавдамнинг ўзини кўтариб юришга ҳам мадорим етмай қолди! Бунинг устига иш қил, гап қайтарма, яна шунақанги оғир ишқи, ҳатто аравага қўшиладиган отга ҳам малол келади.

Совет ҳарбий асирларидан бир юз қирқ икки кишини сентябрь ойининг бошларида Кюстрин ёнидаги лагердан Дрезден яқинидаги Б-14 деган лагерга жўнатишди. Шунга қадар бу лагерда бизникилардан икки мингтача асир бор экан. Ҳаммамиз бир бўлиб тош қонида ишладик, немис тошларини қўл билан қовлаб чиқардик, сиңдирдик, ёрдик. Қунадалик норма — киши бошига тўрт кубометр! Ўзимиз жонимиз қил устида осилиб, зўрга-зўрга юрибмизу, тагин буларнинг берган нормасини қара! Қисқаси, шўримиз мана шу ерда қурий бошлади: бирга келган юз қирқ иккита одамдан икки ой ўтар-ўтмас атиги эллик етти киши қолдик. Бунисига нима дейсан, оғайни? Одамхўрлик эмасми? Ўзимиз ўлган одамларимизни кўмиб улгура олмаймизу, тагин лагерларда: «Немислар Сталинградни олишиб, энди Сибирга бостириб кетишаётган эмиш», деган узунқулоқ гаплар тарқалиб қолди. Буниси дард устига чипқон бўлди, қаддимиз буқилди, кўзларимиз ерга тикилди, гўё бизларни ҳам бегона немис тупроғи ўз қаърига тортаётгандек кўринди. Лагерь қўриқчилари бўлса ҳар кун ичкилик қилишади, ишула айтишади, суюнишади, ўйнашади.

Қушлардан бир қуш, кечқуруш, баракка қайтиб келдик. Қуш бўйи ёмғир тишмади, жулдурларимиз шундай ивиб кетдики, сиксанг шариллаб сув оқади, ҳаммамиз совуқда қолган итдай шамолда дағ-дағ титрардик, тишимиз тишимизга тегмас эди. Энгил-бошимизни қуритгудек ёки исиниб олгудек бирон жой йўқ. Бунинг устига ўлгудек, ҳатто ундан ҳам баттарроқ очмиз. Лекин кечқурунлари бизга овқат берилмас эди.

Мен ивиб кетган жулдурларимни эғнимдан счиб, сўрига ташладиму: «Уларга ҳар кун тўрт кубометр тош тайёрлаб беришинг керак, ҳолбуки бизнинг ҳар биримизнинг гўримизга бир кубометр тош ҳам етиб ортади», — дедим. Қарангки, шу аламли гаплар оғзимдан чиқди дегунча ора-

миздан бир муттаҳам чиқиб, лагерь комендантига шипшиб кўйибди.

Лагерь коменданти ёки уларнинг тили билан айтганда, лагерь фюрер Мюллер деган бир немис эди. Бўйи пастдан келган, семиз, сочлари оқиш, ўзи ҳам аллақандай оқ: бошидаги сочлари ҳам, қошлари ҳам — ҳаммаси оппоқ, ҳатто кўзлари ҳам оқдан келган бақа кўз. Русчани худди сен билан биздек гапиради, тагин волгаликларга ўхшаб «о»ни аниқ қилиб айтади. Онангни деб сўкишга келса, ундақаси йўқ дейман-ов, жуда қийиб ташлайди. Лаънати бунақанги болохонадор қилиб сўкишни қаердан ўргандийкин-а? Гоҳи маҳаллар бизни блок олдига, — улар баракни шундай деб аташарди, — қатор қилиб турғизиб кўярди-да, эсэсчилари билан қатор олдидан бир-бир босиб ўтарди, юрганда ҳам ўнг кўлини силтаб юарди. Кўлида чарм кўлқоп, кўлқоп устидан яна бармоқларимга шикаст етмасин деб кўрғошидан астар қилиб олган. Юриб бораётиб ҳар иккинчи кишининг бурнига мушт уради, бурунни қонатади. Лаънати тагин бу нарсани «гриппдан сақланиш чораси» деб айтади. Ҳар куни ахвол шу. Лагерда жами тўртта блок бор, бутун биринчи блокда «гриппдан сақланиш чораси»ни кўради, эртага иккинчисида, сўнг шу тартибда кўраверади. Аммо лаънати ўлгудай интизомли эди, бир кун ҳам дам олмай ишларди. Лекин аҳмоқнинг фақат бир нарсага ақли етмасди: одамларнинг бурнига уришдан олдин, бир оз қизишиб олиш учун қатор олдида туриб ўн минутча сўкинарди. Сўкканда ҳам бекордан-бекорга сўкарди, лекин биз бундан хузур қилардик: негаки, бу сўзлар ўзимизнинг қўлбола сўзларимиз-да, худди жонажон юртимиздан шамол учуриб келтираётганга ўхшарди... Агар у оғзидан чиқаётган ҳақоратлари билан бизни хурсанд қилаётганлигини билса, албатта бизни русчалаб эмас, балки ўз тилида сўккан бўларди. Фақат бир москвалик ошнамнинг унга жуда ёмон жаҳли чиқарди. Ошнам: «У сўкаётганда кўзимни юмиб оламан, ўзимни Москвада, Зацепада, пиво-хонада ўтиргандай сезаман, жуда ҳам пиво ичгим келиб, ҳатто бошим айланиб кетади», — дер эди.

Ана шу комендант кубометрлар тўғрисидаги ўша гапларимни айтган куним эртасига мени олдига чақиртирди. Кечқурун баракка иккита кўриқчи билан тилмоч келди-да: «Андрей Соколов ким?» — деб сўради. Мен жавоб қилдим. «Марш орқамдан, сени шахсан герр лагерь фюрернинг ўзи чақиряпти», — деди. Нимага чақираётганлиги маълум. Асфаласофилинга жўнатгани. Ўртоқларим билан видолашдим, ўлгани кетаётганим ҳамма аён эди. Бир хўрсиндиму, чиқиб кетдим. Ўзим лагерь ҳовлисида кетяпман, лекин кўз-



ларим юлдузларда, улар билан ҳам видолашдим. Ўзимча: «Ана, Андрей Соколов, яъни лагерь тили билан айтганда, уч юз ўттиз биринчи, азобу укубатдан қутулдинг энди!» деб ўйлайман. Бирдан Ирина билан болаларимга юрагим ачишиб кетди, кейин юрак ўртаниши босилиб, ўзимни қўлга ола бошладим: тўппончанинг оғзига солдат дадиллиги билан қарашим, ҳаётдан ажраш мен учун ҳам оғир эканини ўлимим олдида душманларга сездириб қўймаслигим керак...

Комендант бўлмаси — худди биз ёқлардаги яхши клубларга ўхшаш топ-тоза, деразаларга гуллар қўйилган, стол теварагида эса лагерь бошлиқлари ўтиришипти. Беш киши ўтириб шнапс ичишяпти, тамаддисига чўчка мойи уришяпти. Стол устида оғзи очилган катта шнапс шишаси нон, чўчка мой, тузланган олма, очиб қўйилган ҳар хил консерва банкалари бор. Бир зумда ана шу нозу неъматларга кўз югуртириб чиқдим, сенга ёлғон менга чин, кўнглим беҳузур бўлиб кетди, қайт қилиб юборишимга сал қолди. Ўзим бўрига ўхшаб оч юрсам, одамдек овқатланиш аллақачон эсимдан чиқиб кетган бўлса-ю, бу ерда шунча нозу неъматлар уйилиб ётса... Кўнгил беҳузурлигини бир амаллаб босдим, стол устидаги нозу неъматлардан кўзларимни минг азоб билан уздим.

Қоқ рўпарамда ширакайф Мюллер тўппончасини ўйнаб ўтирибди, уни гоҳ у қўлидан бу қўлига, гоҳ бу қўлидан у қўлига ташлайди. Ўзи эса илон сингари киприк қоқмай менга тикилиб олган. Мен қўлларимни ёнимга олдим, пошналаримни бир-бирига уриб, баланд овоз билан: «Герр комендант, ҳарбий асир Андрей Соколов сизнинг буйруғингизга биноан етиб келди!»— деб рапорт бердим. У ҳам мендан: «Шунақа дегин, рус Иван, тўрт кубометр тош чиқариш кўплик қилар экан-да?»— деб сўради. Мен ҳам: «Худди шундай, герр комендант, кўплик қилади»,— деб жавоб бердим. «Менга қара, сенинг гўрингга бир кубометри етади-ми?»—«Худди шундай, герр комендант, етиш у ёқда турсин ортиб ҳам қолади»,— дедим.

Шундан кейин у ўрнидан туриб: «Сенга битта яхшилик қилишим мумкин: бу сўзларинг учун ҳозир сени ўз қўлим билан отиб ўлдираман. Бу ер ўнғайсиз, ташқарига юр, ўша ерда нариги дунёга паттангни оласан»,— деди. Мен: «Ихтиёрингиз»,— дедим. Шундан кейин у типпа-тик турган ерида ўйланиб қолди, кейин тўппончасини столга ташлаб, стаканга тўлдириб шнапс қуйди, бир бурда нон олди, устига бир тишламча чўчка мойи қўйди-да, ҳаммасини менга тугтиб: «Ўлиш олдидан немис қуролининг галабаси учун ичиб юбор, рус Иван!»— деди.

Мен қўлидан ичкиликни ҳам, егиликни ҳам олай деб турган эдим, лекин халиги сўзларини эшитиб, бамисоли чўғ босиб олган одамга ўхшаб кетдим! Ичимда: «Мен-а, рус солдати-я, немис қуролининг ғалабаси учун ичармишман-а?! Ундан кўра... емайсанми шу гапларингга, герр комендант? Менга барибир эмасми ўладиган бўлганимдан кейин? Э, бошингни есин ўша ароғинг!»— деб ўйладим.

Стаканни ҳам, нон билан ёғни ҳам столга қўйдим: «Зиёфатингиз учун ташаккур, лекин мен ичмайман»,— дедим. У тиржайиб: «Бизнинг ғалабамиз учун ичгинг келмаяптими? Бўлмаса ўлаётганинг учун ич»,— деди. Нафсиламрга, мендан нима кетади? «Мен ўзимнинг азобу укубатлардан қутулиб ўлаётганим учун ичаман»,— дедим унга. Шу сўзни айтдим, стаканни олиб икки хўплаб ичиб ташладим, нон билан мойга эса қўл ҳам тегизмадим, кафтим билан лабларимни мулойимгина артдим-да: «Зиёфат қилганлари учун ташаккур. Мен тайёрман, герр комендант, юринг, мени олиб чикиб паттамни қўлимга беринг»,— дедим.

Лекин у менга диққат билан қаради-да: «Ўлишдан олдин бирон нарса еб ол ахир»,— деди. Мен унга: «Биринчи стакандан кейин оғзимга ҳеч қанақа овқат олмайман»,— деб жавоб бердим. У иккинчи стаканни тўлдириб менга узатди. Буни бир кўтаришда ичиб юбордим-да, яна овқатга қўл урмадим, шундай қилиб ўзимни дадилроқ тутмоқчи бўлдим, ва: «Ташқарига чикиб, жонимдан айрилишдан аввал, ҳеч бўлмаса бир ичиб олайин»,— деб ўйладим. Комендант оқиш қошларини кериб туриб: «Нимага овқат емайсан, рус Иван? Тортинма!»— деди. Мен бўлсам унга яна: «Кечирасиз, герр комендант, иккинчи стакандан кейин ҳам оғзимга овқат олиш одатим йўқ»,— деб айтдим. У лунжларини осилтирди, жаҳли чиқди, кейин шунақаям қахқаҳа уриб кулиб юбордики, асти қўяверасан! Кулиб туриб немисчалаб бидирлаб кетди, чоғимда, менинг гапимни дўстларига таржима қилиб берди шекилли. Улар ҳам кулиб юборишди, стулларни жилдириб, турқларини мен томонга ўгира бошлашди. Бундай разм солсам менга энди анча мулойимроқ қарашяпти.

Комендант учинчи стаканни қўйяпти-ю, кулгисининг зўридан қўллари яланг қалтирайди. Бу стаканни мен симириб ичдим, нондан бир тишладим-да, қолганини столга қўйдим. Очдан ўлаётган бўлсам ҳам, уларнинг нишхўрдига зор эмаслигимни, менда ўзимнинг ғурурим ва иззат-нафсим борлигини, улар ҳам қанча ҳаракат қилишса ҳам, барибир, мени ҳайвонга айлантириша олмасликларини лаънатиларга бир кўрсатиб қўйгим келди.

Шундан кейин комендантнинг турқи жиддийлашди,

кўкрагидаги иккита темир крестини тўғрилади-да, стол ёнидан қуролсиз айланиб ўтиб: «Менга қара, Соколов, сен чинакам рус солдатни экансан, ботир солдат экансан! Мен ҳам солдатман, шунинг учун довиорақ душманимни ҳурмат қиламан. Сени отмайман. Нимага десанг, бугун бизнинг шавкатли қўшинларимиз Волга дарёсига етиб борди ва Сталинградни бутунлай эгаллади. Бу — биз учун ниҳоятда катта шоду хуррамлик, шу туфайли ҳаётингни олижаноблик билан ўзингга тортиқ қиламан. Блокингга боравёр, ҳамманови — довиорақлигинг учун», — деди-ю, столдан мўъжазгина бир буханка нон билан бир бўлак чўчка мойни олиб берди.

Нонни кучимнинг борича бағримга босдим, мойни чап кўлимга олдим, ишнинг қутилмаганда шу хил тус олишидан чунонам шошиб қолдимки, раҳмат ҳам айтмасдан, чап томоним билан гир айландим-у, эшикка қараб юрдим. Бироқ ичимда: «Ҳозир курақларим орасидан отади, овқатларни оғайниларимга етказиб беролмайман», — деб ўйладим. Йўқ, отмади. Бу сафар ҳам ажал совуқ нафасини юзимга уриб, ёнимдан ўтиб кетди...

Комендант бўлмасидан тетик юриб чиқдим, лекин ташқарида оёқларим чалиша бошлади. Баракка кириб келдим-да, ҳушимдан кетиб цемент полга йиқилиб тушдим. Ўртоқларим мени тонг ёришмай уйғотишди: «Нима бўлди, гапир?» — дейишди. Мен комендант бўлмасида ўтган гапларни эслаб, ҳаммасини сўзлаб бердим. Ёнимдаги сўрида ётган қўшним овози титраб: «Нон билан мойни қандай бўламиз?» — деб сўради. Мен: «Ҳаммага барабар бўлавер», — дедим. Ҳадемай тонг ҳам ёришди. Нон билан ёғни йўғон ип билан бўлдик. Ҳар кишига гугурт қутисидай-гугурт қутисидай нон тегди: ҳатто ҳар бир увоқча тенг бўлишиб олдик. Ёғга келсак: ўзинг биласан-ку лабларимизни бир-бир мойлаб олишга зўрға етди. Ишқилиб, ҳаммасини бежанжал баҳам кўрдик.

Орадан кўп ўтмай, биздан уч юзтача энг бақувват одамни ажратишди-ю, ботқоқ қуритгани юборишди. У ердан кейинча Рур областига шахтага жўнатишди. Ўша ерда қирк тўртинчи йилгачайин қолиб кетдим. Бу орада бизникилар Германияни қовурғасини синдирган, фашистлар энди асирлардан жирканмайдиган бўлиб қолишган эди. Кунлардан бир кун кундузги сменанинг ҳаммасини чиқариб сафга турғизишди. Аллақайқдан келган обер-лейтенант тилмоч орқали: «Армияда ёки урушдан олдинги даврларда кимда-ким шофёр бўлиб ишлаган бўлса, бир қадам олдинга чиқсин!» — деб буюрди. Эски шофёрлардан еттитамиз олдинга чиқдик.

Бизга кийилган эски коржома беришди, кейин конвой билан Потсдам шахрига юборишди. У ерга келганимиздан кейин ҳаммамизни хар ёкка бўлиб юборишди. Мен «Тодте»-да ишлашга тайинландим. «Тодте» — немисларда йўл ва мудофаа иншоотлари курилишини бошқарадиган бир маҳкама экан. Армия майори мартабасидаги бир немис инженерининг «Опель-адмирал» маркали машинасини хайдадим. У баччағар жудаям семиз фашист эди-да. Пак-пакана-ю, қорни катта, энига ҳам, бўйига ҳам баб-баравар, орқасидан қарасанг — жуда тарвакайлаб кетган хотин кишига ўхшайди. Олдидан қарасанг — мундирининг ёқаси устидан уч қават бағбақаси осилиб туради, орқасидан қарасанг — бўйида уч қатор йўғон-йўғон тириши бор. Менинг хомчўтимга қараганда, жирининг ўзи уч пуд келарди. Юрганда худди паровоздай пишиллаб юрарди, овқат егани ўтирса-чи, оғзинг очилиб қолади! Гоҳи маҳаллар бутун кун бўйи овқат еб флягадан коньяк ичгани ичган. Аҳён-аҳёнда менга ҳам овқатидан бериб турарди. Сафарга чиққанимизда машинани тўхтатиб қўйиб, қолбаса, пишлоқ кесиб ерди, ичарди. Кайфи чоғроқ пайтларида итга ташлагандек, менга ҳам бир тишлам, икки тишлам овқат ташларди. Хеч маҳал қўлимга бермасди, йўқ, буни ўзинга эп кўрмасди. Ишқилиб, хар пима бўлганда ҳам бу ердаги ҳаётимни лагерь билан тенглаштириб бўлмасди, шу сабабдан афти ангорим аста-секин одамга ўхшаб, оз бўлса ҳам эт кўя бордим.

Мен икки хафтагача майорни Потсдамдан Берлинга, Берлиндан яна Потсдамга олиб бориб, олиб келиб юрдим, шундан кейин уни бизнинг қўшинларимизга қарши мудофаа иншоотлари куриш учун фронт яқинига жўнатишди. Ана энди кўзимдан бутунлай уйқу қочди: ўз томонимизга, Ватанимга қандай қилиб қочиб ўтсам экан, деб кечаси билан ўйланиб чиқадиغان бўлдим.

Биз Полоцк шахрига келдик. Тонг отар пайт эди, кейинги икки йил ичида биринчи марта ўз тўпларимизнинг кучли наърасини эшитдим. Қани энди, оғайни, юрагим ўшанда қандай ура бошлаганини билсанг? Хатто бўйдоқлик чоғимда Ирина билан учрашган пайтларимда ҳам юрагим бунчалик урмаган эди! Жанг Полоцкдан шарқроқда биздан ўн саккиз километрча узоқда борарди. Шаҳардаги немисларнинг ғазаби қайнаб, асаби бузилиб қолди. Менинг бўрдоким эса ичкиликка зўр бера бошлади. Кундузлари шаҳардан ташқарига чиқардик — у мудофаа курилишларини кўрсатиб берарди. Кечаси шаҳарга қайтиб келиб, ёлғиз ўзи ичар эди. Шу алфозда майорим иштиб кетди, кўзларининг ости халта бўлиб осилиб қолди...

«Етар энди шунча кутганим — пайт келди! Қочишим керак. Лекин ёлғиз ўзим эмас, манови бўрдоқини ҳам олиб қочишим керак — бизникиларга жуда асқатиб қолади!» — деб ўйладим.

Харобазор ичидан икки килолик қадок тош топиб олдим, керак бўлган пайтда қон чиқмайдиган жойига уриб беҳуш қилишга ярар, деган мақсад билан уни машина артадиган эски латтага ўраб яшириб қўйдим. Кейин йўлдан бир бўлак телефон симини топиб, буни ҳам яширдим. Хуллас, ўзимга керак бўладиган нарсани тахт қилиб, олдинда ўтириладиган жойнинг тагига бекитиб қўйдим. Немислар билан хайр-маъзур қилишдан икки кун аввал, кечкурун, машинага бензин қуйиб келаётсам, бир немис унтери деворни ушлаб зўрға-зўрға юриб кетяпти, қарасам: ўлғудай маст. Дарров машинани тўхтатиб, уни харобазорга бошлаб кирдим. Чаққонлик билан эгнидан мундирини, бошидан пилоткасини ечиб олдим. Буларни ҳам олиб бориб, ўтириладиган жойнинг тагига беркитдим, шип этиб жўнаб қолдим.

Йигирма тўққизинчи июнь куни эрталаб майорим мени шаҳардан ташқарига, Тросница томонга олиб борасан, деб буюрди. Майор у ерда мудофаа қурилишларига раҳбарлик қилар эди. Йўлга чиқдик. Майор орқа ўринда бамайлихотир мудраб ўтирарди. Менинг эса юрагим қинидан чиқиб кетай-кетай дейди. Машинани шитоб билан ҳайдадим, лекин шаҳардан чиққанимиздан кейин газни камайтириб, секин тўхтатдим-да, машинадан тушдим, теварак-атрофга кўз югуртирдим: орқада, ҳали жуда узоқда иккита юк машинаси судралиб келяпти. Қадок тошни олдим, эшикни кенгрок қилиб очдим. Бўрдоқим орқасига суяниб, худди хотинининг пинжида ётгандай, хуриллаб ухлаяпти. Қадок тош билан чап чаккасига пакиллашиб бир туширдим. Қалласи шилқ этиб пастга оғди. Эҳтиёти шартдан яна бир марта урдим, лекин ўлдиргим келмади. Мен уни тирик олиб қочишим керак, чунки у бизнинг одамларимизга анча-мунча керакли нарсаларни айтиб беради. Қинидан парабеллумини чиқариб чўнтагимга солиб қўйдим. Машина тез юрганда майор ёнверига йиқилиб кетмасин, деб орқадаги ўринга монтировкани қоқдим, кейин майорни бўйнидан телефон сими билан монтировкага маҳкам боғлаб қўйдим. Ана шундан кейин апил-тапил немис мундири билан пилоткасини кийиб олдим, машинани ерни ларзага келтириб жанг гуриллаётган томонга суриб кетдим.

Немисларнинг олдинги маррасига икки дзот ўртасидан кесиб ўтдим. Блиндаждан автоматчилар югуришиб чиқишди, мен улар майорни кўришсин, деб машинани жўрттага

секинроқ ҳайдадим. Бироқ автоматчилар, у ёққа ўтиб бўлмайти, деб ҳой-хуй кўтаришди, кўлларини силташди. Мен бўлсам ўзимни уқмаганга солдим-да, газни кўйиб, кучимнинг борича ҳайдадим. Улар эс-хушларини йиғиштириб олиб, машинани пулемётга тута бошлагулларича, мен бетараф ерга етиб олиб, замбарак ўқлари ўпирган чуқурлар орасидан худди куёндек, машинани физиллатиб ўтиб кетдим.

Мана энди немислар орқадан уриб беришди, ўзимизникилар ҳам жин чалгандай автоматдан ўқ ёғдира бошлашди. Шамол тўсадиган ойнакни тўрт ердан ўқ тешиб ўтди, радиаторни ҳам расво қилди... Ана, кўл тепасидаги ўрмончага етай деб қолдим. Бизникилар машинага қараб чопиб қолишди. Мен машинани шитоб билан ўрмончага чиқариб олдим, эшигини очиб, ўзимни ерга отдим, тупрокни ўпа бошладим, ҳаллослаганимдан, ҳатто нафас ҳам ололмай қолдим...

Гимнастёркасининг елкаларига погон такиб олган ёш бир аскар ҳаммадан олдин етиб келди. Мен бунақа погонларни биринчи марта кўришим — анграйиб қолдим. Йиғит ёғиниб: «Ҳа-ҳа, ит эмган фриц, адашиб қолдингми?» — деди. Мен дарров устимдаги немис мундирини ечдим, пилоткани олиб ерга урдим-да: «Эҳ, дардингни олай! Жон ўғлим! Асли зотим воронежлигу, мен сенга қанақасига фриц бўлай? Асир тушиб қолган эдим, билдингми! Ҳозир анови машинадаги тўнғизни ипидан бўшатинглар, портфелини олинглар, кейин мени командирларнинг олдига бошлаб боринглар», — дедим. Тўппончани ҳам топширдим, кейин қўлдан-қўлга ўта-ўта кечга бориб дивизия командири — полковникнинг ҳузурда бўлдим. Унгача қорнимни тўйғизишди, ҳаммомга туширишди, тергов қилишди, янги форма беришди. Хуллас, полковникнинг олдига тоза қалб, тоза тан билан башанг формада кириб бордим. Полковник ўтирган еридан туриб, менинг истиқболимга юриб келди. Ҳамма офицерлар олдида мени кучоқлаб: «Немислардан олиб келган совғанг учун раҳмат сенга, солдат. Сенинг майорнинг портфели билан биз учун йиғирмата «тил»дан ҳам қимматлироқ туради. Сенга ҳукумат мукофоти олиб бериш тўғрисида қўмондонлик олдига илтимос билан қираман», — деди. Мен бўлсам унинг бу сўзларидан, кўрсатаётган меҳрибонлигидан қаттиқ ҳаяжонга тушдим, хурсандлигимдан лабларим титради, фақат зўрғалатдан: «Илтимос қиламан, ўртоқ полковник, мени ўқчи қисмга юборсангиз», — дея олдим.

Лекин полковник кулиб, елкамга қоқди. Кейин: «Ўзинг зўрга оёқда турибсан-ку, тагин қанақасига жанг қиласан? Бугуноқ сени госпиталга юбораман. Қасалингни тузатиша-

ди, бокишади, кейин бир ой отпуска бераман, бола-чақангнинг олдига бориб келасан, қаёкқа юборишимизни қайтиб келганингдан кейин кўрамиз»,— деди.

Полковник ҳам, унинг блиндажидаги офицерлар ҳам чин қалбдан хайрлашиб қолишди. Мен у ердан ниҳоят даражада ҳаяжонланиб чиқдим. Чунки икки йил ичида одамларча муомалани кўрмай, бунақанги муомалаларни эсдан чиқариб юборган эдим. Яна шуниси борки, оғайни, катталар билан гаплашганда узоқ маҳалларгача калламни бўйнимга қисиб гаплашиб юрдим. Нимага десанг, у ёқларда уриб юбормасин деб шунақа қилишга одатланиб қолган эдим-да. Мана кўрдингми, фашистлар лагерида саводимизни қай тахлитда чиқаришди...

Госпиталдан дарҳол Иринага хат ёзиб юбордим. Асирликда бўлганимни, немис майорини олиб қочиб келганимни — ҳаммасини қисқагина қилиб ёздим. Тавба, бу болаларча мактанчоқлик менда қаердан пайдо бўла қолди-а? Полковник мени мукофотга такдим қилганини ҳам ичимда сақлаб туrolмай айтиб қўйдим...

Икки ҳафта муттасил ётиб ухладим, едим, ичдим. Мени оз-оз-у, лекин тез-тез овқат бериб боқишди. Башарти овқатни мўл-кўл бериб юборишса, кўп еб қўйиб, нобуд бўлишим мумкин экан, доктор шундай деб айтди. Шу орада анча қувватга кириб қолдим. Икки ҳафтадан кейин эса томоғимдан овқат ўтмай қолди. Уйдан жавоб бўлавермади, тўғриси айтсам, ҳасратимдан дуд чиқа бошлади. Овқат ҳам эсимга келмай қолди, уйқум қочди, миямга ҳар хил бемаъни фикрлар келди. Уч ҳафтадан сўнг Воронеждан хат олдим. Лекин уни Иринам эмас, кўшним — дурадгор Иван Тимофеевич ёзибди. Худойим ҳеч кимга бунақа хатни раво кўрмасин!.. У қирқ иккинчи йилнинг июнидаёқ немислар авиазаводни бомбардимон қилганларини, оғир бомбалардан бири тўғри менинг кулбамга тушганини хабар қилибди. Иринам билан қизларим ўша маҳал уйда эканлар... Хуллас, улардан асар ҳам топишолмапти, кулбамизнинг ўрнида эса каттакон чуқур пайдо бўлибди... Бу сафар хатни охиригача ўқий олмадим. Кўз олдимни қоронғи босди, юрагим мушт бўлиб қисилди, қани энди бўшаса. Ўрнимга чўзилдим, бир оз ётдим. Кейин хатни охиригача ўқиб чиқдим. Бомбардимон вақтида ўғлим Анатолий шаҳарда экан. Кечқурун кишлоққа қайтибди-ю, уй ўрнида чуқурни кўриб, кечаси яна шаҳарга тушиб кетибди. Кетишда кўшнимга: «Мени фронтга кўнгилли қилиб юборишларини сўрайман»,— дебди. Гап шунақа.

Юрагим бир оз қисилишини қўйиб, қулоқларимда қон

дуқури бошланганда, Иринамнинг вокзалда мен билан қанчалик куйиб видолашганини эсладим. Бу дунёда энди ҳеч маҳал кўришмаслигимизни хотинлик қалби сезган экан-да! Мен бўлсам уни итариб юборибман-а! Оилам, бошпанам бор эди, булар неча-неча йиллар давомида бунёдга келган эди, мана, ҳаммаси бир зумда йўқ бўлди. Бир ўзимгина қолдим. Гоҳи маҳаллар: «Шошма, пешонамдаги бу шўр тушим эмасмикан?»— деб ўйлайман. Ахир асоратда юрган йилларим, қарийб ҳар бир тун Иринам билан, бола-чақаларим билан ўзимча гаплашар, қайтиб бораман, жонажонларим, мени йўқлаб фиғон қилманглар, мен бақувват одамман, ҳаммасига чидаш бераман, кейин яна ҳаммамиз топишамиз, апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз, деб уларга далда берар эдим... Демак, икки йилгача ўликлар билан гаплашиб келган эканман-да?!

Ҳикоячи бир зумгина тўхтади, кейин тамоман бошқа, узик-кесил, босиқ товуш билан:

— Кел, оғайни, бир чекишайлик, алашим ёмон ортин кетди,— деб айтди.

Биз чекишдик. Эриган сувлар босиб ётган ўрмонда кизилиштон дарахтини қаттиқ тақиллатяпти, илиқ шабада қуруқ ольха исирғаларини ҳануз танбаллик билан штирлатяпти, кўм-кўк осмонда оқ булутлар бамисоли тарағи тортилган оқ елкалар сингари ҳануз сузиб юрарди, аммо кўкларнинг улуғ ишларига, тирик жонга ҳаётда абадий ўрин беришга тайёрланаётган поёнсиз дунё ҳозирги ҳамгин сукунатда кўзимга бошқача кўриниб кетди.

Жим ўтириш оғир эди, шунинг учун мен:

— Кейин нима бўлди?— деб сўрадим.

Ҳикоячи, саволим малол келгандек:

— Кейинми?— деди.— Кейин полковникдан бир ойга отпускаи олиб, бир ҳафта ичида Воронежга етиб бордим. Сўнг бир маҳаллар бола-чақаларим билан бирга яшаган жойимга пиёда юриб бордим. Занг сув босган чуқур хандак, теваракда белдан келадиган сассиқ кўкат... Ҳаммаёқ хилват, гўристон сукунати! Ўҳ, ўшанда ҳолим жуда ёмон бўлди, оғайни! Юрак-юрагимдан, ич-ичимдан эзилиб, алча вақт қайгуриб турдим, кейин яна вокзалга жўнадим. Бир соат ҳам туролмадим — ўша кунёқ дивизиямга қайтиб кетдим.

Орадан уч ой ўтган бўлса керак, қора булутлар орқасидан куёш йилт этиб чиққанидек, менинг ҳам бахтим бирдан чарақлаб кетди: ўғлим Анатолий топилди! Мен хизмат қилиб турган фронтга хат юборибди. Чоғимда, ўзи бошқа фронтда бўлса керак. Адресимни кўшнимиз Иван Тимофеевичдан олибди. Хатининг мазмунига қараганда олдин артиллерия



мактабида ўқибди, математикага бўлган таланти ўша ерда роса қўл келибди-да. Бир йилдан сўнг мактабни аъло баҳо билан тугатиб, фронтга жўнабди. Ҳозир ҳарбий даражаси капитан, ўзи «қирқ бешталиклар» батареясига командир эмиш. Олтита орден-медаллар билан мукофотланибди. Гапнинг қисқаси, отаси гарангу, ўғли фаранг бўлиб чиқибди-да. Қувончимдан бошим нақ осмонга етди! Нима десанг, де, ўз пуштикамаримдан бўлган ўғлим — капитан, батарея командири, бу ҳазил гап эмас! Яна шунча ордени бор. Отаси «студебеккер»да снаряд ва бошқа хил ҳарбий анжомлар ташийди. Бунинг ҳечқиси йўқ, отаси ошини ошаб, ёшини яшаб бўлган, капитан ўғлимнинг эса ўн гулидан бир гули очилгани йўқ — келажаги олдинда.

Ана шундан кейин кечалари қариларга ўхшаш хаёл суриб чиқадиغان бўлиб қолдим: уруш тугаса, ўғлимни уйлантирсам, келин-куёв ёнида яшасам, дурадгорчилик қилсам, невараларимга қарасам, дейман-да. Қисқаси, хаёлимга нукул шунақа қариларнинг миясига келадиган ҳар хил икирчикирлар келадиган бўлиб қолди. Лекин бу ўйим ҳам рўёбга чиқмади... Қишда нафас олмай хужум қилдик, шунинг учун бир-биримизга тез-тез хат ёзиб туришга фурсатимиз бўлмади. Уруш тамом бўлиши олдида, Берлин яқинида Анатолийга эрталаб хат ташлаган эдим, эртасига дарров жавобини олдим. Фаҳмимча, Германия пойтахтига ўғлим ҳам, мен ҳам ҳар хил йўллар билан келибмизу, лекин бир-биримизга яқин жойдан чиқиб қолибмиз. Қачон дийдор кўришамиз деб ичим пишади, икки кўзим йўлида. Ахир дийдор ҳам кўришдик... Худди 9 май куни эрталаб, Ғалаба куни немис снайпери Анатолийимни отиб ўлдирди...

Чошгоҳдан кейин ротамизнинг командири мени олди-га чақирди. Қарасам, ёнимда мен танимайдиган бир артиллерия подполковниги ўтирибди. Мен ичкарига кириб борганимда, у ўзидан унвони баланд командирни кўргандай, сапчиб ўрнидан турди. Рота командиримиз: «Сенинг олдинга келибдилар, Соколов», — деди-ю, ўзи юзини дераза томонга ўгириб олди. Баданимдан электр токи ўтгандай бўлди, бирон фалокат юз берганини юрагим сезиб қолди. Подполковник ёнимга келиб: «Ўзингни дадил тут, ота! Ўғлинг капитан Соколов бугун батарея ёнида ҳалок бўлди. Юр мен билан, ҳозир ўша ёққа борамиз!» — деди.

Мен гандирақлаб кетдим, лекин йиқилмадим. Мана энди подполковник билан бир каттакон машинага тушиб борганимизни, вайрона кўчалардан зўрға йўл топиб ўтганимизни, сафга тизилган солдатларни, қизил бахмал ёпилган тобутни — худди тушда кўргандай аранг эслайман, эслай-

ману, лекин Анатолийни ҳали-ҳали худди ҳозир сени кўриб тургандай кўриб тураман, оғайни... Тобут ёнига келдим. Унда ўғлим ётибди, лекин бир оз ўхшамайди. Менинг ўғлим — ҳар маҳал кулимсираб турган, елкалари камбар, нозик бўйни, кекирдаги ўйнаб чиққан ўспирин эди. Бу ерда эса елкалари кенг, чиройли, ёш бир йигит ётибди: кўзлари ярим юмук, худди менинг ёнимдан комаълум узокларга қараб тургандай. Фақат лабларининг бурчида кулгиси ўз изини қолдириб кетибди... Ўғлим Толк шу кулгиси билан бир маҳаллар хаёлимга ўрнаб қолган эди... Мен ўғлимни ўпиб, бир четга чиқиб турдим. Подполковник нутқ сўзлади. Анатолийнинг ёру дўстлари кўз ёшларини тўқдилар, менинг эса кўзимга ёш ҳам келмади, чамаси, кўз ёшларим қалбимга сингиб кетган бўлса керак. Қалбимнинг оғриғи балки шундандир?..

Ўзимнинг энг сўнги қувонч ва умидимни ўзгалар юртига, немис тупроғига дафн этдим. Ўғлимнинг батареяси ўз командирини олис йўлга кузатиб ўк узди. Ана шунда томирим худди узилиб кетгандай бўлди... Қисмимга мен доғи ҳасратда куйиб, нест бўлиб келдим. Лекин орадан кўп ўтмай армия хизматидан бўшадим. Энди қайёққа бораман? Нахотки Воронежга қайтсам? Ҳеч-да! Бир маҳал Урюпинскда турувчи ошнам эсимга тушиб қолди. У ярадорлиги туфайли қишда армиядан бўшаб кетган эди. Ана шу ошнам бир вақтлар мени ўз юртига таклиф қилувди. Шу эсимга тушди-ю, тўғри Урюпинскка жўнаб кетдим.

Ошнам билан хотини бефарзанд бўлиб, шаҳар четида туришар экан. Ошнам инвалидликка чиққан бўлса ҳам, лекин авторотада ишлар экан, мен ҳам ўша ерга ишга кирдим. Мен ошнамнинг уйига қўндим, улар менга жой қилиб беришди. Биз районларга ҳар хил юклар ортиб борар, кузда эса галла ташир эдик. Хув анови қумда ўйнаб юрган янги ўғлим билан ўша маҳаллар танишганман.

Гоҳи кунлари рейсдан шаҳарга қайтасану, энг аввал қиладиган ишинг — қорни ғами бўлади, ошхонага кирсан, албатта. Хордиқдан чиқиш учун юз грамм отиб ҳам оласан. Гапнинг ростини айтсам, бу лаънати ичкиликка ўша маҳаллар жуда ёмон берилиб кетган эдим... Кунлардан бир кун мана шу болани ошхонанинг олдида кўриб қолдим, эртасига яна ўша ерда кўрдим. Ўзи кичкинагина, усти боши хароб: бутун юзига тарвуз шираси ёпишган, ширага чанг ўтирган, ҳамма ёғи кир, сочлари тароқ кўрмаган, кўзчалари эса ёмғирдан кейинги кеча юлдузчаларидай чакнайди! У менга шунақаям ёқиб қолдики, тавба, кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Рейсдан келдим дегунча ўшани кўр-

гани югураман. Унинг куни ҳар вақт ўша ошхона ёнида ўтар, одамларнинг хайри-эҳсони билан тирикчилик қилар эди.

Тўртинчи куни совхоздан ғалла юклаб қайтдим, машинани тўғри ошхона томонга бурдим. Бола фақир эшик олдида оёқларини ўйнатиб ўтирибди. Афтидан, жудаям оч кўринди. Кабина ойнасида калламни чиқардим-да: «Ҳой, Ванюшка! Чик машинага, тез бўл, элеваторга борамиз, у ёқдан қайтиб келганимиздан кейин шу ерда бирга овқатланамиз!»— деб қичқирдим. У менинг товушимни эшитиб сесканиб кетди, эшик зинапоясидан сакраб тушди-да, машина зинасига осилиб чиқиб, паст овоз билан: «Менинг отим Ванялигини қаердан биласиз, амаки?»— деб сўради, кейин кўзчаларини чақчайтириб, мени қандай жавоб берар экан деб кутиб турди. Мен ўзимнинг кўпни кўрган киши эканлигимни, ҳамма нарсани билишлигимни айтдим.

Сўнг кабинанинг ўнг эшигини очиб, уни ёнимга ўтқазиб олдим-да, машинамни ҳайдаб кетдим. Шундай шўх бола нимагадир бирдан жим бўлиб қолди: ҳадеб ниманидир ўйлайди ва юқорига қайрилган узун киприклари тагидан менга караб-караб кўяди, хўрсинади. Ўзи муштумдагу, хўрсинишни билиб олгани қизиқ! Болага ким кўйибди экан хўрсинишни? Мен ундан: «Отанг қаерда, Ваня?»— деб сўрадим. У менга: «Фронтда ҳалок бўлган»,— деди шипшиб. «Ойингчи?» «Ойимни поездда келаётганимизда бомба тушиб ўлдирган». «Қаердан келаётган эдинглар?» «Қайдам, эсимдан чиқиб қолди...» «Бу ерда ҳеч қариндошинг йўқми?» «Ҳеч кимим йўқ». «Бўлмаса кечалари қаерда ётасан?» «Тўғри келган ерда».

Кўзимга аччиқ ёш келди. Мен шунда ўзимга: «Икковимиз айри-айри яшаб бўпмиз! Уни ўғил қилиб олганим бўлсин!»—деб аҳд қилдим. Аҳд қилдим, бирдан кўнглим енгил тортиб, кўз ўнгим ёришиб кетди. Сўнг унга хиёл энгашиб: «Ванюшка, биласанми, мен кимман?»—деб сўрадим секингина. У ҳам шивирлаб: «Кимсиз?»—деб сўради. Мен унга яна боягидай паст овоз билан: «Отанг бўлман»,—деб айтдим.

Ё парвардигор, нималар бўлмади шунда! Бирдан бўйнимга осилди, бетларимдан, лабларимдан, пешонамдан чўлп-чўлп ўпа бошлади, ўзи эса худди кичкина сивизгадай, жарангдор овоз билан шунақаям чинқирдики, ҳатто кабина ичида ҳам кулоқларимни тешгудек бўлди: «Айланай, дада-жон! Мени бир кун эмас бир кун ахир топиб олишингни билардим! Билардим! Албатта топиб оласан, деб ишонардим! Қачон топиб олар экансан, деб кўпдан бери ўйлаб юрар-

дим», — деди-ю, менга ёпишиб олди. Ўзи-чи, худди шамолда қолган нозик ниҳолдай, дир-дир титрайди. Кўзларимнинг олдини куюқ туман босди, қўлларим титради... Қандай қилиб рулни қўлдан чиқариб юбормаганимга хайронман! Шундай бўлса ҳам йўл бўйидаги чуқурликка машинамни беҳосдан тушириб юбордим-да, моторни ўчирдим. Кўз ўнгимдаги туман тарқалмагунча, битта-яримтани бостириб кетаманми деб, машинани юргизишдан кўрқдим. Шу қабилда беш минутча турдим, ўғилчам бўлса кучининг борича менга ёпишарди, индамаса ҳам дағ-дағ титрар эди. Мен уни ўнг қўлим билан кучоқлаб секин ўзимга тортдим, чап қўлим билан эса машинани орқага кайтардим, уйимга қараб жўнадим. Шундай пайтда элеваторга бало борми, кўнгилга элеватор сиғадими!

Машинани дарвоза олдида тўхтатдим-да, янги ўғилчамни қўлга олиб, уйга қараб юрдим. У қўлчалари билан бўйнимдан маҳкам кучоқлаб олиб, то уйга киргунимизча бўшатмади. Соқолим ҳам қирилмаган эди. Шу десанг, юзини юзимга маҳкам босиб олибди, кўрсанг ёпишиб қолганми дейсан. Мен уни уйга шу алфозда олиб кирдим. Ошнам ҳам, хотини ҳам уйда экан. Ичкари кирдим, уларга кўзимни қисиб қўйиб: «Мана, ўғлим Ванюшкани топиб олдим! Қани, бизни кутиб олинглар, яхшилар!» — дедим дадил. Уларнинг ўзлари ҳам тирноққа зор эмасми, нима гаплигини дарров пайқашиб, парвона бўла қолишди. Мен бўлсам ўғлимни ўзимдан ҳеч ажрата олмайман. Кейин бир амаллаб йўлга солдим. Қўлларини совун билан ювиб, стол ёнига келтириб ўтказдим. Ошнамнинг хотини ўғлимга бир тарелкада карам шўрва олиб келиб берди. Кейин ўғлимнинг шўрвани жуда ҳам очкўзлик билан ичаётганини кўриб, хотин бояқишнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкила бошлади. Ўзи печка ёнида-ю, фартуғи билан кўзларини яшириб йиғлар эди. Ванюшкам унинг пиқ-пиқ йиғлаётганини кўрди-ю, югуриб келиб этагидан тортди-да: «Нимага йиғлаяпсиз, хола, дадам мени ошхона ёнидан топиб олди, энди ҳаммамиз суюнишимиз керак, сиз бўлсангиз йиғлайсиз», — деди. Хотин шўрлик бу сўзни эшитиб, худонинг ўзи тўзим берсин, яна бешбаттар йиғлаб юборди.

Овқатдан кейин ўғлимни сартарошхонага олиб бориб, сочларини олдирдим. Уйга қайтиб келганимдан кейин тоғорада ўзим яхшилаб чўмилтирдим, сувдан чиқариб тоза чойшабга ўрадим. Ўғлим мени яна кучоқлаб олди ва шу кўйи қўлимда ухлаб қолди. Мен уни секин каравотга

ётқиздим-да, ўзим элеваторга жўнадим. Ғаллани элеваторга тўқдим, машинани базага келтириб қўйиб, магазинма-магазин нарса излай бошладим. Ўғлимга мовут шим, кўйлак, сандал ва шапка сотиб олдим. Лекин ҳеч қайси бўйига лойик келмади, сифатининг ҳам мазаси йўқ экан. Мовут шим олганим учун ошпамнинг хотини мени койиб ҳам берди: «Нима бало, жинни-пинни бўлганмисиз? Шундай саратонда ҳам ёш болага мовут шим кийгизадими ҳеч!» — деди. Ана шундан кейин тикув машинасини даст кўтариб келиб столга қўйди-ю, сандиғини кавлаштириб кетди. Хуллас, бир соат ичида Ванюшкамга сатин трусик билан енги калта оқ кўйлак тикиб берди. Кечаси Ванюшка билан бирга ётдим ва узоқ вақтлардан бери биринчи марта фақат ўша куни тинч ухладим. Шундай бўлса ҳам кечаси тўрт мартача уйғондим. Бир вақт уйғониб қарасам: хашак тағига кириб ётган чумчукка ўхшаш, ўғлим биқинимга кириб пишиллаб ухлаб ётибди. Кўриб шунчалар кўнглим тўлдики, буни асло сўз билан айтиб беролмайман! Уйғотиб юбормайин деб қимир этгинг келмайди, шундай бўлса ҳам чидаёлмай секин ўрнингдан турасан-да, гугурт чакиб уни томоша қиласан...

Тонготар олдида уйғондим. «Нимага шунчалик нафасим сиқилдийкин?» — деб хайрон бўлдим. Қарасам: ўғлим чойшабдан чиқиб, кўндалангчасига чўзилиб ётибди, бир оёғи томоғимда: у мана шунақа бесаранжом ётиб, одамни кийнаб юборади, шундай бўлса ҳам мен ўрганиб қолганман, усиз ётсам — ётгандай бўлмайман. Негаки, кечаси ухлаб ётганда гоҳ у ер-бу ерини силайсан, гоҳ тўзғиб ётган сочларини хидлайсан. Ана шунда ором оласан, юрагинг бўшалади, шундай қилмасам бўлмайди — юрагим доғ-ҳасрат ичида эзила-эзила тошга айланиб кетган...

Дастлабки вақтларда у мен билан машинада қатнаб юрди, кейин ўйлаб кўрсам, буниси тўғри келмас экан. Дарҳақиқат, бир ўзим бўлсам оғирим қанча? Бир буханка нону, бир бош пиёз билан туз бўлса бас-да, — куни билан қорним тўқ. У билан юрсам-чи — иш бўлакча: унга ҳали сут топ, ҳали тухум пишир, бунинг устига иссиқ овқат бўлмаса тағин бўлмайди. Иш ҳам шитоб, буни ҳам пайсалга солиб бўлмайди. Бир куни ўзимни қўлга олдим, ўғлимни ошпамнинг хотинига ташлаб кетдим. Бола фақир кечга довор йиғлабди, кечқурун эса мени кутгани элеваторга қочиб кетибди. Ўша ерда ярим кечагача мени пойлаб ўтирибди.

Дастлабки вақтлари у билан жуда қийналдим. Бир куни

ирода кишиси ўзини ростлаб олади ва ёнидаги болани оталик меҳри билан ўстириб улғайтиради, вояга етказди, кейин у ватани чорлаган йўлда учрагуси ҳар қандай қийинчиликларга чидайди, уларни енгади, деб ўйлагинг келади.

Мен юрагимда оғир дард билан уларнинг орқаларидан қараб қолдим... Бизнинг ўша ажралишимизда ҳамма нарса ўз изига тушиб кетса ажаб эмас эди, бироқ Ванюшка бир неча қадам юргандан кейин нозик оёқларини чалиштириб менга юзини ўгирди-ю, пуштиранг кўлчасини силтаб хайрлашди. Ана шунда юмшоқ, лекин тирноқли бир чангал қалбимни бирдан сиқди, мен апил-тапил юзимни ўгириб олдим. Йўқ, уруш йилларида соч-соқоллари оқариб кетган катта ёшли одамлар тушларидагина йиғлашмайди, балки ўнгларида ҳам йиғлашади. Бунда энг муҳими — ўз вақтида юз ўгириб олишда. Бунда энг муҳими — боланинг кўнглини чўқтирмасликда, ёндирувчи хасис эркак ёши бетингдан оқиб тушаётганини унга сездириб қўймасликда...

1956

## МУНДАРИЖА

Михаил Шолохов. <i>О. Шарафиддинов</i> .....	5
Хол. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	13
Подачи. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	23
Озуқа комиссари. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	35
Шибалокнинг фарзанди. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	41
Алёшканинг қалби. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	47
Полиз қоровули. <i>Х. Аҳророва таржимаси</i> .....	63
Зумраша. <i>М. Усмои таржимаси</i> .....	76
Гирдоб. <i>М. Усмои таржимаси</i> .....	104
Аёлманд одам. <i>М. Усмои таржимаси</i> .....	121
Республика реввоенсовети раиси. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	129
Эгри йўл. <i>М. Мирзоидов таржимаси</i> .....	129
Тойчоқ. <i>С. Анорбоев таржимаси</i> .....	129
Нуқсон. <i>М. Исломов таржимаси</i> .....	137
Лолазор дашт. <i>О. Шаронов таржимаси</i> .....	151
Батрақлар. <i>М. Мирмухамедов таржимаси</i> .....	161
Тутинган ўғил. <i>М. Мирзоидов таржимаси</i> .....	206
Ниятдошлар. <i>М. Мирзоидов таржимаси</i> .....	227
Нафрат мактаби. <i>М. Мирзоидов таржимаси</i> .....	233
Инсон тақдири. <i>М. Исмоилий таржимаси</i> .....	250

На узбекском языке

*Шедевры мировой литературы*

МИХАИЛ ШОЛОХОВ

СУДЬБА ЧЕЛОВЕКА

Рассказы

---

Переиздание

«ЖАД» нашри учун масъуллар:

Ш. Усмонхўжаев

В. Барсукова

С. Азимова

Редактор *М. Аҳмедова*

Рассом *М. Карпузас*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *М. Мирражабов*

Корректор *О. Турдибекова*

ИБ № 3821

Босмахонага берилди 23.09.87. Босишга рухсат этилди 15.04.88. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Босмахона қоғози № 1. Тип «Таймс» гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 15,12.  
Шартли кр.-оттиск. 15,12. Нашр л. 16,18. Тиражи 30000. Буюртма № 1073. Баҳоси 1 с. 60 т.  
Шартнома № 110—87

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот»  
полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент 700129. Навоий  
кўчаси, 30.